

Тақийюдин Набаҳоний

**ИСЛОМДА
ИЖТИМО
НИЗОМИ**

**ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН**

1433ҳ - 2012м

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида курсив қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷻ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анҳу/анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

Тақийюддин Набаҳоний. Исломда ижтимо низоми

Ўзбек тилидаги учинчи нашри

Тузатилган олтинчи нашрдан таржима қилинди

1433 ҳижрий - 2012 милодий йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿يَأْتِيهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا
زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ
وَالْأَرْحَامَ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾ ۖ وَءَاتُوا الْيَتَامَىٰ أَمْوَالَهُمْ ۖ وَلَا
تَتَبَدَّلُوا الْخَبِيثَ بِالطَّيِّبِ ۖ وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَىٰ أَمْوَالِكُمْ ۚ إِنَّهُ كَانَ حُوبًا
كَبِيرًا ﴿٢﴾ ۖ وَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَقْسِطُوا فِي الْيَتَامَىٰ فَانكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ
النِّسَاءِ مَثْنَىٰ وَثُلَّةَ وَرُبْعَ ۖ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً أَوْ مَا مَلَكَتْ
أَيْمَانُكُمْ ۚ ذَلِكَ أَدْنَىٰ أَلَّا تَعُولُوا ﴿٣﴾ ۖ وَءَاتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً ۚ فَإِنْ
طِبْنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِيئًا مَّرِيئًا ﴿٤﴾ ۖ وَلَا تُوْتُوا السُّفَهَاءَ
أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَمًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ
قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٥﴾ ۖ وَابْتَلُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنَّ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ
رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ ۖ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبَرُوا ۚ وَمَنْ
كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ ۖ وَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ ۚ فَإِذَا دَفَعْتُمْ
إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهَدُوا عَلَيْهِمْ ۚ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ حَسِيبًا ﴿٦﴾﴾

– „Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Хаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда қузатувчи бўлган зотдир. (Вояга етганларидан кейин қўл остингиздаги) етимларга молларини берингиз ва сиз учун нопок бўлган (етимларнинг молларини ўзингизнинг ҳаққингиз бўлган) пок нарсага алмаштириб олмангиз! Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб емангиз! Зеро, бу катта гуноҳ бўлган ишдир. Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир. Хотинларингизга махрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгишдан, мамнунлик билан) берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у махрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар. (Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз, балки уларни ўша моллардан едириб-кийдиринг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг! Етимларни то балозат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текишириб) турунглари. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар. (Етимни оталиққа олган киши) агар бой бўлса, (етимнинг молидан) парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Аллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир“.

[4:1-6]

Мундарижа

Кириш оятлари	3
Ижтимоий низом муқаддимаси	5
Аёл ва эркак.....	13
Эркак ва аёл уртасидаги алоқаларга қарашнинг таъсири	18
Аёл ва эркак уртасидаги алоқаларни тартибга солиш.....	23
Хос ҳаёт.....	29
Исломий ҳаётда эркаклар аёллардан ажратилишининг вожиблиги	34
Аёлга қараш	37
Муслима аёл юзини ёпиши вожиб эмас.....	54
Аёл ва эркак шаръий бурчлар олдида.....	74
Аёлнинг ишлари	84
Исломий жамоат	96
Никоҳ	108
Маҳрам аёллар.....	124
Купхотинлик	130
Расулуллоҳ ﷺнинг уйланишлари	139
Эр-хотинлик ҳаёти.....	149
Азл	157
Талоқ	165
Насаб	175
Лаънатлашиш.....	178
Отанинг валийлиги	182
Ёш болани кафиликка олиш	183
Қариндош-уруғчилик	188

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ИЖТИМОЙ НИЗОМ МУҚАДДИМАСИ

Кўп одамлар ҳаётнинг барча низомларига «ижтимоий низом» иборасини қўллайдилар. Бундай қилиш хатодир. Зеро, ҳаёт низомлари аслида жамият низомлари бўлиб, уларни «жамият низомлари» дейиш ўринли бўлади. Жамият низомлари - жамланишлари ёки тарқоқликларидан қатъий назар - муайян жамиятда яшаётган одамлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солади. Ҳаёт низомларида одамларнинг жамланиши (ижтимоий) эмас, балки уларнинг ўрталаридаги алоқалар кўзда тутилади. Алоқалар бир неча хил бўлишига қараб низомлар ҳам турлича бўлади. Улар иқтисод, бошқарув, сиёсат, таълим, жазо чоралари, муомалалар, баййинотлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундай низомларга «ижтимоий низом» иборасини қўллаш ноўрин ва номувофиқдир. Бундан ташқари, «ижтимоий» сўзи «низом» сўзининг сифатини билдирганлиги туфайли бу низом жамланишдан пайдо бўладиган муаммолар ёки алоқаларни тартибга солиш учун тузилмоғи зарур бўлиб қолади. Эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан жамланишидан низомга муҳтож бўладиган муаммо ва алоқалар пайдо бўлмайди. Балки улар, гарчи жамланмасалар-да, бир юртда яшаганликлари туфайли, ўрталаридаги манфаатларни тартибга солиш масаласи низомга муҳтож бўлади. Эркакнинг аёл билан, аёлнинг эркак билан жамланишидан эса муаммо ва алоқалар келиб чиқади. Мана шу муаммо ва алоқалар уларни тартибга соладиган низомга муҳтождир. Бундай жамланишга «ижтимоий низом» иборасини қўллаш ўринли бўлади. Чунки бу низом ҳақиқатда ҳам эркак билан аёл ўртасидаги жамланишни ҳамда бу жамланишдан келиб чиқадиган алоқаларни тартибга солади.

Шунинг учун ижтимоий низом аёлнинг эркак билан, эркакнинг аёл билан жамланиши тартибини баён қилиб берувчи низомга чеклангандир. Бу низом эркак ва аёлнинг жамиятдаги манфаатларидан эмас, балки уларнинг жамланишларидан пайдо бўладиган алоқани тартибга солади ва бу алоқа натижасида пайдо бўладиган барча ҳолатларни баён қилиб беради. Масалан, аёл билан эркак, эркак билан аёл ўртасидаги савдо-сотиқ иши жамият низомларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий низом доирасига кирмайди. Балки у иқтисодий низом доирасидаги ишдир. Эркак бегона аёл билан хилватда (холи) қолишининг ман этилиши ёки аёл ўзини талоқ қилиш ҳуқуқига қачон эга бўлиши ёки гўдакни боқишга

аёл қачон ҳақли бўлиши каби масалалар ижтимоий низом доирасидаги масалалардир. Шунга кўра, ижтимоий низомнинг таърифи қуйидагича бўлади: Ижтимоий низом аёл билан эркакнинг, эркак билан аёлнинг жамланишини ҳамда бу жамланишдан пайдо бўладиган алоқани ва бу алоқадан келиб чиқадиган барча ҳолатларни тартибга соладиган низомдир.

Одамлар, хусусан мусулмонларнинг Ислолдаги ижтимоий низом ҳақидаги тушунчалари ноаниқ бўлиб қолган эди. Улар Ислом фикрлари ва ҳукмларидан узоқлашганликлари туфайли ижтимоий низом хусусидаги Ислом ҳақиқатидан ҳам ниҳоятда узоқлашиб кетдилар. Оқибатда уларнинг бир қисми йўлни ортиқ даражада кенг оладиган, яъни эркак билан истаганча хилватда қолиш, хоҳлаган кийимини кийиб, авратлари очиқ ҳолда кўчага чиқиш каби амаллар аёлнинг ҳуқуқи, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Бир қисми эса йўлни ниҳоятда тор олиб, аёлнинг тижорат ва зироат билан шуғулланишга, эркак билан жамланишга мутлақо ҳаққи йўқ, аёлнинг юзи, кафтларидан тортиб бутун бадани аврат, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Йўлни бундай кенг ва тор олиш оқибатида ахлоқ тубанлашди, фикрлаш қотиб қолди. Бунинг натижасида эса ижтимоий жиҳатга путур етди, Исломиёи оила тинчини йўқотди, унинг аъзоларига норозилик ва нафратланиш руҳи ҳукмрон бўлиб қолди, оиладагилар ўртасида жанжал ва ажралишлар кўпайди. Шундан кейин барча мусулмонларнинг қалбларини оилани бирлаштириш ва бахт-саодатини таъминлашга бўлган эҳтиёж туйғуси тўлдира бошлади. Кўпчиликнинг хаёлини бу жиддий муаммонинг ечимини излаш банд эта бошлади. Бу ечимнинг турли кўринишларини намоён қилган ҳар хил уринишлар бўлди. Ижтимоий ечимни баён қилган асарлар ёзилди, шаръий маҳкамалар ва сайлов қонунларига ўзгартиришлар киритилди. Кўп одамлар ўз оилаларидаги хотинларига, опа-сингилларига, қизларига ўз раъйларини татбиқ этишга уриндилар. Мактаб ва мадраса низомларига эркаклар билан аёллар аралаш бўлиши жиҳатидан ўзгартиришлар киритилди. Мазкур уринишлар мана шундай кўринишларда намоён бўлди. Лекин бу шахсларнинг бирортаси ҳам муаммони ечиш бахтига муяссар бўлмади, ижтимоий низом сари йўллана олмади. Улар ўзлари ҳис қилаётган ислоҳ йўлини топа олмадилар. Чунки икки жинс - эркак ва аёл алоқаси масаласи аксар мусулмонларга қоронғу эди. Улар Умнатнинг тузалишига сабаб бўладиган ушбу икки жинс ҳамкорлигининг тариқатини билмас эдилар. Дарҳақиқат, эркакнинг аёл билан жамланишига тааллуқли Ислом фикрлари ва ҳукмларини умуман билмаганликлари туфайли ечим тариқати атрофидаги нарсалар ҳақида баҳслашиб-тортишар,

унинг ҳақиқатини ўрганишдан эса йироқда эдилар. Уларнинг бу уринишлари оқибатида безовталиқ, беқарорлик кучайиб кетди. Ўз хусусиятлари билан ажралиб турадиган Уммат сифатидаги Ислому Умматининг вужудига хавф солувчи жарлик пайдо бўлди. Исломию хонадон Ислому табиатини йўқотиши хавфи туғилди. Исломию оила устида эса Ислому фикрлари билан чароғон бўлиб туришига раҳна солувчи, Ислому ҳукмлари ва раёларини ўз ўрнига қўйишдан узоқлаштирувчи хатар пайдо бўлди.

Бу фикрий беқарорликнинг ва тушунишда тўғри йўлдан оғишнинг сабаби Фарб ҳазоратининг бизга қарши олиб борган бузғунчи ҳужумига бориб тақалади. Фарб бу билан фикрлашимиз ва завқимизга бутунлай ҳукмрон бўлиб олиб, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларимизни, қалбларимизга чуқур ўрнашган Исломуни ҳимоя қилишимиз ва қадриятларимизни улуглаш каби ўлчов ва қаноатларимизни ўзгартириб юборди. Фарб ҳазоратининг устимиздан қилган ғалабаси ҳаётнинг ҳамма соҳаларини, шу жумладан ушбу ижтимоий жиҳатни ҳам қамраб олган эди.

Бунга сабаб - Фарб ҳазорати Ислому юртларида намоён бўлиб, ўзининг маданий шакллари ва моддий тараққиётини намоёиш этганда кўпчиликнинг кўзини қамаштирди. Одамлар бу маданий шаклларга тақлид қила бошладилар ва бу ҳазоратни олишга интила бошладилар. Чунки тараққиётни кўрсатиб турувчи бу маданий шаклларни мана шу ҳазорат эгалари, унга даъват қилаётган шахслар ишлаб чиққан эдилар. Шу туфайли мусулмонлар Фарб ҳазорати билан маданий шакллар ўртасидаги фарқни ажратмай, Фарб ҳазоратига кўр-кўрона тақлид қила бошладилар. Улар ҳазорат - ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуи ва муайян яшаш тарзи эканини англаб етмадилар. Шунингдек, улар маданият - ҳаёт тушунчалари ва яшаш тарзидан қатъий назар, ҳаёт ишларида воситалар, асбоблар сифатида ишлатиладиган, ҳис қилинадиган моддий шакллар эканини идрок етмадилар. Бундан ташқари, улар Фарб ҳазорати Ислому ҳазорати асосига бутунлай зид бўлган асосга бино бўлганини, ҳаётни тасвирлашда ва инсон амалга ошириш учун ҳаракат қиладиган «бахт» тушунчасида ҳам Ислому ҳазоратидан кескин фарқ қилишини идрок етмадилар. Ислому Уммати Фарб ҳазоратини қабул қилиши асло мумкин эмаслигини, бирор юртда Ислому Умматидан бирор жамоат бу ҳазоратни қабул қилса, Ислому Умматининг бир қисми бўлишда давом этиши мумкин эмаслигини ёки Исломию жамоат деган сифатдан маҳрум бўлиб қолишини тасаввур ҳам қила олмадилар.

Ислому ҳазорати билан Фарб ҳазорати ўртасида моҳият жиҳатидан қарама-қаршилик борлигини англаб етмаслик кўчирмачилик ва

тақлидга олиб келди. Китобдан нусха кўчираётган одам маъносига эътибор бермай, сўзлар ва ҳарфларни кўчириш билан овора бўлгани каби, кўпчилик мусулмонлар ҳам тушунмай-нетмай Ғарб ҳазоратини кўчиришга киришиб кетдилар. Уларнинг баъзилари эса Ғарб ҳазоратига унинг тушунчалари ва ўлчовларини қабул қилиш билан тақлид қила бошладилар. Улар бу тушунча ва ўлчовларнинг оқибатлари ҳақида ўйлаб ўтирмадилар. Дарҳақиқат, бу мусулмонлар Ғарб жамиятида аёл эркак билан тенг мақомда туришини, улар ўртасидаги фарққа ва бу тенгликдан келиб чиқадиган оқибатларга эътибор берилмаслигини кўрдилар. Ғарб аёлида маданий шакллар намоён бўлаётганини, Ғарб аёлининг ўзи ҳам маданий шаклларни намойиш қилаётганини кўриб, унга тақлид қилдилар ёки тақлид қилишга уриндилар. Лекин бу шакллар Ғарб ҳазоратига, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига, ҳаётни тасвирлашига мос келишини, Ислом ҳазоратига, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига ва ҳаётни тасвирлашига асло мос келмаслигини англаб етмадилар. Ғарб аёлида намоён бўлаётган ва унинг ўзи намойиш қилаётган шакллардан келиб чиқадиган ишларга ҳеч қандай эътибор бермадилар. Ҳа, улар бу ҳолатларни кўришгач, ҳар қандай натижалардан қатъий назар, муслима аёл ҳам жамиятда ва жамланишда эркак билан ёнма-ён туриши керак, деб эътиқод қила бошладилар. Қандай муаммо ва ишлар келиб чиқишидан қатъий назар, муслима аёлда ҳам ғарбий маданий шакллар намоён бўлиши, унинг ўзи ҳам ғарбий маданий шаклларни намойиш қилиши керак, деб ўйладилар. Шу тўғрисида муслима аёлнинг шахсий эркинлигини таъминлаш ва унга истаган ишини қилиш ҳуқуқини беришга чақирдилар. Бундан келиб чиқиб, бирор эҳтиёж бўлмаса ҳам аёлнинг эркак билан аралашшига, очиқ-сочиқ юришига, зийнатларини кўрсатишга, аёлнинг ҳокимиятга бошчилик қилишига чақирдилар. Бу ишларни тараққиёт деб, уйғониш аломати, деб ҳисобладилар.

Ушбу кўчирмачи-тақлидчиларнинг шахсий эркинлик масаласида ўзларига бутунлай эрк беришлари ишни баттар ёмонлаштирди. Бунинг оқибатида жамиятда эркак билан аёлнинг аралашшига бирор эҳтиёж бўлмаса ҳам, аёлнинг эркак билан учрашишини тақозо этадиган эҳтиёж бўлмаса ҳам, аёл эркак билан шунчаки шахсий эркинликдан баҳраманд бўлиш учун бевосита учрашадиган бўлиб қолди. Шунчаки, фақатгина шахсий эркинликлардан баҳраманд бўлиш учун икки жинс ўртасидаги бу учрашишларнинг Ғарб раъйларига ўйламай-нетмай юзланган мазкур кўчирмачи-тақлидчилар табақасига хунук асорати юзага келди. Бу хунук асорат тўғрисида аёл билан эркак ўртасидаги алоқа фақат эркаклик ва аёллик алоқаларига чекланиб қолди. Хунук асорат бу табақадан

жамиятдаги бошқа табақаларга ҳам ўтди. Бу алоқа ҳаёт майдонида эркак билан аёл ўртасида бирор ҳамкорликни пайдо қилмади. Балки ахлоқий тубанликни, хотинларнинг безаниб, турмуш ўртоғи ёки маҳрами бўлмаган бегоналарга зеб-зийнатлари ва гўзалликларини намоён этишларини келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида мусулмонларнинг фикрлаши тўғри йўлдан тойди, завқлари бузилди, ишончларига путур етди, миқёс-ўлчовлари вайрон бўлди. Ғарбдаги ижтимоий жиҳат сеvimли намуна, Ғарб жамияти эса ўлчов қилиб олинди. Бироқ, ушбу Ғарб жамияти эркаклик ва аёллик алоқаларини аҳамиятсиз бир иш ҳисоблаши ва бунда намунали яшаш тарзига нисбатан бирор уятсизлик, бузуқлик ёки зиддиятни ҳамда ахлоққа зарар ёки хатарни кўрмаслиги эътиборга олинмади. Ислом жамиятининг эса бу соҳадаги қарашлари Ғарбникидан тубдан фарқ қилиши, унга бутунлай қарама-қарши эканлигига эътибор берилмади. Зеро, Ислом жамияти эркаклик ва аёллик алоқаларини дарралаш ёки тошбўрон қилишдек қаттиқ жазо белгиланган катта гуноҳ, деб ҳисоблайди. Бундай бузуқликни қилган кимсаларни ҳазар қилинадиган, нафрат билан қараладиган тубан кимсалар, деб ҳисоблайди. Номус ҳимояланиши вожиблигини - орага ҳеч қандай гап сизмайди оддий ҳақиқат, деб билади. Уни ҳимоя қилиш йўлида чин юракдан қаттиқ интилиб, молу жон сарфланиши керак, деб ҳисоблайди. Бундан бош тортишда эса ҳеч қандай узр ва баҳоналарни қабул қилмайди.

Ҳа, бу кўчирмачи-тақлидчилар иккала жамият ўртасидаги фарқни, икки ҳолат ўртасидаги улкан тафовутни мулоҳаза қилмадилар. Шунингдек, Исломий ҳаёт ва шаръий ҳукмлар улардан талаб қиладиган ишларни ҳам мулоҳаза этмадилар. Кўчирмачилик ва тақлид қилишга шундай берилдиларки, охири «аёлнинг уйғониши» даъватига батамом эркинлик тўнини кийгизиб, ёмон хулқ билан сифатланишга бепарво бўлдилар. Бу кўчирмачи-тақлидчилар «аёлни уйғотиш» ва «Умнатни уйғотишга ҳаракат қилиш» ниқоби остида мусулмонларнинг ижтимоий жиҳатини шу йўсинда вайрон қилишда давом этдилар. Бу кимсалар дастлаб озчилик эдилар. Умнат аввалига уларнинг даъватларидан асло рози бўлмади. Лекин Ислом юртларида капиталистик тузум татбиқ қилиниб, мустамлакачи кофирлар, кейинчалик эса уларнинг малайлари, уларнинг карвонида уларнинг кўрсатмалари билан юрадиган ҳокимлар томонидан бошқарила бошлагач, мазкур озчилик шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ва қишлоқ аҳолисининг бир қисмини ўзлари юрган йўлда юриш ҳамда Ғарб ҳазоратини кўчириб олиб, унга тақлид қилиш томон олиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Оқибатда Ислом шаҳарларининг кўп маҳаллаларидан Исломий қиёфа йўқолди. Бунда Истанбул, Қоҳира,

Тунис, Дамашқ, Карачи, Бағдод, Қуддус, Байрут шаҳарлари ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмади. Барчаси Ғарб ҳазоратини кўчириш ва унга тақлид қилиш йўлида юрадиган бўлиб қолди.

Бу фикрларга қарши курашиш учун бир гуруҳ мусулмонлар кўзғалиши табиий эди. Бу раъйларга қарши урушиш учун Исломот юртларидаги оммаю хосса оёққа туриши аниқ эди. Дарҳақиқат, бир гуруҳгина эмас, балки бир қанча гуруҳлар муслима аёлни муҳофаза қилиш, жамиятда фазилатларни асраб қолиш вожиблигига чақира бошладилар. Лекин улар Исломот низомларини тиниқ тушунмас, шаръий ҳукмларни аниқ билмас эдилар. Исломотий ақида асос эканлиги, шаръий ҳукмлар эса ўлчов эканлигини англамаган ҳолда ақл тўғри деб топган манфаатни баҳс учун асос, раъй ва нарсалар учун ўлчов қилиб олдилар ҳамда урф-одатларни, тақлид-анъаналарни сақлаб қолишга, ахлоқни маҳкам ушлашга чақирдилар. Аёлни ҳижоб билан беркитишга кўр-кўрона мутаассиблик билан ёндашиш шу даражага етиб бордики, улар аёл учун йўлни жуда тор қўйишни, уйдан чиқишига, ўз эҳтиёжларини ўзи қондириши ва ўз ишларини бевосита ўзи қилишига рухсат бермасликни кўтариб чиқдилар. Сўнгги даврлардаги фақиҳлар аёл учун беш хил авратни белгиладилар: намоздаги аврат, маҳрам эркаклар олдидаги аврат, номаҳрам эркаклар ҳузуридаги аврат, муслима аёллар ҳузуридаги аврат, кофира аёллар ҳузуридаги аврат. Бундан келиб чиқиб аёл бировни, биров аёлни кўришини ман қиладиган ёппа ҳижоб ўрашга чақирдилар. Аёлнинг ҳаётдаги ишларини бевосита ўзи бажаришини ман қилишга даъват қилдилар. Уни сайловда қатнашиш ҳуқуқидан ҳамда сиёсат, ҳукм юритиш, иқтисод ва ижтимо ҳусусида раъйи бўлишидан маҳрум қилиш ҳақида гапирдилар. Аёл билан ҳаёт ўртасига тўсиқ қўйиб, Аллоҳнинг баъзи оятларини фақат эркакларга хослаб қўйдилар. Расулulloҳ билан байъат чоғида аёллар қўл билан кўришганлари ҳақидаги, аёлнинг аврати ҳақидаги ҳадисларни шаръий ҳукм тақозо этадиган йўсинда эмас, аёлга нисбатан ўзлари хоҳлаётган қолипга мос келадиган тарзда таъвил қилдилар. Уларнинг бу даъватлари ва ҳаракатлари одамларни шаръий ҳукмлардан узоқлаштириб, мусулмонларга ижтимоий жиҳатни ноаниқ қилиб қўйди. Шу тўғрисида уларнинг раъйлари босқинчи фикрлар қаршисида туришга қодир бўлмади, шиддатли оқимни тўса олмади. Мусулмонлар ўртасида ижтимоий жиҳатни кўтаришга бирор таъсир кўрсатмади. Ҳолбуки, Уммат ичида илмда, билимдонликда аввалги мужтаҳидлар ва соҳиби мазҳаблардан қолишмайдиган олимлар мавжуд эди. Бирор умматнинг бойлиги тенглаша олмайдиган фикрий ва ташрибий (қонуншуносликка оид) бойлик мусулмонлар қўлида мавжуд эди. Мусулмонларнинг умумий ва хусусий кутубхоналарида бебаҳо

китоблар, асарлар тўлиб-тошиб ётган эди Ҳа, буларнинг барчаси кўчирмачи, тақлидчиларни адашишларидан қайтаришда, қотиб қолганларни мужтаҳид тўғри истинбот қилган Исломиё раёйга қаноатлантиришда - модомики бу раёй улар аёл учун хоҳлашаётган қолипга мос келмас экан - фойдаси бўлмади. Бунга сабаб шуки, ушбу кўчирмачи-тақлидчилар, қотиб қолганлар ҳамда олим ва талабалардан фикрловчи киши сифати йўқолган эди. Бунинг оқибатида улар воқеликни тушунмас ёки Аллоҳнинг ҳукмини фаҳмлаб етмас ёки тўла мувофиқликни пайдо қиладиган тарзда шаръий ҳукмларни воқеликка айнан татбиқ этиш орқали шаръий ҳукмларни фикран қабул қилмас эдилар. Шу туфайли Ислом ўлкаларидаги жамият икки фикр - қотиб қолиш ва тақлид қилиш ўртасида қолди. Ижтимоий жиҳат беқарор бўлиб қолди. Муслима аёл ҳайрон бўлиб қолди. Энди унинг олдида Ғарб ҳазоратини тушуниб етмай, моҳиятини англамай, у билан Ислом ҳазорати ўртасидаги зиддиятни билмаган ҳолда уни кўчириб олаётган безовта ва беқарор аёл бўлиш ёки ўзига ҳам фойдаси тегмайдиган, меҳнатидан мусулмонлар ҳам фойдалана олмайдиган қотиб қолган аёл бўлиш йўли турар эди. Буларнинг барига Исломиё фикрий равишда ўрганмаслик, Исломдаги ижтимоий низомни тушунмаслик сабаб эди.

Шунинг учун Исломдаги ижтимоий низомни тўлиқ ва атрофлича ҳамда чуқур ўрганиш зарур. Шундагина муаммо аёл ва эркакнинг жамланишида, бу жамланишдан пайдо бўладиган алоқа ва бу алоқадан келиб чиқадиган ишларда эканлиги англаб етилади. Мана шу жамланишни, ундан пайдо бўладиган алоқани ва бу алоқадан келиб чиқадиган ишларни муолажа қилиш талаб қилинаётгани маълум бўлади. Бу муолажани ақл кўрсатиб бера олмайди, балки шариат кўрсатиб беради. Ақлнинг вазифаси бу муолажани тушуниб етишдир. Бу муолажа Ислом буюрган муайян ҳаёт тарзига мувофиқ ҳаёт кечириётган муслима аёл ва муслим эркак учун берилган ечимдир. Улар Аллоҳ Қуръон ва суннатда буюрган мана шу ҳаёт тарзи асосидагина ҳаёт кечиришлари ва бу ҳаёт тарзи Ғарбнинг ҳаёт тарзига ва ота-боболарнинг урф-одат, тақлид-анъаналарига зид келиб қолишига асло эътибор бермасликлари зарур.

АЁЛ ВА ЭРКАК

Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿يَتَأْتِي النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاهُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاهُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا﴾

„Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик“. [49:13]

﴿يَتَأْتِي الْإِنْسَانُ مَا عَرَاكَ بِرَبِّكَ الْكَرِيمِ﴾

„Эй инсон, нима сени улуг Парвардигоринг ҳақида (Унга ибодат қилмасанг ҳам бўлаверади, деб) алдаб қўйди?!“ [82:6]

﴿قَتِلَ الْإِنْسَانُ مَا أَكْفَرَهُ ۚ مِنْ أَيِّ شَيْءٍ خَلَقَهُ ۗ ﴿٦﴾ مِنْ نُطْفَةٍ خَلَقَهُ فَقَدَرَهُ ۗ﴾

„Ҳалок бўлгур инсон-а! Бунчалар кофир бўлмаса! (Аллоҳ) уни қай нарсадан яратди ўзи?! Уни бир нутфадан яратиб, сўнг уни (нг она қорнидаги ривожини ва ой-қунини) белгилаб қўйди-ку!“ [80:17-19]

Аллоҳ инсонга таклиф (вазифа)лар билан хитоб қилди. Инсонни хитоб ва таклиф қаратилган ўрин қилди, шариатни инсон учун нозил қилди. Аллоҳ инсонларни қайта тирилтиради ва муҳосаба қилади. Жаннатга ҳам, дўзахга ҳам инсонни киритади. Бинобарин эркак ёки аёлни эмас, балки инсонни таклифлар ўрни қилди.

Аллоҳ инсонни ҳайвондан ажралиб турадиган муайян фитратда аёл ёки эркак қилиб яратди. Аёл ҳам, эркак ҳам инсондир. Улар инсонийликда бир-биридан фарқ қилмайдилар ва бу инсонийликда бир-бирларидан бирор нарсада ажралиб турмайдилар. Аллоҳ Таоло уларни инсон сифатида ҳаёт майдонига шўнғишга тайёрлаб, уларни битта жамиятда бирга яшайдиган қилиб қўйди. Инсон нави давом этишини уларнинг жамланишига, ҳар бир жамиятда мавжуд бўлишларига боғлиқ қилиб қўйди. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига барча инсоний хусусиятлардан ва ҳаёт асосларидан фойдаланадиган инсон сифатида баробар қараш лозим. Аллоҳ уларнинг ҳар бирида ҳаётий кучни яратди. Бу куч ҳар иккаласида бир хилда мавжуддир. Уларнинг ҳар бирида очлик, чанқаш, қазои-ҳожат каби узвий эҳтиёжларни ҳамда яшаш учун кураш, нав ва диндорлик ғаризаларини бир хилда мавжуд қилиб қўйди. Уларнинг ҳар бирига бир хилда фикрлаш қуввати ва ақл берди. Зеро, Аллоҳ ақлни эркак ёки аёл учун эмас, балки инсон учун яратган.

Бироқ, нав ғаризасини эркак бошқа эркак билан ёки ҳайвон билан ёки бошқа йўллар билан қондириши, аёл ҳам бошқа аёл билан ёки ҳайвон билан ёки бошқа йўллар билан қондириши мумкин бўлса-да, лекин унинг инсонда яратилишидан кўзланган мақсад фақат бир ҳолатда, яъни эркак бу эҳтиёжни аёл билан, аёл эса эркак билан қондириши орқалигина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун эркак билан аёл ўртасидаги, аёл билан эркак ўртасидаги жинсий, ғаризий жиҳатдан бўлган алоқа ҳеч ажабланарли жойи бўлмаган табиий алоқадир. У аслий алоқа бўлиб, ушбу ғариза, яъни инсон навининг сақланиб қолиши ғаризасининг яратилишидан кўзланган мақсад фақат шу алоқа орқали рўёбга чиқади. Агар иккаласи ўртасидаги бу алоқа жинсий жамланиш шаклида юз берса, бу ниҳоятда табиий ва оддий иш бўлиб, унда ажабланарли ҳеч нарса йўқ. Бу алоқа инсон навининг сақланиб қолиши учун зарурдир. Бироқ, бу ғаризани эркин қўйиб юбориш инсонга ҳам, унинг ижтимоий ҳаётига ҳам зарар келтиради. Унинг бор бўлишидан мақсад инсон нави давом этиши учун насл қолдиришдир. Шунинг учун инсоннинг бу ғаризага қараши инсонда унинг яратилишидан кўзланган мақсадга, яъни навнинг давом этишига қаратилиши зарур. Бу ўринда эркак билан аёл ўртасида фарқ йўқ. Эҳтиёжни қондиришдан пайдо бўладиган лаззат ва роҳатланиш - инсон уни назарда тутса ҳам, тутмаса ҳам, табиий равишда ўз-ўзидан ҳосил бўлаверади. Шу туфайли нав ғаризасидан лаззатланиш ва роҳатланишни назарда тутишни узоқлаштириш керак, дейиш нотўғри бўлади. Чунки лаззат ва роҳатланиш табиий ва муқаррар юзага келадиган иш бўлиб, у назарда тутиш билан юзага келмайди. Бу назарда тутишни узоқлаштириш амри маҳол иш бўлганлигидан уни узоқлаштириб ҳам бўлмайди. Балки назарда тутиш ушбу қондириш ҳақидаги ва нав ғаризасидан кўзланган мақсад ҳақидаги инсоннинг тушунчасидан пайдо бўлади. Шунга кўра, нав ғаризаси ва унинг инсонда мавжуд бўлишидан кўзланган мақсад ҳақида инсонда муайян тушунчани пайдо қилиш даркор. Бу тушунча унда Аллоҳ Таоло инсонда яратган нав ғаризасига нисбатан ўзига хос қарашни шакллантиради-да, уни эркак билан аёл, аёл билан эркак алоқасига чеклаб қўяди. Шунингдек, унда эркак билан аёл ўртасидаги эркаклик ва аёллик алоқаларига ёки, бошқача ибора билан айтганда, жинсий алоқаларга нисбатан ўзига хос қарашни шакллантиради-да, бу алоқалар нав ғаризасининг яратилишидан кўзланган мақсадга, яъни навнинг давом этишига қаратилади. Мана шундай қараш билан ғаризанинг қондирилиши рўёбга

чиқади ва унинг мавжуд бўлишидан кўзланган мақсад амалга ошади. Бу тушунчани қабул қилган ва шундай ўзига хос қарашга эга жамоатда хотиржамлик рўёбга чиқади. Ҳар қандай инсоний жамоатнинг эркак ва аёл ўртасидаги эркаклик ва аёллик алоқалари ёки, бошқа ибора билан айтганда, жинсий алоқаларга бўлган қарашини «лаззат ва роҳатланиш ҳукмрон бўлган» қарашдан «бу лаззат ва роҳатланиш ғаризани қондиришдан келиб чиқадиган табиий ва муқаррар иш» қилишга қараб ўзгартириш зарур. Қарашни бу ғаризадан кўзланган мақсадга қаратиш зарур. Мана шундай қараш нав ғаризасини сақлаб қолади ва уни унинг учун яратилган тўғри йўналишга йўналтиради. Шунингдек, инсон барча ишларини бажара олиши учун ва уни бахтли қиладиган ҳамма ишларга вақти етарли бўлиши учун кенг майдон қолдиради.

Шунинг учун инсонда нав ғаризасини қондириш ҳақида ва унинг мавжудлигидан кўзланган гоё ҳақида тушунча бўлиши керак. Инсоний жамоатга жинсий қўшилиш фикрининг ҳукмрон бўлишини ва бутун эътиборни шу қўшилишга қаратишни қалблардан ўчириб юборадиган ҳамда эркак ва аёл ўртасида ҳамкорлик алоқаларини барпо қиладиган низом керак. Чунки эркак ва аёл бир-бирларига муҳаббат ва раҳматни таъминловчи биродарлар сифатида ўзаро ҳамкорлик қилишлари орқалигина жамоат ислоҳ бўлади, ўнгланади. Шунинг учун эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга нисбатан жамоатнинг қарашини тамоман ўзгартиришни яна бир бор таъкидлаш зарурки, бу ўзгартириш жинсий қўшилиш тушунчалари ҳукмронлигини йўқ қилиб, уларни жинсий эҳтиёжни қондиришнинг табиий ва муқаррар ишига айлантиради. Бу алоқани фақат лаззат ва роҳатланишга чеклаб қўйишга барҳам бериб, уни эркаклик ва аёллик сифатларига қарашга эмас, балки жамоат манфаатини кўзлайдиган қарашга айлантиради. Бу қарашни роҳатланиш ва шаҳватни яхши кўриш эмас, балки Аллоҳдан қўрқиш ҳукмронлик қиладиган қарашга айлантиради. Бу қараш инсоннинг жинсий лаззатдан баҳраманд бўлишини инкор қилмайди, балки уни навнинг давом этишини рўёбга чиқарадиган ва мусулмоннинг олий орзуси - Аллоҳ Таолонинг розилигига эришиш орзусига мос келадиган шаръий баҳраманд бўлишга айлантиради.

Қуръон оятлари эр-хотинлик жиҳати, яъни нав ғаризасининг яратилишдан кўзланган мақсадга эътиборни қаратиб келган. Оятлар бу ғариза аслида эр-хотинлик учун, яъни навнинг давом этиши учун яратилганини, бошқача қилиб айтганда Аллоҳ Таоло бу ғаризани эр-хотинлик учун яратганини баён қилган.

Жамоатнинг аёл билан эркак алоқаларига қарашини жинсий қўшилишга қаратилган эмас, балки эр-хотинликка қаратилган қарашга айлантириш мақсадида оятларда нав ғаризаси эр-хотинлик учун яратилгани турли услуб ва ҳар хил маъноларда баён қилинган:

﴿يَتَأْتِيهَا النَّاسُ آتِفُوا رَبُّكُمْ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً﴾

„Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!“

[4:1]

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا فَلَمَّا تَغَشَّهَا حَمَلَتْ حَمَلًا خَفِيًّا فَمَرَّتْ بِهِ فَلَمَّا أَثْقَلتْ دَعَا اللَّهَ رَبُّهَا لِيَنزِلَ عَلَيْهَا صَلِحًا لَنَكُونَ مِنَ الشَّاكِرِينَ﴾

„У (Аллоҳ) шундай зотки, сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ором-осойиш топсин деб, унинг ўзидан жуфтини вужудга келтирди. Унга қўшилгандан кейин у (Ҳавво) энгил юк (ҳомила) билан юкли бўлиб, ўша (юк) билан юрди. Бас, қачонки оғирлашганда, (улар) Парвардигорлари бўлмиш Аллоҳга дуо қилдилар: «Қасамки, агар бизга солиҳ фарзанд ато қилсанг, албатта шуқр қилгувчилардан бўлурмиз»“.

[7:189]

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً﴾

„Дарҳақиқат, сиздан илгари ҳам (кўп) пайгамбарлар юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз“.

[13:38]

﴿وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَيْنَ وَحَفْدَةً﴾

„Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди“.

[16:72]

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً﴾

„Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир“. [30:21]

﴿ فَاطِرُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا ﴾

„(Аллоҳ) осмонлар ва ернинг яратувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди“. [42:11]

﴿ وَأَنَّهُ خَلَقَ الذَّكَرَ وَالْأُنثَى ﴿۱﴾ مِنْ نَفْسَةٍ إِذَا تُمْنَى ﴾

„Ва албатта У зот отилиб чиқадиган нутфадан эркак-аёл жуфтларни яратгандир“. [53:45,46]

﴿ وَخَلَقْنَاكُمْ أَزْوَاجًا ﴾

„Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик“. [78:8]

Бу оятлардан кўриниб турибдики, Аллоҳ эркак ва аёлни яратишда эр-хотинлик жиҳатини устувор қилганини кўп такрорлайди. Токи эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга қараш эр-хотинликка, яъни нав давом этиши учун насл қолдиришга қаратилган бўлсин.

ЭРКАК ВА АЁЛ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРГА ҚАРАШНИНГ ТАЪСИРИ

Ғариза қўзғалса қондиришни талаб этади ва аксинча, қўзғалмаса қондиришни талаб этмайди. Ғариза қондиришни талаб этган чоғда инсонни бу ишни амалга оширишга ундайди. Агар инсон бу ишни амалга оширмаса, ғариза қўзғалиши тинчимагунча безовта бўлиб қолаверади. Ғариза тинчиса безовталаниш йўқолади. Қондирмасликдан ўлим ёки бирор жисмоний, ақлий ёки руҳий озор келиб чиқмайди. Озор фақат аламланиш ва безовталанишга чекланади. Демак, ғариза узвий эҳтиёж каби сўзсиз қондирилиши шарт эмас. Балки у хотиржамлик ва роҳатни пайдо қилиш учун қондирилади.

Ғаризани икки омил қўзғатади: биринчиси - моддий воқелик бўлса, иккинчиси фикр бўлиб, бунга маъноларнинг бирлашиши ҳам киради. Бу икки омилдан бирортаси ҳам бўлмаса ғариза қўзғалмайди. У узвий эҳтиёжларга ўхшаб ички ундовчи омил туфайли қўзғалмайди. Балки фақат ташқи ундовчи омил, яъни моддий воқелик ва фикр туфайли қўзғалади. Барча ғаризаларда - яшаш учун кураш, диндорлик ва нав ғаризаларида ҳолат шундай бўлиб, уларнинг ўртасида ушбу жиҳатдан фарқ йўқ.

Нав ғаризаси ҳам - бошқа ғаризаларга ўхшаш бўлгани учун - қўзғалса қондиришни талаб қилади. У ҳам моддий воқелик ёки фикр сабабли қўзғалади. Шунинг учун қондиришни талаб қилаётган нав ғаризаси шундай бир иш қилинганки, инсон бу қондиришни йўналтириши, ҳаттоки пайдо қилиши ёки фақат навнинг давом этиши томонга йўналадиган қилиб, бошқа томонларга қараб ҳаракат қилишини тўсиб қўйиши мумкин. Шунга кўра, хотинларни кўриш ёки нав ғаризасига боғлиқ воқелик ғаризани қўзғатади ва қондиришни талаб қиладиган қилиб қўяди. Жинсга оид қиссаларни ўқиш, жинсга оид фикрларни эшитиш нав ғаризасини қўзғайди. Хотинлардан ва умуман нав ғаризасига боғлиқ нарсалардан, жинс ҳақидаги фикрлардан йироқ бўлиш нав ғаризаси қўзғалишининг олдини олади. Чунки нав ғаризаси моддий воқелик ёки жинс ҳақидаги фикр орқали қўзғатилгандагина қўзғалиши мумкин.

Агар жамоат Ғарб жамиятида бўлгани каби эркак билан аёл ўртасидаги алоқаларга эркаклик ва аёллик алоқаси, яъни жинсий алоқа деб қараса, ғаризани қўзғатиш учун эркак ва аёлда ғаризани қўзғатувчи моддий воқеликни ёки жинс ҳақидаги фикрни пайдо қилиш зарур ишга айланади. Шунда ғариза қондиришни талаб қилади ва ушбу алоқа амалга ошиши ва қондириш орқали роҳат вужудга келиши учун ғаризани қондириш содир бўлади. Агар

жамоат эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга бу фаризанинг мавжуд бўлишидан кўзланган мақсад, яъни навнинг давом этиши асосида қараса, умумий ҳаётда эркак ва аёлдан моддий воқелик ва жинс ҳақидаги фикрни йироқлаштириш зарур иш бўлиб қолади. Шунда фариза кўзгалмайди-да, имкониятида бўлмаган қондиришни талаб ҳам қилмайди, мақсадига етолмагани сабабли алам ва безовталанишларга дучор ҳам бўлмайди. Фаризани кўзгатувчи моддий воқеликни эр-хотинлик ҳолатига чеклаб қўйиш зарурдир. Чунки навнинг давом этиши шу билан бўлади ҳамда фариза қондиришни талаб қилган пайтда уни амалга оширишда хотиржамлик ва роҳат пайдо бўлади. Мана шундан жамоатнинг эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга қандай қарашининг жамиятдаги ва жамоат ўртасидаги умумий ҳаётни йўналтиришда нечоғли таъсири борлиги маълум бўлади. Капитализм мабдаиға эътиқод қилувчи фарбликлар ва коммунизмга эътиқод қилувчи шарқликлар эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга навнинг давом этиши жиҳатидан эмас, балки жинсий жиҳатдан қарайдилар. Шу туфайли нав фаризасини қондириш мақсадида уни кўзгатиш учун эркак ва аёл ҳузурида моддий воқелик ва жинс ҳақидаги фикрни қасдан вужудга келтиришга зўр бериб ҳаракат қиладилар. Улар нав фаризасини қондирмаслик жисмоний, нафсий ва ақлий зарарларга олиб борадиган гамгинликка сабаб бўлади, деб ўйлайдилар. Шу туфайли фарбий ва шарқий жамоатда ҳам, жамиятда ҳам қисса, шеър, асар ва бошқаларда жинс ҳақидаги фикрлар кўплигини кўрамиз. Бирор эҳтиёж бўлмаса ҳам уйларда, паркларда, кўчаларда, пляжларда ва бошқа жойларда эркак ва аёлнинг аралаш юрганини кўрамиз. Чунки улар буни зарур иш ҳисоблаб, уни вужудга келтиришга қаттиқ интиладилар. Бу ҳолат уларнинг ҳаёт низомининг бир қисми ва яшаш тарзининг ажралмас бўлагидир.

Исломни қабул қилиб, унинг ақида ва ҳукмларига эътиқод қилувчи мусулмонлар, бошқача ибора билан айтганда, Ислом эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга жинсий жиҳатдан эмас, балки навнинг давом этиши жиҳатидан қарайди. Жинсий жиҳатни эса қондиришдаги муқаррар иш деб, лекин у қондиришни йўналтирмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Шу сабабли Ислом жинс ҳақидаги фикрларнинг жамоат ўртасида мавжуд бўлишини зарарга олиб борувчи иш деб, нав фаризасини кўзгатувчи моддий воқеликни эса бузуқликка олиб борувчи омил деб ҳисоблайди. Шунинг учун эркак ва аёлни хилватда холи қолишдан, аёлни бегоналарга зебийнатлари ва гўзалликларини кўрсатишдан, эркакни ҳам, аёлни ҳам бир-бирларига жинсий назар билан боқишларидан қайтарган.

Умумий ҳаётда эркак ва аёл ўртасидаги ҳамкорлик қандай бўлишини белгилаб берган. Эркак ва аёл ўртасидаги жинсий алоқани фақат икки ҳолатга - никоҳ ва қўл остидаги чўрига чеклаб қўйган.

Ислом умумий ҳаётда нав ғаризасини уни қўзғатувчи омиллардан тўсишга ва жинс алоқасини муайян ишларга чеклаб қўйишга ҳаракат қилади. Капитализм ва коммунизмда эса нав ғаризасини қондириш учун ва у ҳамма нарсада эркин бўлиши учун уни қўзғатувчи омилларни пайдо қилишга ҳаракат қилинади. Ислом эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга навнинг давом этиши жиҳатидан қараса, капитализм ва коммунизм бу алоқаларга эркаклик ва аёллик, яъни жинсий жиҳатдан қарайди. Ислом билан бу икки мабда қарашлари ва ҳаракатлари ўртасида мана шундай катта фарқ бор. Бу билан Исломнинг қараши - поклик, фазилат, ифбат қараши эканлиги, инсон ҳаловати ва навнинг давом этиши қараши эканлиги маълум бўлади.

Эркак ва аёлдаги жинсий ғаризани сиқувга олиш инсонда жисмоний, нафсий ва ақлий касалликларга сабаб бўлади, деган ғарбликлар ва коммунистларнинг гаплари нотўғри бўлиб, ҳақиқатга зиддир. Чунки сўзсиз қондириш жиҳатидан ғариза билан узвий эҳтиёж ўртасида фарқ бор. Ейиш-ичиш, қазои ҳожат каби узвий эҳтиёжларни сўзсиз қондириш лозим. Агар улар қондирилмаса, кўп ҳолда ўлимга олиб борувчи зарарларни келтириб чиқаради. Яшаш учун кураш, нав, диндорлик каби ғаризаларни сўзсиз қондириш лозим эмас. Агар улар қондирилмаса, бирор жисмоний ё ақлий ёки нафсий зарар келиб чиқмайди. Фақат безовталиқ ва аламланиш ҳосил бўлади, холос. Бунга далил - бир шахс бутун умрини баъзи ғаризаларини қондирмасдан ўтказиб юбориши, шу билан бирга унда бирор зарар пайдо бўлмаслиги мумкин. Ёки инсон нав ғаризасини қондирмаса, инсон сифатида унда улар айтаётган жисмоний, ақлий, нафсий касалликлар пайдо бўлмайди. Фақат айрим шахсларда пайдо бўлиши мумкин. Бу эса қондирмаслик натижасида мазкур касалликлар табиий равишда ҳосил бўлмаслигини кўрсатади. Балки сиқувга алоқаси бўлмаган бошқа вазиятларда ҳосил бўлади. Агар ғаризани сиқувга олишдан ҳосил бўлганда эди, сиқувга олиш ҳолати юз берадиган барча ҳолатларда табиий равишда инсонда ҳосил бўлаверар эди. Ваҳоланки мутлақо бундай бўлмайди. Сиқув натижасида касаллик инсонда фитрий равишда пайдо бўлмаслигини уларнинг ўзлари ҳам тан олишади. Демак, айрим шахсларда юз берадиган касаллик сиқувдан мутлақо бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлади.

Бу бир жиҳатдан. Яна бошқа жиҳатдан олинadиган бўлса, узвий

эхтиёж ташқи қўзғатувчига муҳтож бўлмаган ҳолда ички ундовчи туфайли қондиришни табиий равишда талаб қилади, гарчи узвий эҳтиёж қондиришни талаб қилган пайтда ташқи қўзғатувчи ҳам уни қўзғатиши мумкин бўлса-да. Ғаризада эса бунинг акси бўлиб, у ташқи қўзғатувчи бўлмаса ички ундовчи туфайли қондиришни табиий равишда талаб қилмайди. Балки ташқи қўзғатувчи: моддий воқелик ёки жинс ҳақидаги фикр, жумладан қўзғатувчи маъноларнинг бирлашиши бўлсагина қўзғалади. Агар бундай ташқи таъсир этувчи омил бўлмаса, қўзғалиш ҳам бўлмайди. Барча ғаризаларда - диндорлик, яшаш учун кураш ва нав ғаризаларида ҳамда уларнинг ҳамма кўринишларида ҳам аҳвол шундай. Агар шахс олдида бирор ғаризани қўзғатувчи омил мавжуд бўлса, у жунбишга келади ва ғариза қондиришни талаб қилади. Ғаризани ҳаракатга солаётган нарса ёки ҳолат инсондан узоқлаштирилса ёки ундан устун келадиган муҳимроқ иш билан машғул қилинса, қондириш талаби йўқолади ва унинг нафси тинчиб қолади. Бунинг зидди ўлароқ, узвий эҳтиёж қўзғалган чоғда уни қондириш талаби мутлақо йўқолмайди. Балки то қондирилгунча талаби давом этаверади. Бу билан аён бўляптики, нав ғаризасини қондирмасликдан жисмоний, нафсий ёки ақлий касаллик асло пайдо бўлмайди. Чунки у узвий эҳтиёж эмас, балки ғаризадир. Бор гап шуки, шахс олдида нав ғаризасини қўзғатувчи моддий воқелик ёки жинс ҳақида фикр мавжуд бўлса, у жунбишга келиб, қондиришни талаб қилиши мумкин. Агар қондирилмаса, бу жунбишдан фақат безовталаниш юзага келиб, шахсни қамраб олади. Бу безовталаниш такрорланиши натижасида инсон аламланади. Агар ғаризани ҳаракатга солаётган ҳолат ундан узоқлаштирилса ёки у бу ғаризадан устун келадиган, ундан муҳимроқ иш билан машғул қилинса, безовталиқ йўқолади. Шунга биноан, жинс ғаризаси қўзғалганда уни сиқувга олишдан фақат аламланиш ва безовталиқ пайдо бўлади. Агар жинс ғаризаси уни қўзғатаётган нарсалардан қўзғалмаса алам ҳам, безовталиқ ҳам пайдо бўлмайди. Демак, ғаризани қондиришнинг иложи бўлмаган пайтда ғаризани уни қўзғатадиган омиллардан тўсиш орқали муолажа қилинади.

Юқоридаги мулоҳазалардан жамоатнинг эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга қарашини фақат эркаклик ва аёллик алоқасига чеклаб қўйган ғарбий ва коммунистик дунёқарашнинг хатолиги маълум бўлади. Эркак ва аёлдаги ғаризани қўзғатувчи турли воситалар, яъни аралашув, рақс, ўйинлар, қиссалар ва шунга ўхшаш ҳолатларни пайдо қилиш орқали ушбу қараш ўйлаб топган муолажанинг хатолиги ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади. Шунингдек,

жамоатнинг эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга қарашини бу ғаризанинг яратилишидан кўзланган мақсад, яъни навнинг давом этишига қаратилган қарашга айлантирган Ислом дунёқарашининг тўғрилиги намоеън бўлади. Бинобарин ғаризани шаръий йўл - никоҳ ва қўл остидаги чўри билан қондиришнинг имкони бўлмаса, ғаризани қўзғатувчи моддий воқелик ва жинс ҳақидаги фикрни ундан узоқлаштириш орқали бу қараш тақдим этаётган муолажанинг тўғрилиги ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади. Демак, ёлғиз Исломгина нав ғаризаси жамиятда ва одамларда пайдо қиладиган бузуқликни энг самарали муолажа қилади ва бу ғариза ушбу муолажа орқали жамият ва одамларда поклик ва юксакликни пайдо қилади.

АЁЛ ВА ЭРКАК ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аёл эркакда, эркак аёлда нав ғаризасини қўзғатиши қачонки эркак аёл билан ёки аёл эркак билан бирга бўлса, бу қўзғатиш ҳам муқаррар содир бўладиган иш эканини билдирмайди. Балки улар бирга бўлишса, ушбу ғаризани қўзғатиши аслий нарса эканини билдиради. Бинобарин бундай қўзғатиш бор жойда улар орасида жинсий алоқа ҳам вужудга келади. Бироқ, улар гоҳо бирга бўлишади-ю, бу ғариза қўзғалмайди. Масалан, тижорий айирбошлашда бирга қатнашишлари ёки касални операция қилишлари ёки биргаликда дарс олишлари ва шунга ўхшаш ишлар. Лекин шу ва шунга ўхшаш барча ҳолатларда улар ўртасида жинсий ғариза қўзғалиши қобилияти мавжуд бўлади. Қобилият мавжуд бўлади дегани қўзғатиш мавжуд бўлади дегани эмас. Балки улар бир-бирига навнинг давом этиши нуқтаи назаридан боқмай, эркаклик ва аёллик нуқтаи назаридан боқсалар қўзғатиш ҳосил бўлади. Шунинг учун аёл эркакдаги, эркак аёлдаги нав ғаризасини қўзғатиб юборишини аёлни эркакдан бутунлай ажратиб ташлаш учун сабаб қилиш мумкин эмас. Яъни, эркак ва аёлдаги нав ғаризасини қўзғатиш қобилияти борлигини умумий ҳаётда эркаклар ва аёллар жамланиши ва ўзаро ҳамкорлик қилишлари олдига тўсиқ қилмаслик керак. Балки эркак ва аёл умумий ҳаётда жамланишлари ва ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур. Чунки бундай жамланиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш жамият учун, умумий ҳаёт учун жуда зарур. Бироқ, бу ўзаро ҳамкорлик икки томон ўртасидаги жинсий алоқани ва аёл билан эркак ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи низом асосида амалга оширилиши лозим. Бу низом эса эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларга навнинг давом этиши қарашидан келиб чиққан бўлиши зарур. Мана шундай низом билан умумий ҳаётда аёл ва эркак бирон-бир хавфсиз жамланиши ва ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин бўлади.

Ҳаёт фаровонлиги ва хотиржамлигини таъминлайдиган ҳамда аёлнинг эркак билан бўлган алоқаларини табиий равишда тартибга соладиган, руҳий жиҳат - унинг асоси, шаръий ҳукмлар, шу жумладан ахлоқий қийматни рўёбга чиқарадиган ҳукмлар эса ўлчови бўладиган ягона низом - Исломдаги ижтимоий низомдир. Чунки Ислом инсонга - унинг эркак ё аёллигидан қатъий назар, унда ғаризалар, туйғулар, майл-истаклар ва ақл мавжуд бўлган инсон, деб қарайди. Бу инсонга ҳаёт лаззатларидан фойдаланишга рухсат беради ва бу лаззатлардан кўпроқ насиба олишига монелик қилмайди. Лекин бу лаззатлардан жамоат ва жамиятни муҳофаза қиладиган, инсон фаровонлигини рўёбга чиқариш мақсадида

инсонга олдинга юриш имконини берадиган тарзда рухсат беради. Агар оламда турли ижтимоий низомлар бор деб фараз қилинса, ёлғиз Ислом низомигина энг тўғри ижтимоий низом бўлади. Чунки бу низом нав ғаризасига - у инсон навининг давом этиши учун яратилган, деб қарайди. Бу низом эркак ва аёл ўртасидаги эркаклик ва аёллик алоқаларини шундай пухта тартибга соладики, бу ғариза ўзининг табиий йўлидан юриб, Аллоҳ уни инсонда яратишдан кўзлаган мақсадга олиб боради. Бир вақтнинг ўзида эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларни тартибга солиб, эркаклик ва аёллик алоқасини тартибга солишни улар ўртасидаги барча алоқаларни тартибга солишнинг бир қисмига айлантиради. Бу тартиб эркак ва аёлнинг бирга жамланишидан юзага келадиган ўзаро ҳамкорлик жамоат, жамият ва шахсга яхшилик келтирувчи ҳамкорлик бўлишини таъминлайди. Шу пайтнинг ўзида ахлоқий қийматни рўёбга чиқаришни ва уни энг олий ғоя - Аллоҳнинг розилиги бошқаришини таъминлайди. Шундагина поклик ва тақво ҳаётда бу икки жинс ўртасидаги алоқалар тариқатини белгилаб беради ва ҳаёт услублари ва воситаларини бу тариқатга бирор ҳолатда ҳам зид келмайдиган қилиб қўяди.

Ислом жинслар алоқасини, яъни эркак ва аёл ўртасидаги эркаклик ва аёллик алоқаларини никоҳ ва қўл остидаги чўрига чеклаб қўйган. Ушбу чегарадан чиқувчи ҳар қандай алоқани энг қаттиқ жазо тури билан жазоланадиган жиноят қилиб қўйган. Нав ғаризасининг жинсий жамланишдан бошқа кўринишлари бўлган оталик, оналик, фарзандлик, ака-укалик, амакилик, тоғалик каби алоқаларга рухсат берган ва уларни маҳрам-қариндошлар деб белгилаган. Эркакка рухсат бергани каби аёлга ҳам тижорат, деҳқончилик, саноат ва бошқа шу каби ишлар билан шуғулланишга, илм дарсларига ва намозларга қатнашишга, даъватни ёйиш ва булардан ўзга ишларни қилишга рухсат берган.

Ислом ҳаёт ишларида ва одамларнинг бир-бирлари билан ўрнатадиган алоқаларида эркак ва аёл ўртасидаги ҳамкорликни барча муомалаларда барқарор қилиб белгилаган. Ҳамма инсонлар Аллоҳнинг бандалари бўлиб, эзгулик ишларида, Аллоҳдан тақво қилишда, Унга ибодат қилишда бир-бирлари учун кафилдирлар. Оятлар Исломга даъват қилиш хусусида инсонга - унинг эркаклиги ёки аёллигидан қатъий назар - мурожаат қилади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

„Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчман»“.

[7:158]

﴿يَتَأْتِيهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمْ﴾

„Эй инсонлар! Парвардигорингиздан қўрқингиз!“ [4:1]

Оятлар мўминларни Ислоом ҳукмларига амал қилишга чорлаб келган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا تَحْيِيكُمْ﴾

„Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар.“ [8:24]

Оятлар эркак ва аёлни ўз ичига олиб, умумий бўлиб келган:

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ﴾

„Сизларга рўза тутиш фарз қилинди.“ [2:183]

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ﴾

„Намозни тўқис адо қилинглар.“ [2:43]

﴿حُذِّمْنَ أَمْوَالَهُمْ﴾

„(Эй Муҳаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини олинг.“ [9:103]

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ﴾

„Албатта садақалар (яъни закотлар) фақат фақирларга, мискинларга... берилур.“ [9:60]

﴿وَالذَّيْبِ يَكْتُزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ﴾

„Олтин-қумушни босиб олган кимсалар...“ [9:34]

﴿قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

„Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсаларга қарши жанг қилингиз!“ [9:29]

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا ءَابَاءَكُمْ وَإِخْوَانَكُمْ أَوْلِيَاءَ إِنِ اسْتَحَبُّوا الْكُفْرَ عَلَى

الْإِيمَانِ﴾

„Эй мўминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз!“ [9:23]

Бу ва бундан бошқа оятлар аёл ва эркакка умумий бўлиб, бу амалларни бажаришда, ҳаттоки якка ҳолда бажариладиган намоз

каби амалларни бажаришда ҳам эркак ва аёл ўртасида жамланиш ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса Ислом эркак ва аёлга юклаган ҳукмларни ва бажаришлари лозим бўлган амалларни бажариш учун улар ўзаро жамланишларига (яъни бир жойда бўлишларига) рухсат берганини кўрсатади.

Бироқ, Ислом бу ишда эҳтиёт чораларини кўриб, ношаръий жинсий алоқага олиб борадиган, жинсий алоқанинг ўзига хос тартибидан эркакни ёки аёлни четга бурадиган ҳар қандай ишни тақиқлади. Бу тақиқни кучайтириб, иффат (ўзини тийиш)ни вожиб қилди. Фазилатлар ва ахлоқни сақлашга олиб борадиган барча тариқат, услуб ва воситаларни ишга солишни вожиб қилди. Зеро, вожиб қайси иш билан амалга ошса, у иш ҳам вожибдир. Бунинг учун муайян шаръий ҳукмларни белгилади. Бу ҳукмлар кўп бўлиб, уларнинг айримларини келтирамыз:

1. Ислом эркакни ҳам, аёлни ҳам кўзни пасайтиришга, яъни бир-бирига тикилиб қарамасликка буюрган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ۗ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ

حَبِيرٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿۳۰﴾ وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ ۗ

„(Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!“ [24:30-31]

2. Ошкор намоён бўлиб турадиган ўриндан бошқа барча зийнат ўринларини яшириб турадиган одми, оддий либос кийишни аёлларга буюрган. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا ۗ وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ ۗ

„Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!“ [24:31]

﴿ يَأَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لَأَزُوجِكَّ وَنِسَائِكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلِيبِهِنَّ ۗ

„Эй Пайгамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!“ [33:59]

Яъни ошкор намоён бўлиб турадиган юз ва кафтларидан бошқа зийнат ўринларини кўрсатмасинлар. Химор - бош ёпинчиғи, жайб эса кўйлак ёқаси, яъни кўйлакнинг бўйиндан кўкраккача очиқ жойи. Оят маъноси - бош ёпинчиқларини бўйинлари ва

кўкракларига туширсинлар. Жилбобни узун қилиш - кўйлакни пастгача тушиб турадиган қилиш.

3. Бир кеча-кундузлик масофадаги жойга маҳрамсиз сафарга чиқишни аёлга ман этган. Пайғамбар ﷺ дедилар:

«لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ تُسَافِرَ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ لَهَا»

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёлнинг бир кеча-кундузлик масофадаги жойга маҳрамсиз сафар қилиши ҳалол эмас». (Муслим ривояти).

4. Аёл киши маҳрами билан бирга бўлмаган ҳолда бегона эркак билан бир жойда холи қолишини ман этган. Пайғамбар ﷺ дедилар:

«لَا يَخْلُونُ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ»

«Аёл маҳрами билан бирга бўлмаса, бегона эркак у билан асло ёлғиз қолмасин». (Бухорий ривояти). Пайғамбар ﷺ хутба қилаётганларида ибн Аббос ушбу сўзларни эшитганини айтади:

« لَا يَخْلُونُ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ وَلَا تُسَافِرُ الْمَرْأَةُ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ، فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ امْرَأَتِي خَرَجَتْ حَاجَةً وَإِنِّي اكْتَسَبْتُ فِي غَزْوَةٍ كَذَا وَكَذَا قَالَ: فَأَنْطَلِقُ فَحُجَّ مَعَ امْرَأَتِكَ»

«Аёл маҳрами билан бирга бўлмаса, бегона эркак у билан асло ёлғиз қолмасин. Аёл маҳрами бўлмаса сафарга чиқмасин». Шунда бир киши туриб деди: «Эй Расулulloҳ! Аёлим ҳаж қилгани чиқиб кетганди. Мен эса фалон, фалон газотларга ёзилиб қўйгандим». Расулulloҳ: **«Бориб, аёлинг билан ҳаж қил»**, дедилар. (Муслим ривояти).

5. Аёлга эрининг изнисиз уйдан чиқишни ман қилди. Чунки унинг устида эрининг ҳақлари бор. Шунга кўра, эрининг изни билангина уйдан чиқиши мумкин. Унинг изнисиз чиқса гуноҳқор бўлади. Нафақа олишга ҳаққи йўқ итоатсиз ҳисобланади. Ибн Батта «Аҳкомун нисо» («Аёллар ҳукмлари») китобида Аназдан ривоят қилади: Бир киши хотинининг кўчага чиқишини ман қилиб, сафарга кетди. Аёлнинг отаси касал бўлиб қолганда, отасини кўриб келгани Расулulloҳ ﷺдан рухсат сўради. Расулulloҳ ﷺ унга дедилар:

«اتَّقِي اللَّهَ وَلَا تُخَالِفِي زَوْجَكَ»

«Аллоҳдан қўрққин. Эринга қарши чиқма». Кейин унинг отаси вафот этди. Аёл унинг жанозасига бориш учун Расулulloҳ

ﷻдан рухсат сўради. Унга дедилар:

«اتَّقِيَ اللَّهَ وَلَا تُخَالِفِي زَوْجَكَ»

«Аллоҳдан қўрққин. Эрингга қарши чиқма». Шунда Аллоҳ Пайғамбар ﷻга ваҳий қилдики:

«إِنِّي قَدْ غَفَرْتُ لَهَا بِطَاعَةِ زَوْجِهَا»

«Эрига итоати туфайли унинг гуноҳларини мағфират этдим».

6. Ислом аёллар жамоасини хос ҳаётда, масжид, мадраса ва шу каби жойларда эркаклар жамоасидан ажраган ҳолда бўлишига қаттиқ турди. Аёлни аёллар даврасида, эркакни эркаклар даврасида яшайдиган қилиб қўйди. Намозда аёллар сафини эркаклар сафидан кейин қилди. Шунингдек, Ислом аёлларни йўл ва бозорларда эркаклар билан тиқилиб юрмасликка ундади. Аёллар ҳаётини аёллар билан ёки маҳрамлар билан бўладиган қилди. Шунга кўра, аёл савдо-сотиқ ва шу каби умумий ишларини бажариб, сўнг аёллар ёки маҳрамлари даврасига жўнайди.

7. Эркак ва аёл ўртасидаги ҳамкорлик алоқаси - бегона эркаклар билан аёллар ўртасида борди-келди қилиш, биргаликда айлангани чиқиш каби хусусий алоқа бўлмай, балки муомалаларда бўладиган умумий алоқа бўлишига қаттиқ турди. Чунки мазкур ҳамкорликдан мақсад аёл ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини бевосита ўзи амалга ошириши ва зиммасидаги вазифаларни адо этишидир.

Мана шундай ҳукмлар орқали Ислом эркак билан аёл ўртасидаги жамланиш - манфаатларни юзага чиқариш ва ишларни бажариш учун бўладиган ўзаро ҳамкорлик жамланиши бўлиб қолиши учун, бу жамланиш жинсий жамланиш томон бурилиб кетмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўрди. Бу билан эркаклар аёллар билан жамланган пайтда - эркаклар бўладиларми, аёлларми - умуман шахсларнинг манфаатларидан пайдо бўладиган алоқаларни муолажа қилди. Эркакларнинг аёллар билан жамланишидан пайдо бўладиган нафақа, фарзандлик, никоҳ ва шу каби бошқа алоқаларни шундай муолажа қилдики, жамланишни маълум мақсаддаги алоқага чеклаб қўйди ва уни жинсий жамланиш алоқаси бўлиб қолишдан йироқлаштирди.

ХОС ҲАЁТ

Инсон ҳаёт кечириш табиатига кўра қабила ёки қишлоқ ёки шаҳарда жамият шахслари ўртасида яшаб, «умумий ҳаёт» кечиради. Шунингдек, оила аъзолари билан ўз уйида «хос ҳаёт» кечиради. Ислому бу хос ҳаёт учун муайян ҳукмларни бериб, улар орқали бу хос ҳаётда - эркак бўладими ёки аёлми, фарқсиз - умуман инсонда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилди. Мазкур ҳукмлардан энг кўзга ташланадигани - Ислому инсоннинг уйидаги хос ҳаётини ёлғиз ўзининг тасарруфига топшириши ва унинг уйига изн сўрамай киришни ман қилишидир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّىٰ تَسْتَأْذِنُوا وَتُسَلِّمُوا عَلَيَّ

أَهْلِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ﴾

„Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд эслатма-ибрат олсангизлар“. [24:27]

Аллоҳ одамларни уйларга эгаларининг рухсатисиз киришдан қайтарган. Рухсат берилмасликни бегонасираш, рухсат берилишини эса яқин олиш, деб ҳисоблаган Аллоҳнинг: „... то изн сўрамагунингизча...“, дейиши изн сўрашдан киноядир. Чунки изн сўраш билангина уй эгаларига яқин бўлинади. Яъни оятда «унинг эгаларидан изн сўрамагунингизча», дейилган. Табароний Пайғамбар ﷺдан ривоят қиладики:

﴿مَنْ أَدْخَلَ عَيْنَهُ فِي بَيْتٍ مِنْ غَيْرِ إِذْنِ أَهْلِهِ فَقَدْ دَمَرَهُ﴾

«Уй эгаларининг изнисиз унга қараган одам унга изнсиз кирибди». Абу Довуд ривоят қилади:

﴿أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ: أَسْتَأْذِنُ عَلَىٰ أُمِّي؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: إِنَّهُ لَيْسَ لَهَا خَادِمٌ غَيْرِي، أَسْتَأْذِنُ عَلَيْهَا كُلَّمَا دَخَلْتُ؟ قَالَ: أَتُحِبُّ أَنْ تَرَاهَا عُرْيَانَةً؟ قَالَ الرَّجُلُ: لَا، قَالَ: فَاسْتَأْذِنُ﴾

«Бир киши Пайғамбар ﷺдан сўради: «Онамдан ҳам олдига кириш учун изн сўрайманми?». Дедилар: **«Ҳа»**. Деди: «Онамнинг мендан бошқа ходими йўқ. Қачон олдига кирадиган бўлсам изн сўрайманми?». Дедилар: **«Уни яланғоч ҳолатда кўришни хоҳлайсанми?»**. Деди: «Йўқ». Дедилар: **«Ундай бўлса, изн сўра»**. Демак, ҳар қандай инсоннинг ўз уйдан бошқа уйга

эгасининг изнисиз киришини ман қилдилар. Бунда уй эгасининг мусулмон бўлиш ёки бўлмаслигининг фарқи йўқ. Чунки гарчи хитоб мусулмонларга қаратилган бўлса-да, у изн сўровчи шахсга нисбатан айтилган. Оятда «уйлар» сўзи эса бирор қайдсиз мутлақ ҳолда, хосланмай умумий лафзда келган бўлиб, ҳар қандай уйни ўз ичига олади. Бу баён уйларнинг дахлсизлигини белгилаш ва хос ҳаётни ўзига хос ҳукмлар билан хослаб қўйишдаги аниқ баёндр. Бу ҳукмлардан бири - бирор уйга кириш хоҳланганда изн сўрашдир. Изн сўровчи уйда бирор кишини топмаса, то изн берилмагунча кирмайди. Агар уй эгаларидан бири унга «қайтинг» деса, қайтиб кетиши керак. Уйга кириши мумкин эмас. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿فَإِنْ لَّمْ تَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِنْ قِيلَ لَكُمْ آرْجِعُوا فَآرْجِعُوا هُوَ أَزْكَىٰ لَكُمْ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

„Энди агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангизлар, у ҳолда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга «қайтинглар» дейилса, қайтиб кетинглар! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган амалларингизни билгувчидир“. [24:28]

Яъни изн сўраб қаттиқ туриб олишингиз, пардани кўтаришни қайсарлик билан талаб қилишингиз, эшиклар олдида кутиб туришингиз жоиз эмас. Бу ҳукмлар одамлар учун маскан (доимий яшаш жойи) бўлган уйлар ҳақида эди. Биров учун маскан бўлмаган уйларга эса қаралади, агар киришни хоҳлаётган шахс улардан фойдаланмоқчи бўлса, изн сўрамасдан кириши мумкин. Бу уйлар кирмоқчи бўлган одам изн сўраши вожиб бўлган уйлардан истисно қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ مَسْكُونَةٍ فِيهَا مَتَعٌ لَكُمْ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَبَدُّونَ ۗ وَمَا تَكْتُمُونَ﴾

„(Биров учун) маскан бўлмаган, сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришларингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур“. [24:29]

Мухолифат тушунчасига кўра, агар улардан фойдаланмасангиз, уларга кирманглар. Демак, истисно киришни хоҳловчилар фойдаланадиган, биров учун маскан бўлмаган уйларга хос бўлиб қолади. Бундай изн сўраш ҳукмлари билан хос ҳаёт ҳар-хил вақтларда чақириб келувчиларнинг безовта қилишидан муҳофаза қилинади ва уйдагилар ташқаридаги барча шахслардан тинч

бўлишади.

Мазкур изн сўраш ҳукмлари қўл остидаги қуллар ва ёш болалардан бошқа шахсларга нисбатан айтилган. Ўзларининг қўл остидаги қуллар ва балоғатга етмаган болалар уйларга уч ҳолатдан ташқари - бомдод намозидан илгари, пешин вақтида ва хуфтон намозидан кейин - изн сўрамай кирадилар. Бу уч ҳолатда улар ҳам киришда изн сўрашлари шарт. Чунки бу пайтлар аврат ҳолатлари бўлиб, уларда одам ухлаш учун ёки уйқудан уйғонганда кийимини алмаштиради. Бу ҳолатлар аврат вақтларидир. Бомдод намозидан илгариги вақт уйқудан уйғониш вақти бўлиб, унда уйқу кийими бошқа кийимга алмаштирилади. Шунингдек, уйқу ва кундузги дам олиш вақти бўлган пешин вақтида ҳам кийим алмаштирилади. Хуфтон намозидан кейинги вақт ҳам уйқу вақти бўлиб, унда киши уйғоқликдаги кийимини ечиб, уйқу кийимини кияди. Аврат ҳисобланган бу вақтларда қўл остидаги қуллар ва балоғатга етмаган болалар кириш учун изн сўрашлари зарур. Бундан бошқа вақтларда бу икки тоифа истаган пайтларида изн сўрамасдан киришлари мумкин. Болалар балоғат ёшига етгач, изнсиз киришга ҳақлари қолмайди. Энди улар ҳам бошқа одамлар каби изн сўраб кирадилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِيَسْتَعْتِدْنَ كُمْ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَنُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا الْحُلُمَ مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ مِّن قَبْلِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِّنَ الظَّهِيرَةِ وَمِن بَعْدِ صَلَاةِ الْعِشَاءِ ثَلَاثُ عَوْرَاتٍ لَّكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوَّفُوتٍ عَلَيْكُمْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿۱۰﴾ وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمْ الْحُلُمَ فَلْيَسْتَعْتِدُوا كَمَا اسْتَعْتَدَ الَّذِينَ مِّن قَبْلِهِمْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ ءَايَاتِهِ ۗ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿۱۱﴾﴾

„Эй мўминлар, қўл остингиздаги (қул ва чўриларингиз) ҳамда ўзларингизнинг балоғатга етмаган (болаларингиз) уч вақтда (ҳузурингизга кириш учун) сизлардан изн сўрасинлар: бомдод намозидан илгари, пешин вақтида (иссиқдан) кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин. (Бу) уч вақт сизларнинг авратларингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлардир). Улар ўша (вақтлардан) сўнг (изн сўрамай киришларида) сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир. (Чунки) улар сизларга, бирингиз бирингизга

келиб-кешиб тургучидирсизлар. Аллоҳ оятларни сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир. Қачон гўдакларингиз балозатга етсалар, бас улар ҳам худди улардан илгари (балозатга етганлар) каби изн сўрасинлар! Аллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир“. [24:58,59]

Мазкур ҳукмлар орқали уйдаги хос ҳаёт бегонами, яқин маҳрамми ёки қариндошми - кимлигидан қатъий назар, киришни истаётган келувчилардан сақланади. Энди бу ичкаридаги хос ҳаётга тааллуқли ҳукмларга келсак, аёл унда аёллар ёки ўз маҳрамлари билан яшайди. Чунки аёл бу шахсларга уйдаги хос ҳаётда кўриниб туришидан беҳожат бўлинмайдиган зийнат ўрни бўлган тана аъзоларини кўрсатиши жоиз. Аёллар маҳрам бўлмаган шахслар билан бирга яшаши мумкин эмас. Чунки аёл бу шахсларга уйдаги ишларини бажараётганда кўриниб турадиган юзи ва кафтларидан ташқари, зийнат ўрни бўлган аъзоларини кўрсатиши мумкин эмас. Демак, хос ҳаёт фақат аёллар ва маҳрамларга чекланган. Бунда аёлларнинг муслима бўлиш ёки бўлмаслигининг фарқи йўқ. Зеро, барчалари аёлдирлар. Аёл зийнатлайдиган аъзоларини бегоналарга кўрсатишдан қайтарилгани, уларни маҳрамларга кўрсатишдан қайтарилмагани хос ҳаёт фақат маҳрамларга чекланганига ёрқин далилдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَرِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلَا يَضْرِبْنَ خُمْرَهُنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَائِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوْ التَّبَعِينَ غَيْرِ أُولِي الْأَرْزَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوِ الطِّفْلِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَىٰ عَوْرَاتِ النِّسَاءِ ﴾

„Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишидан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) асрасинлар! Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар. Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг ака-укаларига ё ака-укаларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари (каби) аёлларга ё қўл остиларидаги қўлларга ё

(аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз девона) эркакларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздир)“. [24:31]

Қўл остидаги қуллар, аёлларга шаҳвати йўқ кекса-қари ёки ақлсиз-девона ёки бичилган ёки аёлларга ҳожати йўқ эркаклар маҳрамлар қаторига қўшилган. Мана шулар хос ҳаётда бўлишларига рухсат берилади. Булардан бошқа эркаклар - гарчи маҳрам бўлмаган қариндошлардан бўлсалар-да - хос ҳаётда бўлишлари асло мумкин эмас. Чунки аёл одатда уйда кўриниб турадиган зийнатларининг ўрни бўлган аъзоларини уларга кўрсатиши мумкин эмас.

Демак, хос ҳаётда бегона эркакларнинг аёллар билан жамланиши мутлақ ҳаромдир. Фақат шариат истисно қилган ҳолатлардагина, яъни биргаликда овқатланиш, қариндош-уруғлар билан борди-келди қилиш каби ҳолатларда аёл билан маҳрами бирга бўлиб, барча авратлари беркитилган бўлсагина жамланишлари мумкин.

ИСЛОМИЙ ҲАЁТДА ЭРКАКЛАР АЁЛЛАРДАН АЖРАТИЛИШНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Исломий ҳаёт - мусулмонларнинг барча ҳолатларидаги яшашларининг кўриниши бўлиб, бу хусусда келган Қуръон ва суннатдаги шаръий нусуслар ифодасига кўра, Исломий ҳаётда, яъни уйларда ва шулар каби жойлардаги хос ҳаётда ҳам, кўча-бозорлар ва шулар сингари жойлардаги умумий ҳаётда ҳам эркаклар аёллардан ажратилади. Бундан ташқари, бу ажратиш эркакка тааллуқли, аёлга тааллуқли ва иккаласига ҳам тааллуқли бўлган шаръий ҳукмлар мажмуида ҳам, Қуръон аёлларга аёллар сифатида, эркакларга эркаклар сифатида қилган хитобида ҳам собитдир. Масалан, Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ وَالْمُتَّصِدِّقِينَ وَالْمُتَّصِدِّقَاتِ وَالصَّامِيْنَ وَالصَّامِيَاتِ وَالْحَافِظِينَ فُرُوجَهُمْ

وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴾

„Хайр-садақа қилгувчи эркаклар ва хайр-садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва Аллоҳни кўп зикр қилгувчи аёллар – улар учун Аллоҳ магфират ва улуг мукофот тайёрлаб қўйгандир“. [33:35]

Шунингдек, Расулуллоҳ ﷺнинг даврларидан бошлаб барча Исломи асрларида эркаклар билан аёлларни бир-биридан ажратиш ҳам амалий, ҳам жамоий шаклда татбиқ этилгани ривоят қилингандир.

Далиллар мажмуини диққат билан ўргансак кўрамизки, Шорей аёлга уйдан ташқарига чиқишни истаганда жилбоб кийишни буюрди. Аёлнинг юзи ва қўл қафтларидан ташқари бутун баданини аврат қилиб қўйди, зийнатларини номаҳрамларга кўрсатишни ҳаром қилди. Аёлнинг авратига, ҳаттоки сочига ҳам қарашни эркакка ҳаром қилди. Маҳрамсиз сафар қилишни, ҳаттоки ҳаж қилишга маҳрамсиз боришни аёлга тақиқлади. Шорей уйларга рухсатсиз киришни ҳаром қилди. Жамоат бўлиб намоз ўқишни, жума намозини, жиҳодни эркакка фарз қилиб, буларни аёлга фарз қилмади. Тирикчилик қилиш учун ҳаракат қилишни эркакка вожиб қилиб, аёлга вожиб қилмади. Булар билан бир қаторда Расулуллоҳ ﷺ эркакларни аёллардан ажратганлар. Масжидда ва намозда аёллар сафини эркаклар сафидан кейинга қўйганлар. Бухорий Анас ибн Моликдан ривоят қилишича, «у кишининг бувиси Малика Расулуллоҳ ﷺни таомга таклиф қилди. Расулуллоҳ ﷺ таомдан тановул қилдилар, сўнгра дедилар:

«قَوْمُوا فَأَصَلِّ لَكُمْ»

«Туринглар, намоз ўқиймиз». Анас айтади: Мен ва бир етим бола Расулulloҳ ﷺнинг ортларига турдик, бувим бизнинг ортимизга турдилар». Аёллар эркаклардан ажраб туришлари учун масжиддан олдин аёллар, кейин эса эркаклар чиқишига буюрганлар. Бухорий Ҳинд бинт Ҳорисдан ривоят қилади, у айтди: «Пайғамбар ﷺнинг аёллари Умму Саламанинг айтишича, Расулulloҳ ﷺ даврларида аёллар фарз намозда салом берганларидан сўнг туриб кетишган. Расулulloҳ ﷺ ва у киши билан бирга намоз ўқиган эркаклар Аллоҳ хоҳлагача кутиб туришган. Расулulloҳ ﷺ турганларида қолганлар ҳам туришган». У зотнинг масжиддаги дарсларида аёллар айтишганки: «Эй Расулulloҳ, биздан кўра эркакларга кўпроқ дарс беряпсиз. Бизга ҳам бир кунни ажратинг». Бу ва бу каби ҳукмлар ва ҳолатлар мажмуаси Исломий ҳаёт йўналишини, бу ҳаётда эркаклар аёллардан ажратилишини, бу ажратиш умумий бўлиб, хос ҳаётни ҳам, умумий ҳаётни ҳам ўз ичига олишини кўрсатиб беради. Расулulloҳ ﷺнинг даврларида Исломий ҳаётда, яъни хос ҳаётда ҳам, умумий ҳаётда ҳам эркаклар аёллардан буткул ажратилган эди. Хос ҳаётда ёки умумий ҳаётда Шореъ рухсат берган жамланиш бундан мустаснодир. Шореъ аёлга ҳаж қилишни вожиб этиб, савдо-сотиқ, олди-берди қилишга, жамоат намозига қатнашишга, кофирларга қарши жиҳод қилишга, мол-мулкка эга бўлиш ва уни кўпайтиришга ва бошқа ишларга рухсат берди. Шореъ аёлга вожиб қилган ёки рухсат берган ишларга қаралади. Агар бу иш эркак билан жамланишни тақозо этса, бундай ҳолатда шариат ҳукмлари доирасида ва аёлга рухсат берилган иш доирасида жамланиш мумкин. Савдо-сотиқ, ижара, таълим-тарбия, табиблик қилиш, касалга қараш, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва шу каби ишлар бунга мисол бўлади. Чунки бу ишларни вожиб қилган ёки уларга рухсат берган далил шу ишлар туфайли жамланишга ҳам рухсат берилганини ўз ичига олади. Агар ишлар эркак билан жамланишни тақозо этмаса, бундай ҳолатда аёл эркак билан жамланиши мумкин эмас. Бунга мисол: масжидга ёки бозорга ёки қариндошнинг зиёратига боришда йўлда кетиш, айлангани чиқиш, ейиш, ичиш ва шунга ўхшаш ишлар. Чунки эркакларнинг аёллардан ажралиши далили умумий бўлиб, бундай ишларни бажариш учун эркак билан аёл жамланиши мумкинлиги ҳақида далил келмаган. Бундан ташқари, бундай ишлар шариат аёлга қилишга ижозат берган ишлар тақозо қиладиган ишлардан эмас. Шу туфайли бундай ишларни бажариш учун - гарчи умумий

ҳаётда бўлса ҳам - жамланиш гуноҳ ҳисобланади. Шунга кўра, Исломий ҳаётда эркаклар аёллардан ажратилиши фарздир. Хос ҳаётда шариат истисно қилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларда тўлиқ ажратилади. Умумий ҳаётда эса ажратилиш асл ҳолат бўлиб, бу ҳаётда эркаклар аёллар билан жамланиши мумкин эмас. Фақат шариат аёлга вожиб қилган ёки рухсат берган ёки мандуб қилган ишлар жамланишни тақозо этсагина жамланиш мумкин. Бу жамланиш масжиддаги ҳолат каби ажратилиш билан бирга ёки ҳаж амаллари ва савдо-сотиқда бўлгани каби аралашув билан бирга бўлиши мумкин.

АЁЛГА ҚАРАШ

Бирор аёлга уйланишни хоҳлаган эркак унинг қараш мубоҳ бўлган жойларига (юзи ва кафтларига) унинг рухсати билан ҳам, рухсатисиз ҳам қараши мумкин. Шунингдек унинг юзи ва кафтларидан бошқа жойларига ҳам қараши мумкин. Лекин бунга рухсат олмайди. Бу қараш уйланмоқчи бўлган аёлдан кўзни тўсмаслик мумкинлигини тақозо этади.

Бунга далил Жобирнинг ҳадиси: Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِذَا خَطَبَ أَحَدُكُمْ الْمَرْأَةَ فَإِنْ اسْتَطَاعَ أَنْ يَنْظُرَ مِنْهَا إِلَى مَا يَدْعُوهُ إِلَى نِكَاحِهَا فَلْيَفْعَلْ.
قَالَ: فَخَطَبْتُ امْرَأَةً فَكَذُتُ أَخْبَابًا لَهَا مَا حَتَّى رَأَيْتُ مِنْهَا مَا دَعَانِي إِلَى نِكَاحِهَا فَ تَرَوُجُهَا»

«**Бирортангиз бирор аёлга совчи қўйса, уни никоҳига олишга чорловчи жойларини кўришга қодир бўлса, кўрсин**». Жобир дейди: «Шундан кейин бир аёлга совчи қўйдим. Яшириниб туриб, унинг мени никоҳланишга чорловчи жойларини кўриб олдим. Сўнг унга уйландим». (Ҳоким ривояти). Бу ҳадис бир жихатдан совчи қўювчининг нафақат мубоҳга, балки мубоҳдан (юз ва кафтлардан) бошқа жойларга ҳам қараши мумкинлигига далолат қилади. Чунки юз ва кафтлар очиқ бўлиб, унга совчи қўювчи ҳам, бошқа ҳам қараши мумкин. Шунинг учун бу ўринда «**агар қодир бўлса, яшириниб туриб**» деган сўзлар ноўрин бўлиб қолади. Юз ва кафтларга қараш умумий бўлиб, совчи қўювчини ҳам, бошқани ҳам ўз ичига олади. Демак ҳадисдаги совчи қўювчининг қарашидан мурод юз ва кафтлардан бошқа жойга қараш. Бу ҳадис иккинчи жихатдан совчи қўювчи - аёлнинг юз ва кафтларидан бошқа жойига унинг рухсатисиз қарашига далил бўлади. «**Агар қодир бўлса, яшириниб туриб**» сўзлари шунга далолат қилади. Зеро аёл киши авратларини фақат муайян шахсларгагина кўрсатиши мумкин бўлиб, совчи қўювчи улар жумласига кирмайди. Ҳадис учинчи жихатдан совчи қўювчининг қараши:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ﴾

„(Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишидан) тўссинлар“.

[24:30]

оятидан истисно қилинганига далолат қилади. Чунки ҳадис кишига ўзи уйланмоқчи бўлган аёлдан кўзини тўсмасликни мубоҳ қилди.

Бироқ уйланмоқчи бўлган аёл билан холи қолиш мумкин эмас. Чунки Пайғамбар ﷺ хилват ҳақидаги ҳадисда совчи қўювчини истисно қилмаганлар:

«لَا يَخْلُ وَرَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَهِيَ ذُو حَرَمٍ مِنْهَا فَإِنَّ تَالَيْتَهُمَا الشَّيْطَانُ»

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши ёнида маҳрами йўқ аёл билан холи қолмасин. Чунки уларнинг учинчиси шайтон бўлади» (Муслим ривояти).

Эр ва хотин бир-бирларининг бутун баданларига қарашлари мубоҳдир. Баҳз ибн Ҳаким отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, бобоси сўради: «Эй Расулulloҳ, бизга рухсат бўлган ва биз тарк қилишимиз керак бўлган авратлар қайсилар?» Жавоб бердиларки:

«أَحْفَظُ عَوْرَتِكَ إِلَّا مِنْ زَوْجَتِكَ أَوْ مَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ»

«Хотининг ва чўрингдан ўзгалардан авратингни сақла!».

Эркак муслима ёки муслима бўлмаган ўзининг маҳрамларининг юзи ва кафтлари билан бирга зийнат ўрни бўлган бошқа аъзоларига ҳам - муайян аъзоларга чекламай - қарashi мумкин. Чунки бу хусусда нусус келган бўлиб, бу нусус мутлақ (яъни, қайдланмаган)дир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا يُدَيِّنُ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ

أَبْنَائِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ

نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوِ التَّبِيعِينَ غَيْرِ أُولَى الْأَرْبَابَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوْ الْوَالِدِ

الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَى عَوْرَاتِ النِّسَاءِ﴾

„Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўзларининг ака-укаларига ё ака-укаларининг ўғилларига ё онасингилларининг ўғилларига ё ўзлари (каби) аёлларга ё қўл остиларидаги қулларга ё (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз-демона) эркакларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздир)“. [24:31]

Бу зикр қилинганларнинг барчаси аёлнинг сочига, бўйнига, қўл ва оёқдаги билак узук ўрнига, маржон тақиладиган жойига ва бундан бошқа зийнат ўрни ҳисобланган аъзоларига қарашлари жоиз. Чунки Аллоҳ Таоло айтганки: „Зийнатларини кўрсатмасинлар“, яъни аёллар Қуръон зикр қилган шахслардан бошқаларга зийнат ўринларини кўрсатмасинлар. Демак, улар аёлнинг кундалик (уй) кийимида кўриниб турадиган аъзоларига қарашлари жоиз. Имом Шофеъий муснадида ривоят қилади: Абу Салама қизи Зайнаб

айтади: «Зубайрнинг аёли Асмо мени эмизганди. Мен Зубайрни ота деб билардим. Сочимни тараб турган ҳолатимда олдимга кирарди. Ўрилган сочларимдан ушлаб: «Менга қара», - дерди». Ривоятга кўра, Абу Суфён Ҳудайбия аҳдини янгилаш учун Мадинага келганда, Расулulloҳнинг хотинлари бўлган қизи Умму Ҳабибаникига кирди. У ўтириб олмаслиги учун қизи Расулulloҳнинг тўшакларини йиғиб қўйди. Ундан ҳижобланмади ва бу воқеани Расулulloҳга айтиб берди. Уни маъқулладилар ва Абу Суфён мушрик бўлса-да, лекин маҳрам бўлгани учун ундан ҳижобланишга буюрмадилар.

Маҳрам ёки совчи қўйгувчи ёки эр бўлмаган шахсларга нисбатан эса қаралади. Эркак аёлга қарайдими ёки аёл эркакка қарайдими - фарқи йўқ, агар қарашга эҳтиёж бўлса, у қарашга эҳтиёж туғилган аъзосигагина қараши мубоҳ. Ундан бошқа аъзоларидан юзи ва кафтларигагина қарайди. Тана аъзосига қарашларига эҳтиёж туғилган ва қарашларига шарият рухсат берган шахслар - табиб, касалга қаровчи, текширувчи-эксперт ва шу каби аврат ва бошқа жойларга қарашларига эҳтиёж туғиладиган шахслардир. Ривоят қилинадики,

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ لَمَّا حَكَّمْ سَعْدًا فِي بَنِي قُرَيْظَةَ كَانَ يَكْشِفُ عَنْ مُؤْتَرِرِهِمْ»

«Пайгамбар ﷺ Саъдни Бану Қурайзага ҳакам қилиб жўнатганларида, у қабила эркакларининг иштонларини очиб кўрган эди». Ривоятга кўра: «Усмоннинг олдига ўғирлик қилган болани олиб келишганда айтдики: «Иштонини очиб қаранглар». Қовуғи устига тук ўсмаганини кўришгач, унинг қўлини кесмади». Усмоннинг бу иши саҳобаларнинг кўз ўнгида бўлган бўлса-да, бирорталари уни инкор қилишмади.

Агар эҳтиёж бўлмаса ва аёллардан беҳожат бўлган номаҳрам эркаклар тоифасидан бўлмаса, аёлнинг юзи ва кафтларига қараши мубоҳ. Бу икки жойдан бошқасига қараши ҳаром. Бунга далил Расулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзларидир:

«إِنَّ الْجَارِيَةَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ يَصْلُحْ أَنْ يَرَى مِنْهَا إِلَّا وَجْهَهَا وَيَدَاهَا إِلَى الْمَفْصَلِ»

«Аёл киши хайз ёшига етгач, унинг юзи ва бўгинларигача бўлган икки қўлидан бошқаси кўриниши яхши эмас». Аллоҳ аёлнинг зийнат ўрни бўлган аъзоларини кўрсатишидан қайтарганда юз ва кафтни истисно қилган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا﴾

„Кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номаҳрамларга) кўрсатмасинлар“.

[24:31]

Ибн Аббос бу оятни тафсир қилиб: «Юз ва кафтлар», деганлар. Аёлни зийнатларини кўрсатишдан ман қилиш авратни кўрсатишдан ман қилишдир. Уларни кўрсатишдан қайтариш эса, аёл кўрсатишдан қайтарилган аъзоларга қарашдан ҳам қайтариш эканини билдиради. Аёл кўрсатиши қайтарилган аъзолардан кўриниб турган аъзонинг истисно қилиниши уларга қараш ҳаром эканлигидан истиснодир. Бу эса унга қараш жоизлигини билдиради. Демак, бегона эркак бегона аёлнинг юзи ва кафтларига қараши мумкин. Бу қарашнинг даражаси бу аёлнинг айнан ўзини таниб олишга имкон берсин. Токи гувоҳлик лозим бўлганда бу аёл хусусида гувоҳлик бера олсин, савдо ёки ижара хусусида у билан муомала қилган бўлса унга қайта мурожаат қила олсин, агар бу аёлга қарз берган ёки қарзини қайтарган бўлса ёки уни бошқа аёлга ўхшатиб қолса унинг шахсиятини аниқлай олсин ва ҳоказо. Шунга ўхшаб, аёл ҳам эркакнинг аврат бўлмаган жойларига қараши мумкин. Оиша رضي الله عنها ривоят қиладиларки:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَسْتَرُنِي بِرِدَائِهِ وَأَنَا أَنْظُرُ إِلَى الْحَبَشَةِ يَلْعَبُونَ فِي الْمَسْجِدِ»

«Масжидда ўйнаётган ҳабашларга қараётганимда Расулуллоҳ ﷺ ридолари билан мени тўсиб турардилар» (муттафақун алайҳ).

«Расулуллоҳ ҳайит хутбасидан фориф бўлганларидан сўнг аёллар олдига бориб, уларга (Аллоҳнинг ҳукмларини) эслатдилар. У зот билан бирга Билол ҳам бор эди. Сўнг аёлларга садақа беришни буюрдилар». (Бухорий ривояти). Бу ҳадис Расулуллоҳ аёлларнинг эркакларга қарашларини маъқуллаганликларига ёрқин далилдир. Аврат бўлмаган жойларга қараш эса Оишанинг ўйнаётган ҳабашларга қараши, уларнинг аврат бўлмаган барча жойларига қараганини кўрсатади. Қараш мутлақ бўлиб, бирор аъзога қайдланмаган. Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا زَوْجٌ أَحَدَكُمْ خَادِمَهُ عَبْدَهُ أَوْ أَجِيرَهُ فَلَا يَنْظُرُ إِلَى مَا دُونَ السَّرَّةِ وَفَوْقَ الرُّكْبَةِ فَإِنَّهُ عَوْرَةٌ»

«Бирорталарингиз қул ёки ижарачи ходимини уйлантирса, киндиги ва тиззаси оралигидаги жойга қарамасин. Чунки у авратдир». (Абу Довуд ривояти). Бундан у жойдан бошқа жойларга қараш мубоҳлиги тушунилади. Мубоҳлик мутлақ бўлиб, эркакни ҳам, аёлни ҳам ўз ичига олади. Аммо Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган:

«سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ نَظَرِ الْفَجَاءَةِ فَأَمَرَنِي أَنْ أَصْرِفَ بَصْرِي»

«Расулуллоҳ ﷺдан тўсатдан кўз тушиб қолиш ҳақида

сўрадим. Мени кўзимни буришга буюрдилар» (Муслим ривояти) ҳамда Али ﷺдан ривоят қилинган: Расулulloҳ менга дедилар:

«لَا تُبْعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ فَإِنَّمَا لَكَ الْأُولَىٰ وَلَيْسَ لَكَ الْآخِرَةُ»

«Қарашга қарашни эргаштирма. Чунки биринчиси сенинг фойданга бўлса, кейингиси фойданга эмас» (Аҳмад ривояти) ҳадисларига келсак, бу ҳадислар аёлнинг эркакка қараши ҳақида эмас, балки эркакнинг аёлга қараши ҳақидадир. Биринчи ҳадисдан мурод - юз ва кафтларга қарашнинг мубоҳлиги далилига кўра - юз ва кафтдан бошқа жойларга қарашдир. Иккинчи ҳадисдан мурод - шунчаки қарашдан қайтариш эмас, балки шаҳватга сабабчи бўладиган такрор қарашдан қайтаришдир.

Аллоҳ Таоло дейди:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ﴾

„(Эй Мухаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар“.

[24:30]

Бу оятдан мурод кўзни мутлақо тўсиш эмас, балки ҳаром қилинган жойлардан тўсиш ва ҳалол жойларга қараш билан чекланишдир. Бунга далил, Шорей баён қилганига кўра, маҳрамлар аёлларнинг сочларига, бўйинларига, маржон тақадиган ўринлари, билак узук ўринларига ва оёқларига қарашлари жоиз. Бегона аёлнинг фақат юзи ва кафтларига қараш мумкин. Зеро, кўзни тўсиш - уни пастга қаратиш, демакдир. «Қомус»да ҳам шундай дейилган.

Юқоридаги фикрлардан эркак ва аёл бир-бирларининг аврат бўлмаган жойларига лаззат ва шаҳват қасдисиз қарашлари жоиз эканлиги маълум бўлади. Эркакнинг аврати киндиги билан тиззаси оралиғи бўлса, аёлнинг аврати юзи ва кафтларидан ташқари бутун баданидир. Унинг бўйни, сочи - гарчи бир толаси бўлса ҳам - авратдир. Бошининг барча қисми авратдир. Демак, юзи ва кафтларидан бўлак бошқа аъзолари аврат бўлиб, уларни беркитиш вожиб бўлади. Бунга далил Аллоҳнинг ушбу ояти:

﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا﴾

„Кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номаҳрамларга) кўрсатмасинлар“.

[24:31]

«Кўриниб тургани» юз ва кафтлардир. Чунки Пайғамбар ﷺ ҳузурларида муслима аёлларнинг шу икки жойи кўриниб турарди, у зот бунга индамас эдилар. Бу икки аъзо ибодатда, яъни ҳаж ва намозда очиқ кўриниб туради. Расулulloҳ даврларида, яъни оят нозил бўлиб турган даврда шу икки жой очиқ кўриниб турарди.

Аёл баданининг юзи ва кафтларидан бошқа барча қисми аврат эканига Расулulloҳнинг:

«الْمَرَأَةُ عَوْرَةٌ»

«**Аёл авратдир**», деган ҳадислари ҳам далилдир. Расулulloҳ дедилар:

«إِنَّ الْجَارِيَةَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ يَصْلُحْ أَنْ يُرَى مِنْهَا إِلَّا وَجْهَهَا وَيَدَاهَا إِلَى الْمِفْصَلِ»

«**Аёл киши хайз ёшига етгач, унинг юзи ва бўғинларигача бўлган икки қўлидан бошқаси кўриниши яхши эмас**». Ушбу далиллар аёлнинг юзи ва кафтдан бошқа жойлари аврат эканини, аёл бутун баданини, яъни юзи ва кафтларидан бошқа жойларини беркитиши вожиблигини ёрқин баён қиляпти.

Аврат нима билан беркитилади? Шариат авратни беркитиш учун муайян либосни белгиламай, эркин ташлаб қўйган. Фақатгина «кўрсатмасинлар», «кўриниши яхши эмас» дейиш билан чекланган. Демак, аёл баданининг юз ва кафтларидан бошқа барча қисмини ёпиб турадиган ҳар қандай либос - шакли қандай бўлишига қарамай - авратни ёпувчи деб ҳисобланади. Масалан, узун кўйлак ҳам, шим ҳам, юбка ҳам, пайпоқ ҳам авратни ёпувчи либос жумласидандир. Шореъ либос шаклини ва навини аниқ тайинлаб бермаган. Бунга кўра шакли, нави ва неча бўлаклигидан қатъий назар, авратни беркитиб турадиган, яъни аврат кўриниб турмайдиган ҳар қандай либос шаръан авратни ёпувчи кийим деб ҳисобланади.

Бироқ Шореъ либос бадан терисини ёпиб туришини шарт қилган. Дарҳақиқат, терини, унинг оқ, қизил, буғдойранг, қора ёки бошқа рангини яшириб турадиган либос билан авратни ёпишни вожиб қилди. Яъни ёпувчи либос терини, унинг рангини, унинг оқ ё қизиллиги ёки буғдойранглигини билинтирмайдиган даражада ёпадиган бўлиши лозим. Агар шундай сифатга эга бўлмаса, авратни ёпувчи деб ҳисобланмайди. Кўйлак юпқа бўлиб, унинг остидан тери ранги кўриниб, унинг қизил ё оқ ёки буғдойранглиги билиниб қолса, бундай кўйлак авратни ёпувчи бўлишга ярамайди ва унда аврат беркитилмаган деб ҳисобланади. Чунки шаръан авратни беркитиш терини, унинг рангини беркитиш билан амалга ошади. Шореъ бадан терисини терининг ранги билинмайдиган даражада беркитишни вожиб қилганига Расулulloҳ ﷺнинг «**Унинг юзи ва бўғинларигача бўлган икки қўлидан бошқаси кўриниши яхши эмас**», деган ҳадислари далил бўлади. Бу ҳадис Шореъ авратни беркитишда ёпувчи кийим терини беркитиб, унинг рангини кўрсатмайдиган бўлишини шарт қилганига ёрқин далилдир. Демак,

аёл авратни ёпадиган кийимини юпқа, нозик қилмаслиги, яъни бу кийимни ортидаги нарсани айтиб бермайдиган, остидаги нарсани кўрсатиб қўймайдиган қилиши вожиб.

Бу - авратни беркитиш мавзуи эди. Ушбу мавзуни аёлнинг умумий ҳаётдаги либоси мавзуи билан ҳам, айрим либослари билан ясан-тусан қилиши мавзуи билан ҳам аралаштириб юбормаслик керак. Авратни беркитадиган либос мавжудлиги аёл уни умумий кўчага чиққанда кийиши жоиз дегани эмас. Чунки умумий кўча учун Шорёъ муайян либосни белгилаб берган бўлиб, унинг авратни беркитиши кифоя қилмайди. Масалан, шим авратни беркитса-да, уни умумий ҳаётда, яъни умумий кўчада кийиб бўлмайди. Чунки умумий кўча учун Шорёъ кийишни вожиб қилган либос мавжуд. Агар аёл Шорёънинг буйруғига хилоф иш тутиб, Шорёъ белгилаган кийим ўрнига бошқасини кийса, гуноҳкор бўлади. Чунки у бир фарзни тарк қилган бўлади. Шу туфайли «авратни беркитиш» мавзуини «аёлнинг умумий ҳаётда кийиниши» мавзуи билан аралаштирмаслик керак. Шунингдек, авратни беркитиш мавзуини ясан-тусан қилиб, бегона эркакларга ўз зийнатлари ва гўзалликларини кўрсатиш мавзуи билан ҳам аралаштириб юбормаслик керак. Шунга кўра, юпқа бўлмаган шим авратни беркитиши уни бегона эркаклар олдида кийиш мумкинлигини билдирмайди. Негаки аёл шим кийгач, ўз гўзаллигини кўрсатиб, зийнатларини намоён қиладиган ҳолда бўлади. Бундай пайтда аёл авратини беркитган бўлса-да, у ясан-тусан қилиб, бегона эркакларга ўз зийнатлари ва гўзаллигини кўрсатган бўлади. Ҳолбуки Шорёъ, гарчи аёлнинг аврати беркитилган бўлса ҳам, ясан-тусан қилиб, бегона эркакларга ўз зийнатлари ва гўзаллигини кўрсатишдан қайтарган. Аёл авратини беркитди, дегани авратини беркитган кийим уни ясан-тусан қилувчилар қаторидан чиқариб қўяди, дегани эмас. Шунга кўра, авратни беркитиш мавзуи билан ясан-тусан қилиб, бегона эркакларга ўз зийнатлари ва гўзаллигини кўрсатиш мавзуи алоҳида-алоҳида мавзулар бўлиб, уларни аралаштириб юбормаслик керак.

Аёл умумий ҳаётда, яъни бозорларда, умумий кўчада киядиган либосга келсак, Шорёъ аёлга бозорларга чиққанда ёки умумий кўчада юрганда кийими устидан киядиган бошқа кийими бўлишини вожиб қилган. Бинобарин унга кийими устидан киядиган, оёқларини (тўпиқ пастини) ҳам ўрайдиган даражада пастгача туширилган ёпинчиғи бўлишини вожиб қилди. Агар бундай кийими бўлмаса, қўшниси ё дугонаси ёки қариндошининг кийимини ижарага олиб туради. Агар ижарага олишга қодир бўлмаса ёки ҳеч ким ижарага бериб турмаса, бундай кийимсиз кўчага чиқиши

мумкин эмас. Кийими устидан киядиган кийимсиз кўчага чиқса гуноҳкор бўлади. Чунки бу ҳолда аёл Аллоҳ унга фарз қилган амални тарк қилган бўлади. Бу ҳукмлар аёлнинг пастки либосига тааллуқлидир. Устки либосга нисбатан эса, аёлнинг рўмоли ёки унга ўхшаш, унинг ўрнини босадиган либоси бўлиши, бу либос бошининг барча қисмини, бўйнининг ҳамма томонини ва кўйлакнинг кўкракдаги очиқ жойларини ўраб туриши керак. Ҳамда бу либос бозорга чиқиш ёки умумий кўчада юриш учун тайёрланган бўлиши, яъни либосларининг устидан кийиладиган бўлиши керак. Мана шу икки либоси (яъни, кийимларининг устки ва пастки қисмларини ўраб турадиган либоси) бўлса, аёл ўз уйдан бозорларга чиқиши ёки умумий кўчада юриши, яъни умумий ҳаётга чиқиши мумкин. Агар бу икки либоси бўлмаса, бирор ҳолатда ҳам чиқиши мумкин эмас. Чунки бу икки либосни кийишга бўлган буйруқ умумий бўлиб, уни хословчи ҳукм мутлақо келмаган. Шунга кўра, у барча ҳолатларда ҳам умумийлигича қолади.

Умумий ҳаёт учун шундай икки либос бўлиши вожиблигига қуйидаги оятлар далил бўлади. Устки либос ҳақида Аллоҳ шундай дейди:

﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ خُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ﴾

„Кўришиб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!“. [24:31]
Аллоҳ Таоло пастки либос ҳақида шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لَأَزُوجِكُمْ وَنِسَاءِ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلْبَابِهِنَّ﴾

„Эй Пайгамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!“. [33:59]
Умму Атийя ривоят қилади:

«أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ نُخْرِجَهُنَّ فِي الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى، الْعَوَاتِقَ وَالْحَيْضَ وَذَوَاتِ الْخُدُورِ، فَأَمَّا الْحَيْضُ فَيَعْتَرِزْنَ الصَّلَاةَ وَيَشْهَدْنَ الْخَيْرَ، وَدَعْوَةَ الْمُسْلِمِينَ. قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ أَحَدَنَا لَا يَكُونُ لَهَا جِلْبَابٌ، قَالَ: لِثَلْبَسَهَا أُخْتَهَا مِنْ جِلْبَابِهَا»

«Расулуллоҳ ﷺ бизга ёш қизларни, ҳайз кўриб турган ва буйига етган қизларни Рамазон ва Қурбон ҳайитларига чиқаришимизни буюрдилар. Ҳайз кўриб турганлари намоздан четлашадилар, яхшиликка ва мусулмонларнинг дуосига гувоҳ бўладилар». Айтдимки: «Биримизнинг ёпинчиғи (жилбоби) бўлмаса-чи?». Дедилар: **«Унга опаси (дугонаси) жилбобини кийдирсин».** (Муслим ривояти). Ушбу далиллар

аёлнинг умумий ҳаётдаги либосини аниқ-равшан баён қилиб берапти. Аллоҳ Таоло бу икки оятда аёлга умумий ҳаётда кийиши вожиб қилинган либосини аниқ ва тўлиқ сифатлаб берган. Аёлнинг устки либоси ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿وَلْيَضْرِبْنَ خُمْرَهُنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ﴾

„Кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар“. [24:31]

Яъни бош ёпинчиқларини бўйинларига, кўкракларига ўрасинлар, кўйлак ва кийим ёқасидан кўриниб турадиган бўйин ва кўкракларини беркитсинлар. Аёлларнинг пастки либоси ҳақида эса шундай дейди:

﴿يُدْنِينَ عَلَيْنَّ مِنَ جَلْبَابِهِنَّ﴾

„Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!“. [33:59]

Яъни кўчага чиқиш учун кийган кийимлари устига кийган ёпинчиқ ва плащ каби кийимларини пастгача тушиб турадиган қилиб узун қилсинлар. Аёлнинг ушбу либосининг умумий кўриниши ҳақида шундай дейди:

﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا﴾

„Кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номахрамларга) кўрсатмасинлар“. [24:31]

яъни қулоқ, биллак, болдир каби зийнат ўринларини кўрсатмасинлар. Бу оят нозил бўлган даврда, яъни Расулulloҳ ﷺнинг даврларида умумий ҳаётда кўриниб турган жойлар, яъни юз ва қўл кафтлари бундан мустаснодир. Мана шундай аниқ сифатлаш орқали аёлнинг умумий ҳаётдаги либоси нима ва қандай бўлиши вожиблиги ёрқин маълум бўлади Умму Атийянинг ҳадиси аёл кўчага чиққанда кийими устидан киядиган кийими бўлиши вожиблигини очиқ баён қилган. У Расулulloҳдан «Биримизнинг жилбоби бўлмаса-чи?» - деб сўраганда унга шундай жавоб берганлар: **«Унга опаси (дугонаси) ўз жилбобини кийдирсин».** Яъни у Расулulloҳдан: «Кўчага чиқиши учун кийими устидан киядиган кийими йўқ бўлса-чи?» - деб сўраганида, Расулulloҳ унга дугонаси кийими устидан киядиган кийимини бериб туришини амр қилганлар. Бунинг маъноси, агар кийимини бериб турмаса, кўчага чиқиши мумкин эмас. Бу эса ҳадисдаги буйруқ фарз эканлигига ишорадир, яъни аёл кўчага чиқишни хоҳласа, кийими устидан жилбоб кийиши фарз бўлиб, уни киймаса чиқмайди.

Жилбоб тўпиқларни ҳам ёпиб турадиган даражада пастгача тушиб туриши шарт. Чунки Аллоҳ оятда айтганки:

„Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!“.

[33:59]

яъни жилбобларини узайтирсинлар. Чунки бу ердаги «мин» баъзисини деган маънода эмас, балки баён маъносига келган. Яъни ёпинчиқни ёки плашчани пастгача тушириб узайтирсинлар. Чунки ибн Умар ривоят қилганки, Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلَاءَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: فَكَيْفَ يَصْنَعُ النِّسَاءُ بَدْيُوْلِهِنَّ؟ قَالَ: يُرْحَيْنَ شِبْرًا، قَالَتْ: إِذَا تَنَكَّشِفَ أَقْدَامُهُنَّ؟ قَالَ: يُرْحَيْنَ ذِرَاعًا لَا يَزِدْنَ»

«Кимки такабурлик қилиб этакларини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга қарамайди». Шунда Умму Салама сўрадики: «Унда аёллар этакларини нима қиладилар?». Пайгамбар алайҳиссалом айтдики: «(Тўпиқлари пастидан) бир қарич туширсинлар (яъни бир қарич узунликда ерда судраб юрсинлар)». Умму Салама деди: «Унда ҳам оёқлари очилиб қолади-ку?» Набий ﷺ жавоб бердики: «(Тўпиқлари пастидан) бир зироъ (бир биллак) узайтирсинлар. Бундан зиёда қилмасинлар». Бу эса аёл кийими устидан киядиган кийими, яъни ёпинчиғи тўпиқ пастини ёпиб турадиган даражада узун бўлишини очиқ билдирапти. Агар тўпиқ пасти пайпоқ ёки махси билан беркитилган бўлса, бу нарса жилбоб узун қилиб туширилганига далолат қиладиган шаклда узун туширилганининг ўрнига ўтмайди. Бу ҳолатда тўпиқ пасти берк бўлгани учун уларни ўрашга зарурат йўқ. Лекин бу ҳолатда ҳам жилбоб пастгача узун тушиб туриши зарур. Токи бу кийим аёл умумий ҳаётда кийиши вожиб бўлган кийими эканлиги равшан билиниб турсин ва Аллоҳнинг «узун қилиб олсинлар», деган каломи рўёбга чиқсин.

Шундан маълум бўладики, аёл кўчага чиқиши учун кийимлари устидан киядиган кенг кийими бўлиши керак. Кўчага чиқишни хоҳласа-ю, бундай кийими бўлмаса дугонаси, яъни бирор муслима ўзининг кийимлари устидан киядиган кийимини унга бериб туриши керак. Агар бериб турадиган аёлни топа олмаса, кийимлари устидан киядиган кийим топгунча кўчага чиқмайди. Барча авратлари беркитилган бўлса ҳам, кийимлари устидан кенг, пастгача тушиб турадиган кийим киймай кўчага чиқса гуноҳкор бўлади. Чунки тўпиққача тушиб турадиган кенг кийим фарздир. Демак, у фарзга хилоф иш қилган бўлади. Бинобарин у Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлади ва давлат тарафидан таъзир бериш жазоси билан жазоланади.

Энди аёлнинг эркакка, эркакнинг аёлга қараши масалаларидан

бўлган икки масала қолди. Биринчи масала - эгаларининг изни билан уйларда бегона эркакларнинг бўлиши, уларнинг кундалик уй кийимидаги аёлларга қарашлари ва аёлнинг юзи ва кафтларидан ташқари бошқа аъзоларини ҳам кўриб қолишлари. Иккинчи масала - ғайримусулмон аёлларнинг, ҳатто баъзи муслима аёлларнинг шаҳар кўчаларида юз ва кафтларидан кўпроқ аъзоларини кўрсатган ҳолда юришлари. Бу икки масала амалда мавжуд бўлиб, уларнинг касофати барча мусулмонларга тушяпти. Бу икки масала хусусидаги шариат ҳукмини баён қилиш зарур.

Биринчи масала шундан иборат: баъзан ака-укалар ёки қариндошлар бир манзилда бирга яшайдилар. Уларнинг аёллари кундалик уй кийимида бошқаларига кўринади. Кундалик уй кийимида аёлнинг сочи, бўйни, билаклари, болдирлари ва шу каби аъзолари кўриниб туради. Оқибатда аёлнинг мазкур аъзоларига унинг маҳрамлари бўлган акаси, отаси ва бошқалар қандай қарасалар, эрининг у аёлга номаҳрам ака-укалари ва қариндошлари ҳам шундай қарайдилар. Ваҳоланки, эрининг ака-укалари ҳам бошқа бегоналар каби аёлга номаҳрамдир. Шунингдек, аёлга номаҳрам бўлган амакиваччалар, тоғаваччалар каби қариндошлар ва қариндош бўлмаган номаҳрамлар бошқа қариндошларни зиёрат қилгани борадилар. Улар келиб кундалик уй кийимидаги аёллар билан саломлашадилар, бирга ўтирадилар. Аёлларнинг юз ва кафтларидан ташқари сочлари, бўйинлари, билаклари, оёқлари ва бошқа жойлари кўриниб туради. Келганлар аёллар билан маҳрамлардек муомала қиладилар. Бу ҳолат кенг тарқалган бўлиб, унга кўп мусулмонлар, айниқса шаҳардагилар мубтало бўлганлар. Шу туфайли кўпчилик буни мубоҳ деб ўйлайди. Аслида маҳрамлар ва (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни, жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз-девона) эркакларнинг қарашни мубоҳ. Аммо булардан бошқалар олдида аёлларнинг юз ва кафтларидан бошқа аъзолари очиқ ҳолда бўлиши ҳаром. Бу масаланинг ҳукми шуки, Аллоҳ аёлга қарашни ҳам, ундан лаззатланишни ҳам мутлақ ҳаром қилган. Сўнг лаззатланишни эрига хос қилиб қўйган. Аёлга, яъни унинг зийнатига қарашга ўн икки шахсга, улар жумласига кирувчи амакилар ва тоғалар каби шахсларга рухсат берган. Аёлнинг юзи ва кафтларига қарашга барча эркакларга рухсат берган. Лаззатланиш, яъни шахват билан қарашни эрдан бошқаларга мутлақ ҳаром қилган. Юзга ва кафтларга шунчаки (шахватсиз) қараш мутлақ мубоҳдир. Аллоҳ зикр қилган маҳрамлари ва уларга тенглашганлардан бошқалар юз ва кафтдан ортиқ жойларга қарашлари мутлақо ҳаромдир.

Нусусларда келганига кўра, шариатнинг умумий ҳаёт ҳақидаги ҳукми шу. Хос ҳаётда эса Шорей аёлга юз ва кафтларидан ташқари

уй юмушлари асносида кўриниб турадиган аъзоларини кўрсатишга рухсат берган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لِيَسْتَعِذِنَكُمُ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا الْحُلُمَ

مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ۚ مِّن قَبْلِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِّنَ الظَّهْرِ وَمِن بَعْدِ

صَلَاةِ الْعِشَاءِ ۖ﴾

„Эй мўминлар, қўл остингиздаги (қул ва чўриларингиз) ҳамда ўзларингизнинг балоғатга етмаган (болаларингиз) уч вақтда (ҳузурингизга киришга) сизлардан изн сўрасинлар: бомдод намозидан илгари, пешин вақтида кийимларингизни (иссиқдан) ташилаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин“. [24:58]

Аллоҳ Таоло балоғатга етмаган болаларга ва қулларга мана шу уч вақтда аёлнинг ҳузурига кирмасликни буюрди. Сўнгра уларга бу уч вақтдан бошқа вақтларда киришга рухсат берганини қуйидаги оятда билдирди:

﴿ثَلَاثَ عَوْرَاتٍ لَّكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوْفُونَ عَلَيْكُمْ ۖ﴾

„(Бу уч вақт) сизларнинг авратларингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтларингиздир). Улар ўша (вақтлардан) сўнг (изн сўрамай киришларида) сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир. (Чунки) улар сизларга келиб-кетиб турувчидирлар“. [24:58]

Бу оятдан очиқ маълум бўляптики, мазкур уч ҳолатдан бошқа вақтларда аёллар уй юмушлари кийимида очиқ-сочиқ турган ҳолларида балоғатга етмаган болалар ва ўзларининг қуллари изн сўрамай кираверадилар. Бундан тушуниш мумкинки, аёл ўз уйида юмуш кийимида яшаши ва бу кийимда болаларга ва ўз қулларига кўриниши мумкин. Шунга кўра, аёл ҳеч шак-шубҳасиз уйида юмуш кийимида яшаши жоиз ва бунинг учун мутлақо гуноҳкор бўлмайди. Уни бу ҳолатда болалари ва қуллари кўриши мумкин ва аёл бунинг учун гуноҳкор бўлмайди. Аёл кўриниб турган авратларини улардан беркитмайди. Улар ҳам киришга изн сўрашга муҳтож эмаслар. Чунки оятда шу уч ҳолатдан ўзга вақтда ёш болалар ва қулларнинг изн сўрамасдан киришлари кўрсатилган. «Уйларда хизмат қилаётган ходимлар қулларга қиёс қилинади, чунки улар ҳам келиб-кетувчилардир», дейилмайди. Бундай дейиш хато, чунки бу келиб-кетиш бошқага ўтмайдиган қосир иллатдир. Бунга далил: ёш болалар - гарчи келиб-кетиб турувчи бўлсалар-да - балоғат ёшига етишса, уларга ҳам изн сўраш вожиб.

Аллоҳ бу хусусда истисно қилган ёш болалар ва қуллардан

бошқаларнинг «хос ҳаёт»даги ҳукмларини баён қилган. Яъни, улардан изн сўрашни талаб қилган. Аллоҳ дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَتَّىٰ تَسْتَأْذِنُوا وَتَسَلِّمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا﴾

„Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз“. [24:27]

Аллоҳ Таоло мусулмондан ўз уйидан бошқа уйга киришни хоҳласа изн сўрашини талаб қилиб, «изн сўраш» сўзи ўрнида «яқин, таниш бўлиш» сўзини қўллаган. Бундан тушуниладики, ўз уйга киришни хоҳласа изн сўрамайди. Бу оятнинг нозил бўлишига сабаб - бир ансорий аёл: «Эй Расулulloҳ! Уйимда мени бирон киши - отам ҳам, болам ҳам кўришини истамайдиган ҳолатда бўламан. Шундай пайтда отам келиб, ҳузуримга кириб қолади. Мен шундай ҳолатда турганимда оиламдаги бирор эркак ҳузуримга кириб келаверса, мен нима қиламан?», деб сўради. Шунда изн сўраш ояти нозил бўлди. Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби билан оятнинг мантуқи ва мафҳуми боғланса, хос ҳаёт хусусидаги масала авратни беркитиш ёки беркитмаслик масаласи эмас, балки аёлда бўладиган очиқ-сочиқ бўлиш масаласи эканига далолат қилади. Мана шундай ҳолатда, яъни аёл очиқ-сочиқ бўлган ҳолатда шариат уни очиқ-сочиқ бўлмасликка буюрмади. Балки ушбу ўзига хос ҳолатда эркакларга изн сўрашни буюрди, токи аёлнинг номаҳрамлар олдида юзи ва кафтларидан бошқа жойларини тўсиб олишига имкон бўлсин. Чунки изн сўрашга буюриш авратни беркитишга буюришни англатади. Бунга далил оятнинг нозил бўлиш сабаби. Демак агар аёлнинг олдида бирор киши кирмоқчи бўлса – у хоҳ маҳрам бўлсин, хоҳ номаҳрам бўлсин – изн сўраши лозим. Шундан аён бўладики, изн сўраш аёлнинг номаҳрамлардан авратини тўсиб олиши учун бўлади.

Мазкур ҳолатда эркакнинг аёлга қараши эса - хос ҳаётда бўладими, умумий ҳаётдами - умуман олганда қараш масаласига тааллуқли ишдир. Аллоҳ Таоло аёлнинг юзи ва кафтларидан бошқа жойларига қарашни номаҳрамларга ҳаром қилди, маҳрамларга эса рухсат берди. Юз ва кафтлардан бошқа жойлардан кўзни тўсишга буюрди. Тикилиб қараш даражасида бўлмаган қарашни афв этди. Юз ва кафтлардан бошқа жойларга қарашнинг ҳаромлиги аниқ-равшан. Юз ва кафтлардан бошқа жойларга қарашдан кўзни тўсишни Аллоҳ Таоло қуйидаги оятда очиқ баён қилган:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ﴾

„(Эй Мухаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишидан) тўссинлар!“. [24:30]

Бундан мурод кўзни юз ва кафтлардан бошқа жойларга қарашдан

тўсишдир. Зеро, юз ва кафтларга қараш мубоҳ. Бухорийда келадикаи, Саид ибн Абул Ҳасан Ҳасанга: «Ажам аёллари кўкраклари, бошлари очиқ ҳолда юришади», деди. У: «**Кўзингни бур**», деди. Йўлларда ўтиришдан қайтариш ҳақидаги ҳадисда ҳам «**кўзни тўс**» дейилади. Яъни, йўлда аёлларнинг гоҳо юз ва кафтларидан ўзга жойлари очиқ бўлади. Шундан қарамаслик эмас, балки кўзни тўсиш (пастлатиш) вожиб бўлади. Аллоҳ Таоло қарашни ҳаром қилганда юз ва кафтлардан бошқа жойларга қарашни ҳаром қилиб, қасддан қарашни ҳаром деб белгилаган. Агар қараш қасддан бўлмаса, уни ҳаром қилмаган ва уни тарк этишга ҳам буюрмаган. Балки кўзни тўсишга буюрган ва айтганки:

﴿يَغْضُوا مِنْ أَبْصَرِهِمْ﴾

„Кўзларини (номахрам аёлларга тикишдан) тўссинлар!“ [24:30]

Бу ерда «мин» сўзи баъзи қисми деган маънодадир, яъни кўзларининг баъзи қисмини тўссинлар. Бундан тўсилган қарашнинг, яъни қасддан бўлмаган оддий қарашнинг жоизлиги тушунилади.

Энди иккинчи масалага келсак. Ғарб ҳазорати бизга юриш қилиб, мусулмонларнинг юртларида куфр низомлари билан ҳукм юрита бошлаган пайтдан бошлаб мусулмон бўлмаган аёллар кўчаларга ярим-яланғоч ҳолатда - кўкраклари, беллари, сочлари, билаклари, болдирлари очиқ ҳолда чиқа бошлашди. Айрим муслима аёллар ҳам уларга тақлид қилиб, бозор ва кўчаларга ана шундай кўринишда чиқа бошлашди. Ҳолат шу даражага етдики, киши кўчада кетаётган ёки дўконларда харид қилаётган аёлнинг муслима ёки муслима эмаслигини ажрата олмай қолди. Бу шаҳарларда яшаётган эркак мусулмонлар ушбу мункарни ҳозирги пайтда ёлғиз ўзлари бартараф эта олмайдилар. Бу авратларни кўрмасдан бу шаҳарларда яшай ҳам олмайдилар. Чунки улар яшаётган ҳаёт табиати ва улар турган уйларнинг шакли эркакларни аёллар авратини кўрадиган қилиб қўйган. Бирор эркак қарамасликка қанчалар уринмасин, аёлларнинг авратини - билаклари, кўкраклари, беллари, болдирлари ва сочларини кўришдан ўзини сақлай олмайди. Уйда ўтириб, ҳеч қаерга чиқмасагина кўрмаслиги мумкин. Лекин бунинг асло иложи йўқ. Чунки у одамлар билан бирга савдо-сотиқ, ижара, иш-хизмат каби ҳаёти учун зарур бўлган алоқаларни қилишга муҳтождир. Авратларга қарашдан сақланадиган бўлса, мазкур ишларни қила олмайди. Қуръон ва суннатда аёлга қараш ҳаромлиги очиқ баён қилинган бўлса, у нима қилсин? Бу муаммодан чиқиш қуйидаги икки ҳолатдан чиқиш каби бўлади:

Биринчиси - йўлда рўй берадиган тўсатдан кўз тушиб қолиш ҳолати. Биринчи марта кўз тушиб қолиши афв қилинган. Лекин

эркак иккинчи марта қарашни такрорламаслиги керак. Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:

«سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ نَظَرِ الْفَجَاءَةِ فَأَمَرَنِي أَنْ أَصْرِفَ بَصْرِي»

«Расулуллоҳ ﷺ дан тўсатдан кўз тушиб қолиши ҳақида сўраганимда, кўзимни буришга буюрдилар». (Муслим ривояти). Али айтадиларки, Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«لَا تَتَّبِعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ فَإِنَّمَا لَكَ الْأُولَىٰ وَلَيْسَ لَكَ الْآخِرَةُ»

«Қарашга қарашни эргаштирма. Чунки биринчиси сенинг фойдангга бўлса, кейингиси фойдангга эмас». (Аҳмад ривояти).

Иккинчиси - боши, билаклари ва очиб юришга одатланган бошқа жойлари очиқ бўлган аёл билан гаплашиш ҳолати. Бундай ҳолатда ундан кўзни буриш ва кўзни тўсиш (пастлатиш) вожиб. Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилади:

«كَانَ الْفَضْلُ رَدِيفَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَجَاءَتْ امْرَأَةٌ مِنْ خَنَعَمَ فَجَعَلَ الْفَضْلُ يَنْظُرُ إِلَيْهَا وَتَنْظُرُ إِلَيْهِ وَجَعَلَ النَّبِيُّ ﷺ يَصْرِفُ وَجْهَ الْفَضْلِ إِلَى الشَّقِّ الْآخِرِ»

«Фазл ибн Аббос Расулуллоҳ ﷺ билан бир уловга мингашиб келаётган эди, хасъамийлик аёл келиб қолди. Фазл унга, у Фазлга қарай бошлади. Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини четга буриб қўйдилар». Аллоҳ Таоло дейди:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ﴾

„(Эй Мухаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!“ [24:30] Кўзни тўсишдан мурод уни пастлатишдир. Демак, бу муаммонинг ечими шуки, эркак аёл билан зарур гапларни гаплашган ҳолда ўз ишини бажараверади, ҳайдовчи бўлса автомобилда кетаверади, қаттиқ иссиқда салқинда ўтираверади. Бу ҳолатларда эркак кўзини тўсади. Бу ишлар эркакнинг умумий ҳаётдаги заруратларидир. Эркак мазкур заруратлардан беҳожат бўла олмайди ва авратлар очиқлиги балосини ҳам даф эта олмайди. У оятга амал қилиб, кўзини тўсиши керак. Бундан бошқаси, яъни кўзини тўсмаслиги эса унинг учун ҳалол бўлмайди.

Бу ўринда: «Ушбу бало ҳамма ёқни қамраб олган. Ундан сақланиш қийин», деб айтилмайди. Бундай қоида шариатга зиддир. Чунки бало ҳамма ёқни қамраб олса ҳаром ҳалолга, ҳалол ҳаромга айланиб қолмайди. Шунингдек: «Мазкур аёллар кофирлардир. Шунинг учун уларга чўрилардек муомала қилинади, уларнинг авратлари ҳам чўрилар авратлари кабидир», дейилмайди. Чунки

ҳадис умуман аёл хусусида келган бўлиб, унда муслима аёл деб айтилмаган. Расулуллоҳ ﷺ деганларки:

«إِنَّ الْجَارِيَةَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ يَصْلَحْ أَنْ يُرَى مِنْهَا إِلَّا وَجْهَهَا وَيَدَاهَا إِلَى الْمِفْصَلِ»

«Аёл киши хайз ёшига етгач, унинг юзи ва бўгинларигача бўлган икки қўлидан бошқаси кўриниши яхши эмас». Бу ҳадис аёл муслима бўладими ёки йўқми, унга қараш ҳаром эканлигига очиқ далолат қилади. Бу ҳукм барча ҳолатларда, шу жумладан мазкур ҳолатда ҳам умумийдир. Бу ерда қиёсга ҳеч қандай ўрин бўлмагани учун кофира аёл чўрига қиёсланмайди.

Шунга кўра, ўз уйларидан бошқа уйларга (меҳмонга) бораётган эркаклар у уйлардаги номаҳрам аёлларнинг юзлари ва қафтларидан бошқа жойларидан кўзларини тўсишлари вожибдир. Шаҳарларда яшаётган ва жамиятга аралашшига ёки авратлари очиқ кофира аёллар билан савдо-сотиқ ё гаплашиш ёки ижара каби муомалаларда бўлишга мажбур бўлаётган эркаклар бу муомалалар асносида кўзларини тўсишлари ва мажбур бўлган ҳолатларида қарашга муҳтож бўлган миқдорга чекланишлари вожиб.

Булар қарашга тааллуқли ҳукмлар эди. Қўл бериб кўришишга келсак, Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида келган ҳадисга мувофиқ, эркак аёл билан, аёл эркак билан ўрталарида бирор тўсиқсиз қўл бериб кўришишлари мумкин. Умму Атийя дейдики:

«بَايَعْنَا النَّبِيَّ ﷺ فَقَرَأَ عَلَيْنَا أَنْ لَا يُشْرِكَنَّ بِاللَّهِ شَيْئًا وَنَهَانَا عَنِ النَّبَاحَةِ، فَقَبَضَتْ

امْرَأَةً مِنَّا يَدَهَا»

«Расулуллоҳга байъат қилдик. «Аёллар Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасинлар», оятини ўқиб бердилар ва ўликларга йиғлашдан қайтардилар. Шунда орамиздаги бир аёл қўлини тортиб олди». Байъат қўл бериб кўришиш орқали бўлганди. **«Қўлини тортиб олди»** жумласининг маъноси, қўлини байъат қилиш учун чўзгандан сўнг қайтариб олди, деганидир. Демак, қўлини тортиб олганлиги у қўл бериб кўришиш орқали байъат бермоқчи эканлигини билдиради. **«Орамиздаги бир аёл қўлини тортиб олди»** иборасидан тушуниш мумкинки, ушбу аёлдан бошқаси қўлини тортиб олмаган, яъни бошқаси қўл бериб кўришиш орқали байъат қилган. Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг:

﴿أَوْ لَمَسْتُمُ النِّسَاءَ﴾

„Ёки аёлларни ушласанглар“,

[4:43]

оятдаги «аёлларни» лафзи барча аёллар учун умумий бўлиб, бунинг мафҳуми, яъни ушлашлик таҳоратни кетказиши – аёлни ушлаган

эркакнинг таҳорати кетишига чекланганини билдиради. Зеро, аёлларни шаҳватсиз ушлаш ҳаром эмас. Демак, улар билан қўл бериб сўрашиш ҳам ҳаром эмас. Бунга қўшимча сифатида, аёлнинг қўли аврат эмас ва унга шаҳватсиз қараш ҳам ҳаром бўлмайди. Шунга биноан, улар билан қўл бериб кўришиш ҳам ҳаром бўлмайди.

Бу эса ўпиш масаласидан буткул бошқадир. Эркак кўнгли тусаётган бегона аёлни ўпиши, аёл кўнгли тусаётган бегона эркакни ўпиши ҳаром. Чунки ўпиш зиного етакловчи ишлардан биридир. Одатда бундай ўпиш - гарчи шаҳватсиз бўлса ҳам - зиного етакловчи омил бўлади. Гарчи зиного олиб бормаса ҳам, гарчи зиного қилинмаса ҳам. Чунки Моиз зиного қилиб қўйгани учун тошбўрон қилишларини сўраб Расулulloҳ ҳузурларига келганда, унга:

«لَعَلَّكَ قَبْلَتْ...»

«Балки ўпгандирсан?...», деганлар. Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилган бу ҳадисдан шундай ўпиш зиного етаклаши маълум бўляпти. Чунки зинонинг ўзини ҳаром қилган оят-ҳадислар зиного етакловчи барча ҳолатларни - гарчи ушлаш бўлса ҳам - агар зиного етакласа, уларни ҳам ҳаром қилган. Масалан, ҳозир йигит-қизлар орасида юз бераётган эркак аёлни ўпиши каби. Бундай ўпиш - гарчи сафардан қайтган шахс билан саломлашиш мақсадида бўлса ҳам - ҳаромдир. Чунки йигит-қизлар ўртасидаги бундай ўпишлар зиного етакловчи ишлардандир.

МУСЛИМА АЁЛ ЮЗИНИ ЁПИШИ ВОЖИБ ЭМАС

«Исломда аёлларга ҳижоб, яъни ниқоб фарз қилинган, у билан аёллар юзларининг кўзларидан ташқари жойини беркитиб юрадилар», деган гап Исломий раъйдир. Бу гапни мазҳаббоши мужтаҳидлардан айримлари айтган «Исломда аёлларга ниқоб фарз қилинмаган. Муслима аёлга - юзи аврат бўлмагани учун - уни беркитиш вожиб эмас», деган раъй ҳам Исломий раъй бўлиб, уни мазҳаббоши мужтаҳидлардан айримлари айтган. Бу муаммо муҳим ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, мазкур икки раъйдан бирини табанний қилиш Исломий ҳаёт тарзига таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу муаммо хусусидаги шаръий далилларни кенг миқёсда кўриб чиқиш, ўрганиш ва уларни муаммога татбиқ этиш зарур. Токи мусулмонлар далили кучли раъини табанний қилсин, токи Ислом давлати устувор далил асосида устувор раъини табанний қилсин.

Дарҳақиқат, ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери аёл атрофида баҳслар бўлди. Уни мустамлакачи кофирлар Фарбга мафтун бўлганлар, унинг сақофати ва ҳаёт ҳақидаги дунёқараши билан заҳарланганлар қалбида қўзғатдилар. Улар ғайриисломий раъйларни Исломга киритишга ҳаракат қилдилар. Улар мусулмонларнинг дунёқарашларини бузишга уриниб, ҳижоб ва очиқ юриш фикрини ўйлаб топдилар. Муфаккир-олимлар уларга ўз муносабатларини билдирмадилар. Балки уларга муносабат билдирганлар ёзувчилар, адиблар ва қотиб қолган толиби илмлар бўлдилар. Бу ҳол Фарб сақофати билан заҳарланганларнинг раъйлари голиб бўлишига имкон яратди ҳамда уларнинг фикрларини баҳс ва мунозаралар мавзуига айлантирди. Ваҳоланки, бу фикрлар Исломга ҳужум қилиш, мусулмонларни бузиш ва уларни динларида шубҳага солиш учун келган Фарб фикрлари эди. Ҳа, бу баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтган, уларнинг сарқитлари ва асорати ҳамон намоён бўлиб турган бўлса-да, улар баҳс қилишга лойиқ бўлмади ҳамда ташриий (қонуншунослик) ва ижтимоий баҳслар даражасига етмади. Чунки баҳс ёзувчиларнинг раъйлари ёки ёлланган малайларнинг атамалари ёки алданган лақмаларнинг сафсаталари ёхуд заҳарланганларнинг чўпчак-афсоналари устида эмас, балки мужтаҳидлар ишлаб чиққан ва унда далилга ёки шибҳи далилга суянган шаръий ҳукмлар устида бўлиши лозим. Мужтаҳидлар шаръий далиллардан ишлаб чиқиб айтган гапларигина баҳс мавзуи қилинади ва ташриий жиҳатдан мунозара қилинади. Шунингдек, баҳс мавзуига қўйиладиган мужтаҳидларнинг гапларига айрим фақиҳлар, устозлар ва ниқоб тарафдорларининг гаплари ҳам қўшилади ва уларнинг

қалбларидаги шубҳани йўқотиш учун баҳс қилинади. Шу сабабли устувор гап аниқ бўлиб, ҳар бир мусулмон амал қилишга устувор деб билган раъйни олиши ва уни татбиқ қилишга ҳаракат қилиши учун мужтаҳидларнинг гапларини ва далилларини келтирамиз.

Ҳижоб ҳақида гапирган олимлар: «Аёлнинг юзи ва кафтларидан бошқа барча жойларининг аврат бўлиши фақат намозда бўлади, холос. Намоздан ташқарида бутун бадани, юзи ҳам, кафтлари ҳам аврат», деб айтганлар. Бу гапларида Қуръон ва суннатга суянганлар.

Қуръондаги далилларига келсак, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَعًا فَسْأَلُوهُنَّ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ ۗ﴾

„Қачон сизлар улардан (яъни, пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар, парда ортида туриб сўранглар!“ [33:53]

Бу оят аёлларнинг устларига ҳижоб ўраб олишларига очиқ далилдир, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا النَّبِيُّ قُلًا لَّأَزْوَاجِكَ وَبَنَاتِكَ وَنِسَاءِ الْمُؤْمِنِينَ يُدْرِيْنَ عَلَيْنَ مِنْ جَلْبِيبِهِنَّ ۗ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ يُعْرَفْنَ فَلَا يُؤْذَيْنَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ۗ﴾

„Эй пайгамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар. Мана шу уларнинг (чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин (воситадир)“. [33:59]

Уларнинг айтишларича: «ёпинчиқларини ўрасинлар» оятининг маъноси - «узун қилсинлар, юзларини ва атрофларини ўрасинлар», демакдир. Уларнинг раъйига кўра, Исломнинг аввалида аёллар - жоҳилиятдаги одатларига кўра чўрилари ҳам, ҳурлари ҳам - очиқ ҳолда юришар, яъни ҳар бир аёл кўйлак ва рўмолда очиқ юрар эди. Чўрилар хурмозор ва далаларга кечаси қазойи ҳожатга чиқишганда, қабоҳат аҳлидан бўлган йигитлар уларнинг йўлини тўсишар эди. Гоҳо чўри баҳона ҳур аёлларнинг ҳам йўлини тўсишар ва: «Уларни чўри деб ўйлабмиз», дейишарди. Шунда аёлларга савлатли, ҳашаматли бўлишлари учун ёпинчиқ ва рўмоллар ўраш, бош ва юзларини беркитиш орқали кийимларини чўрилар кийимидан фарқли қилиш буюрилди. Шунда уларга бирор киши тамаъ қилмайди. Мана шу уларнинг чўри эмас, балки озод аёллар эканликлари танилиши ва озорланмасликлари ҳамда биров йўлларини тўсмаслиги учун энг муносиб ва энг яхши воситадир. Бу олимларнинг айримлари айтишадики, оятдаги «танилиб» калимасида инкор аломати «ло» ҳарфи тушириб қолдирилган, яъни

мана шу уларнинг чиройли ёки чиройли эмасликлари билиниб қолмаслиги ва озорланмасликлари учун энг яқин ва яхши воситадир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ وَقَرَنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَىٰ ﴾

„Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирор ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-түсан каби ясан-түсан қилманглар!“ [33:33]

Бу олимлар «Аллоҳ Таолонинг аёлларга уйларида барқарор бўлишга буюриши ҳижобга далилдир», дейишади.

Суннатдан келтирилган далиллар қуйидагилар: Расулуллоҳ ﷺ:

«الْمَرْأَةُ عَوْرَةٌ»

«Аёл авратдир», дедилар. (Ибн Ҳиббон ривояти).

﴿ إِذَا كَانَ لِإِحْدَاكُنَّ مَكَاتِبٌ فَمَلَكَ مَا يُؤَدِّي فَلْتَحْتَجِبِي مِنْهُ ﴾

«Бирорталарингизнинг мукотабингиз (маълум ҳақ тўлаш эвазига озод бўлиш ҳақида битим тузган қулингиз) бўлса ва у ҳақни адо қиладиган миқдордаги нарсага эга бўлса, ундан ҳижобланинг». (Термизий ривояти). Умму Салама ривоят қилади:

﴿ كُنْتُ قَاعِدَةً عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ أَنَا وَمَيْمُونَةُ فَاسْتَأْذَنَ ابْنُ أُمِّ مَكْتُومٍ فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: احْتَجِبَا مِنْهُ. فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ ضَرِيرٌ لَا يُبْصِرُ، قَالَ أَفَعَمِيَا وَإِنِ أَنْتُمَا لَا تَبْصِرَانِهِ ﴾

«Мен ва Маймуна Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида ўтирган эдик. Ибн Умми Мактум киришга изн сўради. Расулуллоҳ бизга дедилар: «Ундан ҳижобланинглар». Мен: «У кўр, кўрмайди», дедим. У зот: «Сизлар ҳам кўрмисизлар, уни кўрмайсизларми?» - дедилар. (Абу Довуд ривояти). Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилади:

﴿ كَانَ الْفَضْلُ رَدِيفَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَجَاءَتْ امْرَأَةٌ مِنْ خَتَمِمْ فَجَعَلَ الْفَضْلُ يَنْظُرُ إِلَيْهَا وَتَنْظُرُ إِلَيْهِ وَجَعَلَ النَّبِيُّ ﷺ يَصْرِفُ وَجْهَ الْفَضْلِ إِلَى الشَّقِّ الْآخَرِ ﴾

«Фазл ибн Аббос Расулуллоҳ ﷺ билан бир уловга мингашиб келаётган эди, хасъамийлик аёл келиб қолди. Фазл унга, у Фазлга қарай бошлади. Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини четга буриб қўйдилар». Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:

﴿ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ نَظَرِ الْفُجَاءَةِ فَأَمَرَنِي أَنْ أَصْرِفَ بَصْرِي ﴾

«Расулуллоҳдан тўсатдан кўз тушиб қолиши ҳақида сўрадим.

Мени кўзимни буришга буюрдилар». (Муслим ривояти). Али ﷺ айтадилар: Расулуллоҳ менга:

«لَا تُبْعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ فَإِنَّمَا لَكَ الْأُولَىٰ وَلَيْسَ لَكَ الْآخِرَةُ»

«Қарашга қарашни эргаштирма. Аввалгиси сенинг фойданга бўлса, кейингиси фойданга эмас», дедилар (Аҳмад ривояти).

Ҳижоб ҳақида ва аёлнинг бутун бадани аврат эканлиги ҳақида гапирганлар мана шу далилларни келтиришган. Бу далиллар улар далил келтираётган муаммога тўғри келмайди. Чунки уларнинг ҳаммаси бу мавзуга тааллуқли эмас. Ҳижоб ояти ва „*Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар*“ оятининг мусулмонларнинг аёлларига мутлақо алоқаси йўқ. Ҳижоб оятининг Расулуллоҳ ﷺнинг жуфтларига хос экани очиқ-ойдин келган. Агар оят тўлиқ ўқиб чиқилса, бу нарса маълум бўлади. У битта оят бўлиб, лафзлари ҳам, маъноси ҳам бир-бирига боғланган:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ إِلَىٰ طَعَامٍ غَيْرٍ نَّظِيرِ بْنِ إِنَّهُ وَلَكِنْ إِذَا دُعِيتُمْ فَادْخُلُوا فَإِذَا طَعِمْتُمْ فَانْتَشِرُوا وَلَا مُسْتَعْسِفِينَ حَدِيثٌ إِنَّ ذَٰلِكُمْ كَانَ يُؤْذَى النَّبِيَّ فَيَسْتَحِيءُ مِنْكُمْ ۗ وَاللَّهُ لَا يَسْتَحِيءُ مِنْ الْحَقِّ ۗ وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا فَسْأَلُوهُنَّ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ ۗ ذَٰلِكُمْ أَطْهَرُ لِقُلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ ۗ وَمَا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُؤْذُوا رَسُولَ اللَّهِ ۗ وَلَا أَنْ تَنْكِحُوا أَزْوَاجَهُ مِنْ بَعْدِهِ أَبَدًا ۗ إِنَّ ذَٰلِكُمْ كَانَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمًا ۗ﴾

„Эй мўминлар, пайгамбарнинг уйларига фақат сизлар бирон таомга чақирилсангизгина киришлар. (Ўшанда ҳам) унинг пишишига кўз тутиб тургувчи бўлманлар, балки чақирилган пайтингизда кириб, таомлангач, тарқалинлар ва бирон гапга берилган ҳолингизда (у ерда қолиб кетманлар)! Чунки бу (ишларингиз) пайгамбарга озор берур, у эса сизлардан (яъни сизларни чиқариб юборишидан) тортинар. Аллоҳ ҳақни (айтишидан) тортинмас. Қачон сизлар улардан (яъни, пайгамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар, парда ортида туриб сўранглар! Мана шу сизларнинг дилларингизни ҳам, уларнинг дилларини ҳам тоза тутгувчиروқдир. Сизлар учун Аллоҳнинг пайгамбарига озор бериш ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз ҳеч қачон дуруст эмасдир. Чунки бу (ишларингиз) Аллоҳ наздида улғу (гуноҳ) бўлган ишдир“.

[33:53]

Ушбу оят пайғамбарнинг жуфтлари хусусидаги нусус бўлиб, уларга хосдир. Унинг мусулмонларнинг аёлларига алоқаси йўқ. Расулulloҳнинг жуфтларидан бошқа бирор аёлга алоқаси йўқ. Бу оятнинг Расул ﷺ жуфтларига хос эканини Оиша ﷺнинг ривояти ҳам таъкидлайди: **«Пайғамбар ﷺ билан ёғоч товоқда ҳайс (хурмо, ёғ ва пишлоқдан иборат таом) еб ўтирган эдик, Умар ўтиб қолди. Расулulloҳ ﷺ уни чақирдилар. У келиб таомдан еди. Шунда унинг бармоқлари бармоқларимга тегиб кетди Умар: «Эй воҳ, агар сизлар ҳақингизда менга итоат қилинганда эди, бирор кўз сизларни кўрмасди», деди. Шундан кейин ҳижоб ояти нозил бўлди».** (Бухорий ривояти). Умар ﷺдан ривоят қилинади: **«Мен: «Эй Расулulloҳ, ҳузурингизга яхши ҳам, ёмон ҳам киради. Агар уммул-мўмининлар ҳижобланганларида эди», дедим. Шундан кейин Аллоҳ Таоло ҳижоб оятини нозил қилди».** (Бухорий ривояти). Яна ривоят қилинади: **«Умар Пайғамбар ﷺнинг жуфтлари бошқа аёллар билан масжидда турган пайтларида улар олдидан ўтиб қолди ва: «Қани энди ҳижоб ўраганингизда эди. Зеро, сизларнинг эрингиз бошқа эркаклардан афзал бўлгани каби сизлар ҳам бошқа аёллардан афзалсизлар», деди. Зайнаб ﷺ: «Эй ибн Хаттоб, бизга рапкингиз келяпти. Ваҳоланки, ваҳий бизнинг уйимизда нозил бўлади-ку», деди. Ҳеч қанча вақт ўтмай оят нозил бўлди».** (Табароний ривояти). Оят матни ва ушбу ҳадислар ҳижоб ояти Пайғамбар ﷺ жуфтлари ҳақида нозил бўлганига, улардан бошқа аёллар ҳақида нозил бўлмаганига қатъий далолат қилади.

„*Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар*“, ояти ҳам Расулulloҳ ﷺнинг жуфтларига хосдир. Оятнинг тўлиқ матни қуйидагича:

﴿يَنْسَاءَ النَّبِيِّ مَنْ يَأْتِ مِنْكُنَّ بِفَحِشَةٍ مُبَيَّنَةٍ يُضَعَفُ لَهَا الْعَذَابُ ضِعْفَيْنِ ۖ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٠٠﴾ وَمَنْ يَقْنُتْ مِنْكُنَّ لِلَّهِ وَرَسُولِهِ وَتَعَمَلْ صَالِحًا نُؤْتِهَا أَجْرَهَا مَرَّتَيْنِ وَأَعْتَدْنَا لَهَا رِزْقًا كَرِيمًا ﴿١٠١﴾ يَنْسَاءَ النَّبِيِّ لَسْتُنَّ كَأَحَدٍ مِّنَ النِّسَاءِ ۚ إِنَّ أَتَقِيْنَ فَلَا تَخْضَعْنَ بِالْقَوْلِ فَيَطْمَعَ الَّذِي فِي قَلْبِهِ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿١٠٢﴾ وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَىٰ ۗ وَأَقِمْنَ الصَّلَاةَ وَآتِينَ الزَّكَاةَ وَأَطِعْنَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ۚ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا ﴿١٠٣﴾﴾

„Эй пайғамбар аёллари, сизлардан ким аниқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинур. Бу Аллоҳга осон бўлган ишдир. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажру мукофотини икки ҳисса қилиб берурмиз ва унинг учун улуг ризқ (яъни жаннат)ни тайёрлаб қўйгандирмиз. Эй пайғамбар аёллари, сизлар агар тақводор бўлсангизлар, аёллардан бирортаси каби эмасдирсизлар. Бас, сизлар (парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтингизда) майин-назокатли сўз қилмангларки, у ҳолда кўнглида мараз-нифоқ бўлган кимса тамаъ қилиб қолур. Яхши-тўғри сўзни сўзланглар. Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирор ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар. Намозни тўқис адо қилинглар, закотни (ҳақдорларга) ато этинглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этинглар. (Эй пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос“. [33:30-33]

Оятнинг бошидан бу оят пайғамбар аёллари ҳақида нозил бўлиб, уларга хос экани очиқ кўриниб турибди. Чунки хитоб пайғамбар аёлларига қаратилган бўлиб, уларни хослаб қўйган:

﴿يٰۤاَيُّهَا النِّبِيُّ لَسْتَنَّا كَاٰحَدٍ مِّنَ النِّسَاءِ﴾

„Эй пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан бирортаси каби эмасдирсизлар“. [33:32]

Мана шу матн мазкур оят пайғамбар аёллари ҳақида нозил бўлиб, уларга хос эканига етук тарзда далолат қилади. Шунга биноан, улар далил қиладиган «Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар», ояти Пайғамбар ﷺ аёлларига хосдир. Бу маънони ундан кейинги оят ҳам таъкидлайди. Зеро, Аллоҳ Таоло:

﴿وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

„Ва сизларни бутунлай поклашни (истайди)“, [33:33] деганидан сўнг шундай дейди:

﴿وَأَذْكُرَنَّ مَا يَتْلَىٰ فِي بُيُوتِكُنَّ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ وَالْحِكْمَةِ ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ لَطِيفًا خَبِيرًا﴾

„Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматдан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилинглар! Албатта, Аллоҳ меҳрибон ва огоҳ бўлган зотдир“. [33:34]

Бу оятда Аллоҳ уларга уларнинг уйлари ваҳий тушадиган жой эканини эслатиб, Қуръондан тиловат қилинадиган нарсаларни

унутмасликларини буюради.

Бинобарин, бу икки оят Пайғамбар ﷺнинг аёллари учун нозил бўлгани ва Пайғамбар аёлларига хос экани очиқ кўриниб турибди. Уларнинг бирортасида Пайғамбар ﷺнинг аёлларидан бошқа аёлларга ҳам ҳукм бор эканлигига ҳеч қандай ишора йўқ. Шунингдек, Қуръонда Пайғамбар аёлларига хос бўлган бошқа оятлар ҳам бор. Масалан, Аллоҳнинг қуйидаги ояти:

﴿وَلَا أَنْ تَنْكِحُوا أَزْوَاجَهُمْ مِنْ بَعْدِهِمْ أَبَدًا﴾

„Ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз ҳеч қачон дуруст эмасдир“. [33:53]

Бу оятга кўра, Пайғамбар аёлларига у зотдан кейин турмуш қуриш мумкин эмас. Бунга хилоф ўлароқ, муслима аёллар ўз эрларидан сўнг турмушга чиқаверадилар. Демак, бу ҳижоб ҳақидаги икки оят ҳам Пайғамбардан сўнг аёллари турмуш қуришлари ҳаром қилинган оят каби ул зотнинг аёлларига хосдир.

Бу ўринда «Сабабнинг хослиги эмас, балки лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади» қоидасига кўра, мазкур оятларнинг нозил бўлиш сабаби Пайғамбар аёллари бўлиб, оятлар Пайғамбар аёлларига ҳам, бошқа аёлларга ҳам умумий бўлади, деб айтилмайди. Бундай деб айтмаслик керак. Чунки оятнинг нозил бўлиш сабаби рўй берган ҳодиса бўлиб, у ваҳий нозил бўлишига сабаб бўлади. Бу ўринда эса Пайғамбарнинг аёллари рўй берган ҳодиса эмаслар. Балки бу оят муайян шахслар ҳақида келган муайян нусусдир. Демак, нусус улар шахси хусусидадир. Зеро, Аллоҳ Таоло дейдики:

﴿يَنْسَاءَ النَّبِيِّ لَسْتَنَّ كَأَحَدٍ مِنَ النِّسَاءِ﴾

„Эй пайғамбар аёллари, сизлар аёллардан бирортаси каби эмасдирсизлар“. [33:32]

﴿وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا﴾

„Қачон сизлар улардан (яъни, пайғамбар аёлларидан) бирон нарса сўрасангизлар...“. [33:53]

Бундаги «аёллар» маъносини англатувчи замир (олмош) Пайғамбар аёлларига хос бўлиб, уларга тайин қилинган, бошқаларга эмас. Бу оят давомида Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَمَا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُؤْذُوا رَسُولَ اللَّهِ﴾

„Сизлар Аллоҳнинг пайғамбарига озор беришингиз дуруст эмасдир“. [33:53]

Бу оят уларнинг ҳижобланиши иллатини маълум қияпти. Буларнинг ҳаммаси мазкур оятлар Пайғамбар аёллари ҳақида келган нусус эканини билдиради. «Сабабнинг хослиги эмас, балки лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади», қоидаси бу оятларга тўғри келмайди.

Шунингдек, Пайғамбар аёлларига қаратилган хитоб муслима аёллар учун ҳам хитоб ҳисобланади, деб айтмаслик керак. Чунки муайян шахс учун айтилган хитоб барча мўминлар учун ҳам хитоб ҳисобланиши фақат Пайғамбар Муҳаммад ﷺ га хос бўлиб, у зотнинг аёлларига қилинган хитобни ўз ичига олмайди. Шунга кўра, Пайғамбар ﷺ га қилинган хитоб барча мўминларга қилинган хитобдир. Аммо у зотнинг аёлларига қилинган хитоб эса фақат уларнинг ўзларига хосдир. Зеро, Аллоҳ Таоло Расулуллоҳ ﷺ га қилган ҳар қандай хитобдан ёки ул зотнинг қилган барча амаллари ва сукутларидан ўрнак олинади. Модомики булар ул зотнинг айнан ўзларига хос бўлган хусусиятлари бўлмаса, Пайғамбар аёлларидан намуна олинмайди. Зеро, Аллоҳ Таоло айтганки:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ﴾

„(Эй мўминлар), сизлар учун Аллоҳнинг Пайғамбарига гўзал намуна бордир“. [33:21]

Пайғамбар ﷺ аёллари қилганликлари учун бир ишни қилиш ёки сифатланганликлари учун бир сифат билан сифатланиш маъносида намуна бўлишга улар тўғри келмайди. Пайғамбар ﷺ фақат ваҳийга эргашганлари учун намуна бўлиш у зотга хосдир.

Шунингдек, Пайғамбар ﷺ аёллари уйларида ваҳий тиловат қилинадиган покиза аёллар бўлганлари ҳолда улардан ҳижобланиш талаб қилинган экан, демак улардан бошқа муслима аёллардан ҳижобланиш талаб қилиниши авлороқдир, деб ҳам айтмаслик лозим. Зеро, бунга иккита сабаб бор:

Биринчидан - бу нарса «авлолик» жумласидан эмас. Чунки «бир нарсани иккинчисидан авло ҳисоблаш», қоидаси шундайки, Аллоҳ кичикроқ бир ишдан қайтаради, бу қайтариқ ундан каттароқ ишдан ҳам қайтариқ бўлиши авлороқ бўлади. Масалан, Аллоҳ Таоло дейдики:

﴿فَلَا تَقُلْ هُمَا أَفٌّ﴾

„Уларга қараб «уф» тортма“. [17:23]

Демак, уларни урмаслик авлороқдир. Мазкур қоида гапнинг оқимидан ҳам тушуниб олинади. Масалан, Аллоҳ Таоло дейдики:

﴿وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِقِنطَارٍ يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَهُ بِيَدِينَارٍ لَّا

يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ إِلَّا مَا دُمْتَ عَلَيْهِ قَائِمًا﴾

„Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга қайтиб бермайди“. [3:75]

Яъни, бир қинторни қайтарган шахснинг ундан озроғини қайтариши авлороқдир. Бир динорни қайтармаган шахснинг ундан кўпроғини қайтармаслиги авлодир. Шундай ҳолатлар «биридан-бирини авло ҳисоблаш» туркумига киради. Ҳижоб ояти эса бу туркумга кирмайди. Чунки оятнинг оқими бошқа тушунчага эмас, балки фақат Пайғамбар аёлларига далолат қилади. «Пайғамбар аёллари» сўзи, «улардан бошқа аёллар авлодир» маъноси тушуниб олинадиган сифат эмас. Балки у жомид исм (ўзгармас сўз) бўлиб, ундан бошқа маъно тушунилмайди. Демак, нусусда келган сўздан нима тушунилса, бу сўз ўша нарсага хос бўлади ва бошқа нарса (маъно)га, бошқа тушунчага ўтилмайди. Ҳижоб оятида эса - оят лафзларида ҳам, унинг оқимида ҳам «ундан буни авло ҳисоблаш» мавзуи мутлақо келмайди.

Иккинчидан - бу икки оят алоҳида шахслар учун айтилган буйруқ бўлиб, муайян сифатлар билан сифатланганликлари туфайли уларнинг айнан ўзларига қаратилган. Шунинг учун улардан юқори бўладиларми ёки паст бўладиларми, бошқалар учун мутлақо буйруқ бўлмайди. Чунки оятда муайян сифат айтилган бўлиб, бу сифат муайян шахсларга хосдир. Пайғамбар аёллари бошқа аёлларда бўлмаган сифат, яъни «Пайғамбар аёллари» деган сифатга эга бўлганлари сабабли мазкур буйруқ Пайғамбар аёлларига айтилган буйруқ бўлиб қолади. Чунки улар аёллардан бирортаси каби эмаслар ва бу амал Пайғамбарга озор беради.

«Сабабнинг хослиги эмас, балки лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади» қоидаси тўғри келмас ва Пайғамбар аёлларидан ўрнак олинмас ҳамда «улардан бошқа аёллар авло ҳисобланиши» қоидаси тўғри келмас экан, нусус Пайғамбар аёллари ҳақида эканлиги қатъий равишда исботини топди. Демак, бу икки оят Пайғамбарнинг аёлларига хос эканлиги ва бирор жиҳатдан ҳам муслима аёлларни ўз ичига олмаслиги исботланди. Бу билан ҳижоб Пайғамбар аёлларига хос эканлиги ва уйларда барқарор бўлиш ҳам уларга хос эканлиги исботланади. Шунингдек, шариат муслима аёлларни ҳижобга (юзни тўсишга) буюрганлигига бу оятларни далил қилиб бўлмаслик маълум бўлади.

Энди иккинчи оятга келсак, Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يُدْنِيَنَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلْبَابِهِنَّ﴾

„Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!“ [33:59]

Бу оят на ифодаси ва на маъноси жиҳатидан бирор ҳолатда ҳам юзни беркитишга далолат қилмайди. Оятда буни англатадиган алоҳида сўз ҳам йўқ, гарчи нозил бўлиш сабабини тўғри деб фараз қилинганда ҳам «Устларига ёпинчиқларини ўрасинлар!» оятининг маъноси жилбобларини узун қилсинлар, деганидир. Бу ердаги «мин» баён маъносида келган бўлиб, у «бир қисми» маъносида эмасдир. Демак, оят маъноси устларига жилбобларини узун қилсинлар, бўлади. Араб тилидаги «юднийна» сўзининг маъноси узун қилиб ташлашни англатади. «Жилбоб» эса ёпинадиган ёпинчиқ-кийимдир ёки бутун баданни ўрайдиган кийимдир. «Қомусул-муҳит»да айтилганки: «Жилбоб сирдоб ва синморга ўхшайди, у аёлнинг кенг кийими бўлиб, ёпинчиқ сингари у билан кийимларини устидан ўраб олади». Жавҳарий «Сиҳоҳ»да «Жилбоб - ёпинчиқ», деб айтган. Ҳадисда жилбоб аёл кийимларини ўраб оладиган ёпинчиқ маъносида келган. Умму Атийя ривоят қилади:

«أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ نُخْرِجَهُنَّ فِي الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى، الْعَوَاتِقَ وَالْحَيْضَ وَذَوَاتِ الْخُدُورِ، فَأَمَّا الْحَيْضُ فَيَعْتَرِلُنَّ الصَّلَاةَ وَيَشْهَدْنَ الْخَيْرَ، وَدَعْوَةَ الْمُسْلِمِينَ. قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِحْدَانَا لَا يَكُونُ لَهَا جِلْبَابٌ، قَالَ: لِنَلْبِسَهَا أُخْتَهَا مِنْ جِلْبَابِهَا»

«Расулуллоҳ ﷺ бизга ёш қизларни, ҳайз кўриб турган ва буйига етган қизларни Рамазон ва Қўрбон ҳайитларига чиқаришимизни буюрдилар. Ҳайз кўриб турганлари намоздан четлашадилар, яхшиликка ва мусулмонларнинг дуосига гувоҳ бўладилар». Айтдимки: «Биримизнинг ёпинчиғи (жилбоби) бўлмаса-чи?». Дедилар: «Унга опаси (дугонаси) жилбобини кийдирсин». (Муслим ривояти). Бунинг маъноси - агар аёлнинг кўчага чиқиш учун киядиган либоси бўлмаса, у нима қилади? Расулуллоҳ дугонаси кийими устидан киядиган кийимини унга бериб туришига буюрганлар. Шунга кўра, оятнинг маъноси қуйидагича бўлади: Аллоҳ Таоло Расулуллоҳ ﷺдан ўз аёлларига, қизларига ва мўминларнинг аёлларига кийимлари устидан киядиган либосларини пастгача узун қилиб олишларини айтишларини талаб қилган. Бунга яна Ибн Аббоснинг «Жилбоб - юқоридан пастгача тўсиб турадиган ридо», дегани ҳам далилдир. Демак, оят кенг кийим бўлган жилбобни пастгача узун қилиб олишни билдириб, бошқа ҳеч нарсани билдирмайди. «Устларига жилбобларни узун

қилиб олсинлар» жумласидан қандай қилиб «кийимлари билан юзларини тўсишлари»ни тушуниш мумкин? «Узун қилиб олсинлар» ва «жилбоб» сўзлари луғавий ва шаръий маънолари чегарасида қанчалар шарҳланмасин, оят кийимни узун қилиб олишни, тепага эмас, балки пастгача узун қилиб тушириб олишни ифодалайди. Шунга кўра, ушбу оятда ҳижобга ҳеч қандай далил йўқ. Қуръон лафзлари ва жумлалари ўзининг луғавий ва шаръий маънолари билан тафсир қилиниб, булардан бошқаси билан тафсир қилиниши мумкин эмас. Луғавий маъноси аниқ, яъни аёлларга буюрилдики, жилбобларини узун қилиб олсинлар, яъни кийимлари устидан киядиган кийимларини тўпиқларини пастини ҳам ёпиб турадиган даражада узун қилиб олсинлар. Кийимни пастгача тушириб олиш маъноси муборак ҳадисда ҳам келган. Ибн Умар ривоят қилганки:

«مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خِيَلَاءَ لَمْ يَنْظُرِ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: فَكَيْفَ يَصْنَعُ النِّسَاءُ بِذِيوَلِهِنَّ؟ قَالَ: يُرْخِيْنَ شِبْرًا، قَالَتْ: إِذَا تَنَكَّشِفَ أَقْدَامُهُنَّ؟ قَالَ: يُرْخِيْنَ ذِرَاعًا لَا يَرُدْنَ»

«Кимки такаббурлик қилиб этакларини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга қарамайди». Шунда Умму Салама сўрадики: «Унда аёллар этакларини нима қиладилар?». Пайғамбар алайҳиссалом айтдики: «(Тўпиқлари пастидан) бир қарич туширсинлар (яъни бир қарич узунликда ерда судраб юрсинлар)». Умму Салама деди: «Унда ҳам оёқлари очилиб қолади-ку?» Набий ﷺ жавоб бердики: «(Тўпиқлари пастидан) бир зироъ (бир билак) узайтирсинлар. Бундан зиёда қилмасинлар». (Термизий ривояти).

Юқоридаги фикрлар Аллоҳ муслима аёлларга ниқобни фарз қилганлигини даъво қилувчилар далил қилиб келтиришган оятлар хусусида эди. Ниқобга далил қилиб келтирилган ҳадислар эса унга далолат қилмайди. Масалан, мукотаб, яъни озод бўлиш учун битим тузган қул битимдаги пул миқдорича пулга эга бўлса, ундан ҳижобланиш лозимлиги ҳақидаги ҳадис Пайғамбар ﷺнинг аёлларига хосдир. Буни Абу Қалобанинг ҳадиси ҳам таъкидлайди: «Пайғамбар ﷺнинг жуфтлари мукотабнинг зиммасида бир динор қолса ҳам ундан ҳижобланмас эдилар». (Байҳақий ривояти). Кўриниб турибдики, ҳадисда муслима аёл ҳижобланишига бирор ишора йўқ. Умму Салама ҳадисида Расулulloҳ ﷺ ундан ва Маймунадан ҳижобланишларини талаб қилганларига келсак, бу ҳадис Пайғамбар ﷺнинг аёлларига хосдир ва бу ҳадис Умму Салама ва Маймуна ҳақида баён қилган. Ҳадис матни қуйидагича: Ибн Шиҳоб Умму Саламанинг қули Набахондан ривоят қилади, Умму Салама унга айтиб берганки:

«كُنْتُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَمَيْمُونَةٌ، قَالَتْ فَبَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَهُ أَقْبَلَ ابْنُ أُمِّ مَكْتُومٍ فَدَخَلَ عَلَيْهِ وَذَلِكَ بَعْدَ مَا أَمَرْنَا بِالْحِجَابِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: احْتَجَبَا مِنْهُ. فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَيْسَ هُوَ أَعْمَى لَا يُبْصِرُنَا وَلَا يَعْرِفُنَا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَفَعَمِيَاوَانِ أَنْتُمَا أَلَسْتُمَا تُبْصِرَانِهِ»

«Мен ва Маймуна Расулуллоҳ ҳузурларида эдик. Биз у кишининг ҳузурларида турганимизда, Ибн Умми Мактум келиб, у кишининг ҳузурларига кирди. Бу воқеа бизга ҳижоб фарз қилингандан кейин юз берганди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Ундан ҳижобланинглар». Мен айтдимки: «У кўр, бизни кўрмайди ва танймайди ҳам». Шунда у зот: «Сизлар ҳам кўрмисизлар, уни кўрмаяпсизларми?» дедилар (Термизий ривояти). Оиша онамиздан ривоят қилинган: «Бизлар Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эҳромда эдик, олдимиздан отлиқлар ўтиб туришарди. Бизнинг рўпарамиздан ўтишганда, биз жилбобимизни бошдан юзга тушириб олар, ўтиб кетишгандан кейин очар эдик». Бу ҳадис Бухорий Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисга зиддир:

«لَا تَتَّقِبُ الْمَرْأَةُ الْمُحْرِمَةَ وَلَا تَلْبَسُ الْقُفَّازِينَ»

«Эҳромдаги аёл юзига ниқоб ҳам ёпмайди, қўлқоп ҳам киймайди». «Фатҳ» китобида айтиладики: «Ниқоб - бурунга ёки кўзнинг остига боғланадиган ёпинчиқ». Оиша онамизнинг ҳадислари эҳромдаги аёлларнинг олдиларидан отлиқлар ўтган вақтда юзларини тўсиб олганларини баён қиляпти. Ибн Умарнинг ҳадиси эса ниқоб кийишдан ман қилинишига далолат қиляпти. Ҳолбуки у фақат юзнинг пастки қисмини тўсади. Бу икки ҳадис қандай мувофиқлаштирилади. Иккала ҳадисга мурожаат қилиш орқали Оиша онамизнинг бу ҳадислари Мужоҳиднинг Оишадан қилган ривоятдан деб иллатлангани маълум бўлади. Яҳё ибн Саид ал-Қаттон, Яҳё ибн Маин ва Абу Ҳотамлар Мужоҳиднинг Оиша онамиздан ҳадис эшитмаганлигини айтиб ўтган. Гарчи Мужоҳид Оиша ﷺ дан ҳадис эшитган деб айтганлар бўлса ҳам – масалан, Али ибн ал-Мадинийнинг: «Мен Мужоҳиднинг бир гуруҳ саҳобалар билан учрашганини инкор қилмайман, у Оишадан ҳам ҳадис эшитган», деган гапи ва Бухорийдаги бошқа бир ҳадисда ҳам Мужоҳид Оишадан ҳадис эшитганлиги сингари – лекин Абу Довуд отлиқлар ҳақидаги ҳадис ҳақида сукут сақлаган. Маълумки, Абу Довуд ўзидаги бирор ҳадис ҳақида сукут сақласа, ўша ҳадис саҳиҳ,

у ҳужжатликка яради, деб эътибор қилинади. Бироқ, ундан саҳиҳроқ бўлган ҳадис унга зид келиб қолса, у ҳадис тарк қилинади. Ибн Умарнинг ҳадиси саҳиҳ бўлиб, уни Бухорий ривоят қилган, у Оишанинг ҳадисидан кучлироқ. Шунинг учун Оиша онамизнинг ҳадислари саҳиҳ ҳадисга зид келгани туфайли рад этилади ва ҳужжат қилинмайди. Энди Фазл ибн Аббос ҳақидаги ҳадисга келсак, унда ҳижобга далолат йўқ, балки ҳижобнинг йўқлигига далил бор. Чунки хасъамийлик аёл юзи очиқ ҳолда Расулуллоҳ ﷺ дан сўраган эди. Юзи очиқлигига далил шуки, Фазл унинг юзига қараган. Бу ҳадиснинг яна бир ривоятида келади:

«وَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْفَضْلَ فَحَوَّلَ وَجْهَهُ مِنَ الشَّقِّ الْأَخْرَى»

«Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини бошқа томонга буриб қўйдилар». Бу қиссани Али ибн Абу Толиб ривоят қилганлар ва қуйидагиларни қўшимча қилганлар: **«Аббос: «Эй Расулуллоҳ ﷺ, нега амакингиизнинг ўғлининг бошини буриб қўйдингиз?» - деб сўраганида:**

«رَأَيْتُ شَابًا وَشَابَةً فَلَمْ آمَنِ الشَّيْطَانَ عَلَيْهِمَا»

«Ёш йигит билан ёш қизни шайтон тўғри йўлдан оздиришидан қўрқдим», деб жавоб бердилар». Демак, Хасъамиянинг ҳадиси ҳижобнинг бўлишига эмас, балки ҳижобнинг бўлмаслигига далил. Чунки Расулуллоҳ ﷺ уни юзи очиқ ҳолда кўрган эдилар. Аммо Фазлнинг бошини буриб қўйишларига келсак, Фазл қизга шаҳват билан қараганини, қиз ҳам унга қараганини кўрдилар. Бунга Алининг: **«Шайтон уларни тўғри йўлдан оздиришидан қўрқдим»,** деган ривоятлари далилдир. Мана шунинг учун унинг юзини у қарагани учун эмас, балки шаҳват билан қарагани учун буриб қўйдилар. Шаҳват билан қараш - гарчи юз билан кафтга бўлса ҳам - ҳаромдир. Тасодифий қараш ҳақидаги ҳадисга келсак, Расулуллоҳ ﷺ Жарирга кўзини олиб қочишни, яъни тўсишни буюрганлар. Бу Аллоҳ Таолонинг:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ﴾

„(Эй Мухаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар“. [24:30]

сўзида келган кўзни тўсиш жумласидан, деб эътибор қилинади. Бу ерда тасодифий қарашдан юз билан кафтга қараш эмас, балки юз билан кафтдан бошқа аврат бўлган жойлар кўзда тутиляпти. Чунки юз билан кафтга қараш тасодифий бўлмаган ҳолатда ҳам жоиз. Юз билан кафтга қарашнинг мубоҳлигига далил хасъамийянинг собиқ ҳадисидир. Яна бир далил шуки, аёллар Расулуллоҳ ﷺ га байъат

қилишган вақтда ва уларга ваъзу иршод қилган пайтларида Расулulloҳ ﷺ уларнинг юзларига қарар эдилар. Бу эса тасодифан қараш ҳақида сўралганда юз билан кафтдан бошқа жойлар кўзда тутилганига далолат қилади. Аммо **«Қарапга қарашни эргаштирма»**, ҳадисига келсак, бу ҳадис бир қарашдан эмас, балки такрор қарашдан қайтарган.

Мана шунга кўра, «Аллоҳ ниқобни шаръий ҳукм қилган», деб даъво қиладиган кишилар далил қилиб келтирган ҳадисларда ниқобнинг вожиблигига далил йўқ. Бу билан Аллоҳ ниқобни муслималарга вожиб қилганига ҳамда на намозда ва на намоздан ташқарида юз билан кафтнинг аврат эканлигига ҳужжат бўладиган далилнинг йўқлиги маълум бўлади. Ҳужжат қилиб келтириладиган далилларда бунга далил қилишга кучли асос мавжуд эмас.

Аммо юз билан кафтнинг аврат эмаслигига, аёл киши юзи ва кафти очиқ ҳолда бозор ва кўчаларга чиқиши жоизлигига келсак, бу Қуръон ва ҳадисда собит бўлган.

Қуръондаги далилларга келсак, Аллоҳ Таоло шундай деган:

﴿وَلَا يُدَيِّنُ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبَنَّ كُحْمَهُنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ﴾

„Кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номахрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!“[24:31] Аллоҳ Таоло мўминаларни зеб-зийнатларини кўрсатишдан қайтарган. Яъни зеб-зийнатларининг ўрнини кўрсатишдан уларни қайтарган. Чунки қайтариқдан мурод уларнинг ўринларидир. Зеб-зийнат ўринларидан уларнинг кўриниб турадиганларини истисно қилган. Бу истисно очиқ-равшан бўлиб, у шуни англатадики, аёл кишида очиқ турадиган зийнат ўринлари бўлиб, оят аёлдаги ўша зийнат ўринларини кўрсатишдан қайтаришни ўз ичига олмайди. Бу тушунарли бўлиб, ҳеч қандай гапга муҳтож эмас. Демак, Аллоҳ Таоло мўминаларни кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнат ўринларини кўрсатишдан қайтаряпти. Энди **«Кўриниб тургандан бошқа»** сўзи кўзда тутган аъзоларга келсак, унинг тафсири икки ишга қайтади. Улардан биринчиси нақл қилинган тафсир, иккинчиси эса бу оят нозил бўлган даврда, яъни Расулulloҳ ﷺнинг даврларида, у кишининг олдларида муслима аёлларнинг кўриниб турган ерларига уни татбиқ қилиш вақтида **«кўриниб турган»** сўзидан тушунилган маънодир.

Энди нақл қилинган тафсирга келсак, бу оят тафсири хусусида Ибн Аббосдан **«кўриниб турган»** лафзи «юз билан икки кафт»ни кўзда тутди, деб ривоят қилинган. Муфассирлар ҳам шу тафсирни олишган. Масалан, имом Ибн Жарир Табарий: «Бу билан юз ва икки кафт кўзда тутилган», деган кишининг сўзи тўғрироқдир, деб

айтганлар. Қуртубий эса: «Кўпинча одатда ҳам, ҳаж ва намоз каби ибодатда ҳам юз билан икки кафт кўришиб тургани учун истиснонинг шу икки аъзога қайтиши тўғри бўлади», деб фикр билдирганлар. Имом Замахшарий: «Аёл киши нарсаларни қўли билан ушлашга ҳамда юзини очишга, хусусан гувоҳликда, муҳокамада ва никоҳда муҳтож бўлади. Шунингдек, йўлларда юришга ва тўпиқларининг кўришиб туришига, хусусан улардан фақирлари мажбур бўлади. Булар «кўришиб тургандан бошқа» сўзининг маъносидир», деб айтганлар.

Аммо «кўришиб турган» сўздан тушунилган маънога келсак, бу оят нозил бўлган вақтда кўришиб турган нарса юз билан икки кафт эканлиги маълум бўлади. Аёллар юзларини ва икки қўлларини Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида очиб юришарди. У киши бунинкор этмас эдилар. Шунингдек, улар юзларини ва икки қўлларини бозор ва йўлларда очиб юришарди. Бу хусусда сон-саноксиз ҳадислар бўлиб, қуйида улардан мисоллар келтирамиз:

1. Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Мен ийд кунини Расулуллоҳ ﷺ билан бирга эдим. Хутбадан олдин азон ва иқоматсиз намозни бошладилар. Кейин Билолга суяниб турдилар. Аллоҳдан тақво қилишга буюрдилар ва Унга итоат қилишга ундадилар. Одамларга ваъз-насихат қилиб, уларга таълим бердилар. Кейин юриб аёлларнинг олдига келдилар ва уларга ҳам таълим бердилар ҳамда шундай дедилар:

«تَصَدَّقْنَ فَإِنَّ أَكْثَرَ كُنَّ حَطَبُ جَهَنَّمَ، فَقَامَتِ امْرَأَةٌ مِنْ سِطَةِ النَّسَاءِ سَفَعَاءُ الْخَدَّيْنِ، فَقَالَتْ: لِمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: لِأَنَّ كُنَّ تُكْثِرُنَ الشَّكَاةَ وَتَكْفُرُنَ الْعَشِيرَ»

«Садақа қилинглари, чунки сизларнинг кўпингиз жаҳаннам учун ўтин бўласизлар». Шунда аёллар орасидан икки юзи қорайган бир аёл: «Нега, эй Расулуллоҳ?» - деб сўради. **«Чунки сизлар кўп шикоят қиласизлар ва эрларингизнинг яхшиликларино ношукр бўласизлар»**, - деб жавоб бердилар Расулуллоҳ. (Муслим ривояти). Жобир деди: «Кейин улар узук ва зирақларини Билолнинг этагига ташлаб, ўз зеб-зийнатларини садақа қила бошладилар».

2. Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилинади: «Менга Ибн Аббос: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган аёлни кўрсатайми?» - деди. Мен: «Ҳа», дедим. У: «Мана бу қора аёл. У Набий ﷺнинг олдидарига келиб:

«إِنِّي أُصْرَعُ، وَإِنِّي أَنْكَشِفُ، فَادْعُ اللَّهَ لِي. فَقَالَ لَهَا: إِنَّ شَيْتَ صَبْرَتِ وَلَكَ الْجَنَّةُ، وَإِنْ شَيْتَ دَعَوْتَ اللَّهَ أَنْ يُعَافِيكَ، فَقَالَتْ: أَصْبِرُ، فَقَالَتْ: إِنِّي أَنْكَشِفُ فَادْعُ اللَّهَ لِي أَنْ لَا أَنْكَشِفَ. فَدَعَا لَهَا»

«Мени тутқаноқ касалим тутиб қолади ва ўзимни билмай қоламан. Шунда авратларим очилиб қолади. Мен учун Аллоҳга дуо қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ унга: «Агар хоҳласанг - сабр қил ва сен учун жаннат бўлади. Агар хоҳласанг - сенга сиҳат-саломатлик беришини сўраб Аллоҳга дуо қиламан», дедилар. У аёл: «Сабр қиламан», деди. Кейин: «Мен очилиб қоламан. Мен учун Аллоҳга дуо қилинг, очилиб қолмай», деди. Шунда унинг учун дуо қилдилар». (Табароний «Кабир»да келтирган).

3. Расулуллоҳ ﷺ байъатда аёлларга қўл бериб сўрашганлари қўлнинг аврат эмаслигига далил бўлади. Умму Атийядан ривоят қилинади:

«يَا بَعْنَا النَّبِيَّ ﷺ فَقَرَأَ عَلَيْنَا أَنْ لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَنَهَانَا عَنِ النَّيَاحَةِ، فَقَبَضَتْ امْرَأَةٌ مِنَّا يَدَهَا فَقَالَتْ: فَلَا تَأْتِئُنَّ أَسْعَدْتَنِي وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أُجْزِيَهَا، فَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا فَذَهَبَتْ ثُمَّ رَجَعَتْ»

«Расулуллоҳга байъат қилдик. «Аёллар Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасинлар», оятини ўқиб бердилар ва ўликларга йиғлашдан қайтардилар. Шунда орамиздаги бир аёл қўлини тортиб олди ва: «Фалончи менга йиғлашиб берган эди. Мен унга қайтаришни хоҳлайман», деди. Унга ҳеч нарса демадилар. У кетиб, кейин қайтиб келди». (Бухорий ривояти). Бу ҳадис аёллар қўл билан байъат беришганига далил бўлади. Чунки бу аёл қўлини байъат учун чўзгандан кейин тортиб олди. Ҳадис аёл байъат лафзини эшитган вақтда қўлини тортиб олганини, байъат қўл билан бўлганини ҳамда Расулуллоҳ ﷺ аёллардан муборак қўллари билан байъат олганларини ифодаляпти. Аммо Оиша онамиздан ривоят қилинган:

«وَمَا مَسَّتْ يَدُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ امْرَأَةً إِلَّا امْرَأَةٌ يَمْلِكُهَا»

«Расулуллоҳ ﷺнинг қўллари ўзлари эга бўлган аёлдан бошқа бирор аёлга тегмаган» (муттафақун алайҳ) ҳадисга келсак, бу Оишанинг раъйлари ва билган нарсалари ҳақида айтганларидир. Агар Оишанинг сўзлари Умму Атийянинг ҳадисига таққосланса, Умму Атийянинг ҳадиси қувватли бўлади. Чунки у Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларида содир бўлган амал ҳақида баён қилган ва

Расулulloҳ ﷺ қилган амалга ишора қилган. Демак, у Оишанинг раъйларидан қувватлироқдир.

Ҳадисларда собит бўлган бу уч ҳодиса аёл кишининг очиқ кўриниб турадиган аъзоси юзи билан икки кафти эканига очиқ-равшан далолат қилади, яъни оятда «*кўриниб тургандан бошқа*» деб истисно қилинган жойлар юз ва икки кафтдир. Бу эса юз ва кафтнинг на намозда ва на намоздан ташқарида аврат эмаслигига далил бўлади. Чунки оят умумийдир:

﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا﴾

„Кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (номахрамларга) кўрсатмасинлар“. [24:31]

Ундан кейинги оятга келсак, оятдан тушунилган маъно юз билан иккала кафтнинг аврат эмаслигига далил бўлади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلْيَضْرِبْنَ بخُمْرِهِنَّ عَلَى جُيُوبِهِنَّ﴾

„Ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!“ [24:31]

Бу оятдаги «хумур» (рўмоллар) сўзи «химор»нинг кўплик шакли бўлиб, у билан бош тўсилади. «Жуюб» сўзи эса «жайб»нинг кўплик шакли бўлиб, кўйлакнинг (ёқа қисмидаги) кесилган ўрнидир. Демак, Аллоҳ Таоло рўмолни бўйин ва кўкракка ташлаб олишга буюрган. Бу уларни тўсиш вожиблигига далил бўлади. У билан юзни беркитишга буюрмаган. Бу унинг аврат эмаслигига далил бўлади. «Жайб» сўзининг маъноси ўйланганидек кўкрак эмас. Балки кўйлакнинг ўйилган ёқаси бўлиб, кўкракнинг устида ва бўйиннинг атрофида бўлади. Рўмолни жайбга ёпиш уни бўйин ва кўкракдан иборат кўйлак ёқасига ўрашдир. Демак, бошни ўрашга бўлган буйруқ юзни истисно қилган ҳолда бўйин ва кўкракка қаратилган ва бу юзнинг аврат эмаслигига далолат қилган. Шунга кўра, ниқоб мавжуд эмас ва Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло уни шаръий ҳукм қилмагани маълум бўлади.

Булар Қуръондаги далиллар эди. Энди Аллоҳ Таоло ниқобни шаръий ҳукм қилмагани ҳамда юз билан икки кафт аврат эмаслиги ҳақидаги ҳадислардаги далилларга келсак, Абу Довуд Қатоладан Набий ﷺнинг шундай деб айтганларини ривоят қилган:

﴿إِنَّ الْجَارِيَةَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ يَصْلُحْ أَنْ يُرَى مِنْهَا إِلَّا وَجْهَهَا وَيَدَاهَا إِلَى الْمِفْصَلِ﴾

«Аёл киши хайз ёшига етгач, унинг юзи ва бўғинларигача бўлган икки қўлидан бошқаси кўриниши яхши эмас». Бу ҳадис юз билан икки кафтнинг аврат эмаслиги ҳамда Аллоҳ юз билан икки кафтни тўсишни ва ниқобни шаръий ҳукм қилмаганига

очиқ далилдир.

Китоб ва суннатдан келтирилган мазкур далиллар муслима аёлнинг юзи билан икки кафти очиқ ҳолда бозорга чиқиши, бегона эркакларга гапириши, олди-сотди, ижара, ваколат, кафолат ва булардан бошқа барча шаръий муомалаларда одамлар билан муомала қилиши мумкинлигига очиқ-равшан далолат қияпти. Аллоҳ Таоло ҳижобни (яъни, юзни ёпишни) фақат Пайғамбар ﷺ аёлларигагина шаръий ҳукм қилган. Ниқобни ёқлаб айтилган сўзлар исломий раъй ҳисобланади. Чунки унинг учун шибҳи далили бор. Соҳиби мазҳаб мужтаҳид имомлардан баъзилари ниқобни ёқлаб чиққанлар. Бироқ, улар далил қилиб келтираётган шибҳи далил заиф бўлиб, унда бир оз бўлса ҳам далил келтириш жиҳатлари ўз ифодасини топмайди.

Яна бир масала қолди. У масала шуки, баъзи мужтаҳидлар фитна хавфи бўлгани учун ниқоб аёл кишига шаръий ҳукм сифатида жорий қилинади, деб айтадилар. Бинобарин, аёл киши эркаклар орасида юзини очишдан – у авратлиги учун эмас, балки фитна хавфи бўлгани учун – қайтарилади, деб айтадилар. Бу сўз бир неча жиҳатдан ботилдир:

Биринчиси: Фитна хавфи бўлгани учун юзни очиш ҳаром қилинганига на Китобда, на суннатда, на саҳобалар ижмоида ва на шаръий иллатга асосланган қиёсда бирорта шаръий нусус келмаган. Шунга кўра, шаръан унинг ҳеч қандай қиймати йўқ ва у шаръий ҳукм деб эътибор ҳам қилинмайди. Чунки шаръий ҳукм Шореънинг хитобидир. Шореънинг хитобида фитна хавфи бўлгани учун юзни очиш ҳаром қилингани келмаган. Маълум бўладики, аслида унга тамоман қарама-қарши шаръий далиллар келган ҳамда оят ва ҳадислар юзни ва икки кафтни очиб юришни мутлақ мубоҳ қилган, бунини бирор нарса билан қайдламаган ва бирорта ҳолатга хослаб ҳам қўймаган. Демак, юзни очишни ҳаром қилиш ва уни тўсишни вожиб қилиш ҳақидаги сўз Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиш ва бутун оламлар Парвардигори вожиб қилмаган нарсани вожиб қилиш бўлади. Шунга кўра, у шаръий ҳукм деб эътибор қилинмаслигидан ташқари, очиқ нусус билан собит бўлган шаръий ҳукмларни бекор қилувчи ҳамдир.

Иккинчиси: Ҳеч бир шаръий насс юзни очишни ҳаром қилиш ва уни тўсишни вожиб қилиш учун фитна хавфини на очиқ, на далолатан, на истинботан ва на қиёсан иллат қилмаган. Демак, у мутлақо шаръий иллат эмас, балки ақлий иллатдир. Ақлий иллатнинг эса шариат ҳукмларида эътибори йўқ. Балки эътиборлиси фақат шаръий иллатдир. Шунга кўра, фитна хавфи сабабли юзни очишни ҳаром қилиш ва уни тўсишни вожиб

қилишни шаръий ҳукм қилишнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Чунки у шариатда келмаган.

Учинчиси: «Ҳаромга олиб борувчи восита ҳам ҳаромдир», қондаси фитна хавфи сабабли юзни очишни ҳаром қилишга тўғри келмайди. Чунки бу қоида ўзида икки иш тўлиқ бўлишини тақозо этади: биринчиси - восита ҳаромга олиб боради, деган гумоннинг ғолиб бўлиши; иккинчиси - восита натижасида пайдо бўлган иш ақлга биноан эмас, шаръий нусусга биноан ҳаром бўлиши. Бу нарса фитна хавфи борлиги учун юзни очишда мавжуд эмас. Шунга кўра, бошқаларни фитналантириб қўядиган шахсга фитна ҳаромдир, деб фараз қилсак, фитна хавфи борлиги учун юзни ёпиш «ҳаромга сабаб бўладиган нарсани ҳам ҳаром қилиш» қондасига тўғри келмайди. Чунки у ҳаромга олиб боради, деган гумон ғолиб бўлган эмас. Шунингдек, фитна хавфини ҳаром қилишга нусус келмаган ва шариат одамларни фитналантириб қўядиган кишига фитнанинг ўзини ҳаром қилмаган. Балки қарайдиган кишига фитнага олиб борадиган қарашни ҳаром қилган. Лекин қаралган кишига ҳаром қилмаган. Бухорий ривоят қилади:

«كَانَ الْفَضْلُ رَدِيفَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَجَاءَتْ امْرَأَةٌ مِنْ خَتَمِمْ فَجَعَلَ الْفَضْلُ يَنْظُرُ إِلَيْهَا وَتَنْظُرُ إِلَيْهِ وَجَعَلَ النَّبِيُّ ﷺ يَصْرِفُ وَجْهَ الْفَضْلِ إِلَى الشَّقِّ الْأَخْرِ»

«Фазл ибн Аббос Расулуллоҳ ﷺ билан бир уловга мингашиб келаётган эди. Шунда хасъамийлик бир аёл келиб қолди. Фазл аёлга, аёл унга қарай бошлади. Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини аёлдан буриб қўйдилар». Яъни, Фазл ибн Аббоснинг юзини ундан буриб қўйдилар. Бу ҳадиснинг бошқача ривояти ҳам бунга далил бўлади:

«وَأَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْفَضْلَ فَحَوَّلَ وَجْهَهُ مِنَ الشَّقِّ الْأَخْرِ»

«Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини бошқа томонга буриб қўйдилар». Бу қиссани Али ибн Абу Толиб ؓ ҳам ривоят қилганлар ва қўшимча қилганлар: **«Аббос: «Эй Расулуллоҳ ﷺ, нега амакинғизнинг ўғлининг бошини буриб қўйдингиз?» - деб сўраганида:**

«رَأَيْتُ شَابًا وَشَابَةً فَلَمْ آمَنِ الشَّيْطَانَ عَلَيْهِمَا»

«Ёш йигит билан ёш қизни шайтон тўғри йўлдан оздиришидан қўрқдим», деб жавоб бердилар». Мана шундан маълум бўладики, Расулуллоҳ ﷺ Фазлнинг юзини хасъамийдан буриб қўйдилар. Лекин хасъамийнинг юзи очиқ бўла туриб, унга юзини тўсишни буюрмадилар. Агар фитна фитнага сабаб бўладиган

кишига ҳаром бўлганда, Фазл хасъамийяга фитнага соладиган қараш (шаҳват назари) билан қарагандан кейин, албатта Расулulloҳ ﷺ унга юзини тўсишни буюрган бўлар эдилар. Лекин уни бунга буюрмадилар, балки Фазлнинг бошини буриб қўйдилар. Бу эса «ҳаром қилиш» ҳукми қаралган киши эмас, балки қаровчи киши хусусида эканлигига далолат қилади. Мана шунга кўра, фитнага сабаб бўладиган аёл учун одамларни фитнага солиб қўйишини ҳаром қиладиган бирорта нусус келмаган. Балки у аёлга ҳаром қилинмаганлигига нусус келган. Бироқ, давлат ишларни бошқаришни амалга оширишда фитнага сабаб бўладиган шахсларнинг ўзини одамларнинг кўзидан узоқлаштириши жоиз. Бу билан, агар фитна шахсда умумий бўлса, фитнага сабаб бўладиган киши билан одамларнинг орасини тўсиб қўяди. Умар ибн Хаттоб худди шундай ишни амалга оширганлар. Наср ибн Ҳажжож ўзининг ҳусни билан аёлларнинг фитнага тушиб қолишига сабаб бўлгани учун уни Басрага сургун қилганлар. Бу эркакларга ҳам, аёлларга ҳам умумийдир. Демак, фитна хавфи борлиги учун аёлларга юзни очиш ҳаром қилинган, деб айтилмайди. Бинобарин, бу нарса «Ҳаромга олиб борувчи восита ҳам ҳаромдир», қондаси туридан бўлмайди.

АЁЛ ВА ЭРКАК ШАРЪИЙ БУРЧЛАР ОЛДИДА

Ислом аёл ва эркакнинг зиммасига юклаган шаръий бурчларни олиб келган вақтда ҳамда уларнинг ҳар бирининг ишларини муолажа қиладиган шаръий ҳукмларни баён қилган вақтда уларнинг ўртасидаги тенглик ёки афзаллик масалаларига қарамади ва уларни эътиборга олмади. Балки бу ерда ечимга муҳтож бўладиган муайян муаммо бор, деб қаради ва аёл ёки эркакнинг муаммоси бўлишидан қатъий назар, уни муайян муаммо деган эътибор билан ечиб берди. Демак, муолажа эркак ёки аёл учун эмас, балки инсоннинг феъли (қилган иши) учун, яъни юз берувчи муаммо учундир. Шунинг учун эркак ва аёл орасидаги тенглик ёки тенгсизлик масаласи баҳс ўрни бўлмади. Бундай сўз Исломий қонунчиликда мавжуд эмас. Шаръий ҳукм эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, фақат муайян инсон тарафидан содир бўлган ҳодиса учун мавжуд.

Шунга кўра, эркак ва аёл орасидаги тенглик баҳс қилинадиган муаммо эмас ва у ижтимоий низомда мавзу қилиб қўйиладиган масала ҳам эмас. Чунки аёлнинг эркакка ёки эркакнинг аёлга тенг бўлиши ижтимоий ҳаётда таъсирга эга бўлган муҳим иш эмас ва Исломий ҳаётда юзага келишининг эҳтимоли бор муаммо ҳам эмас. Бу ибора Фарбда мавжуд бўлган иборалардан бўлиб, Фарбга тақлид қилувчи кишилардан бошқа мусулмонлар бу гапни айтмайди. Фарб инсон деган эътиборда аёлнинг табиий ҳуқуқларини оёқ ости қилган эди. Кейин аёл бу ҳуқуқларни талаб қилиб чиқди ва бу талаб «тенглик» баҳсини ушбу ҳуқуқларга эришишнинг йўли қилиб олди. Аммо Исломда бу каби истилоҳларга ўрин йўқ. Чунки у ўзининг ижтимоий низомини жамоат ва жамиятнинг яхлитлиги ва уларнинг юксалишини таъминлайдиган ҳамда Аллоҳ Таоло:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ﴾

„Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик“. [17:70] сўзи билан улуғлаган инсоннинг улуғлигига лойиқ бўлган ҳақиқий саодатни эркак ва аёл учун кафолатлайдиган мустаҳкам асосга барпо қилди.

Шунга кўра, Ислом аёл учун ҳуқуқларни белгилаб, унинг зиммасига вазифаларни юклаган вақтда ва эркак учун ҳуқуқларни белгилаб, унинг зиммасига ҳам вазифаларни юклаган вақтда, Шореъ Ўзи билганидек уларнинг манфаатларига тааллуқли ҳуқуқлар ва вазифаларни ҳамда муайян инсоннинг муайян иши деган эътибор билан уларнинг ишлари учун ечимларни белгилаб берди. Эркак ва аёлнинг инсоний табиати бу ҳуқуқ ва вазифаларнинг бир хил бўлишини талаб қилган вақтда, уларни бир

хил қилиб белгилади. Аксинча, уларнинг фарқли бўлишини талаб қилган вақтда эса ҳар хил қилиб белгилади. Ҳуқуқ ва вазифалардаги бу бирлик тенглик ҳам, тенгсизлик ҳам дейилмайди. Шунингдек, ҳуқуқ ва вазифалардаги ушбу ҳар хилликдан ҳам тенглик ёки тенгсизлик кўзда тутилмайди. Чунки Ислом - эркак ёки аёл бўладими – жамоатга қараган вақтда, унга фақат инсоний жамоат деган эътибор билан қарайди. Эркак ва аёлларни ўз ичига олиш бу инсоний жамоатнинг табиатидандир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَتَأْتِيَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً﴾

„Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз!“ [4:1]

Ушбу қарашга биноан, Ислом шаръий бурчларни қонун қилди ва шу қарашга кўра эркак ва аёллар учун ҳуқуқ ҳамда вазифаларни белгилаб берди. Қачонки ҳуқуқ ва вазифалар инсоний ҳуқуқ ва вазифалар бўлганда, яъни қачонки бурчлар инсон сифатида инсонга тааллуқли бурчлар бўлганда, сиз бу ҳуқуқ ва вазифалардаги бир хилликни, яъни бурчлардаги бир хилликни кўрасиз. Эркак ва аёлнинг ҳар бирининг ҳуқуқлари ва ҳар бирининг зиммасидаги вазифалари хилма-хил ва турли-туман бўлмай, балки фақат бир хил бўлади. Яъни, бурчлар эркак ва аёллар учун бир хил бўлади. Мана шу ердан Ислом инсонни иймонга даъват қилишда ва Ислом даъватини кўтариб чиқиш вазифасида эркак билан аёл ўртасини ажратмаганини кўрамиз. Намоз, рўза, ҳаж ва закот каби ибодатларга тааллуқли бурчларни бурч жиҳатидан бир хил қилиб белгилади. Шаръий ҳукмларда келган хислатлар билан сифатланишни эркак ва аёллар учун баб-баробар қилиб белгилади. Инсонга тааллуқли бўлган олди-сотди, ижара, ваколат, кафолат ва бошқа муомала ҳукмларини эркак ва аёлга бир хил қилиб белгилади. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳукмларига зид иш қилганларга - инсон деган эътиборда, эркак билан аёлни ажратмасдан - ҳад, жиноят ва таъзир каби жазо чораларини бир хил қилиб белгилади. Мусулмонларга илм ўрганиш ва ўргатишни вожиб қилди ва бунда ҳам эркак билан аёлни ажратмади. Аллоҳ Таоло инсон сифатида инсонга тааллуқли барча ҳукмларни эркак ва аёллар учун бир хил қилди. Демак, мана шу тарафдан бурчлар, яъни ҳуқуқ ва вазифалар бир хил бўлди. Ушбу ҳукмлар борасида келган оят ва ҳадислар инсон учун инсон бўлганлиги жиҳатидан ва мўмин учун мўмин бўлганлиги жиҳатидан умумий бўлиб келган.

Шу билан бирга кўплаб оятлар бурч эркак ва аёл учун эканлигини ифодалаган. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿ إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَنَاتِينَ وَالْقَنَاتِ
وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَشِيعِينَ وَالْخَشِيعَاتِ وَالْمُتَّصِدِّقِينَ
وَالْمُتَّصِدِّقَاتِ وَالصَّيِّمِينَ وَالصَّيِّمَاتِ وَالْحَفِظِينَ وَالْحَفِظَاتِ فُرُوجَهُمْ وَالْحَافِظَاتِ
وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴾

„Албатта муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатгўй эркаклар ва итоатгўй аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозели эркаклар ва тавозели аёллар, хайру садақа қилгувчи эркаклар ва хайру садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва Аллоҳни кўп зикр қилгувчи аёллар - улар учун Аллоҳ мағфират ва улуг мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб қўйгандир“.

[33:35]

﴿ وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ﴾

„Аллоҳ ва Унинг Пайгамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб), ўз ишларида ихтиёр қилиш жоиз эмасдир“.

[33:36]

﴿ مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴾

„Эркакми ё аёлми - кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз“.

[16:97]

﴿ وَمَنْ يَعْمَلْ مِّنَ الصَّالِحَاتِ مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ
وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا ﴾

„Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин - кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга заррача зулм қилинмас“. [4:124]

﴿ فَاسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَمَلٍ مِّنْكُمْ مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْتَىٰ ﴾

„Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб деди: «Албатта, Мен сизлардан бирон амал қилгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмагайман“. [3:195]

﴿ لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ

وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ ۖ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴾

„Эркаклар учун ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу улушлар озми-кўплигидан (қатъий назар) фарз қилинган ҳақлардандир“. [4:7]

﴿ لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا أَكْتَسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا أَكْتَسَبْنَ ۗ ﴾

„Эркаклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар“. [4:32]

Бу ҳукмлар қанчалик хилма-хил ва турли-туман бўлмасин, Аллоҳ Таоло инсон сифатида инсонга тааллуқли барча шаръий ҳукмларни эркак ва аёл учун баб-баробар, бир хил шаръий ҳукм қилганини кўрамыз. Бироқ, бу нарса эркак билан аёлнинг орасидаги тенглик деб эътибор қилинмайди. Балки улар инсон учун шаръий ҳукм қилинган ҳукмлар бўлиб, эркак ва аёл учун баб-баробардир. Чунки уларнинг ҳар бири инсондир. Бу ҳукмлар Аллоҳ Таолонинг инсоннинг феълларига тааллуқли хитобидир.

Қачон бу ҳуқуқлар, вазифалар ва бу шаръий бурчлар аёл сифатида аёлнинг табиатига, жамоат ва жамиятдаги унинг ўрни табиатига ҳамда эркак сифатида эркакнинг табиатига, жамоат ва жамиятдаги унинг ўрни табиатига тааллуқли бўлсагина, бу ҳуқуқ ва вазифалар, яъни бу бурчлар эркак ва аёл орасида турлича бўлади. Чунки улар мутлақ инсон учун ечим эмас, балки бири иккинчисидан фарқ қиладиган алоҳида инсоний табиатга эга бўлган инсоннинг ушбу нави учун ечим бўлади. Демак, ечим мутлақ инсон учун эмас, балки инсоннинг ушбу нави учун бўлиши шарт. Шунинг учун умумий ҳаётда ва эркаклар жамоатида бўладиган ишларда иккита аёлнинг гувоҳлиги битта эркакнинг гувоҳлиги билан тенг қилиб белгиланди. Масалан аёлнинг ҳуқуқ ва муомалалардаги гувоҳлиги. Аллоҳ дейди:

﴿وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رَجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّنْ

تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكِّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى﴾^ع

„Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни - бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади - гувоҳ қилинглар!“ [2:282]

Аёллар хаммомида содир бўлган жиноят каби фақат аёллар жамоатида содир бўладиган ва у ерда эркаклар бўлмайдиган ишларда фақат аёлларнинг гувоҳлиги қабул қилинади. Бокиралик, бевалик ва эмизиш каби фақат аёллар хабардор бўладиган ишларда битта аёлнинг гувоҳлиги билан чекланилади. Чунки Расулulloҳ ﷺ эмизишда битта аёлнинг гувоҳлигини қабул қилганлар. Бухорий Уқба ибн Ҳорисдан келтиради, у деди: «Мен бир аёлга уйлангандим, бир аёл келиб: «Мен икковингизни эмизганман», деди. Шунда Набий ﷺ ҳузурларига келгандим, у киши:

﴿وَكَيْفَ وَقَدْ قِيلَ؟ دَعَهَا عَنْكَ، أَوْ نَحْوَهُ﴾

«Шу гапдан кейин ҳам у билан яшайверасанми? Уни тарк қилгин», дедилар. Бошқа ривоятда эса: **«Бас, уни у аёл (билан яшаш)дан қайтардилар».** Ислол меросда аёлнинг улушини баъзи ҳолатларда эркак улушининг ярмига тенг қилиб белгилади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ﴾^ع

„Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур“. [4:11]

Бу - фарзандлар, туғишган ака-укалар ва ота бир ака-укалар каби асабалар (ота томонидан бўлган қариндошлар) хусусида. Чунки ушбу ҳолатда аёлнинг воқелиги шундайки, агар аёл фақир бўлса, гарчи у иш қилишга қодир бўлса ҳам, унинг нафақаси акасининг зиммасига вожибдир. Баъзи ҳолатларда аёлнинг насибасини эркакнинг насибаси каби қилиб белгиланган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَلِئَلَةً أَوْ امْرَأَةً وَوَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا

السُّدُسُ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثَّلَاثِ﴾^ع

„Агар мероси қолаётган эркак ёки аёлнинг на ота ва на онаси бўлмай, (она томонидан) бир ака ёки укаси ёхуд бир она ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур.

Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир хиссасига тенг шерик бўлурлар“. [4:12]

Бу - она бир бўлган ака-укалар хусусида. Бу ҳолатда аёлнинг воқелиги шундайки, унинг нафақаси она бир бўлган акасининг зиммасига вожиб бўлмайди. Чунки у маҳрам бўлса ҳам, лекин унинг зиммасига нафақа вожиб бўладиган кишилардан эмас.

Ислом эркакнинг либоси аёлнинг либосидан фарқли бўлишини буюрганидек, аёлнинг либоси ҳам эркакнинг либосидан фарқли бўлишини буюрди. Ҳамда улардан бирини иккинчисига кийимда ва унинг ўзигагина хос бўлиб, бошқасини ундан ажратиб турадиган нарсаларда (масалан, тананинг баъзи аъзоларини зийнатлашда) ўхшаб қолишдан ман қилди. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الرَّجُلَ يَلْبَسُ لِبْسَةَ الْمَرْأَةِ، وَالْمَرْأَةَ تَلْبَسُ لِبْسَةَ الرَّجُلِ»

«Расулulloҳ ﷺ аёлнинг кийимини киядиган эркакни ва эркакнинг кийимини киядиган аёлни лаънатладилар». (Ҳоким ривояти). Ибн Абу Мулайкадан ривоят қилинади: Оиша رضي الله عنهاдан эркаклар оёқ кийимини киядиган аёл ҳақида сўралганда:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الرَّجُلَةَ مِنَ النِّسَاءِ»

«Расулulloҳ ﷺ аёлларнинг эркакларга тақлид қилганларини лаънатлаганлар», деб жавоб бердилар. (Заҳабий ривояти). Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: Расулulloҳ ﷺнинг шундай деб айтганларини эшитдим:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ تَشَبَّهَ بِالرِّجَالِ مِنَ النِّسَاءِ»

«Ўзларини эркакларга ўхшатган аёллар биздан эмас». (Табароний ривояти). Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Набий ﷺ ўзини аёлларга ўхшатадиган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатадиган аёлларни лаънатладилар ва:

«أَخْرَجُوهُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ»

«Уларни уйлариңгиздан чиқариб юборинглар», дедилар. Ибн Аббос айтадилар:

«فَأَخْرَجَ النَّبِيُّ ﷺ فَلَانًا وَأَخْرَجَ عُمَرُ فَلَانًا»

«Набий ﷺ фалончини чиқариб юбордилар, Умар эса фалончини чиқариб юборди». Яна бир ривоятда:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ»

«Расулulloҳ ﷺ ўзларини аёлларга ўхшатган эркакларни ва ўзларини эркакларга ўхшатган аёлларни лаънатладилар»,

дейилган (Бухорий ривояти).

Ислом аёл учун махрни эркакнинг зиммасига юкляб, уни аёлнинг эркак зиммасидаги ҳаққи қилиб қўйди. Ҳолбуки (никоҳдан) баҳраманд бўлиш ёлғиз эркак учун эмас, балки эркак ва аёл учундир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَأَتُوا النِّسَاءَ صِدْقَتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِنْ طِبْنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِيئًا مَّرِيئًا﴾

„Хотинларингизга махрларини ҳадя каби берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у махрдан бирон нарсани ихтиёрый равишида кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар“. [4:4]

«Ниҳла» сўзининг маъноси ҳадядир. Зеро, махр - баъзи кишилар ўйлаганидек - аёллик иффатининг бадалига берилган нарса эмас, балки ҳадядир. Расулуллоҳ ﷺ бир кишини уйлантираётди унга:

﴿هَلْ مِنْ شَيْءٍ تُصَدِّقُهَا؟ فَالْتَمَسَ وَلَمْ يَجِدْ قَالَ: اِلْتَمَسْتُ وَلَوْ خَاتَمًا مِنْ حَدِيدٍ. فَلَمْ يَجِدْ شَيْئًا. فَزَوَّجَهُ اِيَّاهَا بِمَا مَعَهُ مِنَ الْقُرْآنِ﴾

«Унга ҳадя қиладиган бирор нарсанг борми?», дедилар. У қидириб топа олмади. Шунда: «Гарчи темир узук бўлса ҳам топ», дедилар. У ҳеч нарса топа олмади. Шунда уни Қуръондан билган оятларини ўргатиб қўйиши эвазига уйлантириб қўйдилар». (Бухорий ривояти).

Аллоҳ Таоло мол касб қилишни эркак кишига фарз қилиб, уни аёлга фарз эмас, балки мубоҳ қилди. Агар хоҳласа ишлайди, хоҳламаса ишламайди. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ﴾

„Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан нафақа берсин!“ [65:7]
Оятдаги «зу» сўзи фақат эркак жинсига қўлланилади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

„Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир“. [2:233]

Демак, нафақани эркакнинг зиммасига юклаган.

Ислом аёллар устидан раҳбарлик қилиш ишини ҳамда етакчилик қилиш, буюриш ва қайтариш ҳуқуқини эркакларга берди. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ ۚ فَالَّذِينَ حَقَّتْ قَدَتُهُمْ حَافِظَتُ اللَّيْلِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ ۗ وَالَّتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُمْ فَعِظُوهُمْ ۖ وَاهْجُرُوهُمْ فِي الْمَصَاجِعِ وَأَصْرِبُوهُمْ ۗ فَإِنْ أَطَعَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا كَبِيرًا﴾

„Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар - яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглр, сўнг (яъни насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилинғиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглр. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглр. Албатта, Аллоҳ энг юксак ва буюк бўлган зотдир“. [4:43]

Бу раҳбарликнинг сабаби Аллоҳ Таоло эркакларни ҳукм юритиш, намознинг имомлиги ва никоҳдаги валийлик каби бурчларда ортиқ қилгани ва талоқни эркак кишига топшириб қўйгани деб баён қилинган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ﴾

„Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани“. [4:43]

Яна бу раҳбарликнинг сабаби маҳр ва таъминотдан иборат нафақа бурчлари ҳам эркакларнинг зиммасига юклангандир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ﴾

„Эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир“. [4:43]

Шунингдек, аёл итоатсизлик қилган, яъни эрига қарши чиқиб, унга осийлик қилган вақтида - қилинган гуноҳ одоб беришнинг қайси турига муҳтож бўлса, шунга қараб - у аёлга чиройли панд-насиҳат билан, ётоқларда тарк қилиш билан ва оғритмайдиган қилиб уриш

билан одоб бериш ҳақини ҳам эрга берди. Ёш болани тарбия қилиш ҳақини - у ўғил бўладими ёки қизми - аёл кишига берди ва ундан эркакларни ман қилди. Агар оталар ёш гўдакларига бевосита сарф-харажат қилишни пайсалга солишса ёки бахиллик қилишса, уларга бевосита сарф-харажат қилишни аёл зиммасига юклади ва эркак кишини ушбу ҳолатларда у ишларни бажаришдан ман этди. Ҳинд Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларига келиб:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَبَا سُفْيَانَ رَجُلٌ شَحِيحٌ، وَلَيْسَ يُعْطِينِي مِنَ التَّفَقَّةِ مَا يَكْفِينِي وَوَلَدِي. فَقَالَ: خُذِي مَا يَكْفِيكِ وَوَلَدَكَ بِالْمَعْرُوفِ»

«Эй Расулуллоҳ, Абу Суфён бахил одам. У менга ва боламга етадиган нафақани бермаяпти», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Ўзинг билан боланга кифоя қиладиган нарсани яхшилик билан ол», дедилар» (муттафақун алайҳ). Қози эркакни нафақани аёлга топширишга мажбур қилади ва у ишларни бевосита бажаришни аёлга беради. Ушбу ҳолатларда бевосита сарф-харажат қилишни эрдан қабул қилмайди.

Шундай қилиб, Ислом баъзиси эркакларга хос бўлган ва баъзиси аёлларга хос бўлган турли хил ҳукмларни олиб келди ва улардан бир қисмида аёллар билан эркакларнинг орасини ажратди. Ҳамда уларни Аллоҳ унинг ўзига хослаб қўйган ҳукмларга рози бўлишга буюрди ва Аллоҳ бировларини бировларидан ортиқ қилиб қўйгани сабабли бир-бирига ҳасад қилишдан ва бошқасидаги ортиқ нарсани ҳасад-адоват билан орзу қилишдан қайтарди. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا تَتَمَنَّوْا مَا فَضَّلَ اللَّهُ بِهِ بَعْضَكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ ۗ لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَتَبْنَا ۗ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَتَبْنَا ۗ﴾

„Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар“. [4:32]

Ҳукмлардаги бу хослашнинг маъноси тенгсизлик эмас, балки аёл деган эътибор билан аёлнинг ва эркак деган эътибор билан эркакнинг феълларини муолажа қилишдир. Уларнинг ҳаммаси бандаларнинг феълларига тааллуқли бўлган хитоб билан муолажа қилинган. Агар уларнинг барчасининг воқелиги ўрганилса, навининг эътибори билан инсоннинг бир навининг (яъни, эркак ёки аёлнинг) муаммолари муолажа қилингани маълум бўлади. Бу эса инсонни инсон деган эътибор билан муолажа қилишдан фарқли

бўлиши керак. Бу борада тенглик ёки тенгсизлик жиҳати мулоҳаза қилинмаган. Чунки у баҳс ўрни эмас. Балки у муайян инсоннинг муайян муаммоси учун муайян муолажа бўлиши мулоҳаза қилинган. Бу эркак ва аёл ўртасидаги ҳукмлардаги ҳар хиллик жиҳати. Ҳар қандай ҳолатда ҳам - илм талаб қилиш каби эркак ва аёлнинг ҳар бири учун бир хил ечим бўладими ёки улар ўртасидаги аврат хилма-хиллиги каби ҳар хил ечим бўладими - у фақат инсон муаммосининг муолажасидир. Бу нарса инсонни инсондан ажратишни ёки тенглик ва тенгсизлик баҳсини англамайди. Энди ҳадисда келган аёлларнинг ақли ва динининг нуқсонлиги масаласига келсак, унда ақл ва динга нисбатан содир бўладиган ҳолатни эътиборга олиш қасд қилинган, холос. Унинг маъноси аёлларнинг ақли ва дини ноқис дегани эмас. Чунки ақл эркак ва аёлнинг ҳар биридаги фитрат эътибори билан бир хил, шунингдек, дин ҳам эркак ва аёлнинг ҳар биридаги иймон ва амал эътибори билан бир хилдир. Бу ҳадисдан мақсад аёлнинг гувоҳлигини эътиборга олишдаги нуқсондир. Яъни, икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг қилинган. Яна аёлдаги намоз кунларининг нуқсонлигидир. Чунки у ҳар ойдаги ҳайз кунларида ҳамда нифос кунларида намоз ўқимайди. Рамазон ойида ҳам шундай кунларда рўза тутмайди.

Бу ҳуқуқ ва вазифалар, яъни шаръий бурчлар мавзуи бўлиб, Аллоҳ уларни инсон учун унинг инсонлиги жиҳатидан ва инсон навининг ҳар бири, яъни эркак ва аёл учун шаръий ҳукм қилди. Лекин қонунчиликда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос инсонийлик сифати ва нав белгиси бор, деб эътиборга олди. Бу борада ҳар қандай тенглик ва тенгсизлик ишлари мулоҳаза қилинмаганидек, улардан бирини бошқасидан ажратиш ҳам кўзда тутилмайди.

АЁЛНИНГ ИШЛАРИ

Ислоннинг қонунчилиқ борасидаги қарашининг табиати инсон сифатида инсон бажарадиган ишларни эркак ва аёлнинг ҳар бири учун, бирини бошқасидан ажратмасдан ёки турларга бўлмасдан, мувоҳ қилади. Ёки ҳеч қандай ажратмасдан ва турларга бўлмасдан вожиб ё ҳаром ёки макруҳ ёхуд мандуб қилади. Аммо шариат инсонийлик сифати билан бирга эркак сифатида эркак киши бажарадиган ишларда ва инсонийлик сифати билан бирга аёл сифатида аёл киши бажарадиган ишларда - вожиб, ҳаром, макруҳ, мандуб ёки мувоҳ бўлишидан қатъий назар - уларнинг ўртасини ажратди ва уларнинг ҳар бирига нисбатан у ишларни турларга бўлиб қўйди. Мана шу ердан маълум бўлади-ки, шариат ҳукм юритиш ва салтанатни аёлларга эмас эркакларга, бола тарбиялашни эса - у ўғил ёки қиз бўладими, фарқсиз - эркакларга эмас, аёлларга бериб қўйганини кўрамиз. Шунинг учун аёл сифатида аёлга тааллуқли ишлар аёлларга топширилиши ва эркак сифатида эркакка тааллуқли ишлар эса эркакларга топширилиши лозим. Эркак билан аёлни яратган Аллоҳ Таоло эркак ёки аёлнинг ҳолатини жуда яхши билгани учун, Аллоҳ шаръий ҳукм қилган ҳукмлар фақат эркаклар учун бўладими ёки фақат аёллар учун бўладими, шунингдек, эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, инсон учун бўладими, ушбу ҳукмлар чегарасида тўхтаб, улардан четга чиқмаслик шарт. Чунки Аллоҳ Таоло инсонга нима мос келишини Ўзи билади. Шунга биноан ақл: «Бу ишлар аёл учун эмас», деган ҳужжат билан уни баъзи ишлардан маҳрум қилишга интилиши ёки «Аёлга нисбатан инсоф қилиш ва аёл билан эркак орасида адолатни рўёбга чиқариш», деган эътибор билан эркакка хос бўлган ишларни аёлга топширилиши - буларнинг ҳаммаси шариатдан четга чиқиш ва хато бўлиб, бузилишнинг сабабидир.

Шариат аёлни она ва уй бекаси қилиб қўйди. Бинобарин, унга ҳомиладорликка, бола туғишга, бола эмизишга, бола тарбиялашга ва идда сақлашга алоқадор ҳукмларни баён қилди. Булардан бирортасини эркак кишига тегишли қилиб қўймади. Чунки бу ҳукмлар аёл сифатида аёлга тааллуқли ҳукмлардир. Шунга кўра ҳомиладорлик, бола туғиш, бола эмизиш ва тарбиялашдан иборат ёш гўдақ масъулиятини аёлга юклади. Бу масъулият аёл ишларининг энг муҳими ва масъулиятларининг энг каттасидир. Мана шундан аёлнинг ҳақиқий иши она ва уй бекаси бўлиш деб айтиш мумкин. Зеро, бу ишда инсоний навнинг сақланиб қолиши мавжуд. Шунингдек, бу ишга фақат аёлнинг ўзи хослаб қўйилди. Шунга кўра очиқ-равшан бўлиши лозимки, аёлга қандай ишлар топширилмасин ва унга қандай бурчлар юклатилмасин, унинг

асосий вазифаси оналик ва болаларни тарбиялаш бўлиб қолиши лозим. Шунинг учун шариат аёлга Рамазонда ҳомиладор ва эмизиклик ҳолатида рўза тутмасликка рухсат берганини, ҳайз ва нифос ҳолатида намозни ундан соқит қилганини ҳамда фарзанд онага муҳтожлик даврида отани шу фарзандининг ўзини олиб, шаҳридан бошқа ёққа сафарга чиқишдан ман қилганини кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси аёл ўзининг асосий ишини тўла-тўқис адо этиши ҳамда она ва уй бекаси бўлгани учундир.

Бироқ, аёлнинг асосий иши она ва уй бекаси бўлишдир дегани аёл фақат ушбу ишга чекланган ва ундан бошқа ишларни бажаришдан қайтарилган дегани эмас. Балки унинг маъноси шуки, Аллоҳ Таоло аёлни эркак унга суяниши ва ундан насл, зурриёт кўриши учун яратди. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَنِينَ وَحَفَدَةً﴾

„Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди“. [16:72]

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا﴾

„Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар хотиржам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратишидир“. [30:21]

Лекин Аллоҳ аёлни хос ҳаётда иш қилганидек, умумий ҳаётда ҳам фаолият кўрсатиши учун яратди, яъни даъватни ёйишни ва ўзига зарур бўладиган ҳаёт ишларида илм талаб қилишни вожиб қилди ва унга савдо-сотиқ, ижара ва ваколатга рухсат берди. Ёлгонни, аҳдни бузишни ва хиёнатни ҳаром қилди. Шунингдек, бу ишларни эркак кишига вожиб қилди, баъзисига рухсат бериб, баъзисини ҳаром қилди. Шу билан бир қаторда шариат аёлга савдо-сотиқ билан шуғулланганидек, деҳқончилик ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, аҳдлар тузиш, мулкнинг барча турларига эгалик қилиш, молларини ўстириш, ҳаётдаги ишларини бошқариш, шерик ва ижарачи бўлиш, одамларни, нарса ва кўчмас мулкни ижарага олиш ва муомалага алоқадор барча ишларни қилиш ҳуқуқини берди. Бунга сабаб Шореънинг хитобларининг умумийлиги ва ман қилиш билан аёлни хосламаганлигидир. Бироқ, аёл киши бошқарув ишларига бошчилик қилиши мумкин эмас. Бинобарин у давлат раиси, муовин, волий, омил бўлиши ва бошқарув ишларидан деб эътибор қилинадиган ҳар қандай ишга бошчилик қилиши мумкин эмас. Бунга далил Абу Бакрадан ривоят қилинган ушбу ҳадисдир: Расулulloҳ ﷺ га Форс аҳли ўзларига Кисронинг қизини подшоҳ қилиб олганлари ҳақидаги хабар етиб келганда:

«لَنْ يُفْلِحَ قَوْمٌ وَلَوْ أَنَّهُمْ آمَرُوا بِأَمْرٍ»

«Ўзларига аёл кишини бошлиқ қилиб олган қавм ҳаргиз нажот топмагай», дедилар. (Бухорий ривояти). Бу ўз ишларига аёлларни бошлиқ қилиб олган кимсаларни мазаммат қилиш орқали аёлни ҳокимият ишларига бошчилик қилишдан қайтариш хусусида келган очиқ далилдир. Зеро, ишни бошқарувчи ҳокимдир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِيَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

„Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!“ [4:59]

Демак, бошқарув ишларига бошчилик қилиш аёлларга мумкин эмас. Аммо бошқарувдан бошқа ишларни аёл бошқариши мумкин. Шунга кўра, аёлнинг давлат хизматларига тайинланиши жоиз. Чунки бу хизматлар бошқарув ишларидан эмас, балки ижара бобига киради. Хизматчи ҳукумат ҳузуридаги хос ижарачи бўлиб, у ҳар қандай шахс ёхуд ширкат ҳузуридаги ижарачи кабидир. Аёл киши қозилик ишларини бошқариши жоиз. Чунки қози ҳоким эмас, балки одамлар орасидаги хусумат (жанжалли масала)ларни ажрим қилади ва ўзаро жанжаллашаётган тарафларни мажбур қилиш йўли асосида шаръий ҳукмдан хабардор қилади. Зеро, қозилик «мажбур қилиш йўли асосида ҳукмдан хабардор этиш», деб таърифланган. Демак, қози ҳоким эмас, балки хизматчидир. У ҳам давлатдаги бошқа ижарачилар каби ижарачидир Умар ибн Хаттоб ўз қавмидан бўлган Шафо исмли бир аёлни бозорга бошлиқ қилиб тайинлаганлари, яъни барча ҳуқуқбузарликлар устидан ҳукм чиқарадиган муҳтасиб қози қилиб тайинлаганлари ривоят қилинган. Бироқ, аёлнинг қози бўлиши жоизлиги масаласи ҳадис матнига ва бу матнни қозилик вазифасига татбиқ этишга боғлиқ. Шунга кўра, агар аёлни ишга бошлиқ қилиб тайинлашдан қайтарилган ҳадис қозиликка ҳам тўғри келса, уни қози этиб тайинлаш мумкин бўлмайди. Агар унга тўғри келмаса, бу ҳадис аёлни қозилиқдан ман этишга далил бўла олмайди. Бу ҳадисга назар солсак кўрамизки, аёлни ўзларига подшоҳ қилиб олган Форс аҳли ҳақидаги етиб келган хабарга жавобан, Расулulloҳ ﷺ ўз ишларига аёл кишини бошлиқ қилиб олган қавмни мазаммат қилганлар. Демак, у хабарнинг шарҳи ва саволнинг жавоби сифатида фақат хабар мавзуига хос бўлиб, ундан бошқасига тўғри келмайди. Хабар мавзуи подшоҳлик, яъни давлат раислиги бўлиб, шу мавзуга шарҳ берилган. Демак, у давлат раислиги ва шу маънодаги ҳукм юритиш мавзуига хос. Бу бир тарафдан. Бошқа

тарафдан эса наҳий (тақиқ) умумий бошқарувга қаратилган, чунки у ишни бошқаришдир. Ҳадиснинг маъноси мана шунга далолат қилади. Энди қозилик мавзуига келсак, у халифа ва волийнинг ишидан фарқ қилади. Халифа ёки волийнинг вазифаси - ишлар хусусида унга даъво қилинадими ёки даъво қилинмайдими, қозининг ҳукми унга тақдим этиладими ёки йўқми, бундан қатъий назар, бу ишларда шариатга зид ҳолатни кўрса - ҳукми бевосита ижро этишдир. Чунки халифа ёки волий даъвогарсиз ҳам қонунбузарни маҳкамага тортади ва унга ҳукми ижро қилади. Демак, у ижрочидир. Қози эса иккита даъвогар мавжуд бўлиб, улардан бирининг арз қилиши сабабли даъво мавжуд бўлсагина ҳукм чиқаради. Агар даъвогар бўлмаса, ҳукм чиқармайди. У жиноий ишни кўриб чиқиб мажбур қилиш асосида ушбу жиноий иш хусусидаги Аллоҳ Таолонинг ҳукми ҳақида хабар беради. Қозидан ижро қилиш ҳуқуқи мутлақо йўқ. Бироқ, у ҳоким ва қози этиб тайинланган вақтда, ҳоким сифатида ижро қилади ва қози сифатида ҳукм чиқаради. Шунга кўра, қозилик воқелиги ҳокимлик воқелигидан ўзгачадир. Демак, юқоридаги ҳадис қозига тўғри келмайди. Бундан ташқари, қозилик бирор нарсада бошқарув доирасига кирмайди. У ўзи қози этиб тайинланган шаҳар аҳолисидан бирор кишига, ҳаттоки даъвогарларга ҳам бошлиқ эмас ва унга итоат этиш вожиб ҳам эмас. Балки жиноий иш хусусида ҳукм чиқарса, унинг ҳукмини ижро этиш вожиб бўлади. Чунки у қозининг буйруғи эмас, Аллоҳнинг ҳукмидир. Қозининг ҳукми маҳкама мажлисида чиқарилсагина қозининг ҳукми деб ҳисобланади. Шу сабабли, маҳкама мажлисидан ташқарида бирор ҳодисани кўрса ёки эшитса, модомики бу кўриш ёки эшитиш маҳкама мажлисида бўлмас экан, кўрган ёки эшитган ҳодисасига асосланиб ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Ҳокимнинг ҳолати эса бунинг акси бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам унга итоат этиш вожибдир. Ҳукм чиқариш учун унинг муайян мажлиси бўлмайди. Балки у уйда ҳам, йўлда ҳам, давлат марказида ҳам - ҳамма жойда ҳокимиятни бошқаради ва унга итоат этиш вожиб. Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«وَمَنْ يُطِعِ الْأَمِيرَ فَقَدْ أَطَاعَنِي»

«Кимки амирга итоат қилса, менга итоат қилибди» (муттафақун алайҳ). Шунга кўра, аёлни бошлиқ этиб тайинлашдан қайтарувчи ҳадис қозининг ишига мутлақо тўғри келмайди. Демак, бу ҳадисга кўра аёл кишига қозилик ман этилмайди. Қози ҳоким ҳузуридаги хизматчидир. Ҳоким уни муайян вазифага муайян иш ҳақи эвазига ижарага олади (ишга ёллайди). Саҳиҳ ҳадисларда

келган ижарачи сўзи ҳар қандай ишдаги барча ижарачини ўз ичига олади. Расулulloҳ ﷺ Қуръон муаллимини ҳам «ижарачи» деб ҳисоблаб айтганларки:

«إِنَّ خَيْرَ مَا أَخَذْتُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا كِتَابُ اللَّهِ»

«Ҳақ оладиган нарсаларингизнинг энг яхшиси Аллоҳнинг Китобидир». (Бухорий ривояти). Қози ҳам ижарачи деб ҳисобланади ва байтул-молдан иш ҳақи олади. «Қози ҳокимнинг муовини бўлиб, ҳокимлар доирасига киради», деб айтилмайди. Чунки қози ҳоким ҳузуридаги ижарачидир, унинг муовини эмас. Унинг вазифаси хусуматчилар ўртасидаги муаммонинг воқелигини тушуниш ҳамда шаръий ҳукмлар табанний қилинган ҳолатда қонуний моддаларни, табанний қилинмаган ҳолатда эса мутлақ шаръий ҳукмларни – қозилик маҳкамаси ишларини кўриб чиқаётган ва кўриб чиқмаётган шахсларга мувофиқ келишини – баён қилиб беришдир. Демак, у муайян иш учун муайян ҳақ эвазига ижарага олинган ижарачидир.

Бу гаплар қози ва муҳтасибга нисбатан айтилган гаплар эди. Мазолим қозисининг эса аёл киши бўлиши мумкин эмас, яъни аёл киши мазолим қозилигини бошқариши мумкин эмас. Чунки у ҳокимиятдир. Унинг воқелиги ҳокимият воқелиги бўлиб, ҳадис айнан унга тўғри келади. Чунки у бирор киши даъво қиладими ёки даъво қилмайдими, бундан қатъий назар, ҳоким томонидан одамларга қилинаётган зулмни бартараф этади. Агар бирор киши зулм юзасидан унга мурожаат қилса, устидан даъво қилинган ҳокимни чақиришга муҳтож бўлмайди. Уни маҳкамада қатнашишга чақириши ҳам, чақирмаслиги ҳам мумкин. Чунки мавзу жиноий иш хусусидаги ҳукмдан хабардор қилиш эмас, балки ҳоким томонидан одамларга тушган зулмни бартараф этишдир. Мазолим қозилигида гавдаланаётган воқелик ҳокимиятдир. Шу сабабли аёл киши унга бошчилик қилиши мумкин эмас.

Энди уммат мажлиси мавжуд бўлиб турган ҳолатда аёл кишининг унда аъзо бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи қолди. Бу масала кўпчиликка қоронғу масала. Улар Исломдаги уммат мажлисини демократиядаги парламентга қиёслаб, мумкин эмас деб ўйлайдилар. Аслида эса демократия тузумидаги парламент билан Исломдаги уммат мажлисининг ўртасида фарқ бор. Парламент ҳокимиятнинг бир тури бўлиб, демократия қонунларига кўра ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга. Зеро, у давлат раисини сайлайди ва уни ишдан четлатади. У вазирликка ишонч билдиради ёки ишонч билдирмай дарҳол уни ҳокимиятдан озод қилади. Парламент учта иш бажаради. Биринчиси - ҳукуматни

муҳосаба қилади ва уни кузатиб туради. Иккинчиси - қонунлар ишлаб чиқади. Учинчиси эса ҳокимларни тайин қилади ва уларни ишдан олади. Демак, у ҳукуматни муҳосаба қилиш ва уларни кузатиб туриш жиҳатидан ҳокимият мақомида бўлмаса-да, лекин қонунлар ишлаб чиқиш, ҳокимларни четлатиш ва уларни тайин қилиш жиҳатидан ҳокимият деб ҳисобланади. Умнат мажлиси бунинг акси бўлиб, у ҳокимларни муҳосаба қилади, уларни кузатиб туради ҳамда ишларни бошқаришда камчиликка йўл қўйиш, Исломни татбиқ қилишдаги эътиборсизлик, Исломий даъватни ёйишдаги сусткашлик каби норозилик билдиришга эҳтиёж туғилган ишларда ўз норозилигини билдиради. Лекин қонунлар ишлаб чиқмайди, ҳокимларни тайинлаб, уларни ишдан четлата олмайди. Шунга кўра, у парламентдан фарқ қилади. Демак, аёлнинг Умнат мажлисида аъзо бўлиши жоиз, чунки у ҳокимият эмас. Бироқ, аёл кишининг парламентда аъзо бўлиши жоиз эмас, чунки у ҳокимият устунларидан ҳисобланади. Магар унга аъзо бўлиши муҳосаба қилиш, кузатиб бориш ва даъватни олиб чиқишга чеклансагина мумкин. Эркак кишининг ҳам, парламентда аъзо бўлиши мумкин эмас. Магар унинг ҳам аъзо бўлиши муҳосаба қилиш, кузатиб бориш ва даъватни олиб чиқишга чеклансагина мумкин. Чунки эркак киши учун ҳокимиятни бошқариш жоиз бўлса-да, бироқ Аллоҳ нозил қилган нарса билан бошқаришгина жоиз. Парламент эса, ҳокимиятни демократик капиталистик мабадага биноан бошқаради.

Аёл кишининг ҳокимиятда бўлиши жоиз эмаслиги ҳокимни сайлаши ҳам мумкин эмас деган нарсани англатмайди. Чунки аёлнинг ҳокимиятда бўлиши жоиз эмаслигига очиқ-ойдин наҳий ворид бўлган. Бухорий Абу Бақрадан ривоят қилади, Расулulloҳ ﷺ айтганлар:

«لَنْ يُفْلِحَ قَوْمٌ وَلَوْ أَمَرَهُمْ امْرَأَةٌ»

«Ўзларига аёл кишини бошлиқ қилиб олган қавм ҳаргиз нажот топмағай». Аёл киши ҳокимларни сайлаши эса бунинг аксидир. Чунки бу сайлаш уни ҳокимият доирасига киритиб қўймайди, балки унга ҳукмронлик қиладиган шахсни танлаш ҳуқуқини беради. Шарият аёлга ҳокимни сайлашга ва ҳокимиятдаги бирор амалга бирор эркак кишини танлашга руҳсат берган. Чунки аёл киши халифага байъат бериши ва уни сайлаши мумкин. Умму Атийядан ривоят қилинади:

«بَابِعْنَا النَّبِيَّ ﷺ فَقَرَأَ عَلَيْنَا أَنْ لَا يُشْرِكَنَّ بِاللَّهِ شَيْئًا وَنَهَانَا عَنِ التِّيَاحَةِ، فَقَبَضَتْ امْرَأَةٌ مِنَّا يَدَهَا فَقَالَتْ: فَلَا نَهْ أَسْعَدَنِي وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أُجْزِيَهَا، فَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا فَذَهَبَتْ ثُمَّ رَجَعَتْ»

«Расулulloҳга байъат қилдик. «Аёллар Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасинлар», оятини ўқиб бердилар ва ўликларга йиғлашдан қайтардилар. Шунда орамиздаги бир аёл қўлини тортиб олди ва: «Фалончи менга йиғлашиб берган эди. Мен унга қайтаришни хоҳлайман», деди. Унга ҳеч нарса демадилар. У кетиб, кейин қайтиб келди». (Бухорий ривояти). Байъат Пайғамбар ﷺга пайғамбарликка эмас, балки ҳокимга итоат этиш учун берилган эди. Бу эса аёл кишининг ҳокимга байъат қилиши ва уни сайлаши, уммат мажлисига аъзо бўлиши мумкинлигини билдиради. Чунки мажлис раъй олиш ва раъй билдириш мажлиси бўлиб, ҳукмронлик қилиш салоҳиятига эга эмас. У ҳокимни сайламайди. Бироқ, уммат бу ишда уни ўзидан вакил қилса, у ҳокимни сайлаши мумкин. У ҳокимларни ишдан четлатмайди ва қонунлар ишлаб чиқмайди. Унинг барча иши раъйга алоқадор бўлади. Уммат мажлисининг вазифалари қуйидагилар: давлат амалга оширишни кўзда тутган ички ишлар хусусида унинг раъйини олиш учун унга мурожаат қилади, у давлат амалга оширган ички ва ташқи ишларга биноан уни муҳосаба қилади ёки ички ва ташқи ишлар хусусида ўз раъйларини давлатга тақдим этади. Халифалик мансабига номзод бўлаётган шахслар ҳақида ўз раъйини билдириш ҳамда волий ва муовинлардан ўз норозилигини изҳор этиш ҳам уммат мажлисининг ишларидандир. Бу ишларнинг барчаси «бир ишга тўғри йўл кўрсатувчи раъй билдириш»га киради. Унинг фақат маслаҳат учунгина бўлган ишларидан яна бири, халифа табанний қиладиган ҳукмлар хусусида ўз раъйини билдириш бўлиб, бу раъй халифа учун мажбурий эмас. Буларнинг барчаси раъйлар бўлиб, ҳокимият ишларидан деб ҳисобланмайди. Шунинг учун унинг вазифаси фақат раъйга алоқадор бўлади.

Уммат мажлиси аъзолари фақат раъй билдириш учун одамлар томонидан вакилдирлар, ҳокимият ишларида ҳам, ҳокимни тайинлаш ва уни четлатишда ҳам вакил эмаслар. Бироқ, уммат ўз томонидан уни вакил қилса, ҳокимни тайинлаши мумкин. Лекин уни ишдан четлата олмайди. Мажлис аъзолари муовин ва волийлардан ўз норозилиklarини изҳор этган вақтда ҳам ўз раъйларидан келиб чиқиб уларни табиий равишда ишдан четлата олмайдилар. Балки халифа вакилларнинг раъйларига асосланиб уларни ишдан четлатади. Парламент бунинг аксидир. Агар парламент вазирликка ишончсизлик билдирса, давлат раиси (президент) уни ишдан четлатишига қараб ўтирилмасдан, вазирлар дарҳол ишдан четлатилади.

Модомики уммат мажлиси аъзолари раъй билдиришда вакил

эканлар, аёл киши уммат мажлисининг салоҳиятлари доирасидаги барча ишларда ўз раъйини билдиришга ҳақли. У сиёсий, иқтисодий, қонунчилик ва бошқа масалаларда раъйини билдириши мумкин. Шунингдек, раъй билдириш учун хоҳлаган кишини ўз томонидан вакил қилиши ёки бу раъйни изҳор этиш учун хоҳлаган киши томонидан вакил бўлиши ҳам мумкин. Ислому эркак кишига ҳам, аёл кишига ҳам фикр билдириш ҳуқуқини баробар берган. Ислому шўро эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ҳақидир. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ﴾

„Ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг!“

[3:159]

﴿وَأْمُرْهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ﴾

„Уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур“. [42:38]

Бу умумий ҳукм бўлиб, эркакни ҳам, аёлни ҳам ўз ичига олади. Маъруф ишларга буюриш ва мункар ишлардан қайтариш эркакга аёлга баб-баробар вожибдир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَتَكُنَّ مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

„Ораларингиздан яхшиликка (Исломуга) даъват қиладиган, маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин“. [3:104]

Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«مَنْ رَأَىٰ مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ»

«Сизлардан кимки бир мункар ишни кўрса, уни ўзгартирсин». Булар ҳам умумий сўзлар бўлиб, эркак ва аёлни ўз ичига олади. Ҳокимларни муҳосаба қилиш эркак ва аёлга баб-баробар фарз. Насиҳат қилиш ҳам эркак ва аёл учун шаръан қонунлаштирилган. Пайғамбар ﷺ:

«الَّذِينَ النَّصِيحَةُ، قِيلَ لِمَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ لِلَّهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأَيِّمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ»

«Дин насиҳатдир», деб айтганларида: «Ким учун, эй Расулуллоҳ?», деб сўралди. «Аллоҳга, Пайғамбарига, мусулмонларнинг имомларига (бошлиқларига) ва барча мусулмонларга», дедилар. (Муслим ривояти). Насиҳат қилиш фақат эркак кишига чеклаб қўйилмади. Балки насиҳат қилувчи - эркак ёки аёл бўладими, фарқи йўқ - мусулмонларнинг имомларига ҳам, уларнинг оммасига ҳам насиҳат қилиши мумкин. Аёллар Расулуллоҳ ﷺ билан баҳс-муноқаша қилишар ва саволлар берар эдилар. Бунинг маъноси ҳокимият тепасида турган халифа ёки

ундан бошқа шахслар билан баҳс-мунозара қилиш, улардан сўраш демакдир. Расулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинганки, ул зот ҳайит куни эркакларга ваъз-насиҳат қилганларидан кейин «аёллар олдига юриб келдилар. Кейин уларга ваъз-насиҳат қилиб таълим бердилар ва:

«تَصَدَّقْنَ فَإِنَّ أَكْثَرَكُنَّ حَطَبُ جَهَنَّمَ، فَقَامَتِ امْرَأَةٌ مِنْ سِطَةِ النِّسَاءِ سَفَعَاءَ الْخَدَيْنِ،

فَقَالَتْ: لِمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟...»

«Садақа қилинглр. Чунки сизларнинг кўпчилигингиз жаҳаннам ўтинларисиз», дедилар. Шунда аёллар орасидан икки юзи қорайган бир аёл турди ва: «Нега, эй Расулulloҳ?», деб сўради...». (Муслим ривояти). Бу ҳадис аёл киши Пайгамбар билан баҳс-муноқаша қилиб, аёллар хусусида айтган гапларининг сабабини сўраганини кўрсатиб турибди. Хавла бинти Саълаба Расулulloҳ ﷺ нинг олдиларига келиб, ўз эрининг зиҳор қилгани масаласи ҳақида сўради. Унга: **«Менда сенинг ишинг хусусида ҳеч нима йўқ»,** дедилар. Шунда у Расулulloҳ ﷺ билан баҳслашди. Бу машҳур қисса бўлиб, Аллоҳ Қуръонда унга ишора қилган:

﴿قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا﴾

„(Эй Мухаммад), дарҳақиқат, Аллоҳ сиз билан ўз жуфти ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ сизларнинг ўзаро сўзлашувларингизни эшитур“. [58:1]

Бу матнлар аёллар Расулulloҳ ﷺ билан баҳс юритганликларига очиқ далилдир. Шундай экан, аёл ҳар бир нарсада ўз раъйини билдириши ва баҳс юритиши жоизлигида сўз бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақда бирор кишида шубҳа йўқ ва саҳобалар ҳам шунга ижмоъ қилганлар.

Аёл раъйини билдиришда хоҳлаган кишини ўз томонидан вакил қилиши ёки раъй билдиришда хоҳлаган киши томонидан вакил бўлиши мумкин. Бу ишнинг жоизлигида ҳам ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Чунки аёл никоҳ, савдо, ижара ва бошқа ишларда ўз томонидан вакил тайин қилиши ёхуд бу ишларда бошқа шахс томонидан вакил бўлишга ҳақлидир. Бу фақат баъзи бир нарсаларга хос бўлмай, балки барча нарсада, шу жумладан раъй билдиришда ҳам умумийдир. Шунга кўра, аёл киши раъй билдиришда хоҳлаган кишини ўз томонидан вакил қилиши ва хоҳлаган киши томонидан вакил бўлиши мумкин.

Уммат мажлиси раъй билдириш мажлиси бўлгани сабабли ва унинг аъзолари раъй билдиришда бошқалар тарафидан вакил бўлганлари сабабли аёл киши уммат мажлисига сайловда

қатнашиши ёки сайланиши жоиз. Яъни раъй билдиришда бошқа шахс тарафидан вакил бўлиши ёки бошқа шахсни вакил этиб тайинлаши мумкин. Набий ﷺ пайғамбар қилиб юборилганларининг ўн учинчи йилида, яъни ҳижрат қилган йилларида у зотнинг ҳузурларига етмиш уч эркак ва икки аёл келди. Улар Бани Мозин аёлларидан бири Умму Умора бинти Каъб ва Бани Салама аёлларидан бири Асмо бинти Амр ибн Адий эдилар. Пайғамбар ﷺ улар билан Ақабада учрашишга ваъдалашдилар. Кейин ярим кечаси бориб ҳаммалари тепаликка чиқишди. Улар билан бирга икки аёл ҳам чиқди. Пайғамбар ﷺ уларга:

«أَبَايِعُكُمْ عَلَىٰ أَنْ تَمَعُونِي مَا تَمَعُونَ بِهِ نِسَاءَكُمْ وَأَبْنَاؤَكُمْ»

«Мен сизларга аҳли аёлларингиз ва болаларингизни ҳимоя қилган нарса билан мени ҳам ҳимоя қилишларингизга байъат қиламан», дедилар (Ибн Ҳиббон ривояти). Улар ҳам қуйидаги сўзларни айтиб байъат бердилар:

«بَايَعْنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي عُسْرِنَا وَيُسْرِنَا وَمَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا، وَأَنْ نَقُولَ بِالْحَقِّ
أَيَّمَا كُنَّا، لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَانِم»

«Бизлар бойлик ва камбағалликда, хурсандчилик ва ғамгин ҳолатда ҳам қулоқ солиб итоат этишга, қаерда бўлсак ҳам ҳақни гапиришга ва Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасликка байъат бердик». (Аҳмад ва Насоий ривояти). Бу сиёсий байъат эди. Аёл киши сиёсий байъат бериши мумкин экан, сайлаши ёки сайланиши ҳам мумкин бўлади. Зеро, байъат ҳам, сайлов ҳам бир хил иш бўлиб, бу иш ҳокимни танлаш ва унга итоат этишдир. Байъат билан сайлов бир хил иш эканлигига далил шуки, агар халифага байъат берилмаса, у шаръан халифа бўла олмайди. Уни халифа қиладиган нарса байъатдир. Демак, у том маънода халифани танлаш ҳамда унга қулоқ солиб итоат этишга аҳд қилишдир. Бу ўринда «Байъат фақатгина қулоқ солиб итоат этиш аҳдидир», деб айтилмайди, чунки байъат бермаган кишилар ҳам халифалик қонуний тусга киргандан кейин унга қулоқ солиб итоат этадилар. Дастлабки байъат эса танлаш ва қулоқ солиб итоат этишга аҳд қилиш бўлади. Байъат ўзаро розилик аҳди бўлгани учун, унда розилик шарт қилинади. Мана шу жиҳатдан байъат ва сайлов бир хил иш деб ҳисобланади. Раъй билдириш учун аёл томонидан уммат мажлисида вакил бўладиган шахсни сайлаш албатта жоиз. Чунки аёл халифани, яъни ҳокимиятдаги энг юқори мансабдаги шахсни танлаши жоиз экан, демак, ундан қуйироқ мансабдаги шахсни танлаши албатта жоиз

бўлади. Бу билан аёлнинг уммат мажлиси аъзоларини сайлаши шаръан жоиз эканлиги маълум бўлади.

Юқорида иккинчи Ақаба байъати аёл уммат мажлисига ўзидан бошқа шахсни сайлаши жоиз эканлигига далолат қилиши айтиб ўтилди. Энди аёлнинг уммат мажлисига бошқа шахс тарафидан аъзо этиб сайланишига келсак, улар байъатдан бўшаганларидан кейин Расулуллоҳ ﷺ уларнинг барчасига - эркагу аёлга қарата шундай дедилар:

«أَخْرَجُوا لِي مِنْكُمْ اثْنِي عَشَرَ نَفِيًّا يَكُونُونَ عَلَى قَوْمِهِمْ بِمَا فِيهِمْ كُفْلَاءً»

«Менга ораларингиздан ўз қавмларига кафил бўладиган ўн икки нақиб (бошлиқ)ни чиқаринглар». Бу эса барчалари томонидан сайланмоқликлари учун айтилган ул зотнинг буйруқлари эди. Буйруқ умумий бўлиб, унда эркакларни хослаб қўймадилар. Сайланган кишилардан ҳам, сайлаган кишилардан ҳам аёлларни истисно қилмадилар. Хослаб қўйиш далили келмаган экан, умумий буйруқ умумийлигича қолаверади Буйруқ хослаб қўйилмагани сабабли, у эркак ва аёлларнинг барчасини - улар сайлаган ёки сайланган бўлишларидан қатъий назар - ўз ичига олади.

Шунга кўра, аёлнинг уммат мажлисида аъзо бўлиши ва унинг аъзоларини сайлаши жоизлиги унинг раъй билдиришда бошқа шахс томонидан вакил бўлиши ва бошқа шахсни вакил қилиши жиҳатидан ҳамда иккинчи Ақаба байъати ҳадиси орқали собит бўлган.

Шўро эркак ва аёлнинг ҳаққи экани, ҳокимларни муҳосаба қилиш, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш эркак ва аёлга фарз экани, насиҳат қилиш эркак ва аёл учун шаръий ҳукм қилингани, раъй билдиришда вакиллик эркак ва аёл учун жоизлиги, аёл ўз раъйига эга бўлиши ва бу раъй сиёсий, қонунчилик ёки бошқа соҳадаги раъй бўладими, бу раъйни билдиришга ҳақли экани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Уммат мажлисининг вазифалари шўро (маслаҳат бериш), ҳокимларни муҳосаба қилиш, маъруфга буюриш, мункардан қайтариш ва мусулмонларнинг имомларига панд-насиҳат қилишга чеклангани ҳамда бу ишларнинг барчаси ҳокимият ишларидан бўлмай, фақат раъйга тааллуқли ишлар бўлгани сабабли аёлнинг уммат мажлисига аъзо бўлиши ва уммат мажлиси аъзоларини сайлаши жоизлигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаслигини тақозо этади. Бироқ, баъзи одамлар аёл киши уммат мажлиси аъзоларини сайлаши жоизлигига шубҳа билдириб: «Байъат сайлов эмас, балки қулоқ солиш ва итоат этишга аҳд қилишдир. Унда сайловнинг жоизлигига

далил йўқ», дейдилар. Лекин уммат мажлисининг иши раъй билдириш экани ва аёл раъй билдиришда хоҳлаган кишини вакил қилишга ҳақли экани собит бўлганига кўра, уммат мажлиси аъзоларини аёл сайлаши жоизлигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, байъат фақат итоат қилиш аҳди эмас, балки дастлаб ўзаро розилик аҳди ва аҳдлашувчиларнинг розилик билан халифани танлашларидир. Демак, байъат ва сайлов бир хил иш бўлиб, у иш халифани танлашдан иборат. Шунга кўра, аёл ҳокимларни сайлашга ва уларни танлашга ҳақлидир. Бунга аёллар байъати ҳақидаги собит бўлган ҳадис ҳам далил бўлади. Шундай экан, уммат мажлиси аъзоларини танлаш аёл учун албатта жоиз. Яна баъзи одамлар уммат мажлиси парламентга ўхшагани учун уммат мажлисида аёлнинг аъзо бўлиши жоизлигига шубҳа билдирадидлар. Бироқ, уммат мажлиси парламентдан ўзгача экани маълум. Зеро, уммат мажлиси раъй билдиради, парламент эса ҳокимиятни бошқаради. Демак, улар бир-бирига ўхшамайди. Шундай экан, уммат мажлиси парламентга ўхшамагани учун, уммат мажлисига аёлнинг аъзо бўлиши жоизлигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги лозим. Шу билан аёлнинг уммат мажлисида аъзо бўлиши ва уммат мажлисига аъзоларни сайлаши мумкинлигида шубҳа қолмади. Фақат ўз сўзида қаттиқ туриб олувчи ўжар, қайсарларгина бунда шубҳа қиладилар.

ИСЛОМИЙ ЖАМОАТ

Гоҳо баъзи одамлар: «Шариат бажаришга рухсат берган ишларни аёл киши қандай бажаради? Масалан, номаҳрам эркак билан хилватда қолмаслик, ясан-тусан қилмаслик ҳамда хусусий ҳаётда аёллар ва маҳрамлар билан яшаш каби шариат унга қўйган чекловлар билан қандай қилиб давлат хизматчиси, хусуматларни ажрим қилувчи қози ва ҳокимлар билан баҳслашиб, уларни муҳосаба қилувчи уммат мажлиси аъзоси бўлиши мумкин?», деб сўраб қолишади.

Гоҳо бошқа одамларда ҳам: «Агар аёлга бозорларга бориш, эркаклар билан мунозара қилиш ва умумий ҳаётда жамиятдаги ишларни бажариш учун рухсат берилса, ахлоқ қандай қилиб сақлаб қолинади? Юсак фазилатлар қандай қилиб муҳофаза этилади?», деган савол туғилади.

Бу икки савол ва уларга ўхшаган шубҳа қўзғатувчи саволлар кўпинча бундай одамларга ижтимоий низомга доир шаръий ҳукмлар тақдим этилган пайтда пайдо бўлади. Чунки улар ўзлари яшаётган капиталистик тузум ҳукмронлиги остидаги ва қуфр байроғи соясидаги ҳаёт воқелигини кўрадилар. Шу туфайли Исломнинг татбиқ этилишини тасаввур қилишлари қийин кечади.

Бу саволларга жавоб шуки, Исломдаги ижтимоий низом бирига мутаносиб турли шаръий ҳукмлардан иборат бўлиб, бир ҳукмга риоя қилиш талаби бошқа бир ҳукмга риоя қилмасликни билдирмайди. Балки бир шахсда зиддият юзага келмаслиги ва бунинг оқибатида аҳкомларда зиддият бордек бўлиб кўринмаслиги учун мусулмон эркак ва аёл барча шаръий ҳукмларга риоя қилиши зарур. Ислом аёлга турли ишларни бажаришга рухсат берган пайтда аёл ўзи хизматчи бўлиб ишлайдиган давлат идорасига, гарчи касалхонада ҳамшира бўлса ҳам, зеб-зийнатларини тақиб, худди никоҳ кечасидаги келинчакдек ўзини тайёрлаб боришини ёки ўзига мафтун қилувчи зеб-зийнатлар билан эркакларга кўриниб боришини ва уларнинг шаҳватларини қўзғатиб, ўзини намоийш қилишини кўзда тутмайди. Шунингдек, бу зеб-зийнатлар билан дўконга боришини, харидорни мафтун қиладиган сўзлар билан ёқимли ҳолатда савдо-сотиқ қилишини ёки савдо дўқонида молнинг нархини кўтариш ва уни сотиб олишга қизиқтириш баҳонасида харидорга сўз ташлаш билан завқланишни ҳам назарда тутмайди. Ислом аёлнинг адвокат ҳузурида котиба ёки бошлиқнинг секретари бўлиб ишлашини ҳамда иш юзасидан ёлғиз қолишга зарурат туғилганда бошлиқ билан ёлғиз қолишни ва сочи, кўкраги, елкаси, билак ва болдирлари очилиб қоладиган кийимларни бошлиғи учун кийишини, яланғоч баданидан унинг шаҳватини қўзғатадиган

жойларини кўрсатишини ҳам кўзда тутмайди.

Йўқ, Ислом бу ишлардан бирортасини ҳам асло кўзда тутмайди. Ғарбнинг яшаш тарзи ҳукмронлик қилаётган ғайриисломий жамиятда яшаётган ушбу жамоатда юз берадиган бундай ишларни Ислом асло кўзда тутмайди. Балки Ислом мусулмон шахс ўзига барча Ислом ҳукмларини татбиқ этишини кўзда тутди. Ислом аёлга бозорда савдо-сотиқ ишларини бажаришга рухсат берган вақтда у ерга ясан-тусан қилиб чиқишини тақиқлаган ва бу икки ҳукмга бир вақтнинг ўзида амал қилишга буюрган. Зеро, Исломга эътиқод қилиш мусулмоннинг зиммасига барча Ислом аҳкомларини татбиқ этишни юклайди. Ислом ижобий ва салбий амалларни бажаришни ўз ичига оладиган ҳамда мусулмонни - у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, фарқсиз - фазилат йўлидан чиқиб кетишдан асрайдиган ва жамоат ичида бўладиган вақтда уни «жинсий нуқтаи назар» томонга тойилишидан сақлайдиган ҳукмларни қонунлаштирди.

Бундай ҳукмлар жуда кўп бўлиб, улар орасида ижобий амалларни бажаришни ўз ичига оладиган ҳукмлар қуйидагилардир:

1. Ислом эркак ва аёлнинг ҳар иккисига ҳам кўзларини тўсмоқликлари ва авратларини сақламоқликларини буюрган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ۗ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾ وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ﴾

„(Эй Мухаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўл)дир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!“ [24:30-31]

Эркак ва аёлнинг ўз кўзларини тўсишлари уларнинг ҳар иккиси учун ҳақиқий сақланиш қўрғони бўлиб, шу чинакам истеҳком мусулмонни ҳаром ишларга тушиб қолишдан сақлайди. Чунки кўз ҳаром ишларга олиб борувчи кучли воситадир. Қачонки кўз тўсилса, мункар ишнинг олди олинади.

2. Эркак ва аёлни Аллоҳдан қўрқишга буюрган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا﴾

„Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва тўғри сўзни сўзланглар!“ [33:70]

﴿وَأَتَقِينَ اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ كَاتِبٌ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ﴾

„(Эй аёллар), Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ барча нарса устида гувоҳ бўлган зотдир“.

[33:55]

﴿وَالْعَقِبَةُ لِلتَّقْوَىٰ﴾

„**Чиройли оқибат** (жаннат) тақво (аҳли)никидир“.

[20:132]

Қачонки мусулмон Аллоҳдан қўрқиш сифати билан сифатланса, Унинг азобидан қўрқади ёки Унинг жаннатини ва Унинг розилигига эришишни орзу қилади. Зеро, бу тақво уни мункаришдан қайтаради ва Аллоҳга осийлик қилишдан тўсади. Бу эса ҳақиқий тўсиқ бўлиб, ундан ортиқ тўсиқ бўлмайди. Агар мусулмон Аллоҳдан қўрқиш билан сифатланса, камолотнинг энг етук сифати билан сифатланган бўлади.

3. Эркак ва аёл ҳаром иш қилиб қўймасликлари учун шубҳали жойларга бормасликка, бирор шубҳали ишни қилмасликка, бирор шубҳали ҳолатга ўралашиб қолмасликка уларни буюрган. Аллоҳга осийлик қилмасликлари учун шубҳали жойлардан йироқ бўлишларига ва бундан эҳтиёт бўлмоқликларига буюрган. Расулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ الْحَلَالَ بَيْنَ وَالْحَرَامِ بَيْنٌ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ فَقَدْ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعِرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِي يَرْعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يَقَعَ فِيهِ. أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمَى، أَلَا وَإِنَّ حِمَى اللَّهِ مَحَارِمُهُ»

«Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Улар ўртасида шубҳали нарсалар (яъни, ҳалол ёки ҳаромлигини билиш қийин бўлган ишлар) бўлиб, кўп одамлар уларни билмайдилар. Кимки шубҳалардан сақланса, дини ва номусини пок сақлабди. Кимки шубҳали нарсаларга ўралашса, ҳаромга тушиб қолади. У гўёки қуриқхона атрофида қўй боқаётиб, унга кириб қолиши мумкин бўлган чўпон кабидир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подшоҳнинг қуриқхонаси бор. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг қуриқхонаси - У ҳаром қилган нарсалардир». (Муслим ривояти). Бу ердаги шубҳа уч турга бўлинади:

Биринчиси: Бирор нарсанинг ҳаром ёки мубоҳлигида ёхуд бирор ишнинг фарз ёки ҳаромлиги, макруҳ ёки мандублиги ёхуд мубоҳлигида шубҳаланиш. Нарсанинг сифатида ёки феълнинг

ҳукмида бундай шубҳанинг мавжудлиги улар ҳақидаги Аллоҳнинг ҳукми маълум бўлгунга қадар уларга яқинлашмасликни тақозо этади. У нарса ёки иш ҳақидаги Аллоҳнинг ҳукми аниқ бўлгандан кейингина уларга хотиржам яқинлашса бўлади. Бу ҳукми ижтиҳод қилиш орқали билиб оладими ёки у нарса ёки иш ҳақида Аллоҳнинг ҳукмини мужтаҳиддан ёки ҳукми биладиган шахсдан сўраб оладими, бунинг фарқи йўқ. Ҳукми айтган шахс муқаллид бўладими ёки омий бўладими, фарқи йўқ. Фақат сўровчи унинг тақвосига ва ўша ҳукми билишига ишонса бўлди.

Иккинчиси: Ҳаром ишга яқин бўлган мубоҳ амал бажарилса, ҳаромга олиб боради деган гумон бўлгани учун мубоҳ ишни бажариб, ҳаромга тушиб қолишдан шубҳаланиш. Масалан, пулни судхўрлик билан шуғулланадиган банкка омонат қўйиш ёки узумни ароқ заводи бўлган савдогарга сотиш ёки ёш қизга давоматли равишда ҳафталик ёки кундалик дарс беришга ўхшаш ишлар. Бунга ўхшаш ишлар аслида мубоҳ бўлиб, уларни қилиш жоиз. Лекин тақво юзасидан пок бўлиш учун уларни қилмаслик яхшироқдир.

Учинчиси: Одамлар бирор мубоҳ амал хусусида у тақиқланган иш деб шубҳаланишлари. Шу туфайли, одамлар ёмон гумонга бориб қолишларидан қўрқиб, шахс бу мубоҳ амалдан четлашади. Масалан, бир киши бузуқ жой деб шубҳа қилинган жойдан ўтади. Кейин одамлар уни фосиқ деб гумонсирайдилар. Натижада одамлар унинг ҳақида шундай гапни айтишларидан қўрқиб, мубоҳ ишдан узоқлашади. Ёки бир киши хотини ёки маҳрамлари юзларини ҳам тўсиб олишларига қаттиқ туради. У юз аврат эмаслигини билади. Лекин у одамлар «фалончининг хотини ёки синглиси очиқ», деб гапиришларидан қўрқиб, қаттиқ туради. Бу масаланинг икки жиҳати бор:

а) Одамлар ҳаром ёки макруҳ деб шубҳаланаётган нарса ҳақиқатда шаръан ҳаром ёки макруҳ бўлиши. Шахс бирор мубоҳ ишни қилса, одамлар тақиқланган ишни қилди деб тушунишади. Шахс ушбу ҳолатда одамларнинг гумонсирашларидан қўрқгани туфайли мубоҳ ишни қилишдан сақланади ёки бу ишни уларга тушунтириб беради.

«عَنْ عَلِيِّ بْنِ الْحُسَيْنِ أَنَّ صَفِيَّةَ بِنْتَ حَبِيبٍ زَوْجَ النَّبِيِّ ﷺ أَخْبَرَتْهُ أَنَّهَا جَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ تَزُورُهُ وَهُوَ مُعْتَكِفٌ فِي الْمَسْجِدِ فِي الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ فَتَحَدَّثَتْ عِنْدَهُ سَاعَةً مِنَ الْعِشَاءِ ثُمَّ قَامَتْ تَنْقَلِبُ فَقَامَ مَعَهَا النَّبِيُّ ﷺ يَقْلِبُهَا، حَتَّى إِذَا بَلَغَتْ بَابَ الْمَسْجِدِ الَّذِي عِنْدَ مَسْكَنِ أُمِّ سَلَمَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ ﷺ مَرَّ بِهِمَا رَجُلَانِ مِنَ الْأَنْصَارِ،

فَسَلَّمَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ ثُمَّ نَفَذَا، فَقَالَ لَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: عَلَى رِسْلِكُمَا إِنَّمَا هِيَ صَفِيَّةُ بِنْتُ حَبِيبٍ. قَالَا: سُبْحَانَ اللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَبِّرَ عَلَيْهِمَا مَا قَالَ. قَالَ: إِنَّ الشَّيْطَانَ يَجْرِي مِنْ ابْنِ آدَمَ مَبْلَغَ الدَّمِ. وَإِنِّي خَشِيتُ أَنْ يَقْذِفَ فِي قُلُوبِكُمَا»

«Али ибн Ҳусайн ривоят қилади унга Набий ﷺнинг хотинлари Сафийя бинти Ҳужай хабар берди: Расулуллоҳ ﷺ Рамазоннинг охирги ўн кунда масжидда эътикоф қилиб ўтирганларида, Сафийя ул зотни зиёрат қилгани келди. Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида кечқурун бир соатча гаплашишди, кейин қайтмоққа чоғланди. Пайгамбар ﷺ уни кузатиб қўйгани турдилар. Пайгамбар ﷺнинг хотинлари Умму Саламанинг уйи олдидаги масжид эшигига етишганда, уларнинг олдиларидан икки ансорий ўтиб қолди. Улар Расулуллоҳ ﷺга салом бериб ўтиб кетишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ уларга: «Шошманглар, бу Сафийя бинти Ҳужай», дедилар. Улар: «Субҳоналлоҳ, эй Расулуллоҳ», дедилар. У зотнинг бу гаплари уларга оғир ботди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Шайтон одам боласининг қон томирида юради. Мен сизларнинг қалбларингизга у шубҳа ташлашидан қўрқдим», дедилар» (муттафақун алайҳ). Бу ҳадисдан тушуниладики, Расулуллоҳ ﷺ шубҳадан холи бўлишларига қарамасдан, икки саҳобаларида пайдо бўлиб қолиши мумкин бўлган шубҳани бартараф этдилар.

б) Одамлар ман этилган деб шубҳаланган нарса аслида тақиқланмаган бўлади. Лекин киши одамлар у тақиқланган ишни қилди деб айтишларидан қўрқади ва ман этилгани учун эмас, балки одамларнинг гапи учун бу ишдан узоқлашади. Шубҳали деб эътибор қилинадиган бу каби ишлардан узоқлашиш жоиз эмас. Балки шариат буюрган шаклда уни бажариш ва одамлар билан ҳисоблашмаслик лозим. Аллоҳ мана шунга кўра пайгамбарга танбеҳ берган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَتَخَشَى النَّاسَ وَاللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَهُ﴾

„Аллоҳдан қўрқишингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, сиз одамлар (таъна қилишлари)дан қўрққан эдингиз“.

[33:37]

Бу шуни билдирадики, агар мусулмон бирор нарсани шариат тақиқламаган деб билса - гарчи барча одамлар уни тақиқланган деб айтсалар ҳам - уни қилиши керак.

Агар эркак ва аёл шариат қайтарган бу шубҳалардан сақлансалар, бу сақланиш уларни гуноҳдан асрайди ва уларни

юксак фазилатлар соҳибларига айлантиради.

4. Эркак ва аёлнинг жинсий алоқасини балоғат ёшидаёқ никоҳ доирасига чеклаш учун барвақт турмуш қуришга тарғиб этган. Бу билан жинсий ғариза галаёни бошланган даврдаёқ ушбу жинсий қараш турмуш қуриш доирасига чекланади ва шу тарбияни топади. Пайғамбар ﷺ айтганларки:

«يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ، مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتْرُوجْ»

«Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким боатга (яъни уйланиш юкини кўтаришга) қодир бўлса, уйлансин» (муттафақун алайҳ). Маҳрларни камайтиришга тарғиб қилиш билан уйланиш ишини бутунлай енгиллатди. Пайғамбар ﷺ дедилар:

«أَعْظُمُ النِّسَاءِ بَرَكَةً أَيْسَرُهُنَّ صَدَاقًا»

«Аёлларнинг энг баракалиси маҳри озларидир» (Ҳоким ривояти).

5. Шароитлар уйланишга имкон бермайдиган кишиларни ифбатли бўлишга ва ўзларини тийишга буюрган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلْيَسْتَعْفِفِ الَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّى يُغْنِيَهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ﴾

„Никоҳ(га керакли мол-давлатни) топа олмаган кишилар то Аллоҳ уларни Ўз фазлу карами билан бой-бадавлат қилгунича ўзларини (ҳаромдан, зинокорликдан) пок тутсинлар!“ [24:33]

Жинсий ғаризани муолажа қилиш учун уларни рўза тутишга буюрган. Токи ғаризани жиловлашда рўза ибодатидан мадад олиб, нафсни ундан кўра олийроқ ва юксакроқ иш билан машғул қилсинлар. Бу иш инсоннинг Аллоҳга бўлган алоқасини тоат-ибодатлар билан кучайтиришдир. Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ، مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتْرُوجْ فَإِنَّهُ أَغْضُ لِلْبَصْرِ، وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ، فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ»

«Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким боатга қодир бўлса, уйлансин. Чунки у кўзни тўсгувчи ва авратни сақлагувчидир. Кимки қодир бўлмаса, рўза тутсин. Чунки унинг учун (тойилишдан) сақловчидир» (муттафақун алайҳ). Рўза жинсий ғаризани сиқувга олиш учун тутилмайди. Балки инсонни нав ғаризасининг тушунчаларидан машғул қилиб турадиган диндорлик ғаризасига тааллуқли тушунчаларни пайдо қилиш учун тутилади. Шунда нав ғаризаси уни безовта қилиб, озор берадиган даражада қўзғалмайди. Рўза тутишдан мақсад жисмни

заифлаштириш эмас. Чунки тунда овқатланиш ва керакли озуқа миқдорини олиш кундузи овқатланишдан халос этади. Демак, рўза тутиш орқали организм заифлашмайди. Лекин ихтиёрий рўза тутиш туфайли руҳий тушунчалар аниқ пайдо бўлади.

6. Аёлларни умумий ҳаётда одмиликка ва ҳамма ёқни ўраб турадиган комил-расо кийимларни кийишга буюрган. Хос ҳаётни эса аёллар ва маҳрамларга чеклаб қўйган. Аёлнинг жиддий, одми бўлиб кўриниши у билан Аллоҳдан қўрқмайдиган кимсаларнинг ёмон назарлари ўртасини тўсишида шубҳа йўқ. Куръон бу либосни ниҳоятда аниқ ва тўлиқ сифатлаб берган. Аёл бу комил либосни кийиб, рўмоли билан кўкрагини тўсган вақтда, бош ёпинчиғи билан бўйни ва кўкрагини ўраб, жилбоб (ёпинчиқ)ни устига ташлаган вақтда, барча жисмини то товонигача тўсиб туриши учун ёпинчиғини пастгача туширганда комил-расо либосни кийган ва уни кийиш билан ўзини сақлаган бўлади. Ҳамда унинг одмилиги намоён бўлади. Бу комил либос билан умумий ҳаётга чиқиб, унда ўз ишларини бажариши мумкин бўлади ва ўзи билан Аллоҳдан қўрқмайдиган кимсаларнинг ёмон қарашлари ўртасини тўсадиган жиддийлик ва одмиликнинг энг юқори поғонасида бўлади.

Булар ижобий амалларни бажаришни ўз ичига олган шаръий ҳукмлардир. Салбий амалларни бажаришдан қайтарган шаръий ҳукмлар эса қуйидагилар:

1. Эркак ва аёлни хилватда бирга қолишдан қайтарган. Хилватда қолишнинг маъноси эркак ва аёлнинг бирор киши уларнинг изнисиз кира олмайдиган жойда бирга бўлишларидир. Масалан, уйда ёки йўл ва одамлардан узоқдаги холи жойда бирга бўлишлари каби. «Қомусул муҳит» китобида «Хилват - бошқа биров билан холи жойда бирга бўлиш», дейилган. Демак хилват икки шахснинг ёлғиз учрашиши бўлиб, у ерда улар ўзлари билан бирга бошқа бировнинг бўлишидан тинч бўладилар. Бу хилват бузуқликнинг айнан ўзгинаси бўлгани учун, бу шахслар ким бўлмасин ва бу хилват қандай бўлмасин, Ислоом маҳрам бўлмаган эркак ва аёлнинг ҳар қандай ёлғиз қолишларини қатъий тақиқлаган. Пайғамбар ﷺ деганларки:

« لَا يَخْلُونَ رَجُلًا بِرَأْسِهِ إِلَّا لَهَا ذُو مَحْرَمٍ مِنْهَا، فَإِنَّ تَالِئَهُمَا الشَّيْطَانُ »

«Бирор киши ёнида маҳрами бўлмаган аёл билан ёлғиз қолмасин. Чунки уларнинг учинчиси шайтон бўлади». (Муслим ривояти). Шариат хилватда қолишдан қайтариш билан эркак ва аёлнинг орасига ҳимоя тўсиғини ўрнатди. Хилватнинг воқелиги шундайки, у эркакни аёл ҳақида аёлликдан бошқа нарсани билмайдиган, аёлни эркак ҳақида эркакликдан бошқасини

билмайдиган қилиб қўяди. Бу хилватда ёлғиз қолишдан қайтариш билан бузуқлик сабаблари бартараф этилади. Чунки хилват бузуқликка олиб борувчи воситалардан биридир.

2. Аёлни ясан-тусан қилишдан қайтарди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْقَوَاعِدُ مِنَ النِّسَاءِ الَّتِي لَا يَرْجُونَ نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَنْ يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ غَيْرَ مُتَبَرِّجَاتٍ بِزِينَةٍ﴾

„Хотинлардан қариб қолган, эрга тегишни ўйламайдиганлари бирон зеб-зийнат билан ясанмаган ҳолларида кийимларини (яъни рўмол, ёпинчиқларини) олиб қўйишларида уларга гуноҳ йўқдир“. [24:60]

Кексайиб қолган аёлларгина ясан-тусан қилмаслик шарти билан кийимларини олиб қўйишга, яъни шариат (ҳамма томонларини ўраб турадиган одми) кийимларини ечиб қўйишларига изн берди. Бунинг маъноси ясан-тусан қилиб ўз гўзалликларини бегоналарга кўрсатишдан қайтаришдир. Агар кексайиб қолган аёллар ясан-тусандан қайтарилган бўлса, улардан бошқа аёллар ҳам албатта қайтарилган бўладилар. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا يَضْرِبْنَ بَأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ مِنْ زِينَتِهِنَّ﴾

„Яна яширган зеб-зийнатлари билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар!“. [24:31]

Бунга ўхшаш ҳаракатлар ҳам ясан-тусан қилиш деб ҳисобланади. Ясан-тусан қилиш зеб-зийнатини ва гўзаллигини бегоналарга кўрсатишдир. «Аёл ясан-тусан қилди» деганда зийнати ва гўзаллигини бегоналарга кўрсатди деб тушунилади. Ясан-тусан қилиш деб ҳисобланадиган ҳолатлардан қайтариб бир нечта ҳадислар келган. Абу Мусо Ашъарийдан Расулulloҳ ﷺнинг шундай деб айтганлари ривоят қилинади:

﴿أَيُّمَا امْرَأَةٍ اسْتَعْطَرَتْ فَمَرَّتْ عَلَى قَوْمٍ لِيَجِدُوا مِنْ رِيحِهَا فَهِيَ زَانِيَةٌ﴾

«Қайси бир аёл хушбўйлиниб, кейин одамлар унинг ҳидидан баҳраманд бўлишлари учун уларнинг олдидан ўтса, у зинокордир». (Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти). Яъни гуноҳкорликда зинокор аёл кабидир. Пайғамбар ﷺ дедилар:

﴿صِنْفَانِ مِنَ النَّاسِ لَمْ أَرَهُمَا، قَوْمٌ مَعَهُمْ سِيَاطٌ كَأَذْنَابِ الْبَقَرِ يَضْرِبُونَ بِهَا النَّاسَ، وَنِسَاءٌ كَأَسْيَاطِ عَارِيَاتٍ مُمِيلَاتٍ مَائِلَاتٍ، رُءُوسُهُنَّ كَأَسْنِمَةِ الْبُخْتِ الْمَائِلَةِ، لَا يَدْخُلْنَ الْجَنَّةَ، وَلَا يَجِدْنَ رِيحَهَا، وَإِنَّ رِيحَهَا لِيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ كَذَا وَكَذَا﴾

«Одамлардан икки тоифаси борки, мен уларни кўрмадим.

Биринчиси - ёнларида сигирнинг думлари каби қамчилари бўладиган ва бу қамчилар билан одамларни урадиган қавм. Иккинчиси - кийинган ҳолда яланғоч, бошқаларга мойил бўлувчи ва бошқаларни ҳам мойил этувчи аёллар. Уларнинг бошлари туянинг ўрқачи кабидир. Улар жаннатга кирмайдилар ва унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, унинг ҳиди фалон масофадан келиб туради». (Муслим ривояти). Ушбу далиллар ясан-тусан қилиш тақиқланганлигини баён қилади. Шу туфайли ясан-тусан қилиш ҳаром бўлган. Шунга кўра, оддий бўлмаган ва эркакларнинг эътиборини қаратадиган ва аёлнинг гўзаллигини намоиш қиладиган ҳар қандай зийнатлар билан аёл умумий ҳаётда намоён бўлса ёки хос ҳаётда ҳам бегона эркакларнинг олдида намоён бўлса, у ясан-тусан қилган бўлади. Масалан, умумий ҳаётга чиққан пайтда хушбўйланса, юзига бўёқ қўйса, бошига парикни рўмолсиз кийса, шимни жилбобсиз кийса ясан-тусан қилган бўлади.

Ясан-тусан қилишнинг ҳақиқати шуки, у туйғуларни алангалатишга, эркак ва аёлдаги нав ғаризасини жинсий жамланиш томон қўзғатишга чақиради ҳамда эркакларни аёллар билан эркаклик ва аёллик асосида яқинлашишга ва ўрталаридаги алоқани фақат жинсий алоқага айлантиришга гиж-гижлайди. Уларнинг ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни жамоат вужудини барпо қилишга эмас, балки уни вайрон қилишга асосланган ҳамкорликка айлантириб қўядиган даражада бузиб ташлайди. Асоси поклик ва тақво бўлган ҳақиқий яқинлашиш ўртасини бундай ясан-тусан қилиш тўсади ҳамда ҳаёт бўшлигини туйғуларни жўштириш ва нав ғаризасини қўзғатиш билан тўлдиради. Ҳаёт ясан-тусан қўзғатаётган жасад эҳтиёжларини қондиришга бахшида қилинмаслиги, балки фақат юксак масъулиятлар, буюк ишлар ва олий мақсадлар билан тўлдирилмоғи лозим. Ясан-тусан қилиш мусулмоннинг - у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин - ҳаётдаги ўз вазифасини бажаришига, яъни Исломиё даъватни ёйиш ва Аллоҳнинг калимасини олий қилиш йўлида жиҳод қилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ясан-тусан қилишнинг исломий жамоатга хатар туғдиришини ҳисобга олиш зарур. Аёл ясан-тусан қилиш билан эркакни қўзғатадиган, жунбишга келтирадиган бўлиб кўринишини ва бу ҳолатнинг жамоатга, унинг алоқаларига нақадар хатарли эканлигини ҳисобга олиш зарур. Ислому ҳаром қилган ясан-тусан қилишнинг воқелиги ва унинг исломий жамоатга хатари мана шу. Аммо гўзаллик ва зийнатни уйда ёки хос ҳаётда кўрсатиш ясан-тусан қилиш деб ҳисобланмайди ҳамда ясан-тусан қилиш сўзи унга тўғри келмайди.

3. Ислом эркак ва аёлни ахлоққа хатарли бўлган ва жамоатни бузадиган ҳар қандай амалдан қайтарган. Аёл эса аёллиги топталиши қасд қилинган ҳар қандай иш билан шуғулланишдан қайтарилган. Рофеъ ибн Рифоадан ривоят қилинади:

«نَهَانَا ﷺ عَنْ كَسْبِ الْأَمَةِ إِلَّا مَا عَمِلَتْ يَدَيْهَا. وَقَالَ: هَكَذَا بِأَصَابِعِهِ نَحْوُ الْخَيْرِ وَالْغَزْلِ وَالنَّقْشِ»

«Расулуллоҳ ﷺ бизни чўриларнинг қўли билан бажарадиган ишдан ўзга меҳнатидан қайтариб шундай дедилар: «Нон пишириш, ип йигириш ва нақш тикиш каби бармоқлари билан бажарадиган ишлар». (Аҳмад ривояти). Шунга кўра аёлнинг харидорларни жалб қилиш учун дўконларда, шунингдек, сиёсий мақсадларга эришиш учун аёллигидан фойдаланиш мақсадида элчихона, консуллик ва шу каби ерларда ишлаши ман этилади. Шунингдек, самолётда стюардесса бўлиб ишлаш каби унинг аёллигидан фойдаланиладиган ишларда ишлаши тақиқланган.

4. Ислом покиза аёлларни бадном қилишдан, яъни уларни зинокор деб туҳмат қилишдан қайтарган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

„Покиза аёлларни (зинокор деб) бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир“.

[24:4]

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لُعْنُوا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَهُمْ

عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

„Албатта, (бузуқ ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охирада ҳам лаънатга дучор бўладилар. Улар учун жуда катта азоб бордир“.

[24:23]

﴿اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ، قَالُوا: وَمَا هُنَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الشَّرْكُ بِاللَّهِ، وَالسَّحْرُ، وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ، وَأَكْلُ الرِّبَا، وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ، وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّحْفِ، وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ الْغَافِلَاتِ﴾

Расулуллоҳ ﷺ: «Етти катта гуноҳдан сақланинглар», дедилар.

«Улар нималар, эй Расулulloҳ?» - деб сўрашди. Дедилар: «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр қилиш, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдириш, судхўрлик қилиш, етимнинг молини ейиш, жанг куни орқага қараб қочиб ва бузуқ ниятлардан беҳабар покиза мўмина аёлларни бадном қилиш» (муттафақун алайҳ). Ҳадисдаги «муҳсанот»дан мақсад покиза аёллар бўлиб, ҳар бир покиза аёлни бадном қилиш ҳаромдир. Шарият покиза аёлларни бадном қилишдан қайтариш билан ёмон гапларни гапиришга ва одамларнинг номусларига доғ туширишга ўрганган тилларни тийиб қўяди. Токи исломий жамоатда ёмон гаплар тарқалмасин ва ёлғондан тухмат қилиш ёйилмасин. Бу билан исломий жамоат сақлаб қолинади.

Салбий амалларни бажаришдан қайтарган бу шаръий ҳукмлар исломий жамоатни поклик ва тақво доирасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширадиган қилиб қўяди.

Юқорида келтирилган ҳукмлар билан танишган инсон исломий жамоат қандай бўлишини тасаввур этиши ва муслима аёл қандай бўлишини идрок этиши мумкин бўлади. Шунингдек, аёл умумий ҳаётда шариат рухсат берган ишларни бажаришидан ҳеч қандай бузуқлик келиб чиқмаслигини ва ҳеч қандай зарарга олиб бормаслигини, балки у умумий ҳаёт учун ва жамоат юксалиши учун зарур эканлигини идрок этиши мумкин бўлади. Шунинг учун мусулмонлар Исломи дёрида ҳам, куфр дёрида ҳам, исломий ўлкада ҳам, ғайриисломий ўлкада ҳам, мусулмонлар жамоаси ёхуд улардан бошқалар орасида ҳам шариат аҳкомларига риоя қилишлари ҳамда шариат аёл учун бажаришга рухсат берган ишларга киришаверишлари ва бунда бирор зарардан қўрқмасликлари керак. Чунки шариат аҳкомларига амал қилишда аёлни асраш, жамоат учун тараққиёт ва Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига итоат этиш мавжуд. Зеро, хусусий ва умумий ҳаётда яқка шахс ёки жамоат сифатида инсонга нималар кераклигини шариат яхши билувчидир.

Эрақларнинг аёллар билан турли муаммоларни келтириб чиқарадиган жамланишларини Исломи мана шундай низом билан муолажа қилди. Бу низомдан маълум бўладигани, Исломи олиб келган шаръий ҳукмлар бу жамланишдан пайдо бўладиган бузуқликнинг олдини олишга, поклик ва тақвога, жиддийлик ва фаолиятга тўла бўлган эзгуликни жалб қилишга кафилдир. Бу низом инсон тинч яшайдиган, қалби хотиржам бўладиган, турмуш ташвишларидан ором оладиган хусусий ҳаётни таъминлаб беради. Жамоат ўз ҳаётида муҳтож бўладиган бахт-саодат ва фаровонликни жамоат учун самарали, жиддий ва етарли таъминлаб беради. Мазкур



ҳукмлар ижтимоий низомнинг бир бўлагидир. Чунки у эркак ва аёл ўртасидаги жамланишни тартибга солади. Аммо бу жамланишдан пайдо бўладиган алоқалар ва ундан келиб чиқадиган муаммолар ижтимоий низомнинг яна бир бўлаги бўлиб, у уйланиш, талоқ, фарзандлик, нафақа ва шулар кабилардан иборат. Ушбу уйланиш, талоқ ва шуларга ўхшаш аҳкомлар шахснинг шахс билан бўладиган алоқасини тартибга соладиган жамият низомларидан ҳисобланса-да, улар аслида эркак ва аёл ўртасида ҳосил бўладиган жамланишдан пайдо бўлган. Шунинг учун бу ҳукмлар асослари ва пайдо бўлиши жиҳатидан ижтимоий низом доирасида баҳс қилинади. Тафсилотлари ва тармоқлари жиҳатидан эса улар жамият низомларининг бир бўлаги бўлгани учун муомалалар бобида баҳс қилинади.

НИКОҲ

Эркаклар ва аёлларнинг жамланишидан уларнинг манфаатларига ва улар яшайдиган жамоатнинг манфаатига тааллуқли бўлган алоқалар пайдо бўлади. Бу алоқалар жамиятда савдо-сотиқ, ижара, ваколат ва шунга ўхшаш ишлар учун жамланишдан пайдо бўладиган муаммолардан бошқадир. Зеҳнга дарҳол «Бу алоқалар никоҳдан иборат», деган фикр келади. Аслида эса никоҳ бу алоқаларнинг бири бўлиб, улар уйланишдан бошқа масалаларни ҳам ўз ичига олади. Шу туфайли жинсий жамланиш нав ғаризасининг ягона кўриниши эмас. Балки унинг кўринишларидан биридир. Зеро, нав ғаризасининг жинс туфайли жамланишдан бошқа кўринишлари, яъни оналик, оталик, ака-укалик, фарзандлик ва қариндош-уруғлик каби кўринишлари ҳам мавжуд. Шунга кўра, эркаклар ва аёлларнинг жамланишидан пайдо бўладиган алоқалар никоҳни ўз ичига олгани каби оналик, оталик ва ҳоказоларни ҳам қамраб олади. Ижтимоий низом никоҳ билан бир қаторда уларни ҳам ўз ичига олади. Шариат никоҳга доир аҳкомларни олиб келганидек, оталик, оналик ва фарзандликка алоқадор аҳкомларни ҳам олиб келган.

Бироқ, никоҳ бу алоқаларнинг асоси бўлиб, барчаси ундан келиб чиқади. Агар никоҳ амалга ошмаса оталик, оналик, фарзандлик ва бошқа масалалар ҳам юзага келмайди. Шунга кўра, никоҳ мазкур алоқаларнинг асосидир. Уларнинг ҳаммаси тартиб жиҳатидан никоҳдан келиб чиқади. Тўғри, эҳтиёжни ҳис қилиш бу эҳтиёжни қондиришга табиий ундайди. Масалан, жинсий эҳтиёжни ҳис қилиш жинсий қўшилишга ундайди. Ғариза эса жинсий жамланиш кўриниши ҳаракатга келиши туфайли қондиришни талаб қилганидек, оналик ва фарзандлик кўринишларининг ҳаракатга келиши оқибатида ҳам қондиришни талаб қилади. Чунки уйланиш ҳам, оналик ҳам, бошқалари ҳам нав ғаризасининг кўринишлари ва унинг туйғуларидир. Уларнинг ҳар бири ҳақидаги тушунча билан биргаликда унинг воқелигидан майл-хоҳиш пайдо бўлади ва бу ҳолат ҳар бирида юз беради.

Никоҳ - эркаклик ва аёллик алоқаларини, яъни эркак ва аёл ўртасидаги жинсий жамланишни ўзига хос бир низом билан тартибга солишдир. Бу хос низом эркаклик ва аёллик алоқаларини муайян шаклда тартибга солиши ва унинг натижаси фақат насл қолдириш бўлиши лозим. Бу низом орқали инсон нави кўпаяди ва оила вужудга келади ҳамда унинг асосида хос ҳаёт тартибга солинади.

Ислом уйланишга тарғиб этган ва унга буюрган. Ибн Масъуд дан Расулуллоҳ нинг шундай деб айтганлари ривоят қилинади:

يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ، مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ فَإِنَّهُ أَغْضُ لِلْبَصْرِ، وَأَحْصَنُ
لِلْفَرْجِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ، فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ»

«Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким боатга қодир бўлса, уйлансин. Чунки у кўзни тўсгувчи ва авратни сақлагувчидир. Кимки қодир бўлмаса, рўза тутсин. Чунки у унинг учун (тойилишдан) сақловчидир» (муттафақун алайҳ). Қатода Ҳасандан, Ҳасан Самураддан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنِ التَّبْتُلِ»

«Набий ﷺ тарки дунёчиликдан қайтарганлар». (Аҳмад ривояти). Қатода қуйидаги оятни ўқиди:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا هُمُ أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً﴾

„Дарҳақиқат, сиздан илгари ҳам (кўн) пайгамбарлар юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз“.

[13:38]

Тарки дунёчиликнинг маъноси никоҳдан узилиб, ибодатга берилиб кетишдир. Абу Ҳурайра Пайғамбар ﷺдан ривоят қилади:

«ثَلَاثَةٌ حَقٌّ عَلَى اللَّهِ إِعَانَتُهُمْ، الْمُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالتَّائِحُ يُرِيدُ أَنْ يَسْتَعِفَّ،
وَالْمُكَاتِبُ يُرِيدُ الْأَدَاءَ»

«Уч тоифа одамларга ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир: Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш учун чиққан шахс, гуноҳдан пок юришни хоҳлаб никоҳланаётган шахс ва битим шартини адо қилишни хоҳлаётган мукотаб (озод бўлишга битим тузган қул)». (Ҳоким ва ибн Ҳиббон ривояти).

Ислом бокира, серпушт ва диндор аёлларга уйланишга тарғиб қилган. Анасдан ривоят қилинади: Пайғамбар ﷺ оила қуришга буюриб, тарки дунёчиликдан қаттиқ қайтариб дедилар:

«تَزَوَّجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ، فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ الْأَنْبِيَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Меҳрли, серпушт аёлларга уйланинглр. Чунки мен қиёмат куни пайгамбарлар ҳузурида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман». Маъқал ибн Ясрдан ривоят қилинади:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: إِنِّي أَصَبْتُ امْرَأَةً ذَاتَ حَسَبٍ وَجَمَالٍ، وَإِنَّهَا لَا تَلِدُ،
أَفَأَتَزَوَّجُهَا؟ قَالَ: لَا. ثُمَّ أَنَاهُ الثَّانِيَةَ فَتَهَا، ثُمَّ أَنَاهُ الثَّالِثَةَ فَقَالَ: تَزَوَّجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ
فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ»

«Бир киши Пайгамбар ﷺ ҳузурларига келиб деди: «Мен насабли, чиройли, лекин туғмайдиган аёлни топдим. Унга уйланаверайми?». Пайгамбар ﷺ: «Йўқ», дедилар. У одам иккинчи марта келиб сўраганида ҳам Пайгамбар ﷺ уни қайтардилар. Учинчи марта келганида: «Меҳрли, серпушт аёлга уйланинглар. Мен сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман», дедилар. (Абу Довуд ривояти). Жобир Пайгамбар ﷺдан ривоят қилади: «Расулуллоҳ:

«يَا جَابِرُ تَزَوَّجْتَ بَكْرًا أَمْ نَثِيًّا؟ قَالَ نَثِيًّا، فَقَالَ: هَلَّا تَزَوَّجْتَ بَكْرًا ثَلَاغِيهَا وَثَلَاغِيكَ»

«Эй Жобир, бокирага уйландингми ёки жувонгами?», дедилар. Жобир: «Жувонга», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Бокирага уйланмабсанда, сен унинг вақтини (ҳазил-мутойиба билан) чоғ қилардинг, у ҳам сенинг вақтингни чоғ қилар эди», дедилар (муттафақун алайҳ). Абу Ҳурайра Пайгамбар ﷺдан ривоят қилади:

«تُنَكِّحُ الْمَرْأَةَ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا، وَلِحَسَبِهَا، وَلِجَمَالِهَا، وَلِدِينِهَا، فَاطْفَرُ بَدَاتِ الدِّينِ»

«تَرَبَّتْ يَدَاكَ»

«Аёлга тўрт нарса учун уйланилади: моли, насл-насаби, жамоли ва дини учун. Сен диндорини танла, барака топсан» (муттафақун алайҳ). Демак, эркак киши уйланадиган аёлининг онаси ва амма-холалари қандай аёл эканини суриштириб, бокира, серпушт бўлиб танилганини танлашга ҳамда диндор аёлни ва нафсини поклаш учун чиройлигини танлашга тарғиб қилинган. Шунингдек, насл-насабли бўлган, яъни фазилат, тақво ва улуғликда танилган аёлни танлашга тарғиб қилинган. Лекин бу шарт дегани эмас. Балки шу асосда танлаш яхшироқ ва афзалроқдир. Бироқ, эркак киши ўзи рози бўладиган хотинни танлаши ва аёл ҳам ўзи рози бўладиган эрни танлаши мумкин.

Энди эр ва хотин ўртасидаги тенглик масаласига келсак, шариатда унинг ҳеч қандай асоси йўқ. У фақат ёлгон ҳадисларда келган. Қуръони Карим ва саҳиҳ ҳадислар унга қарши туради. Ҳар бир муслима ҳар қандай муслимнинг тенгидир ва ҳар бир муслим ҳар қандай муслимнинг тенгидир. Эркак ва аёл ўртасида мол-дунёда, ҳунарда, насл-насабда ёки бошқа жиҳатлардан фарқлар бўлишининг ҳеч қандай қиймати йўқ. Шунга кўра, кўча супурувчининг ўғли амирул-мўминининг қизига тенг ва сартарошнинг қизи амирнинг ўғлига тенг. Барча мусулмонлар бир-бирларига тенгдирлар. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿إِنْ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقَّكُمْ﴾

„Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлирогингиз тақводоррогингиздир.“ [49:13]

Пайғамбар ﷺ Қурайш зодагонларидан бўлган аммаларининг қизи Зайнаб бинти Жаҳшни Зайд ибн Ҳорисага никоҳлаганлар. Ваҳоланки, Зайд озод қилинган қул эди. Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: «Бир қиз Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига келиб: «Отам акасининг ўғлининг мавқеини кўтариш учун мени унга турмушга берди», деди. Шундан сўнг қизга ихтиёр берилди. Қиз: «Мен отам қилган ишга ижозат бердим. Лекин мен ихтиёр оталарнинг қўлида эмаслигини аёлларга билдириб қўйишни истадим», деди». (Ибн Можа ривояти). Қизнинг «мавқеини мен туфайли кўтариш учун», деган сўзининг маъноси акасининг ўғлининг шаъни менга уйлантириши туфайли кўтарилади, демакдир. Бу яна англатадики, отаси қизининг розилигисиз уни эрга берган. Қиз амакисининг ўғли унга тенг эмаслиги учун эмас, балки ўзи рози эмаслиги туфайли уни ўзига уйланишга нолойиқ деб топган. Абу Ҳотим Мазанийдан Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деб айтганлари ривоят қилинади:

﴿إِذَا آتَاكُمْ مِنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَأَنْكِحُوهُ، إِلَّا تَفْعَلُوا تَكُنْ فِتْنَةً فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ كَبِيرٌ. قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَإِنْ كَانَ فِيهِ؟ قَالَ: إِذَا جَاءَكُمْ مِنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَأَنْكِحُوهُ. ثَلَاثَ مَرَّاتٍ﴾

«Агар ҳузурингизга дини ва хулқидан сизлар рози бўладиган киши келса, уни никоҳлаб қўйинглар. Агар шундай қилмасанглар, ер юзида фитна ва катта фасод бўлади», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, агар унинг тенги бўлмаса ҳамми?», дейишганда: «Агар сизнинг ҳузурингизга дини ва хулқидан сизлар рози бўладиган киши келса, уни никоҳлаб қўйинглар», деб уч марта айтдилар». Термизий бу ҳадисни Абу Ҳурайрадан ҳам ривоят қилган. Унинг лафзи қуйидагича:

﴿إِذَا خُطِبَ إِلَيْكُمْ مِنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَرُؤْجُوهُ إِلَّا تَفْعَلُوا تَكُنْ فِتْنَةً فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ عَرِيضٌ﴾

«Агар дини ва хулқидан сизлар рози бўладиган киши сизларга совчи юборса, уни уйлантириб қўйинглар (қизларингизни беринглар). Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва катта фасод бўлади». Бу ҳадис бошқа йўллар

билан ҳам ривоят қилинган. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Абу Ҳинд Пайғамбар ﷺнинг бошларининг тепа қисмидан қон олди. Шунда Расулulloҳ ﷺ:

«يَا بَنِي بَيَاضَةَ اُنْكِحُوا اَبَا هِنْدٍ وَاُنْكِحُوا اِلَيْهِ»

«Эй Бани Баёза, Абу Ҳиндни уйлантириб қўйинглар ва унинг қизларига уйланинглар», дедилар». (Ҳоқим ривояти). Ҳанзала ибн Абу Суфён Жамаҳий онасидан ривоят қилади: «Абдурраҳмон ибн Авфнинг синглиси Билолнинг хотини эди». (Доруқутний ривояти). Бу далиллар эр-хотиннинг ўртасида тенглик бўлишининг эътибори ва ҳеч қандай қиймати йўқлигини очиқ баён қиляпти. Ҳар бир аёл бирор эркакнинг ўзига эр бўлишига рози бўлса, унга ўзининг розилиги билан турмушга чиқади. Шунингдек, ҳар бир эркак бирор аёлнинг ўзига хотин бўлишига рози бўлса, унга уйланаверади, тенгликнинг ҳеч бир эътибори йўқ. Ибн Умар Пайғамбар ﷺдан ривоят қилган:

«الْعَرَبُ اَكْفَاءُ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ قَبِيْلَةٌ لِقَبِيْلَةٍ، وَحَيٌّ لِحَيٍّ، وَرَجُلٌ لِرَجُلٍ، اِلَّا حَائِكٌ وَحَجَّامٌ»

«Араблар бир-бирларининг тенгидирлар. Қабила қабиланинг, маҳалла маҳалланинг, киши кишининг тенгидир. Илло тўқувчи ва қон олувчи (уларнинг тенги эмас)» ҳадиси асоси йўқ ва ботил ҳадисдир. Ибн Абу Ҳотим бу ҳадис ҳақида отасидан сўраганида, отаси: «мункар», деган. Ибн Абдулбарр: «Бу мункар, тўқима ҳадис», деган. Баззор Муоздан ривоят қилган:

«الْعَرَبُ بَعْضُهُمْ اَكْفَاءُ بَعْضٍ، وَالْمَوَالِي بَعْضُهُمْ اَكْفَاءُ بَعْضٍ»

«Араблар бир-бирларига тенгдир. Озод қилинган қуллар бир-бирларининг тенгидир», деган ҳадиснинг исноди заиф. Энди Барира ҳақидаги ҳадисга келсак: Пайғамбар ﷺ Барира озод қилинган вақтда унга:

«فَدَّ عَتَقَ بَضْعَكَ مَعَكَ فَاخْتَارِي»

«Сен билан бирга никоҳинг ҳам озод бўлди, ўзинг танла», дедилар. (Бу ҳадисни Доруқутний Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилган). Бу ҳадис тенгликка далолат қилмайди. Чунки унинг эри қул бўлган. Агар қулга турмушга чиққан чўри озод қилинса, унга қулнинг зиммасида қолиш ёки никоҳини бузиш ихтиёри берилади. Унда тенгликка далолат йўқ. Бариранинг эри қул бўлганига далил Қосим Оишадан қилган ривоятдир: Барира қулнинг хотини бўлган. Оиша رضي الله عنها уни озод қилганларида, Расулulloҳ ﷺ унга:

«اِخْتَارِي فَاِنْ شِئْتَ اَنْ تَمْكِنِي تَحْتَ هَذَا الْعَبْدِ، وَاِنْ شِئْتَ اَنْ تُفَارِقِيهِ»

«Ўзинг танла, хоҳласанг бу қулнинг хотини бўлиб қолгин, хоҳласанг у билан ажрашгин», деб айтганлар. (Аҳмад ривояти). Муслим Урвадан, у Оишадан ривоят қилади: «**Барира озод қилинди, унинг эри қул эди. Расулуллоҳ ﷺ унга ихтиёр бердилар. Агар унинг эри ҳур бўлганда эди, Барирага ихтиёр бермаган бўлар эдилар**». (Муслим ривояти). Қуйидаги:

«لَا تُنكِحُوا النِّسَاءَ إِلَّا مِنَ الْأَكْفَاءِ، وَلَا تَزَوَّجُوهُنَّ إِلَّا مِنَ الْأَوْلِيَاءِ»

«Ўзларингизга тенг аёлларгагина уйланинглр ва аёлларни ўзларингизга яқин одамларгагина узатинглр» ҳадиси асоси йўқ, заиф ҳадисдир.

Юқорида келтирилган фикрларга кўра, тенглик лозимлигига далил бўладиган нусуснинг йўқлиги маълум бўлди. Тенглик ҳақида гапирувчилар келтирган нусуслар эса ботил нусуслар ёки уларни бирор жиҳатдан далил қилиб келтириб бўлмайди. Тенгликни шарт қилиш Расулуллоҳ ﷺнинг қуйидаги сўзларига зид келади:

«لَا فَضْلَ لِعَرَبِيٍّ عَلَى عَجَمِيٍّ إِلَّا بِالتَّقْوَى»

«Арабнинг ажамдан ҳеч қандай афзаллиги йўқ, магар бўлса тақво биландир». (Аҳмад ривояти). Шунингдек, Қуръоннинг қатъий матнига ҳам зид келади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقَىكُمْ﴾

„Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлирогингиз тақводорогингиздир.“ [49:13]

Турли динда бўлиш масаласи эса тенглик баҳси эмас, балки муслмонларнинг ғайримусулмонларга уйланишлари ҳақидаги баҳсдир. Унинг баёни қуйидагича. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло муслимга аҳли китобдан бўлган яҳудий ёки насроний аёлга уйланишга рухсат берган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿الْيَوْمَ أُحِلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حِلٌّ لَكُمْ وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ لَهُمْ

وَالْحَصْنَةُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْحَصْنَةُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ إِذَا

ءَاتَيْتُمُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ مُحْصِينَ غَيْرَ مُسْفِحِينَ وَلَا مُتَّخِذِي أَخْدَانٍ﴾

„Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Қачонки зино қилмай ва яширин ўйнаш тутмай, махрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва

сизлардан илгари китоб берилган кимсалардан бўлган, ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир“. [5:5]

Демак, китоб берилган кимсалардан бўлган покиза аёллар мусулмонлар учун ҳалол эканлигини оят очиқ баён қиляпти. Мусулмон киши бу оятга амал қилган ҳолда китобий аёлга уйланиши жоиз. Зеро, китоб берилган кимсалардан бўлган покиза аёллар мусулмонлар учун ҳалол эканлиги зикр қилиб ўтилди. Яъни, уларга уйланишингиз сизлар учун ҳалол. Аммо муслима аёл китобий кишига турмушга чиқиши эса шаръан ҳаром бўлиб, асло мумкин эмас. Агар никоҳ қуришган бўлса, у қонуний кучга эга бўлмаган ботил никоҳ бўлади. Муслима аёлнинг китобий кишига турмушга чиқшининг ҳаромлиги Қуръонда очиқ айтилган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا جَاءَكُمْ الْمُؤْمِنَاتُ مَهْجِرَاتٍ فَاَمْتَحِنُوهُنَّ ۗ اللَّهُ أَعْلَمُ بِإِيمَانِنَّ
فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ لَا هُنَّ حِلٌّ لَهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ ۗ﴾

„Эй мўминлар, қачон сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, сизлар уларни (яъни уларнинг иймонларини) имтиҳон қилиб кўринглар. Аллоҳ уларнинг иймонларини жуда яхши билгувчидир. Бас, агар сизлар уларнинг (ҳақиқий) мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар! У мўминалар (кофирлар) учун ҳалол эмас ва у (кофир)лар (мўминалар) учун ҳалол эмасдир“. [60:10]

Бу нусусда фақат битта маънодан бошқасининг эҳтимоли йўқ. У ягона маъно шуки, муслима аёл кофирлар учун ҳалол бўлмайди ва кофирлар ҳам муслима аёллар учун ҳалол бўлмайдилар. Эрнинг кофир бўлиши у билан муслима аёл ўртасидаги никоҳни қонуний тусга киритмайди. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ ۗ﴾

„Бас, агар сизлар уларнинг (ҳақиқий) мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар!“ [60:10]

Оят кофирлар сўзини ишлатиб, мушриклар сўзини ишлатмади. Токи «кофирлар» сўзи барча кофирни ўз ичига олсин, улар мушрик бўладими ёки аҳли китоб бўладими, барчасига умумий бўлсин. Аҳли китоб бўлган насроний ва яҳудийнинг кофир эканлиги Қуръон нусусларида очиқ айтилган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ مَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِمَّنْ رَزَقَكُمْ ﴾

„На аҳли китоблардан бўлган кофирлар ва на муширлар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик тушишини истамайдилар“.

[2:105]

﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيَقُولُوا نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴿٦٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا ﴾

„Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган (яъни Аллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган) ва «айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирлар. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз“.

[4:150-151]

Аҳли китоб Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарликларига иймон келтирмайди. Демак, улар кофирлардир. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ ﴾

„Аллоҳ - Масийҳ ибн Марямдир», деган кимсаларнинг кофир бўлганликлари аниқдир“.

[5:17]

﴿ لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ ثَالِثُ ثَلَاثَةٍ ﴾

„Аллоҳ учтанинг (яъни Аллоҳ, Марям, Ийсонинг) биридир», деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўлдилар“.

[5:73]

﴿ لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ مُنْفِكِينَ حَتَّى تَأْتِيَهُمُ الْبَيِّنَةُ ﴾

„Аҳли китобдан ва муширлардан бўлган кофир кимсалар то уларга очик ҳужжат келгунича (куфрдан) ажрагувчи бўлмадилар“.

[98:1]

﴿ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ ﴾

„Албатта, аҳли китобдан ва муширлардан бўлган кофир кимсалар...“.

[98:6]

﴿هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ دِيَارِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَشْرِ﴾

„У аҳли китоблардан кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир“. [59:2]

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ نَافَقُوا يَقُولُونَ لِإِخْوَانِهِمُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ﴾

„(Эй Мухаммад), мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблардан бўлган кофир биродарларига: «Сизларга ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмадингизми?“ [59:11]

Ушбу оятлардан маълум бўляптики, аҳли китоб Қуръоннинг очиқ-ойдин баён қилишига кўра кофирлардир. «Кофирлар» сўзи уларни ҳам ўз ичига олади. Шунга биноан Аллоҳнинг қуйидаги сўзлари:

﴿فَإِنْ عَلِمْتُمُوهُنَّ مُؤْمِنَاتٍ فَلَا تَرْجِعُوهُنَّ إِلَى الْكُفَّارِ لَا مِنْ حِلٍّ لهنَّ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ﴾

„Бас, агар сизлар уларнинг (ҳақиқий) мўмина эканликларини билсангизлар, у ҳолда уларни кофирларга қайтарманглар! У мўминалар (кофирлар) учун ҳалол эмас ва у (кофир)лар (мўминалар) учун ҳалол эмасдир“. [60:10]

- очиқ баён қиляптики, муслима аёл аҳли китобдан бўлган кишига турмушга чиқиши асло мумкин эмас. Чунки аҳли китоб аниқ кофирдирлар.

Мажусийлар, бутпарастлар, юлдузларга сиғинувчилар ва шу каби мушриклар эса аҳли китоб эмаслар. Улар билан турмуш қуриш мутлақо мумкин эмас. Шунга кўра, мусулмон эркак мушрика аёлга уйланиши ва муслима аёл мушрик эркакка турмушга чиқиши асло мумкин бўлмайди. Қуръоннинг қатъий нусусларида бу ҳақда очиқ айтилган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَةَ حَتَّىٰ يُوْمِنَ ۚ وَلَا مَٰمَةٌ مُّؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ وَلَا أَعْجَبَتْكُمْ ۗ وَلَا

تَنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُوْمِنُوا ۚ وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَا أَعْجَبَكُمْ ۗ﴾

„То иймонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан - гарчи у сизга ёқса-да - иймонли чўри яхшироқдир. То иймонга келмагунларича мушрик эрларни (қизларингизга) уйламангиз! Шубҳасиз, озод мушриктан - гарчи у сизга ёқса-да - иймонли қул яхшироқдир“. [2:221]

Бу оятдан фақат битта маъно, яъни мусулмон эркакнинг мушрика аёлни ўз никоҳига олиши ҳамда муслима аёлнинг мушрик эркакка никоҳланиши қатъий ҳаром эканлиги тушунилади. Агар шунга ўхшаш никоҳ содир бўлса, у қонуний кучга эга бўлмаган ботил никоҳ бўлади. Ҳасан ибн Мухаммаддан ривоят қилинади:

«كَتَبَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى مَجُوسِ هَجَرَ يَدْعُوهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ فَمَنْ أَسْلَمَ قَبْلَ مِنْهُ،
وَمَنْ لَا ضَرْبَ عَلَيْهِ الْجَزِيَّةُ فِي أَنْ لَا تُؤْكَلَ لَهُ ذَبِيحَةٌ وَلَا تُنْكَحَ لَهُ امْرَأَةٌ»

«Расулulloҳ ﷺ Ҳажар мажусийларини Исломга даъват қилиб уларга хат ёздилар. Улардан ким Исломга кирса, ундан Исломини қабул қилдилар, кимки Исломга кирмаса, жизя тўлайдиган ва унинг (сўйган жонлиғи) ейилмайдиган ва унга (муслима) аёл никоҳланмайдиган бўлди». (Байҳақий ривояти).

Юқоридагилардан кўринадики, шариат уйланишга ундаш ва унга тарғиб этиш билан кифояланмади, балки мусулмонга қандай аёлга уйланиши жоизлигини ва муслима аёлга қандай эркакка турмушга чиқиши жоизлигини ҳамда ҳар иккисига турмуш қуришлари ҳаром қилинган кишиларни баён қилиб берди. Шу билан бирга уйланишни хоҳлаётган кишиларга ўз жуфтда бўлиши мақтовга сазовор бўлган сифатларни ҳам баён қилди. Бироқ, у аёл бошқа кишининг хотини ёки идда сақлаётган бўлмаслигини шарт қилди. Чунки никоҳнинг шarti - аёлнинг никоҳ ва иддадан холи бўлмоқлигидир.

Аmmo ҳали никоҳ битими тузилмаган, унаштирилаётган аёл масаласига келсак, унга қаралади. Агар у ёки унинг валийси совчи қўйган кишининг таклифини қабул қилган бўлса ёки ўзининг валийсига очиқ ёки ишора билан таклифни қабул қилишга ёхуд унга турмушга беришга рухсат берган бўлса, унга совчи қўйган шахсдан бошқасининг бу аёлга совчи қўйиши ҳаром бўлади. Бунга далил Уқба ибн Омир Расулulloҳ ﷺдан ривоят қилган қуйидаги ҳадисдир:

«الْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ فَلَا يَحِلُّ لِلْمُؤْمِنِ أَنْ يَبْتَاعَ عَلَى بَيْعِ أَخِيهِ، وَلَا يَخْطُبَ عَلَى خِطْبَةِ أَخِيهِ حَتَّى يَذَرَ»

«Мўмин мўминнинг биродаридир. Мўмин ўз биродари савдосининг устидан савдо қилиши ва биродари ташлаб кетмагунча у совчи қўйган жойга совчи қўйиши ҳалол эмас». (Муслим ривояти). Абу Ҳурайра Пайгамбар ﷺдан ривоят қилади:

«لَا يَخْطُبُ الرَّجُلُ عَلَى خِطْبَةِ أَخِيهِ حَتَّى يَنْكَحَ أَوْ يَتْرُكَ»

«Киши - ўз биродари совчи қўйган аёлни никоҳлаб олгунча ёки тарк қилмагунча у аёлга совчи қўймайди». (Бухорий ривояти). Агар совчи қўйилган аёл совчи қўйган кишини рад қилса ёки ҳали унга жавоб қайтармаган бўлса ёхуд у ҳақида суриштира бошласа, ушбу ҳолларда бошқа киши унга совчи қўйиши жоиз

бўлади ва у аёлга бирор киши совчи қўйган деб эътибор қилинмайди. Бунга далил Фотима бинти Қайс ривоят қилган ҳадис: «Мен Пайғамбар ﷺнинг ҳузурларига келиб, менга Муовия билан Абу Жаҳм совчи қўйишаётганини айтдим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ:

«أَمَّا مُعَاوِيَةُ فَصُعْلُوكٌ لَا مَالَ لَهُ، وَأَمَّا أَبُو جَهْمٍ فَلَا يَصُغُ عَصَاهُ عَنْ عَاتِقِهِ، انْكِحِي أَسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ»

«Муовия - мол-мулки йўқ камбағал, Абу Жаҳм эса таёгини елкасидан қўймайди (яъни қаттиққўл). Сен Усома ибн Зайдга турмушга чиқ», дедилар». (Муслим ривояти). Пайғамбар ﷺга Муовия билан Абу Жаҳмнинг оғиз очгани ҳақида хабар қилинганидан кейин Усома учун унинг қўлини сўрадилар.

Агар аёлга совчи қўйилган бўлса, уни қабул қилиш ёки рад этиш фақат унинг ҳаққи бўлиб, валийларидан бирон кишининг бунга ҳаққи йўқ. Ҳамда ўзининг рухсатисиз бирор киши уни турмушга бериши ёки уни никоҳдан қайтариши мумкин эмас. Ибн Аббос Расулуллоҳ ﷺдан ривоят қиладики:

«الثَّيْبُ أَحَقُّ بِنَفْسِهَا مِنْ وَلِيِّهَا، وَالْبِكْرُ تُسْتَأْذَنُ فِي نَفْسِهَا وَإِذْنُهَا صُمَاتُهَا»

«Жувон ўзига валийсидан кўра ҳақлироқ. Бокирадан рухсат сўралади. Унинг рухсати жим туришидир» (Муслим ривояти). Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«لَا تُنْكِحُ الْأَيِّمَ حَتَّى تُسْتَأْمَرَ، وَلَا الْبِكْرَ حَتَّى تُسْتَأْذَنَ. قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَكَيْفَ إِذْنُهَا قَالَ: أَنْ تَسْكُتَ»

«Бевадан маслаҳат сўралмагунча, бокирадан эса рухсат сўралмагунча улар никоҳ қилинмайди». «Эй Расулуллоҳ, у (қиз)нинг розилиги қандай бўлади?» - деб сўрашганда: «Сукут қилиши», деб жавоб бердилар» (муттафақун алайҳ). Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Бир қиз Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига келди ва отаси уни мажбуран турмушга бераётганини айтди. Шунда Пайғамбар ﷺ ихтиёрни унинг ўзига бердилар». (Абу Довуд ривояти). Хансо бинти Хаззом ал-Ансорийдан ривоят қилинади: «Отаси уни эрга берди, ваҳоланки у жувон эди. У бу ишни ёқтирмади. Кейин Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига келганда, унинг никоҳини бекор қилдилар». (Бухорий ривояти). Бу ҳадислар аёл турмушга чиқишга рози бўлмагунча никоҳи никоҳ бўлмаслигига очиқ далилдир. Агар у бу никоҳни рад этса ёки ўзи мажбуран турмушга чиқса, битим бекор бўлади. Агар қароридан қайтса ёки рози бўлса, никоҳи никоҳ

бўлаверади.

Қуръон совчи келган вақтда аёлни турмушга беришдан тўсишни тақиқлаган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَزْوَاجَهُنَّ إِذَا تَرَضَوْا بَيْنَهُمْ بِالْمَعْرُوفِ ﴾

„Бас, уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг!“ [2:232]

Маъқал ибн Ясордан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисга кўра: **«Мен синглимни бир кишига турмушга бердим. Кейин уни талоқ қилди. Иддаси тугаган вақтда яна қўлини сўраб келди. Шунда мен унга дедим: «Синглимни сенга турмушга бердим ва сени фойдалантирдим ва ҳурмат қилдим. Кейин сен уни талоқ қилдинг. Сўнг келиб унинг қўлини сўраяпсан. Аллоҳга қасамки, у сенга ҳеч қачон қайтмайди». У безарар киши эди. Аёл ҳам унга қайтишни хоҳларди. Кейин Аллоҳ Таоло ушбу оятни нозил қилди. „Бас, уларни тўсманг!“** [2:232]. **«Энди никоҳлаб бераман, эй Расулulloҳ?»**, дедим ва унга **«Никоҳлаб бердим»**. Бошқа бир ривоятда эса: **«Қасамимга каффорат бердим ва синглимни унга никоҳлаб бердим»**, дейилган. (Бухорий ривояти). Тўсишнинг маъноси - аёл турмушга чиқаришларини талаб қилган вақтда уни турмушга чиқармаслик. Бу иш ҳаром бўлиб, уни қилган киши фосиқдир. Аёлни турмушга чиқишдан ман этган ҳар бир киши бу иши учун фосиқ бўлади. Фуқаҳолар ҳам тўсқинлик қилиш билан киши фосиқ бўлишини баён қилишган. Қачон аёлга турмушга чиқиш таклиф қилинса ёки турмушга чиқишни ўзи талаб қилса, қандай йўл тутиш - рози бўлиш ёки рад этиш ёлғиз унинг ихтиёрида бўлади.

Қачонки эркак билан аёл турмуш қуришга келишишса, никоҳ битимини тузишлари керак. Зеро, никоҳ фақат шаръий битим билангина никоҳ бўлади. Улар бир-бирларидан баҳраманд бўлишлари ҳалол бўлиши учун ва никоҳ аҳкомлари кучга кириши учун никоҳ шариат аҳкомларига мувофиқ тузилган шаръий битим билангина ҳақиқий никоҳ бўлади. Модомики бундай битим бўлмас экан, гарчи эркак ва аёл узоқ муддат бирга яшаган бўлсалар ҳам, никоҳлари никоҳ бўлмайди. Шунга биноан, ошиқ-маъшуқларнинг эр-хотинлар қўшилгандек қўшилишлари никоҳ деб эътибор қилинмайди, балки зино ҳисобланади. Ҳамда икки эркакнинг ўзаро бирга яшашга келишиб жамланиши ҳам никоҳ деб ҳисобланмайди, балки баччавозлик деб эътибор қилинади.

Маданий (фуқаролик) никоҳ эса ўзаро бирга яшашга, ажралишга ва бунга алоқадор ишларга - нафақа, фойдаланиш

хуқуқи, уйдан чиқиш, аёлнинг эркакка, эркакнинг аёлга итоат қилиши ёки мана шунга ўхшаш ишлар хусусида эркак ва аёл ўртасида тузиладиган иттифоқ (ўзаро келишув)дир. Шунингдек, бу иттифоқда фарзандлик ва ўғил кимга, қиз кимга бўлиши каби ишларга ҳамда бирга яшаш ёки бирга яшамасликка алоқадор мерос, насаб каби ишларга ўзаро келишилган шартлар ва ўз зиммаларига олган масъулиятларга биноан эркак ва аёл келишиб олишади. Шунга кўра, маданий никоҳ қуруқ никоҳ иттифоқи эмас, балки у никоҳни ва унга алоқадор насл-насаб, нафақа, мерос ва бошқа ишларни ҳамда эр-хотиннинг ҳар иккисига ёки улардан бирига бошқасини тарк этиши жоиз бўладиган ҳолатларни, яъни талоқ масаласини ўз ичига олувчи иттифоқдир. Бу иттифоқ ҳар бир эркакка ҳар қандай аёлга уйланишга ва ҳар бир аёлга ҳар қандай эркакка турмушга чиқишга – улар хоҳлайдиган ҳар бир ишда ўзлари рози бўлган ўзаро келишувга биноан – тўлиқ эркинлик беради. Шунга биноан, бундай маданий никоҳ шаръан жоиз эмас. Унга асло никоҳ иттифоқи сифатида қаралмайди ва никоҳ битими деб ҳисобланмайди. Чунки шаръан унинг ҳеч қандай қиймати йўқ.

Никоҳ шаръий ийжоб ва қабул билан никоҳ бўлади. Ийжоб - битим тузувчилардан бирининг биринчи бўлиб айтган сўзи. Қабул эса битим тузувчилардан бошқа бирининг иккинчи бўлиб айтган сўзи. Масалан, никоҳланаётган аёл уни ўз никоҳига олаётган кишига «Сизга турмуш ўртоғи бўлдим», деб айтса, никоҳига олувчи киши: «Қабул қилдим», дейди ёки аксинча бўлади. Ийжоб ва қабул никоҳ қилинаётганлар ўртасида бевосита бўлганидек, уларнинг вакиллари ўртасида ёки улардан бири билан иккинчисининг вакили ўртасида бўлиши ҳам мумкин. Ийжобда уйланиш ва никоҳланиш лафзининг бўлиши шарт қилинади. Қабулда эса бу шарт эмас. Балки иккинчи томон ўз розилиги ва ийжобни қабул қилганини билдирадиган ҳар қандай сўз билан бу таклифга рози бўлиши шарт қилинади. Ийжоб ва қабул «турмуш ўртоғи бўлдим», «қабул қилдим» каби ўтган замон лафзи билан ёки улардан бири ўтган замон лафзи билан, иккинчиси эса келаси замон лафзи билан бўлиши зарур. Чунки никоҳ битим бўлиб, унда қатъийлик, яъни ўтган замон кўринишидаги лафз ишлатилиши керак. Никоҳ қонуний кучга кириши учун тўртта шарт бор:

Биринчи шарт: Ийжоб ва қабул бир жойда бўлиши, яъни ийжоб содир бўлган мажлисда қабул ҳам содир бўлиши. Агар битим тузувчилар ўша жойда ҳозир бўлсалар шундай бўлади. Агар улардан бири бир шаҳарда, иккинчиси бошқа шаҳарда бўлса ва бири иккинчисига никоҳни таклиф қилиб хат ёзса, хатни олган шахс таклифни қабул қилса, никоҳ қонуний кучга киради. Лекин

бу ҳолатда хатни гувоҳларга ўқиши ёки ўқитиши ва унинг ибораларини уларга эшиттириши ёки уларга «фалончи менинг қўлимни сўраб хат юборди», деб айтиши ва мажлисда ўзини унга топширганлигига уларни гувоҳ қилиши шарт қилинади.

Иккинчи шарт: Битим тузувчиларнинг ҳар бири бошқасининг сўзини эшитиши ва тушуниши, бу сўзлардан никоҳ битимини кўзда тутаётганини билиши керак. Агар эшитмагани ёки тушунмагани сабабли нимани кўзда тутаётганини билмаса, никоҳ қонуний кучга кирмайди. Масалан, эркак киши аёлга «сизга турмуш ўртоғи бўлдим» маъносини англатувчи сўзни француз тилида айтса, бу тилни билмайдиган аёл ўзи тушунмасдан туриб, унга ўргатилган сўзни айтса ҳамда аёл ўзи айтган сўздан кўзланган мақсад никоҳ битими эканлигини билмаса, эркак киши унинг таклифини қабул қилса, никоҳ қонуний кучга кирмайди. Агар аёл ўзи айтган сўздан мақсад никоҳ битими эканлигини билса, никоҳ қонуний бўлади.

Учинчи шарт: Қабул ийжобга зид келмаслиги керак, бу ҳол ийжобнинг ҳаммасида бўладими ёки баъзи ўринларидами, барибир.

Тўртинчи шарт: Аёл муслима ёки китобий бўлиши, эркак эса фақат мусулмон бўлиши каби битим қилувчилардан бирининг бошқаси билан турмуш қуришига шариат рухсат берган бўлиши керак.

Агар бу тўрттала шарт битимда топилса, никоҳ қонуний кучга киради. Агар бирор шарт топилмаса, никоҳ қонуний кучга кирмайди ва асос жиҳатидан ботил бўлади. Агар никоҳ қонуний кучга кирса, унинг саҳиҳ никоҳ бўлиши учун унда саҳиҳлик шартлари топилиши керак. Бу шартлар учта:

1. Аёл никоҳ битимига яроқли бўлмоқлиги;

2. Никоҳ фақат валий билан никоҳ бўлади. Аёл ўзи турмушга чиқишга ва бошқасини турмушга беришга, шунингдек турмушга чиқишда валийсидан бошқа кишини вакил қилишга ҳаққи йўқ. Агар шундай қилса, никоҳи никоҳ бўлмайди;

3. Таклиф ва қабул қилиш чоғида айтилган сўздан мурод - никоҳ битими эканлигини тушунадиган, битим тузувчиларнинг сўзини эшитадиган, ақлли, балоғатга етган ва мусулмон бўлган икки гувоҳнинг иштирок этиши. Агар битимда бу шартлар топилса, никоҳ саҳиҳ бўлади. Агар бирор шарт топилмай қолса, у фосид никоҳ бўлади. Никоҳ битими ёзиб қўйилиши ёки тилхат шаклида қайд қилиниши шарт эмас. Балки ёзиладими ёки ёзилмайдими, бундан қатъий назар, эркак ва аёл томонидан никоҳ битимини саҳиҳ битимга айлантирадиган барча шартлар топилган ийжоб ва қабулнинг оғзаки ёки ёзма равишда бўлишининг ўзи кифоя.

Никоҳ - икки шахс ўртасидаги битим бўлгани учун ийжоб ва

қабул билангина ҳақиқий битим бўлади. Битимнинг воқелиги шуки, у ийжоб ва қабул билан амалга ошади ва битим бўлади. Энди ийжобда уйланиш ва никоҳланиш сўзларининг шарт қилинишига келсак, бу ҳақда нусус мавжуд. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ زَوَّجْنَاكُمَا ﴾

„Биз сизни унга уйлантирдик“.

[33:37]

﴿ وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ ﴾

„Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг!“ [4:22]

Саҳобалар ҳам шунга ижмо қилишган. Энди ийжоб ва қабул бир жойда бўлиши лозимлигига келсак, жой ҳукми битим ҳолатининг ҳукмидир. Агар икки томон қабул қилишдан олдин ажралиб кетсалар, ийжоб амалга ошмайди. Зеро, бу ҳолда қабул маъноси ҳосил бўлмайди. Ажралиш туфайли унинг томонидан юз ўгириш вужудга келади. Шунга кўра у қабул қилиш бўлмайди. Шунингдек, никоҳни кесиб қўядиган бирор иш билан машғул бўлиб қолсалар ҳам қабул қилиш юзага келмайди. Чунки қабул қилишдан машғул бўлиб қолганлари туфайли битим тузишдан юз ўгирган бўладилар. Аммо икки томон бир-бирларининг сўзларини эшитиши ва тушуниши, яъни айтилаётган иборадан никоҳ битими кўзда тутилаётганини билиши шартига келсак, шу шарт бажарилсагина таклифга жавоб берилади. Чунки таклиф қилиш битим тузаётган томонлардан бирининг иккинчи томон қабул қилиши учун қилган хитобдир. Агар иккинчи томонга ўз мақсадини билдирмаса, хитоб қилмаган бўлади. Хитоб бўлмаса ўз-ўзидан қабул қилиш ҳам бўлмайди. Бундай ҳолатда ийжоб ҳам, қабул ҳам юзага келмайди. Ийжоб қабулга зид бўлмаслиги керак. Агар қабул қилиш ийжобнинг барча талабларига бўйсунганини ифодаласагина қабул қилиш бўлади. Агар бундай маънони ифодаламаса, ийжобдаги талабларни қабул қилмаган бўлади ва оқибатда қабул қилиш бўлмайди. Энди шариат битим тузаётган томонларнинг бир-бирлари билан никоҳ тузишларига рухсат берган бўлиши шарт қолди. Чунки шариат бирор битимни тақиқлаган бўлса, бу битимни тузиш мумкин бўлмайди.

Булар битимнинг қонуний тусга киришига нисбатан айтилган фикрлар. Энди битимнинг саҳиҳ бўлишига келсак. Агар шариат бирор битимни тузишдан қайтармаган бўлса, битим тузилган бўлади. Агар шариат битимнинг бирор жиҳатини тақиқлаган бўлса, битим ана шу жиҳатдан фосид бўлади, лекин ботил бўлмайди. Аёл никоҳ битими учун яроқли бўлиши керак. Чунки шариат баъзи аёлларни никоҳга олишни, масалан, опа-сингилларни бирга жамлаб

никоҳга олишни тақиқлаган. Бундай никоҳи ҳаром қилинган аёллар билан тузилган никоҳ битими саҳиҳ бўлмайди. Никоҳ валий иштироки билангина саҳиҳ бўлишига келсак, бунга Абу Мусо ривоят қилган ҳадис далил бўлади. Расулulloҳ ﷺ:

«لَا نِكَاحَ إِلَّا بِوَالِيٍّ»

«Никоҳ валийнинг иштироки билангина бўлади», дедилар. (Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти). Аёл ўзини турмушга чиқаришга ва бошқани турмушга беришга ҳамда турмушга чиқишида ўз валийсидан бошқа одамни вакил қилишга ҳақли эмаслигига Оиша رضي الله عنها Пайғамбар ﷺдан ривоят қилган ҳадис далилдир:

«أَيُّمَا امْرَأَةٍ نَكَحَتْ بِغَيْرِ إِذْنٍ وَلِيِّهَا فَنِكَاحُهَا بَاطِلٌ، فَنِكَاحُهَا بَاطِلٌ، فَنِكَاحُهَا بَاطِلٌ»

«Ўз валийсининг изнисиз никоҳ қурган аёлнинг никоҳи ботилдир, никоҳи ботилдир, никоҳи ботилдир». (Ҳоким ривояти). Абу Ҳурайра Пайғамбар ﷺдан ривоят қиладики:

«لَا تَزْوُجُ الْمَرْأَةَ الْمَرْأَةَ، وَلَا تَزْوُجُ الْمَرْأَةَ نَفْسَهَا، فَإِنَّ الزَّانِيَةَ هِيَ الَّتِي تُزْوِجُ نَفْسَهَا»

«Аёл аёлни турмушга бермайди, аёл ўзини ҳам турмушга бермайди. Зинокор аёлгина ўзини-ўзи турмушга беради». Никоҳ битимида икки мусулмон гувоҳ ҳозир бўлиши керак. Қуръон ражъий талоқ қилинган аёлни ўз эрига хотинликка қайтаришда икки мусулмон гувоҳнинг ҳозир бўлишини шарт қилган. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ فَارِقُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَأَشْهِدُوا ذَوَى عَدْلٍ مِّنكُمْ﴾

„Энди қачон (талоқ қилган аёлларингизнинг идда) муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинглар (яъни, қайта никоҳларингизга олинглар) ёки яхшилик билан ажрашинглар. Ва (ярашиб олиб қолаётган ёки ажрашиб кетаётган чоғларингизда) ўзларингиздан бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар!“ [65:2] Ҳасан бу оят хусусида шундай дейди: «Яъни, икки мусулмонни гувоҳ қилинг». Никоҳ битимини давом эттириш ҳисобланган ражъа (яъни, эрига яна қайтиш)да икки мусулмон гувоҳнинг ҳозир бўлиши шарт қилинган бўлса, эр-хотинликнинг бошланиши бўлган никоҳда икки гувоҳнинг қатнашиши албатта шартдир. Бундан ташқари, никоҳ битими ва никоҳ битимининг давом этиши бир доирадаги иш бўлиб, уларнинг ҳукми ҳам бирдир.

МАҲРАМ АЁЛЛАР

Маҳрам аёлларга уйланишнинг ҳаромлиги Қуръон ва суннатда очиқ-ойдин айтиб ўтилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَمَقْتًا وَسَاءَ سَبِيلًا﴾

„Оталарингиз уйланган хотинларини никоҳингизга олманг! Магар илгари ўтган бўлса (бу ҳукм нозил бўлишидан илгари уйланган бўлсангиз, Аллоҳ афв этар). Албатта, бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир“. [4:22]

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ الْأَخْتِ وَأُمَّهَاتُكُمُ اللَّاتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتُكُمُ مِنَ الرَّضْعَةِ وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ وَرَبَائِبُكُمُ اللَّاتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّنْ نِّسَائِكُمُ اللَّاتِي دَخَلْتُم بِهِنَّ فَإِن لَّمْ يَكُونُوا دَخَلْتُم بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ وَحَلَائِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ مِنْ أَصْلَابِكُمْ وَأَن تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ۝ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۗ كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ ۚ وَأُحِلَّ لَكُمْ مَا وَرَاءَ ذَلِكَ ۖ﴾

„Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмишган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянғизда бўлган қизлари (шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш) ҳаром қилинди. Агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларига уйлансангиз), сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз нушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда опа-сингилни жамлашларингиз (яъни, бирини талоқ қилмай туриб бошқасига уйланишларингиз) ҳаром қилинди. Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар). Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир. Яна эрлик аёллар (ҳам ҳаром қилинди). Магар (уруш-жангларда) эга бўлган

чўриларингиз ҳалолдир. (Бу ҳукмларни) Аллоҳ зиммангизга фарз қилиб қўйди. Мана шулардан бошқа аёллар сизлар учун ҳалол қилинди“. [4:23-24]

Абу Ҳурайра رضي الله عنه Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан ривоят қилади:

«لَا يَجْمَعُ الرَّجُلُ بَيْنَ الْمَرْأَةِ وَعَمَّتِهَا، وَلَا بَيْنَهَا وَبَيْنَ خَالَتِهَا»

«Ҷиши аёл билан унинг аммасини ҳам, аёл билан унинг холасини ҳам бир никоҳда жамламайди» (муттафақун алайҳ). Имом Муслим Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қиладики, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ الرِّضَاعَةَ تُحَرِّمُ مَا تُحَرِّمُ الْوَالِدَةَ»

«Эмикдошлик ҳам бир туғишганлик ҳаром қилган нарсаларни ҳаром қилади», дедилар.

Шунга кўра, оналарга уйланиш мутлақ ҳаром қилинган. Оналар деганда бола туғилиши жиҳатдан уларга мансуб бўлган аёллар тушунилади. Бу оналар қуйидагилар: а) ҳақиқий маънода она номи билан аталадиган, сизни туққан аёл; б) кўчма маънода она номи билан аталадиган аёллар, яъни сизни туққан онангизнинг онаси ва ундан юқоридагилар. Онангиз ва отангизнинг онаси бўлган бувиларингиз, ота ёки онангизнинг бувилари, буви ва боболарингизнинг бувилари шулар жумласига киради. Бу аёллар меросхўрларми ёки йўқми, барчалари - насабда қанча юқори бўлмасинлар - маҳрам аёллар ҳисобланадилар.

Фарзанд бўлмиш қизларга уйланиш ҳам мутлақ ҳаром қилинган. Улар туғилиш жиҳатидан сизга боғлиқ пушти камарингиздан бўлган қизлар, ўғил-қизларингизнинг қизлари бўлиб, уларнинг насаб даражаси қанча қуйи томонга тушса ҳам, меросхўрларми ёки йўқми, ҳаммалари маҳрам қизлардир.

Уч томондан бири орқали опа-сингил бўлган, яъни ота-онаси бир ёки ота бир она бошқа ёки она бир ота бошқа опа-сингилларга уйланиш ҳам мутлақ ҳаром қилинган.

Оталарга уч жиҳатдан опа-сингил бўлган аммаларга, ота-онанинг отаси бўлган боболарнинг опа-сингилларига уйланиш ҳаром қилинган ва бунда боболарнинг қанча узоқ ёки яқин бўлишида ва меросхўр бўлиш-бўлмасликларида фарқ йўқ.

Оналарга уч томондан бири орқали опа-сингил бўлган холаларга, ота-онанинг онаси бўлган бувиларнинг опа-сингилларига уйланиш ҳаром қилинган. Чунки ҳамма бувилар она ҳисобланиб, уларнинг опа-сингиллари маҳрам холалардир.

Ака-укаларнинг қизларига уйланиш ва ака-укаларга туғилиш жиҳатидан боғлиқ ҳамма аёлларга уйланиш ҳаром қилинган, улар уч томоннинг қайси жиҳатидан ака-ука бўлсалар ҳам. Шунингдек,

опа-сингилларининг қизларига уйланиш ҳам ҳаром қилинган.

Эмизган оналарга уйланиш ҳам ҳаром қилинган. Улар сизни эмизган оналар, уларнинг оналари ва бувилари - гарчи улар насабдаги даражалари қанча юқори кетган бўлса ҳам - маҳрамдир. Онаси сизни эмизган ёки онангиз уни эмизган ҳар бир аёл, шунингдек, бир аёлнинг сутидан сиз эмикдош бўлган аёл ёки бир эркакнинг аёлларининг сутидан сиз ва у эмган бўлсангиз - гарчи эмизувчи аёллар бошқа-бошқа бўлса ҳам - у сизнинг маҳрам опа-синглингиздир.

Қайноналарга уйланиш ҳам ҳаром қилинган. Кимки бир аёлга уйланса, у билан қўшилган ёки қўшилмаганидан қатъий назар, никоҳ битими тузилгани сабабли у аёлга насаб ёки эмизиш орқали яқин ёки узоқ бўлган ҳар қандай онанинг никоҳи ҳаром қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ الْأَخْتِ وَأُمَّهَاتُكُمْ اللَّاتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ مِنَ الرَّضَاعَةِ وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ ﴾

„Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз ҳаром қилинди“. [4:23]

Турмуш қуриб қўшилган хотинларининг қизларига уйланиш ҳаром қилинган. Улар тарбия остидаги қизлар бўлиб, уларнинг оналарига қўшилиш туфайли улар маҳрам бўлиб қоладилар. Бу қизлар - хотинга насаб ёки эмизиш орқали алоқадор бўлган узоқ ёки яқин, меросхўр бўлган ёки бўлмаган қизлардир. Қизнинг онасига қўшилган бўлса, бу қизга уйланиш ҳаром бўлади ва бунда қизнинг шу эркакнинг қарамоғида бўлган ёки бўлмаганининг фарқи йўқ. Оятдаги:

﴿ الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ ﴾

„Тарбиянгизда бўлган қизлари“. [4:23]
жумласида қизнинг аксар пайтдаги ҳолати ифодаланган бўлиб, уни янги ота қарамоғида бўлиши шарт қилинмаган.

﴿ مِنْ نِسَائِكُمُ الَّتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ ﴾

„Жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг“. [4:23]
Бу жумлада эса эркакка бу қиз маҳрам бўлиши учун унинг онасига

қўшилиши шарт қилинган. Чунки кейинги жумлада айтилганки:

﴿فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ﴾

„Агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан тузилган қизларига уйлансангиз), сизлар учун гуноҳ йўқдир“.

[4:23]

Шунинг учун бир аёлга уйланиб, ҳали қовушмаган бўлса, (уни талоқ қилгандан кейин) унинг қизига уйланиш ҳаром эмас.

Ўғилларнинг хотинларига уйланиш мутлақ ҳаром қилинган. Яъни, киши насаб ёки эмизиш жиҳатидан яқин ёки узоқ бўлган ўғилларининг хотинларига, набираларининг хотинларига уйланиши никоҳ битими тузилганлиги сабабли - ўғил ёки набира ўз хотини билан қўшилган-қўшилмаганининг фарқи йўқ - ҳаром бўлади.

Отанинг хотинларига уйланиш ҳаром қилинган. Демак, насаб ёки эмизиш орқали, меросхўрми ёки йўқми ёки узоқ-яқин бўлишидан қатъий назар, отанинг хотинлари маҳрам ҳисобланади. Баро ибн Озибдан Насойй ривоят қиладики:

«لَقِيتُ خَالِي وَمَعَهُ الرَّأْيَةُ فَقُلْتُ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ: أُرْسَلَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى رَجُلٍ تَزَوَّجَ امْرَأَةً أَبِيهِ مِنْ بَعْدِهِ، أَنْ أَضْرِبَ عَقَبَهُ أَوْ أَقْتَلَهُ»

«Тоғамни қўлида байроқ билан кетаётганини кўрдим ва: «Қаёққа кетяпсиз?», деб сўрадим У: «Расулуллоҳ ﷺ мени ўз отасидан кейин унинг хотинига уйланган кишини ўлдиргани ёки бўйинини узгани юбордилар», деди». (Ҳоким ривояти).

Насаб ёки эмизиш билан бир-бирларига алоқадор бўлган икки опа-сингилни жамлаб уйланиш ҳаром қилинган. Бунда у опа-сингилларнинг ота-оналари бир бўлиши ёки она ё ота бир бўлишининг фарқи йўқ. Шунингдек, қўшилишдан аввал ёки кейин бўлишининг ҳам фарқи йўқ. Агар уларни бир никоҳ битими билан никоҳига олса, никоҳ фосид бўлади.

Аёл билан унинг амма ёки холасини жамлаб никоҳига олиш ҳам ҳаром қилинган. Абу Ҳурайра ривоят қиладики, Расулуллоҳ ﷺ:

«لَا يَجْمَعُ الرَّجُلُ بَيْنَ الْمَرْأَةِ وَعَمَّتَيْهَا، وَلَا بَيْنَ الْمَرْأَةِ وَخَالَتَيْهَا»

«Киши аёл билан унинг аммасини ҳам, аёл билан унинг холасини ҳам бир никоҳда жамламайди», дедилар (муттафақун алайҳ). Абу Довуд ривоятида шулар келган:

«لَا تُنكَحُ الْمَرْأَةُ عَلَى عَمَّتَيْهَا، وَلَا الْعَمَّةُ عَلَى بِنْتِ أُخِيهَا، وَلَا الْمَرْأَةُ عَلَى خَالَتَيْهَا، وَلَا الْخَالَةُ عَلَى بِنْتِ أُخِيهَا، لَا تُنكَحُ الْكُبْرَى عَلَى الصُّغْرَى، وَلَا الصُّغْرَى عَلَى الْكُبْرَى»

«Аёл унинг аммаси устига, амма ака-укасининг қизи устига никоҳ қилинмайди. Аёл холаси устига ва хола ўз опа-синглисининг қизи устига ҳам никоҳлаб берилмайди. Каттаси кичигининг устига ва кичиги каттасининг устига никоҳ қилинмайди». (Асли «Саҳиҳайн»да келтирилган).

Эрлик аёлларга уйланиш ҳам ҳаром қилинган. Аллоҳ Таоло уларни «...ўзларини ҳаромдан сақлаган покиза аёллар», деган. Чунки улар никоҳ орқали ўзларини покиза сақлаганлар.

Эмизиш билан ҳам насаб орқали маҳрам бўлган шахслар маҳрам бўлади. Зеро, насаб жиҳатидан маҳрам аёллар эмизиш орқали ҳам маҳрам бўлади. Булар - оналар, қизлар, опа-сингиллар, амма-холалар, ака-укаларнинг қизлари ва опа-сингилларнинг қизлари бўлиб, улар насаб орқали никоҳлари ҳаром бўлганлари каби эмизиш орқали ҳам никоҳлари ҳаром бўлади. Бунга Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилинган ушбу ҳадис асос бўлади:

«يَحْرُمُ مِنَ الرِّضَاعِ مَا يَحْرُمُ مِنَ النَّسَبِ»

«Насаб сабабли ҳаром бўлган нарсалар эмизиш орқали ҳам ҳаром бўлади» (муттафақун алайҳ). Муслим ривоятида айтилади:

«الرِّضَاعُ يُحْرِمُ مَا تُحْرِمُ الْوَلَادَةُ»

«Туғилиш жиҳатидан маҳрам бўлган шахслар бир кўкракдан эмиш жиҳатидан ҳам маҳрам бўладилар». Оиша رضي الله عنها ривоят қилади:

«إِنَّ أَفْلَحَ أَخَا أَبِي الْقَعَيْسِ اسْتَأْذَنَ عَلَيَّ بَعْدَ مَا أَنْزَلَ الْحِجَابَ، فَقُلْتُ: وَاللَّهِ لَا آذَنُ لَهُ حَتَّى اسْتَأْذَنَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَإِنَّ أَخَا أَبِي الْقَعَيْسِ لَيْسَ هُوَ أَرْضَعَنِي، وَلَكِنْ أَرْضَعَتْنِي امْرَأَةٌ أَبِي الْقَعَيْسِ، فَدَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ الرَّجُلَ لَيْسَ هُوَ أَرْضَعَنِي، وَلَكِنْ أَرْضَعَتْنِي امْرَأَةٌ أُخِيهِ. قَالَ: ائْذَنِي لَهُ فَإِنَّهُ عَمَّكَ تَرَبَّتْ يَمِينُكَ»

«Ҳижоб ҳукми нозил бўлганидан кейин Абул Қуайснинг акаси Афлаҳ менинг ҳузуримга кириш учун изн сўради. Мен: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ ﷺ дан рухсат сўрамагунимча унга изн бермайман», дедим. Чунки мени Абул Қуайснинг акаси(нинг аёли) эмизган эмас, балки Абул Қуайснинг аёли эмизган эди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ нинг олдиларига кирдим. Мен у кишига: «Эй Аллоҳнинг Расули, фалон киши менинг олдимга киришга рухсат сўраяпти. Мени у(нинг аёли) эмас, балки укасининг аёли эмизган», дедим. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Барака топгур, унга рухсат бер, чунки у сенинг амакинг

бўлади», дедилар» (муттафақун алайҳ). Эмизиш орқали маҳрам қилиб қўяётган нарса сутдир. Демак, киши эмаётган сутнинг эгаси аёл ёки эркак бўлишидан қатъий назар, ундан эмган эмизганга маҳрам бўлади, эмган киши унинг ўғлими ёки йўқми, фарқи йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда шахс ўз эмишган акасининг опа-сингилларига уйланиши ҳалол бўлади. Ўзи бирга эмишган опа-сингил, ака-укалари эса ҳалол бўлмайди. Агар шахс бир аёлни эмган бўлса, у аёл унга эмизган она бўлиб қолади ва унинг эри унинг отаси, фарзандлари эса ака-ука, опа-сингиллари бўлиб қолади. Лекин эмган шахснинг туғишган ака-ука, опа-сингиллари у эмишган ака-ука, опа-сингилларига ака-ука, опа-сингил бўлмайди ва улар туғишган ака-укаларининг эмишган опа-сингилларига уйланишлари мумкин бўлади. Демак, сут одамларни бир-бирига маҳрам қилиб қўйгувчи нарсадир.

Мазкур аёлларга уйланиш ҳаромдир. Булардан бошқа аёлларга уйланиш ҳалолдир Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзи бунга далилдир:

﴿وَأَحِلَّ لَكُمْ مَا وَرَاءَ ذَٰلِكُمْ﴾

„Мана шулардан бошқа (аёл)лар сизлар учун ҳалол қилинди“. [4:24]
Шунингдек, илгари айтиб ўтганимиздек, мушрика аёлларга ва эри бор аёлларга уйланиш ҳам ҳаромдир.

КЎПХОТИНЛИК

Аллоҳ Таоло Ўзининг муқаддас Китобида дейди:

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَتًى وَتَلْتَّ وَرُبِعَ فَإِن خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً
أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰ أَلَّا تَعُولُوا﴾

„Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир“. [4:3]

Ушбу оят Расулulloҳ ﷺга ҳижратнинг саккизинчи йилида нозил бўлган. Унинг нозил бўлиш сабаби хотинлар сонини тўрттага чеклаш эди. Ундан аввал хотинликка олинадиган аёллар сони чекланмаганди. Бу оятни ўқиш ва тушунишдан бу оят никоҳга олинаётган аёллар сонини тўрттага чеклаш учун нозил бўлгани аниқ бўлади. Унинг маъноси: «Сизларга ҳалол бўлган ва ёқтирган аёллардан иккита, учта, тўрттагача уйланинглар». «Масно», «сулоса», «рубоб» сўзлари такрорий сонлардан келиб чиққан, яъни «ўзингиз ёқтирган аёллардан иккита-иккитадан, учта-учтадан ва тўртта-тўрттадан уйланинглар», деган маънони англатади. Бу хитоб ҳаммага баробар, шунинг учун бир неча аёлга уйланишни хоҳлаётган ҳар бир киши уйланаётган аёллар мазкур сондан зиёда бўлмаслиги шарти билан хоҳлаган аёлга уйланиши учун, яъни унга рухсат этилган миқдордаги аёлларга уйлана олиши учун миқдорни такрорлаш вожиб бўлган. Буни қўйидагича қиёслаш мумкин. Масалан, минг динорни бир жамоатга бериб: «Бу пулни ҳар кишига икки динор - икки динордан ёки уч динор - уч динордан ёки тўрт динор - тўрт динордан тақсимлаб олинглар», деймиз. Агар бу сўзни биттадан, иккитадан деб айтилса, унда маъно бўлмайди. Демак, иборадан кўзда тутилган санокдан ҳар бир одам истаганича олиши учун «масно, сулоса ва рубоб» иборасини ишлатиш зарурдир. Зеро, Аллоҳ Таоло «Сизлардан ҳар бирингиз ўзига ҳалол бўлган аёлларга иккита-иккита, учта-учта ва тўрт-тўрттадан уйланинглар», дейди. Бу эса ҳар бирингиз иккита, учта ёки тўрттага уйланингиз, деган маънони англатади. Аммо:

﴿فَإِن خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً﴾

„Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)“. [4:3]

оятининг маъноси: «Агар бу миқдор хотинлар ўртасида адолат қила

олмасликдан қўрқсангиз, у ҳолда биттага уйланинг-да, ундан ортиғига уйланмай қўя қолинг», демакдир. Зеро, иш адолатга боғлиқдир. Демак, қачон одил бўлсангиз, у ҳолда биттадан кўпроғига уйланинг, биттани ихтиёр қилишингиз зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқдир. Оятдаги «أَدْنُ أَنْ لَا تَعُولُوا» сўзининг маъноси «зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқдир», демакдир. Чунки «авл»нинг маъноси жабр-зулмдир. Оиша رضي الله عنها Пайғамбар ﷺдан ривоят қилган:

«أَنَّ لَا تَعُولُوا: أَنْ لَا تَجُورُوا»

«Ал лаа таъуулуу - зулм қилмаслигингиз деган маънодадир».

Оят кўпхотинликка рухсат бериб, уни тўрттага чеклаб қўяди. Лекин уларнинг ўртасида адолатли бўлишга буюради ва адолатсизлик қилиб қўйишдан қўрққан вақтда битта билан кифояланишга тарғиб қилади. Чунки адолатсизликдан қўрққан вақтда биттага чекланиш зулм қилмасликка яқинроқдир ва бу мусулмон киши ўзида гавдалантириши лозим бўлган сифатлардан биридир.

Лекин шунини эсда тутиш лозимки, кўпхотинликка рухсат берилишида адолат шарт эмас, балки адолат қилиш бир неча аёлга уйланган киши ҳолатининг ва бундай ҳолатда риоя қилиши лозим бўлган ишнинг ҳукмидир ҳамда адолатсизлик қилиб қўйиш хавфи бўлганда битта аёлга чекланишга қилинган тарғибдир. Бунинг сабаби шуки:

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَثْنَى وَثُلثَ وَرُبَعًا﴾

„Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар“. [4:3]

дейилиши билан жумла тамом бўлади. Бунинг маъноси - кўпхотинлик мутлақ жоиз. Сўнг жумла тугаб, кейинги жумла янгидан бошланади: „Энди агар... қўрқсангиз“. Бу жумла шарт бўлиши мумкин эмас, чунки у олдинги жумлага шарт бўлиб боғланмаган, балки у янгидан бошланган жумладир. Агар Шорей унинг шарт бўлишини хоҳлаганда эди: «Агар адолат қилсангиз, сизга ҳалол бўлган аёллардан иккита, учта ва тўрттадан уйланинглар», деган бўлар эди. Оятда эса бундай дейилмаган. Демак, адолат шарт эмас. Балки адолат қилиш аввалги ҳукмдан бошқа, алоҳида шаръий ҳукмдир. Чунки биринчи ҳукм тўрттагача уйланишга рухсат беради ва кейин бошқа ҳукми келтириб, киши «кўп хотинли бўлсам, улар ўртасида адолат қила олмайман», деб билса, биттага чекланиши яхшироқ эканини баён қилади.

Бундан маълум бўладики, Аллоҳ Таоло кўпхотинликка бирор

чекловсиз, шартсиз ва иллат баён қилмасдан рухсат берган. Ҳар бир мусулмон унга ҳалол бўлган аёллардан иккита, учта ва тўрттага уйланиши мумкин. Шунинг учун Аллоҳ Таоло: „**Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган**“, деганини кўрамиз. Яна маълум бўладики, албатта Аллоҳ Таоло бизларни аёллар ўртасида адолат қилишга буюради ва улар ўртасида зулм қилишдан қўрқса, битта хотин билан кифояланишга тарғиб қилади, чунки битта билан чекланиш зулм қилмасликка яқинроқдир.

Талаб қилинаётган адолат - мутлақ адолат қилиш эмас, балки аёллар ўртасида инсон бажара оладиган доирадаги адолатдир. Чунки Аллоҳ Таоло инсонни тоқати етадиган ишгагина буюради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

„Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди“. [2:286]

Ҳа, оятдаги «адолат» сўзи умумий суратда келган: „**Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз**“. Бу эса ҳамма адолатни ўз ичига олади. Бироқ, бу умумийлик бошқа бир оят билан инсон қодир бўлган ишларга хосланган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ تَسْتَطِيعُوا أَنْ تَعْدِلُوا بَيْنَ النِّسَاءِ وَلَوْ حَرَصْتُمْ فَلَا تَمِيلُوا كُلَّ الْمِيلِ فَتَدْرُوهَا﴾

﴿كَالْمُعَلَّقَةِ﴾

„Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (сўйган хотинларингиз томонга) оғиб кетиб, (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўймангиз!“ [4:129]

Бу оятда Аллоҳ Таоло хотинларнинг айримларига буткул мойил бўлиб кетмайдиган ва уларнинг ҳуқуқларини кўп ёки кам адо қилмайдиган даражада хотинлар ўртасида адолат қилишга қодир эмаслигимизни баён қилади. Шунинг учун сизлардан тўлиқ адолат қилиш талаб қилинмади, балки сизлар уддасидан чиқадиган, қодир бўладиган адолат талаб қилинди ва бунинг учун тоқат етганича ҳаракат қилишларингиз шарт қилинди. Чунки қодир бўлинмайдиган ишга буюриш зулм доирасига киради.

﴿وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا﴾

„Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас“.

[18:49]

Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلَا تَمِيلُوا كُلَّ الْمِيلِ﴾

„**Бас, бутунлай** (суйган хотинларингиз томонга) **огиб кетмангиз**“, [4:129] деган сўзи:

﴿وَلَنْ تَسْتَطِيعُوا أَنْ تَعْدِلُوا﴾

„**Адолат қилишга қодир бўлмайсизлар**“, [4:129] сўзига боғланиб, ундан бевосита кейин келганлигининг маъноси: муҳаббатда адолат қилишга қодир бўлмайсизлар дегани ва муҳаббатдан бошқа нарсаларда адолатли бўлиш мумкинлигини англатишга далил бўлади. Олдинги оятда ҳам айнан шу нарса вожиб қилинган. Демак, талаб қилинаётган адолат муҳаббатдан бошқа нарсаларга хосдир. Муҳаббат ва жинсий алоқа бу адолат қилишдан мустаснодир. Чунки бу икки нарсада адолат қилиш вожиб эмас. Зеро, инсон ўз муҳаббатида адолат қила олиши мумкин эмас. Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинган ушбу ҳадис ҳам бу фикрни қувватлайди. Расулуллоҳ ﷺ нарсаларни тақсимлашда адолат қилар ва шундай дер эдилар:

«اللَّهُمَّ إِنَّ هَذَا قَسْمِي فِيمَا أَمْلِكُ، فَلَا تَلْمَنِي فِي مَا تَمْلِكُ وَلَا أَمْلِكُ»

«**Парвардигоро, бу ўзим қодир бўлган нарсадаги тақсимотим ва Сен мени ўзинг қодир бўлган ва мен қодир бўлмаган нарсада маломат қилма**». (Ҳоким ва Ибн Ҳиббон келтирган). Яъни, «мен қодир бўлмаган нарса», деганда қалбларини назарда тутган эдилар. Ибн Аббос:

﴿وَلَنْ تَسْتَطِيعُوا أَنْ تَعْدِلُوا بَيْنَ النِّسَاءِ﴾

„**Хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар**“, [4:129] ояти ҳақида: «Муҳаббатда ва жинсий қўшилишда», деган. Аллоҳ Таоло хотинлардан айримларига бутунлай берилиб мойил бўлиб кетишдан сақланишга буюрган. Бунинг маъноси - мойил бўлиш мубоҳ деганидир. Чунки бутунлай мойил бўлишдан қайтаришнинг маъноси мойил бўлиш мубоҳ деганидир. Масалан, Аллоҳ Таолонинг бутунлай қўли очиқ бўлишдан қайтарган ушбу:

﴿وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسِطِ﴾

„**Уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг**“, [17:29] ояти қўли очиқ бўлиш мубоҳлигини билдиради. Шунга кўра, эрнинг айрим хотинларига мойил бўлишига Аллоҳ Таоло рухсат берган. Бироқ, Аллоҳ Таоло бу мойил бўлишнинг ҳамма нарсани қамраб олгучи буткул мойиллик бўлишидан қайтарди. Балки

мойиллик мойил бўлиш сўзига мос келадиган ишларда, яъни муҳаббат ва жинсий алоқани хоҳлашда бўлади. Демак, оятнинг маъноси - бутунлай мойил бўлишдан сақланинг. Чунки сизлар айрим аёлларингизга бутунлай мойил бўлиб кетсангиз, бошқа аёлингизни на эрлик ва на талоқ қилинган - муаллақа аёлга ўхшатиб қўясиз. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ дедилар:

«مَنْ كَانَتْ لَهُ امْرَأَتَانِ يَمِيلُ لِاحِدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَجُرُّ أَحَدَ شِقِيئِهِ سَاقِطًا أَوْ مَاتِلًا»

«Қимнинг икки хотини бўлиб, уларнинг биридан кўра бошқасига мойил бўлса, Қиёмат куни тушиб кетган ёки қийшайиб қолган аҳволдаги бир томонини судраб келади». (Аҳмад ривояти).

Шунга биноан, эр зиммасига вожиб қилинган адолат – эр ўз хотинлари ўртасида тенг тақсим қилишга қодир ишларида – кечаси бирга ётиш, озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак ва шу каби ишларда бўлади. Аммо мойиллик маъносидаги ишлар, яъни муҳаббат ва жинсий алоқани хоҳлашда адолат қилиш вожиб эмас. Чунки бундай ишга инсон қодир эмас ва бундай мойиллик Қуръон нусусларида умумий мойилликдан истисно қилинган.

Шаръий нусусларда келган кўпхотинлик мавзуи шулардан иборат. Ушбу нусусларни ва уларнинг луғавий ва шаръий маъноларини ўрганиш, улар англатаётган маъноларни ва улардан истинбот қилинган ҳукмларни текшириш орқали маълум бўладики, Аллоҳ Таоло ҳеч қандай чеклов ва шартсиз кўпхотинликка рухсат берган. Бу хусусдаги нусуслар иллат баён қилмасдан келган. Аллоҳ Таоло Ўз ҳукмини унда иллат йўқлигини билдирувчи иборалар билан ифодалаган:

﴿ مَا طَابَ لَكُمْ مِّنَ النِّسَاءِ ﴾

„Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга“. [4:3]

Шунинг учун биз шаръий нусус ва ундан истинбот қилинган шаръий ҳукмлар чегарасида тўхташимиз зарур. Бу ҳукми адолат, эҳтиёж ва бошқа бирор иллат билан иллатлашимиз мумкин эмас, чунки нусус ҳукми иллатламаган ва бирорта шаръий нусусда бу ҳукмга иллат келган эмас. Ҳукмнинг илллати шаръий иллат бўлиши вожиб. Яъни, иллат воситасида ишлаб чиқилган ҳукм шаръий ҳукм бўлиши учун ўша иллат шаръий нусусда келган бўлиши шарт. Агар иллат ақлий иллат бўлса ёки шаръий нусусда келмаган бўлса, унинг воситасида ишлаб чиқилган ҳукм шаръий ҳукм бўлмайди.

Балки инсон тузган ҳукм бўлиб, уни татбиқ этиш ҳаромдир. Чунки шариатга асосланмаган ҳукмларнинг барчаси куфр ҳукмидир. **«Шореънинг хитоби»**, деб таърифланган шаръий ҳукм барча ҳукм Шореънинг хитобидан олинишини тақозо этади. Бу олиш ё оят-ҳадиснинг лафзидан ё мафҳумидан ё далолат жиҳатидан бўлади ёки мазкур нусусда шаръий ҳукм борлигини билдирувчи ишора бўлади. Ушбу ишора мавжуд бўлган ҳар бир ҳукм шаръий ҳукм бўлиб қолади. Бу ишора нусусда ё очиқ, ё далолатан, ё истинботан ёки қиёсан келган шаръий иллатдир. Агар ушбу ишора, яъни иллат нусусда келмаган бўлса, ундай иллатнинг қиймати йўқ. Бундан маълум бўладики, кўпхотинликни бирор иллат билан иллатлаш мумкин эмас, чунки Шореънинг хитобида унга бирорта иллат келган эмас. Ҳукмнинг шаръий ҳукм бўлишида Шореънинг хитобида келган иллатдан бошқа ҳар қандай иллатнинг асло қиймати йўқ.

Бироқ, шаръий ҳукмни иллатлаш мумкин эмаслиги мазкур шаръий ҳукм таъсирида ҳосил бўладиган воқеликни ва у муолажа қиладиган муаммолар воқелигини шарҳлаш мумкин эмаслигини англатмайди. Чунки бу иш ҳукмни иллатлаш эмас, балки воқеликни шарҳлаш бўлади. Воқеликни шарҳлаш билан ҳукмни иллатлаш ўртасидаги фарқ шуки, ҳукмни иллат билан иллатлаш учун иллатнинг доимий бўлиши ва ушбу иллат мавжуд бўлган бошқа барча нарсалар унга қиёсланиши зарур. Аммо воқеликни шарҳлаш эса, воқелик ўз ичига олган барча нарсаларни - бу нарсалар унда доимий бўлмаслиги ҳам мумкин - шу шарҳ асносида баён қилиш бўлиб, бунга бошқасини қиёслаш жоиз эмас. Шунга кўра, кўпхотинликнинг таъсири шундан иборатки, кўпхотинликка рухсат берилган жамоат орасида ўйнашлар орттиришлар юз бермайди ва кўпхотинликка рухсат берилмаган жамоат орасида ўйнаш орттириш ҳолатлари юз беради. Бунга қўшимча, инсоний жамоат деган сифати билан инсоний жамоатда содир бўладиган кўп муаммоларни кўпхотинлик ҳал қиладигани, бу муаммоларни ҳал қилиш кўпхотинликка рухсат беришга муҳтож бўлади. Қўйида бундай муаммолардан мисоллар келтирамиз:

1. Баъзи эркакларда битта аёл билан кифояланмайдиган ғайриоддий табиатлар мавжуд бўлиб, улар ё ёлғиз хотинни қийнаб, озор берадилар ёки иккинчи, учинчи ва тўрттинчи хотинга уйланиш учун эшик очиқ бўлмагач, бошқа аёлларга интилиб қоладилар. Бунда эса одамлар ўртасида фаҳш ишларнинг ёйилиши ва оила аъзолари ўртасида ёмон гумон ва ўринсиз шак-шубҳалар пайдо бўлиши каби зарарлар бор. Шунинг учун бундай табиатли кишилар ўзларининг жисмоний талабларини қондириш учун Аллоҳ

тузиб берган ҳалол йўлга эшикни очиқ ҳолда топишлари зарур.

2. Баъзан аёл киши туғмас, бепушт бўлиши мумкин, лекин эр-хотинлик ҳаётини ўзаро осойишта давом эттиришга уларни ундаётган муҳаббат эр ва хотиннинг қалбларида мавжуд бўлади. Эр эса фарзанд кўришни истайди ва болаларни яхши кўради. Агар бу эрга бошқа аёлга уйланишга рухсат берилмаса у ё аввалги хотинини талоқ қилиши керак - бу ҳолатда оила биноси ва осойишталиги барбод бўлади ва осойишта эр-хотинлик ҳаёти йўққа чиқади. Ёки насл қолдириш ва фарзанд неъматидан маҳрум бўлиши керак, бунда эса отанинг нав ғаризасидан фойдаланишига тўсиқ қўйилган бўлади. Шунинг учун бундай эр талаб қилаётган фарзандларга эга бўлиши учун хотини устига бошқа хотин олишга кенг шароит бўлиши лозим.

3. Баъзан аёл ўз эри билан жинсий алоқада бўлишига монелик қиладиган ёки эрининг, оиласи ва болаларининг юмушларини бажаришга йўл бермайдиган бирор касаллик билан бетоб бўлиб қолади. Шу билан бирга эри учун қадрли ва суюкли бўлади. Эр уни талоқ қилишни хоҳламайди ва бошқа аёлсиз у аёл билан унинг турмуши турмуш бўлмайди ҳам. Демак, шундай ҳолатларда ҳам биттадан ортиқ аёлга уйланиши учун эрга эшикларни кенг очиб қўйиш лозим.

4. Гоҳо минглаб, балки миллионлаб эркаклар қирилиб кетадиган урушлар, қўзғолонлар бўлади ва эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги мувозанат бузилади. Масалан, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида бутун оламда, хусусан Европада шу ҳол рўй берган. Агар эркак киши биттадан ортиқ аёлга уйлана олмаса, қолган кўпчилик аёллар нима қилади? Улар оила ҳаёти, хонадон осойишталиги ва эр-хотинлик лаззатидан маҳрум ҳолда яшайдилар. Бундан ташқари, нав ғаризаси қўзғалган вақтда ахлоққа хатарли бўлган ишларни келтириб чиқариши мумкин.

5. Баъзан бир миллат ёки бир халқ ёки бир ўлкада эркак ва аёлларнинг туғилиши тенг бўлмайди. Гоҳо аёллар сони эркакларга нисбатан кўпроқ бўлади ва ўртадаги мувозанат йўқолади. Бу ҳол жуда кўп миллат ва халқларда учрайди. Бундай ҳолда кўпхотинликка рухсат беришдан бошқа бирор ечим бу муаммони ҳал қила олмайди.

Булар - миллат ва халқлардаги инсоний жамоатларда юз бераётган муаммолардир. Агар кўпхотинлик ман этилса, мазкур муаммолар ечимсиз қолади, чунки уларни фақат кўпхотинликка рухсат бериш билангина ечиш мумкин. Демак, инсонда содир бўладиган муаммоларни ҳал қилиш учун кўпхотинликка рухсат бериш лозим. Дарҳақиқат, Ислом кўпхотинликка рухсат берган,

лекин уни вожиб қилмаган. Кўпхотинликка рухсат бериш зарур ишдир. Лекин билиб қўйиш лозимки, юқорида айтилган мисоллар инсонда ва башарий жамятда гоҳо содир бўладиган муаммолар бўлиб, улар кўпхотинлик учун иллат ҳам, унинг мумкинлигига шарт ҳам эмас, балки содир бўладиган воқеий муаммолардир. Эркак киши иккинчи, учинчи ва тўртинчи хотинга уйланишга мутлақо ҳақли ва бунда кўпхотинликка муҳтож бўладиган муаммолар содир бўлиши ёки бўлмаслигининг эътибори йўқ. Чунки Аллоҳ Таоло:

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَثْنَى وَثُلَّةً وَرُبْعًا﴾

„Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар“. [4:3]

дейди. Бу оятда: «*никоҳи ҳалол бўлган*», деган ва уни ҳеч қандай чеклов ва шартсиз, умумий қилган. Энди битта аёл билан кифояланишга келсак, шариат бунга фақат бир ҳолатда, яъни адолатсизликдан қўрқиш ҳолатидагина тарғиб қилган. Бундан бошқа ҳолатда битта билан кифояланишга тарғиб бирон-бир нассда келган эмас. Кўпхотинлик Қуръони Карим далили билан очиқ-равшан келган шаръий ҳукм бўлса-да, капиталистик сақофат ва фақат Исломга (бошқа динларга эмас!) қарши олиб борилаётган Ғарб оммавий ахборот воситалари тарғиботи кўпхотинликни жуда хунук суратда тасвиради ва уни динни камситувчи ва обрўсизлантирувчи ишга айлантирди. Уларни бу ишга ундаётган омил Аллоҳнинг ҳукмларида мулоҳаза қилинган айб-нуқсон эмас, балки Исломга зарба беришдир. Уларни бундан бошқа нарса ундаган эмас. Бу ташвиқотлар мусулмонларга, хусусан ҳокимларга, талаба ёшларга таъсир қилди ва Ислом туйғулари қалбларини тарк этмаган бундай кишиларни Исломни ҳимоя қилишга ҳамда Ислом душманлари ривожлантирган ботил тарғиботлардан таъсирланганлари учун кўпхотинликни тақиқловчи ботил-нотуғри таъвиллар қилишга ундади. Шунинг учун шариат чиройли деб белгилаган иш чиройли ва хунук дегани хунук, у ҳалол қилган иш чиройли ва ҳаром қилган иш хунук эканлигига мусулмонларнинг эътиборини қаратиш лозим. Кўпхотинлик яхши натижа берадими-йўқми, пайдо бўлган муаммоларни ҳал қиладими ёки йўқми, бундан қатъий назар, шариат унга рухсат берган ва Қуръонда бу хусусда насс келган экан, демак у чиройли иш, уни тақиқлаш эса хунук ишдир. Чунки кўпхотинликни тақиқлаш куфр ҳукмидир. Шу нарса равшан бўлиши лозимки, Ислом кўпхотинликни фарз ҳам, мандуб ҳам қилган эмас, балки агар мусулмонлар уни лозим топсалар, бажаришлари мумкин бўлган мубоҳ иш деб белгилаган. Унинг

мувоҳид қилинган - унинг, керак вақтда одамлар фойдаланишлари мумкин бўлган имконият қилиб берилганини англатади. Агар истасалар, ўзлари ёқтирган аёллардан ўзларини маҳрум этмаслик учун Исломи ружсат берган имкониятдан фойдаланадилар. Қўпхотинликнинг вожиб эмас, мувоҳид қилинган уни жамият ва жамоатлар учун инсоният олдидаги энг фойдали ечим қилиб қўяди.

РАСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ УЙЛАНИШЛАРИ

Аллоҳ Таолонинг ушбу ояти:

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَتًى وَتَلْتَّ وَرُبِعَ فَإِن خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا فَوَاحِدَةً
أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ﴾

„Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг)“. [4:3]

ҳижрий саккизинчи йилнинг охирларида, Расулуллоҳ ﷺ ҳамма хотинларига уйланганларидан сўнг нозил бўлди. Бу оят нозил бўлган вақтда Расулуллоҳ ﷺ тўрттадан кўпроқ аёлга уйланган эдилар. Улардан бирортасини ҳам тарк этмасдан, барчалари билан яшайвердилар. Чунки тўрттадан ортиқ аёлга уйланиш Расулуллоҳ ﷺнинг ўзларига хос - бошқа мусулмонларга эмас - хусусиятларидир. Расулуллоҳ ﷺнинг тўрттадан ортиқ аёлга уйланганлари ва хотинларни тўрттага чеклаган оят нозил бўлганидан кейин ҳам улар билан яшаганликлари, тўрттадан ортиқ аёлга уйланиш Расулуллоҳ ﷺнинг ўзларига хос хусусият эканини билдиради. Расулуллоҳ ﷺнинг қилаётган амаллари айтаётган сўзларига зид бўлмайди. Агар сўзлари ва амаллари ўртасида зиддият пайдо бўлса, амаллари ўзлари учун хос ва сўзлари бутун Умматга умумий бўлади. Чунки усул илмида: «Расулуллоҳ ﷺнинг феъллари Умматга хос бўлган сўзларига зид бўлмайди, балки ўзларига хос бўлади», деган қоида бор (яъни, Расулуллоҳ ﷺнинг феъллари Умматга хос бўлган сўзларига зид бўлса, бу феъл у зотнинг ўзларига хос феъл бўлади). Чунки Расулуллоҳ ﷺнинг Умматга хос бўлган буйруқлари у зотнинг сўзлари ва амалларига эргашишни тақозо этган далилларга нисбатан хосроқдир. Демак, умумийлик хосга асосланади. Шунинг учун Умматга буюрилган ишга зид бўлган бу ишдан намуна олиш мумкин эмас. Зеро, Расулуллоҳ ﷺнинг тўрттадан кўп хотинга уйланишлари ва ўзини ҳадя қилган аёлдан баҳраманд бўлишларини Қуръони Карим оятлари айтиб ўтган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَاجَكَ الَّتِي ءَاتَيْتَ أَجُورَهُنَّ. وَمَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ مِمَّا









أَفَاءَ اللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتِ عَمَّكَ وَبَنَاتِ عَمَّتِكَ وَبَنَاتِ خَالَكَ وَبَنَاتِ خَالَتِكَ الَّتِي هَا جَرْنَ




مَعَكَ وَأَمْرًا مُّؤَمَّنَةً إِنْ وَهَبْتَ نَفْسَهَا لِلتَّبِيِّ إِنْ أَرَادَ التَّبِيُّ أَنْ يَسْتَنْكِحَهَا خَالِصَةً لَّكَ مِنْ
 دُونِ الْمُؤْمِنِينَ قَدْ عَلِمْنَا مَا فَرَضْنَا عَلَيْهِمْ فِي أَزْوَاجِهِمْ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ لِكَيْلَا
 يَكُونَ عَلَيْكَ حَرَجٌ ﴿۵۰﴾

„Эй пайгамбар, албатта Биз сиз учун ҳаққи-махрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ сизга (жангу жадалларда) ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини, яна (ҳар қандай) мўмина аёлни - агар у ўзини пайгамбарга ҳадя этса-ю, пайгамбар уни ўз никоҳига олишни истаса, (мазкур аёлларнинг барчасини Биз сиз учун) ҳалол қилдик. (Бу ҳукмлар) мўминлар учун эмас, ҳолис сиз учундир. Биз (мўминларга) жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимиз эса аниқ маълумдир. Токи сизга танглик бўлмаслиги учун (Биз сизга мазкур имтиёзларни бердик)“. [33:50]

Бу оят: „(Бу ҳукмлар) мўминлар учун эмас, ҳолис сиз учундир“, деяпти. Оятдаги «ҳолис» сўзи ўзидан олдинги жумла маъносини таъкидлаш учун келган масдардир. Яъни, маъноси: «Сизга рухсат этилган ушбу иш фақат сиз учун ҳолис қилинди». Бунинг ўзидан олдин келган барча ишларни Расулуллоҳ ﷺ га хос қилиб ўз ичига олганлигининг далили унинг тўртта ҳалол қилинган нарсадан кейин келганлигидир. Бу тўрт ҳалол қилинганлар: аёлларнинг ҳалол бўлиши, бевосита ўлжадан тушган чўрилар, у зот билан бирга ҳижрат қилган қариндошларининг қизлари ва аёлнинг ўзини-ўзи совға қилишидир ва бу таъкид йўли билан келган. Бу сўз ушбу маъно тамомига етгандан кейин ва: „**мўминлар учун эмас**“, сўзидан кейин: „**Биз (мўминларга) жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимиз эса аниқ маълумдир**“, келганлиги яна ҳам фикримизни қувватлайди. Бунинг маъноси шуки, бу уларга фарз қилган ишларимиздан бошқадир. Шунинг учун буларнинг барчасидан кейин ушбу: „**Токи сизга танглик бўлмаслиги учун (Биз сизга мазкур имтиёзларни бердик)**“, сўзлари келган, яъни сизга қийин бўлмаслиги учун.

Шунинг учун Расулуллоҳ ﷺ нинг уйланишлари амалда ўрناк қилиб олинмайди ва қонун ишлаб чиқишда баҳс мавзую қилинмайди, чунки бу иш Расулуллоҳ ﷺ нинг ўзларига хос ишлардандир. Бунинг устига, Расулуллоҳ ﷺ нинг уйланишлари шуни кўрсатадики, у эркаклик-аёллик алоқаси жиҳатидан ўзининг

жинсий талабини қондириш мақсадида жинсий қўшилиш учун уйланган кишининг уйланиши эмас, балки пайғамбарнинг уйланиши бўлганди. Тарихий ҳақиқатга мурожаат қилишимиз билан биламизки, Пайғамбар ﷺ йигирма уч ёшларида Хадича га уйланганлар ва Хадича онамиз ёлғиз ўзлари Расулуллоҳ га йигирма саккиз йил хотин бўлдилар. Хадича онамиз пайғамбарликнинг ўн биринчи йилида, яъни ҳижратдан икки йил олдин, саҳифа бекор бўлганидан бир неча ой кейин ва Тоифга чиқишларидан озгина олдин вафот этдилар. Бу 620 милодий йилда бўлган, ўшанда Расулуллоҳ  50 ёшда эдилар. Ўша даврда кўпхотинлик араблар ўртасида қанчалик кенг тарқалган бўлишига қарамасдан, Расулуллоҳ  Хадича онамизга уйланганларидан кейин то у зот вафот этгунича устларига хотин олишни ўйламаганлар. Хадича билан бирга пайғамбарликдан олдин ўн етти йил тинч-осойишта ҳаёт кечирдилар, пайғамбарлик келганидан кейин ҳам у билан даъват ва куфр фикрларига қарши кураш жараёнида ўн бир йилча бирга яшадилар ва шу билан бирга уйланиш ҳақида ўйлаб ҳам қўймадилар. Хадича га уйланганларида ҳам ва ундан олдин ҳам Расулуллоҳ нинг аёлларнинг гўзаллигига қизиққанлари кузатилмаган. Ҳолбуки жоҳилият аёлларининг очиқ-сочиқ юришлари одамларни ўзига жалб этарди. Ёшлари элликдан ўтганидан кейин эса бир аёлга қаноат қилмайдиган тарзда кескин ўзгариш бўлиб, устма-уст уйланганларини ва ўн бир аёлни никоҳларига олганларининг гувоҳи бўлишимиз ғайритабиий ҳолдир. Эллик беш ёшларида етти аёлни ўз никоҳларида жамлаганлар. Эллик беш ёшдан ўтиб, умрларининг охири етти йили мобайнида эса тўққиз аёлни никоҳларида сақлаб турганлар. Шу ёшга етиб қолган кишидан ушбу ишлар содир бўлиши аёлларга бўлган рағбатдан бўлиши мумкинми? Ёки жинсий алоқа кўринишидаги нав ғаризасини қондиришга интилиш орқали содир бўладими? Ёки бу ишларга Расулуллоҳ  киришиб кетган ҳаёт, яъни одамларга етказишга буюрилган пайғамбарлик ҳаёти воқелиги тақозо этган бошқа омиллар ундаганми? Буни тушуниш учун Пайғамбар нинг уйланишларини кўриб чиқамиз.

Пайғамбарликнинг ўн биринчи йилида, яъни Хадича  вафот этган йилда Расулуллоҳ  уйланиш ҳақида ўйладилар. Бу пайтда ёшлари элликда эди. Шундан кейин дўстлари ва биринчи бўлиб иймон келтирган киши - Абу Бақрнинг қизлари Оишага совчи қўйдилар. Оиша олти ёшли қизча бўлганлиги туфайли никоҳларига олдилар, лекин қўшилишлари уч йил кейин, Мадинага ҳижрат қилиниб, Оиша тўққиз ёшга етгач бўлди. Лекин Расулуллоҳ  Оишага никоҳланган вақтларида Замъа қизи Савдага ҳам уйланган

эдилар. Савда Ҳабашистонга ҳижрат қилиб, кейин Маккага қайтгач вафот этган мусулмонлардан бири - Сакрон ибн Амр ибн Абдушамсининг беваси эди. Савда ҳам Сакрон билан бирга Исломга кирган, бирга ҳижрат қилган ва у билан бирга машаққат ва озорларни чеккан эди. Эрининг вафотидан сўнг Расулуллоҳ ﷺ унга уйландилар. Савдада унга уйланишга қизиқтирадиган дунё тамаъларидан бирортаси - на ҳусни-жамол, на бойлик ва на мартаба борлиги ривоят қилинмаган. Расулуллоҳ ﷺ у аёлга эрининг вафотидан сўнг уйланганларидан уни ўз қарамоқларига олиш ва мартабасини мўминлар онаси даражасига кўтариш бўлганлиги тушунилади. Расулуллоҳ ﷺ ҳижратдан кейин Савда учун масжид ёнига уй қурдилар ва бу уй у зотнинг хотинлари учун қурилган энг аввалги уй эди.

Кейин, ҳижратнинг биринчи йилида ансорлар ва муҳожирларни биродарлаштирганларидан кейин Пайғамбар ﷺ масжид ёнидаги Савданинг уйига қўшни қилиб Оишага уй қуриб жойлаштирдилар ва у билан қўшилдилар. Дўстлари ва вазирлари Абу Бакр ﷺ га ҳам қизларининг олдига келишга изн бердилар.

Кейин, ҳижратнинг иккинчи йилида Бадр ғазотидан кейин ва Уҳуд ғазотидан олдин Умар ибн Хаттобнинг қизи Ҳафсага уйландилар. Ҳафса бундан олдин Исломга биринчилар қатори кирган Ҳанишнинг хотини эди ва Ҳанишнинг вафотига етти ой бўлган эди. Расулуллоҳ ﷺ Ҳафса онамизга уйланишлари билан иккинчи вазирлари ва дўстлари Умар ибн Хаттобга ҳам уйларига - қизининг олдига келишга изн бердилар. Оиша ва Ҳафсага уйланишлари икки вазирлари ва ёрдамчилари, даъват, ҳокимият, уруш ва бундан бошқаларда ёнларида турадиган икки мулозимларининг қизларига уйланиш бўлиб, фақатгина хотин олишнинг ўзи эмас эди. Оиша Расулуллоҳ ﷺ учун суюкли ва чиройли бўлган бўлсалар, Ҳафса онамиз бундай эмас эдилар. Бу эса уларнинг ҳар иккисига уйланишлари жинсий эҳтиёжни қондиришдан бошқа мақсад бўлганини кўрсатади.

Кейин, ҳижратнинг бешинчи йилида Бану Мусталақ ғазотида Ҳорис ибн Абу Зирорнинг қизи Жувайрияга уйландилар. Бу аёлга уйланишларининг сабаби унинг отасини ўзларига яқин қилиш ва аёлнинг мартабасини кўтариш эди. Чунки бу аёл Бану Мусталақдан асир олинганлар ичида бўлиб, бир ансорийнинг улушига тушган эди. Бану Мусталақ қабиласи бошлиғининг қизи бўлган Жувайрия унга хўжайин бўлиб қолган кишидан ўзини сотиб олишни хоҳлади. Ансорий эса унинг Бану Мусталақ бошлиғининг қизи эканини билгани сабабли фидя нархини қиммат айтди. Отаси қизини озод қилиш учун фидяни Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига

келтириб, уни озод қилди ва Расулulloҳ ﷺнинг пайғамбар эканликларига ишонч ҳосил қилгач, Исломга кирди. Кейин қизи Жувайрияни ҳам Пайғамбар ﷺ ҳузурларига олиб келди ва қиз ҳам отаси каби Исломга кирди. Кейин Расулulloҳ ﷺ унинг отасидан қизининг қўлини сўрадилар ва отаси қизини Расулulloҳ ﷺга берди. Расулulloҳ ﷺнинг Жувайрияга уйланишлари бўйсунган қабила бошлигининг қизига уйланиш эди ва бу билан қабила бошлигининг дўстлигини қозонишни ирода қилгандилар.

Ҳижратнинг еттинчи йилида Хайбар устидан галаба қозонилганидан кейин яҳудий бошлиқларидан бири Ҳуяй ибн Ахтабнинг қизи Сафияга уйландилар. Уйланишларининг ҳикояси шуки, Сафия Хайбар қўрғонидан асир олинганлар ичида эди. Мусулмонларнинг баъзилари Расулulloҳ ﷺга: «Сафия Бану Қурайза ва Бану Назир қабилаларининг улуг аёли ва у фақат сизгагина лойиқдир», дейишди. Расулulloҳ ﷺ уни озод қилиб, кейин уйландилар. Бу билан уни қулликдан озод қилдилар ва унинг обрўсини сақлаб қолдилар, мартабасини кўтардилар. Ривоят қилишларича, Абу Айюб Холид ал-Ансорий – Расулulloҳ ﷺ томонидан ўлдирилган отаси, акаси ва қавмининг алаmidан – Сафия қалбида у кишига қарши адоват қўзғалиб қолишидан қўрқди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ Хайбардан қайтишда Сафияга уйланган чодирнинг атрофида қуролланган ҳолда кечаси билан соқчилик қилди. Расулulloҳ ﷺ эрталаб туриб уни кўриб қолиб: **«Бу ерда нима қилияпсан?»**, дедилар. Абу Айюб: «Бу аёлдан сизга зарар етиб қолишидан қўрқдим, чунки сиз унинг отаси, акаси ва қавмини ўлдиргансиз, ўзи эса кўфрдан энди қутулган», деди. Пайғамбар ﷺ уни тинчлантирдилар. Сафия эса Расулulloҳ ﷺнинг вафотларига қадар садоқатли ва вафодор бўлиб бирга яшади.

Кейин, ҳижратнинг саккизинчи йили амакилари Аббос ибн Абдулмутталибнинг хотини Уммул Фазлнинг синглиси Маймунага уйландилар. Бу воқеа қазо умрасининг охирида бўлган эди. Уйланишларининг ҳикояси - Маймуна йигирма олти ёшда бўлиб, турмушга чиқаришда опаси Уммул Фазлни вакил қилган эди. Маймуна қазо умрасида мусулмонларнинг ҳолини кўргач, Исломга ҳиммати кучайди ва Аббосни ўз жияни саййидимиз Муҳаммад ﷺга таклиф билан ўртага қўйди ва ўзини ул зотга никоҳга олишларини таклиф қилди. Пайғамбар ﷺ бу таклифни қабул қилдилар. Ҳудайбийя аҳдномасида кўрсатилган уч кун ниҳоясига етган эди. Лекин Расулulloҳ ﷺ Маймунага уйланишларидан ўзлари билан Қурайш ўртасидаги тушунмовчиликни юмшатиш учун фойдаланмоқчи бўлдилар. Ҳузурларига Суҳайл ибн Амр билан Ҳувайтиб ибн Абдулuzzо Қурайш тарафидан элчи бўлиб келиб: «Бу

ерда туриш муддатингиз тугади ва энди чиқиб кетинг», дейишди. Уларга Расулulloҳ ﷺ «Сизларнинг олдингизда тўй қилиб уйлансам ва сизларга зиёфат берсак, нима дейсизлар?», дедилар. Улар эса: «Сизнинг зиёфатингизнинг бизга кераги йўқ, чиқиб кетинг», деб жавоб беришди. Расулulloҳ ﷺ ҳеч иккиланмай чиқиб кетдилар ва орқаларидан мусулмонлар ҳам эргашдилар.

Зайнаб бинт Хузайма ва Умму Саламаларга уйланишлари эса уруш майдонларида шаҳид бўлган икки саҳобаларининг беваларига уйланиш эди. Зайнаб Бадр ғазотида шаҳид бўлган Убайда ибн Ҳорис ибн Мутталибнинг хотини бўлиб, чиройли хотин эмас эди. У ўзининг поклиги ва эҳсонкорлиги билан Уммул-масокин (мискинлар онаси) деб ном олган эди. Унинг ёши ўтиб қолган эди. Расулulloҳ ﷺ уни ҳижратнинг иккинчи йилида, Бадр жангидан кейин, унинг эри шаҳид бўлганидан кейин никоҳларига олдилар. Турмушларига икки йил бўлмасидан Зайнаб вафот этди. Расулulloҳ ﷺ дан олдин вафот этган хотинларининг бири Хадича онамиз бўлса, иккинчиси у эди. Умму Салама эса Абу Саламанинг хотини эди, ундан бир неча ўғиллари бор эди. Уҳуд ғазотида Абу Салама жароҳатланди ва бу жароҳат тузалиб кетгач, Расулulloҳ ﷺ уни Бану Асад қабиласига қарши урушгани байроқдор қилиб жўнатдилар. Уларни енгиб, ўлжа билан қайтди. Шундан кейин унинг Уҳудда олган жароҳати шишиб кетди ва шу жароҳат билан вафот этди. Абу Салама ўлим тўшагида ётганида Расулulloҳ ﷺ уни кўргани кирдилар ва унинг ёнида яхши дуоларини қилган ҳолда жон таслим қилгунича ўтирдилар ва кўзини ёпиб қўйдилар. Абу Саламанинг вафотидан кейин тўрт ой ўтгач, Расулulloҳ ﷺ Умму Саламага совчи қўйдилар. У эса фарзандларининг кўплиги ва ёшининг ўтиб қолганлигини айтиб узр сўради. Лекин Расулulloҳ ﷺ бу талабларида қаттиқ турдилар ва унга уйландилар ҳамда ўғилларини тарбиялашга аҳамият бердилар. Демак, бу икки аёлга Расулulloҳ ﷺ жангда шаҳид бўлган икки биродарларининг оиласига ғамхўрлик қилиш учунгина уйланганлар.

Умму Ҳабиба бинт Абу Суфёнга уйланишлари эса Ҳабашистонга дини учун ҳижрат қилган, эри Исломдан қайтиб муртад бўлиб кетганида ҳам дин йўлида озорларга сабр қилган аёлга уйланиш эди. Умму Ҳабибанинг асл исми Рамла бўлиб, у Макка бошлиғи ва мушрикларнинг етакчиси Абу Суфённинг қизи эди. У Расулulloҳ ﷺ нинг аммаларининг ўғли Убайдуллоҳ ибн Жаҳш Асадийнинг хотини эди. Умму Ҳабиба отасининг кофирлик вақтида эри Убайдуллоҳ Исломга кирганидан кейин Исломни қабул қилган ва отасининг озор беришидан қўрқиб, ҳомиладор бўлишига қарамай, эри билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган эди. Ҳижратда қиз туғди

ва унга Ҳабиба деб исм қўйишди. Рамланинг Умму Ҳабиба (Ҳабибанинг онаси) деб номланиши ҳам шу қиздан эди. Лекин Убайдуллоҳ ибн Жаҳш кўп ўтмай Исломдан қайтди ва ҳабашларнинг дини бўлган насронийликни қабул қилди. Сўнгра хотини Рамлани ҳам Исломдан қайтаришга уринди, лекин Рамла сабр қилиб, ўз динидан қайтмади. Кейин Расулуллоҳ ﷺ Нажошийга элчи юбориб, ундан Умму Ҳабибага совчи бўлишни сўрадилар. Нажоший бу хабарни Умму Ҳабибага етказди. Умму Ҳабиба ҳам ўз томонидан Холид ибн Саид ибн Осни никоҳ битимига вакил қилди. Шундай қилиб, уларнинг никоҳлари амалга ошди. Никоҳда Холид Умму Ҳабиба томонидан, Нажоший Расулуллоҳ ﷺ томонларидан вакил бўлишди. Хайбар урушидан кейин Ҳабашистон муҳожирлари Мадинага қайтгач, улар билан бирга Умму Ҳабиба ҳам қайтди ва Расулуллоҳ ﷺнинг уйларига кирди. Мадина Расулуллоҳ ﷺнинг тўйларини нишонлади ва Умму Ҳабиба Расулуллоҳ ﷺнинг уйларида яшай бошлади.

Аммо Зайнаб бинти Жаҳшга уйланишлари бир неча ҳукмларни қонунлаштириш бўлган эди. Аммаларининг қизлари Зайнабнинг Қурайш иттифоқчиларидан бири бўлган Бану Асад қабиласидан бўлишига қарамай, озод қилинган қул бўлмиш Зайдга бериш билан одамлар ўртасидаги турмуш қуришда эр ва аёл тенг бўлиши керак деган одатни бекор қилишни қонунлаштириш эди. Яна ўша пайтларда ўғил қилиб боқиб олинган бола боқиб олган кишига ўз фарзандидек бўлиб, унинг хотинига уйланиши мумкин эмас эди. Расулуллоҳ ﷺ бу одатларни бекор қилиш учун озод қилинган қуллари Зайд ўз хотинини талоқ қилганидан кейин у аёлни никоҳларига олдилар. Бу воқеа шундай бўлган эди. Зайнаб бинт Жаҳш Абдулмутталибнинг қизи Умайманинг, яъни Расулуллоҳ ﷺнинг аммаларининг қизи бўлиб, Расулуллоҳ ﷺнинг кўз ўнгларида ва кузатувларида катта бўлган эди. Шу туфайли у Расулуллоҳ ﷺга қизлари ёки сингиллари каби эди. Унинг Зайдга турмушга чиқишидан олдин ҳам мафтункор ёки мафтункор эмаслигини билардилар. Зайнабни гўдаклигидан билардилар ва у зотга Зайнаб жуда яхши маълум эди, худди ўз қизларидек эди. Пайғамбар ﷺ уни Зайдга турмушга беришларини сўраб совчи бўлганлар. Аммо унинг акаси Абдуллоҳ ибн Жаҳш Бану Асад қабиласидан бўлган, яна бунинг устига Расулуллоҳ ﷺнинг аммаларининг қизи бўлган синглисини Хадича сотиб олган, кейин Муҳаммад ﷺ озод қилган қулга хотин бўлишига кўнмади ва буни Зайнаб учун ор деб билди. Ҳақиқатан ҳам бу ўша пайтдаги арабларда қаттиқ ор саналар эди. Улар улуг оилага мансуб қизларини озод бўлган қулларга бермас эдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ миллатчиликка асосланган бу

бузуқ одатни йўқотишни ва араблар бошқалардан тақво билангина устун бўлишлари мумкинлигини ва ушбу:

﴿إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقَىٰكُمْ﴾

„Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлирогингиз тақводоррогингиздир“. [49:13]

оятининг маъносини инсонлар тушунишларини хоҳладилар. Бу ишга бегона аёлларни мажбур қилишни истамадилар. Майли, арабларнинг ушбу урф-одатларини парчаловчи одатни аммаларининг қизи Зайнаб кўтариб чиқсин ва одамлардан эшитиш оғир бўлган гап сўзларга эътибор бермасин. Расулуллоҳ ﷺ ўғил қилиб олган қуллари ва арабларнинг одатига кўра бошқа ўғиллари қатори мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган Зайд Зайнабга уйлансин. Бу билан Зайд боқиб олинган ўғиллар учун буюк Шореънинг ҳозирлаб қўйган қурбони бўлишга тайёр турсин. Расулуллоҳ ﷺ Зайнаб Зайднинг хотини бўлишини ва акаси бунга рози бўлишини талаб қилиб қаттиқ туриб олдилар, Зайнаб ва акаси Абдуллоҳ эса буни рад этишда маҳкам турдилар. Шунда Аллоҳ Таоло ушбу оятни нозил қилди:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

„Аллоҳ ва Унинг пайгамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирор мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озин билан йўлдан озибди“. [33:36]

Шундан сўнг ака-сингилнинг бўйсунушдан бошқа чоралари қолмади. Улар: «Эй Расулуллоҳ, биз розимиз», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ Зайнабнинг маҳрини берганларидан сўнг Зайд унга уйланди. Лекин Зайд билан Зайнаб ўртасидаги турмуш кўнгилдагидек бўлмади, балки қандай совуқ ва изтиробли бошланган бўлса, шундай совуқ ва изтиробли давом этди. Бу иш Аллоҳ ва Расули ﷺнинг буйруғи эканига қарамай, Зайнабнинг кўнгли бу ишдан тўлмади ва эрига бўйсунмади, қалби унга мойил бўлмади. Балки Зайдга ўзининг қул бўлмаганини айтиб фахрланишда ва унинг турмушини аччиқ қилишда давом этаверди. Зайд бу ҳақда бир неча бор Расулуллоҳ ﷺга шикоят қилди ва хотинининг ёмон муомаласини айтди. Уни талоқ қилишга кўп марта изн сўради. Расулуллоҳ ﷺ «**Хотинингни маҳкам тут**», деган мазмунда жавоб

берардилар. Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбарига Зайнаб келажақда у зотнинг хотинлари бўлиши ҳақида ваҳий юборди. Бу иш Расулуллоҳ ﷺ га оғир бўлди, чунки одамлар «Муҳаммад ўғлининг хотинига уйланиб олди», дейишларидан ва айблашларидан қўрқдилар. Шунинг учун Зайднинг хотинини талоқ қилишини хоҳламадилар. Лекин Зайд ҳам талоқ қилишга изн сўраб қаттиқ туриб олди. Расулуллоҳ ﷺ ваҳий йўли билан яқинда Зайнаб ўзларига хотин бўлишини билган бўлсалар ҳам, Зайдга:

﴿أَمْسِكَ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ﴾

„Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин (яъни, талоқ қилишга шошмагин), Аллоҳдан қўрққин“, [33:37]

деб жавоб бердилар. Шунда Аллоҳ пайғамбарини койиди, яъни «Мен сизни Зайнабга уйлантиргувчиман - деб хабар бердим, сиз эса Аллоҳ ошкор қилган нарсани махфий қилмоқчисиз», деди. Бу қўйидаги оятнинг маъносидир:

﴿وَتَحْفَىٰ فِي نَفْسِكَ مَا اللَّهُ مُبْدِيهِ﴾

„Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз“.

[33:37]

Расулуллоҳ ﷺ яшираётган нарса - асранди ўғилларининг хотини бўлишига қарамасдан, яқинда Зайнаб у зотнинг аёли бўлажagini билишлари эди. Ушбу иш Аллоҳ ошкор қилган нарса, яъни асранди ўғиллари талоқ қилган хотинига уйланишлари эди. Аллоҳ ошкор қилган ушбу уйланишни яширишларининг сабаби ўша давр арабларининг одатича, асранди ўғиллар уларнинг уйларида яшар, насабларига қўшилар ва асраб олган ўғилга ҳақиқий ўғилларга бериладиган барча ҳуқуқларни беришар, уларга ўғил ҳукмини барча ишларда, ҳатто мерос ва насабда ижро қилишар эди. Аллоҳ Таоло асранди ўғилнинг хотини Зайнаб яқин кунларда у зотга хотин бўлишини билдиргандан кейин Расулуллоҳ ﷺ бу хабарни махфий тутдилар ва Зайднинг кетма-кет шикоятларига қарамасдан, уларнинг ўртасидаги турмуш бошидан буён, муҳаббат ва эр-хотинлик ҳаёти изга тушмаганлигига қарамай, Расулуллоҳ ﷺ Зайднинг талоқ қилмаслигига ва хотинини маҳкам ушлашига қаттиқ турдилар. Лекин Зайд бу талабида қаттиқ туриб олди. Охири Расулуллоҳ ﷺ унга изн бердилар. Кейин Зайд Зайнабни талоқ қилди, лекин бу пайтда на Зайд ва на Зайнаб Расулуллоҳ ﷺ нинг Зайнабга уйланишларини билар эди. Имом Аҳмад, Муслим ва Насойилар Сулаймон ибн Муғййра орқали Собитдан, у Анасдан ривоят қилади: **«Зайнабнинг идда муддати тугагач, Расулуллоҳ**

ﷺ Зайдга: «Унга мени эслатиб қўй», дедилар. Зайд бориб: «Эй Зайнаб, хушxabарни қабул эт, Расулуллоҳ ﷺ сенга (узларини) эслатиб қўйишимни айтдилар», деди. Зайнаб: «Раббимга истихора намозини ўқимагунимча мен ҳеч нарса қилмайман», деди ва жойнамози томон юрди. Сўнг Қуръон ояти нозил бўлди. Аллоҳ Таоло қуйидаги:

﴿ فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَاكَهَا لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ

أَدْعِيَآئِهِمْ ﴾

„Бас, қачонки Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) ҳожатини адо қилгач (яъни, уни талоқ қилгач), Биз сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болаларининг хотинларида (яъни уларга уйланишларида) танглик бўлмаслиги учун (шундай) қилдик“. [33:37] оятини нозил қилгач, Расулуллоҳ ﷺ Зайнабнинг олдига изнсиз кирдилар». Агар бу ишни Зайнаб ва Зайд аввалдан билганларида, Зайд унга: «Хушxabарни қабул эт», демаган ва Зайнаб: «Раббимга истихора намозини ўқимагунимча...», демаган бўларди. Расулуллоҳ ﷺ Зайнабга уйланишларининг иллоти – асранди ўғилларининг хотинига уйланишда мусулмонларга танглик бўлмаслигидир.

Юқорида Расулуллоҳ ﷺнинг ўз хотинларига уйланишлари ҳақида ҳикоя қилинди. Улардан бу уйланишлар фақат уйланиш мақсадида бўлмай, бошқа ишлар ҳам кўзда тутилганини кўрамиз. Бу билан Расулуллоҳ ﷺнинг тўрттадан ортиқ хотинни ўз никоҳларига олганларининг маъноси ва Умматдан айрича, бу ишда у зотнинг хосланганликларининг маъноси англашилади. Бу маъно ёши эллиқдан ошган, даъват ва давлат билан банд бўлган, Парвардигорининг рисолатини бутун оламга етказиш билан банд бўлган, бу билан халқни бир бутун Уммат қилиб оёққа турғозишни мақсад қилган, ҳаётдан мақсади Аллоҳнинг рисолатини бутун оламга етказиш, эски чиркин ҳокимиятни бузиб, ўрнига янги жамиятни қуриш ва одамларга Исломиё даъватни етказиш учун чор атрофдаги дунёга қарши турадиган давлатни тиклаш бўлган кишининг жисмидаги жинсий ғаризанинг қўзғалиши эмаслиги англашилди. Чунки бутун фикри Умматни уйғотиш ва давлатни барпо этиш, жамиятни шакллантириш ва бутун оламга рисолатни етказиш бўлган кишининг хаёлини аёллар банд қилиши, уларга мойил бўлиб кетиши ва ҳар йили биттадан хотин олиши мумкин эмас. Балки у даъват ташвишларини кўтариб, эр-хотинлик ҳаётидан ҳар бир инсон каби одатий суратда фойдаланади.

ЭР-ХОТИНЛИК ҲАЁТИ

Хотин эрнинг ҳаётдаги шериги эмас, унинг дўстидир. Улар ўртасидаги ҳаёт шериклик ҳаёти эмас ва бутун ҳаётлари мобайнида шериклик қилишга мажбур эмаслар, балки улар ўртасидаги ҳаёт дўстона ҳаёт бўлиб, бир-бирларига ҳамма томонлардан тўла дўст бўладилар, бир-бирлари билан хотиржам бўлиб яшайдилар. Зеро, Аллоҳ эр-хотинликни эр учун ҳам, хотин учун ҳам хотиржамлик ўрни қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا﴾

„У (Аллоҳ) шундай зотки, сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ўзидан ором-осойиш топсин деб ундан унинг жуфттини вужданга келтирди“.

[7:189]

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً

وَرَحْمَةً﴾

„Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар хотиржам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир“.


[30:21]

Бу ердаги «сакан» сўзидан мурод хотиржамликдир, яъни эр хотини билан, хотин эри билан хотиржам бўлиши, бири иккинчисига мойил бўлиши ва ундан нафратланмаслигидир. Уйланишнинг асли хотиржамлик ва оилавий ҳаётнинг асли ҳам хотиржам бўлишдир. Аёл ва эр ўртасидаги дўстлик – осойишталик ва хотиржамлик бўлиши учун шариат аёлнинг эр устидаги ҳуқуқларини ва эрнинг аёл устидаги ҳуқуқларини баён қилди. Бу хусусда очиқ-ойдин оят ва ҳадислар келган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَهُنَّ مِثْلُ الَّذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

„Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор“.

[2:228]

яъни, аёлларнинг эрлари устида ҳам эрларнинг хотинлари устида бўлгани каби эр-хотинлик ҳуқуқлари бор. Шунинг учун Ибн Аббос : «Хотиним менга зийнатлангани каби мен ҳам унга зийнатланишни хоҳлайман. Менинг зиммамдаги барча ҳақларини тўла талаб қилмаслиги учун мен ҳам унинг зиммасидаги ҳақларимни тўла талаб қилмайман. Чунки Аллоҳ Таоло дейди: „Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам

бор“, яъни гуноҳкор бўлмайдиган зийнатдир», дедилар. Яна ибн Аббосдан ривоят қилинади: **«Аёллар эрларига итоат қилишлари вожиб қилингани каби эрлари ҳам уларга яхшилик билан дўстона муомала қилишлари вожибдир».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло эр-хотинга чиройли ҳаёт кечиришни васият қилиб буюради. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿ وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ﴾

„Улар билан тинч-тотув яшанглар“.

[4:19]

﴿ فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ ﴾

„Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш“.

[2:229]

Ишратнинг маъноси муомала қилиш, аралашиш демакдир. Аллоҳ Таоло эрларга ўз никоҳларига олган аёлларга нисбатан чиройли муомалада бўлишни буюради, токи улар ўртасидаги ўзаро киришиш ва дўстлик камолига етсин, чунки бу нарса қалбнинг хотиржамлигини ва турмуш осойишталигини орттиради. Эркак кишининг аёлига хушмуомала бўлиши унга маҳр бериш, боқиш каби ҳақларини адо этишдан ташқари, аёлдан айб ўтмаган вақтда унга қовоқ солмаслик, очиқ чеҳра билан сўзлашиш, қўпол ва қаттиқ муомала қилмаслик ва бошқа аёлга мойиллигини ошкор қилмасликдир.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺ эркакларга ўз аёлларига яхшилик қилишни кўп васият қилганлар. Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Жобирдан ривоят қилади, Расулуллоҳ ﷺ видолашув ҳажидаги хутбаларида шундай деганлар:

﴿ فَاتَّقُوا اللَّهَ فِي النِّسَاءِ فَإِنَّكُمْ أَخَذْتُمُوهُنَّ بِأَمَانَةِ اللَّهِ، وَاسْتَحَلَلْتُمْ فُرُوجَهُنَّ بِكَلِمَةٍ اللَّهِ، وَلَكُمْ عَلَيْهِنَّ أَنْ لَا يُوطِئَنَّ فُرُشَكُمْ أَحَدًا تَكَرَّهُوهُنَّ، فَإِنْ فَعَلْنَ ذَلِكَ فَاصْرَبُوهُنَّ صَرْبًا غَيْرَ مُبْرِحٍ، وَلَهُنَّ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ﴾

«Аёлларингиз ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар, чунки сизлар уларни Аллоҳдан омонат олгансиз, Аллоҳнинг калимаси билан уларни ўзингизга ҳалол қилгансиз, сизларнинг улар устидаги ҳаққингиз - сизлар ёмон кўрадиган бирор кишини уйингизга киритмасликларидир. Агар шундай қилсалар, уларни оғритмасдан уринглар. Уларнинг сизлар устингиздаги ҳақлари эса яхшилик билан едириб-ичириш ва кийинтиришдир». Яна ривоят қилинадики, Пайғамбар ﷺ дедилар:

﴿ خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ، وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي ﴾

«Сизларнинг яхширогингиз - аҳли аёлига яхширогингиздир. Ва мен сизларнинг ичингизда аҳли аёлига энг яхширогингизман». (Ҳоким ва Ибн Ҳиббон Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилганлар). Яна ривоят қилинадикки, Расулуллоҳ ﷺ аҳли аёллари билан чиройли ҳаёт кечирар, ўйнашар ва юмшоқ муомалада бўлар, кулишиб турар эдилар. Ҳатто мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها нинг кўнгилларини олиш учун у билан югуриб, мусобақалашар эдилар. Оиша رضي الله عنها дейдилар: «Расулуллоҳ ﷺ мен билан югуришда мусобақалашдилар ва мен ўзиб кетдим. Бу воқеа қоматим тўлмасдан аввал эди. Қоматим тўлишгандан кейин эса мусобақалашдик ва мендан ўзиб кетдилар ва: **«Энди тенг бўлди»**, дедилар». (Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида келтирган). Расулуллоҳ ﷺ хуфтон намозини ўқиганларидан кейин ётишдан олдин уйларига кириб аҳллари билан уларнинг кўнглини олиш учун суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Ибн Можа Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилади:

«خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِنِسَائِهِمْ»

«Сизларнинг энг яхшингиз хотинларига яхши муомалада бўлганингиздир».

Буларнинг ҳаммаси эрлар аёлларига чиройли муомалада бўлиши зарурлигини кўрсатади. Оилавий ҳаёт мусаффолигини булғовчи ҳодисалар бўлиб тургани сабабли, Аллоҳ Таоло оила етакчилигини эркак зиммасига юклади ва уни аёлга раҳбар қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ﴾

„Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар“.

[4:34]

﴿وَهُنَّ مِثْلُ الَّذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ﴾

„Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор“.

[2:228]

Эрига итоат қилишни аёлга тавсия қилди. Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

﴿إِذَا بَاتِ الْمَرْءُ هَاجِرَةً فِرَاشَ زَوْجِهَا لَعْنَتُهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تَرْجِعَ﴾

«Агар аёл киши эрининг тўшагидан бошқа жойда ётса, то қайтмагунча фаришталар уни лаънатлашади» (муттафақун алайҳ). Расулуллоҳ ﷺ бир аёлга:

«أَذَاتُ زَوْجِ أَنْتِ؟ قَالَتْ: نَعَمْ، قَالَ: فَإِنَّهُ جَنَّتِكَ وَنَارُكَ»

«Сенинг эринг борми?», дедилар. Аёл: «Ҳа», деди. Шунда:

«Сенинг жаннатинг ҳам, дўзахинг ҳам ўшадир», дедилар». (Ҳоким келтирган). Имом Бухорий Пайгамбар ﷺдан ривоят қилади: «لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ أَنْ تَصُومَ وَرَوْجَهَا شَاهِدٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ، وَلَا تَأْذَنَ فِي بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ، وَمَا أَنْفَقَتْ مِنْ نَفَقَةٍ مِنْ غَيْرِ إِذْنِهِ فَإِنَّهُ يُرَدُّ إِلَيْهِ شَطْرَهُ»

«Аёл эрининг рухсатисиз, у уйда бўлган вақтида нафл рўза тутиши мумкин эмас, унинг рухсатисиз уйига бировни киритиши мумкин эмас ва эрининг рухсатисиз бирор нафақа қилса (яъни, эрининг молидан садақа қилса), ярим ажри эрига бўлади». Ибн Батта «Аҳкомун нисо» китобида Анасдан ривоят қилади: Бир киши хотинининг кўчага чиқишини ман қилиб, сафарга кетди. Аёлнинг отаси касал бўлиб қолганда, отасини кўриб келгани Расулulloҳ ﷺдан рухсат сўради. Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«اتَّقِي اللَّهَ وَلَا تُخَالِفِي زَوْجَكَ»

«Аллоҳдан қўрққин. Эрингга қарши чиқма». Кейин унинг отаси вафот этди. Аёл унинг жанозасига бориш учун Расулulloҳ ﷺдан рухсат сўради. Унга дедилар:

«اتَّقِي اللَّهَ وَلَا تُخَالِفِي زَوْجَكَ»

«Аллоҳдан қўрққин. Эрингга қарши чиқма». Шунда Аллоҳ Пайгамбар ﷺга ваҳий қилдики:

«إِنِّي قَدْ غَفَرْتُ لَهَا بِطَاعَةِ زَوْجِهَا»

«Эрига итоати туфайли унинг гуноҳларини мағфират этдим». Шариат эрга аёлни уйдан чиқишдан ман қилиш ҳуқуқини берди, бу чиқиш хоҳ ота-онасини зиёрат қилиш ёки энг зарур ишларни бажариш ёки сайр қилиш учун бўлишидан қатъий назар, уйдан эрининг рухсатисиз чиқиши жоиз эмас. Лекин эри ота-онасини зиёрат қилишдан ман қилиши мумкин эмас, чунки бу ота-она билан алоқани узиш бўлиб, аёлни эрига итоат қилмасликка ундайди. Аллоҳ Таоло уларга яхши муомалада бўлишни буюрган. Ҳолбуки, аёлни ота-онасини кўришга бориш ва зиёрат қилишдан ман қилиш яхши муомаладан эмас. Шунингдек, эр хотинини масжидга чиқишдан ман қилишга ҳам ҳаққи йўқ, чунки Пайгамбар ﷺдан ривоят қилинадики:

«لَا تَمْنَعُوا إِمَاءَ اللَّهِ مَسَاجِدَ اللَّهِ»

«Аллоҳнинг чўриларини Аллоҳнинг масжидларидан ман қилманглар!» (муттафақун алайҳ). Агар аёл эрига қарши чиқса ва бўйсунмаса, Аллоҳ Таоло эрга унга одоб бериш ҳуқуқини берган.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَأَهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَأَضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا﴾

„Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни, насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилинглар (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни, шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар.“ [4:34]

Бу ердаги уриш енгил уриш, яъни оғритмайдиган бўлиши керак. Зеро, Расулulloҳ ﷺ видолашув ҳажидаги хутбаларида:

﴿فَإِنْ فَعَلْنَ ذَلِكَ فَاضْرِبُوهُنَّ ضَرْبًا غَيْرَ مُبْرِحٍ﴾

«Агар шундай қилсалар (яъни сизлар ёмон кўрадиган бирор кишини уйингизга киритсалар), уларни оғритмасдан уринглар», деганлар. (Муслим ривояти). Агар аёл итоат этмаса, эрга уни жазолаш ҳуқуқи берилган. Чунки эр оила ишларини бошқарувчи раҳбардир. Агар аёли шариат унга бажаришни буюрган ишларга зид иш қилмаса, уни мутлақо сиқиши мумкин эмас.

﴿فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْهِنَّ سَبِيلًا﴾

„Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар.“ [4:34]

Эр ўз хотинига меҳрибон бўлиши ва бирор нарсани сўраганда хушмуомала бўлиши, ҳаттоки у билан қўшилишни истаса, аёлга муносиб яхши шарт-шароитларни муҳайё қилиши лозим. Расулulloҳ ﷺ дедилар:

﴿لَا تَطْرُقُوا النِّسَاءَ لَيْلًا حَتَّى تَمْتَشِطَ الشَّعْبَةُ، وَتَسْتَجِدَّ الْمُغِيْبَةَ﴾

«Аёллар тўзиган сочларини тараб, поклайдиган жойларини поклагунча тунда ҳузурларига кирманг (яъни, сафардан қайтганда уйлариингизга қўққисдан кириб борманглар)» (муттафақун алайҳ). Эрнинг аёлга ва оилага етакчи эканлигининг маъноси - у ягона ҳукмрон ва буйруғи қайтирилмайдиган ҳоқим дегани эмас. Эрнинг оилага бошлиқлигининг маъноси - у оила ишларини тартибга солувчи ва унга ғамхўрлик қилувчи эканлигидир. Шунинг учун аёл эрининг сўзига сўз қайтариши ва у билан баҳслашиши, гапирган гапларида унга мурожаат қилиши мумкин, чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзаро дўст бўлиб, бири

хоким, иккинчиси маҳкум эмас, бири амир, иккинчиси фуқаро эмас. Балки улар икки дўст бўлиб, ишларини бошқаришда ва оилага ғамхўрлик қилишда бири иккинчисига бошлиқ қилинган. Пайғамбар ﷺ ҳам оилада хотинларига дўст бўлганлар, давлат бошлиғи ва пайғамбар бўлишларига қарамай, оилада якка хоким ва ҳукмрон эмас эдилар. Умар ибн Хаттоб ؓ ҳадисларида шундай деганлар: «Аллоҳга қасамки, биз жоҳилиятда Аллоҳ Таоло аёллар ҳақида оят нозил қилиб, уларга Ўзи тақсим қилган ҳуқуқларни тақсим қилмагунча уларни камситар эдик. Бир куни мен бир иш ҳақида фикрлаб турганимда, хотиним «Бундай-бундай қилсангиз бўлмайдими?», деб ақл ўргата бошлади. Мен унга: «Сенинг бу ишга нима алоқанг бор, мен қилмоқчи бўлган ишга нега аралашасан?», дедим. Хотиним: «Во ажаб, эй Хаттобнинг ўғли, сизга ҳеч гап қайтариб бўлмайди, ҳолбуки қизингиз Расулуллоҳ ﷺ билан баҳслашади, ҳатто у киши кечгача ғазабланиб юрадилар», деди». Умар дейди: «Тўнимни олиб уйдан чиқдим ва Ҳафсанинг уйига бордим ва унга: «Эй қизим, сен Расулуллоҳ ﷺ билан сўз айтишиб, ҳатто кун бўйи ғазабланиб юрадиларми?», дедим. Ҳафса: «Аллоҳга қасамки, биз ҳаммамиз ҳам у кишига гап қайтарамиз», деди. Мен дедим: «Биласанми қизим, мен сени Аллоҳнинг азоби ва Расулининг ғазабидан огоҳлантираман. Эй қизалоғим, гўзаллиги билан Расулуллоҳ ﷺнинг муҳаббатини қозонган анави (Оиша رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا) сени мағрур қилиб қўймасин!» Кейин унинг олдидан чиқдим ва қариндошлигимиз борлиги сабабли Умму Саламанинг ҳузурига кирдим ва у билан гаплашдим. Умму Салама менга: «Таажжуб, эй Хаттобнинг ўғли, сиз ҳамма ишга аралашаверасиз, ҳатто Расулуллоҳ ﷺ билан хотинларининг ўртасига ҳам тушмоқчи бўляпсиз», деди». Умар дейди: «Умму Саламанинг бу гаплари ғазабимни босди ва унинг ҳузуридан чиқиб кетдим» (муттафақун алайҳ). Муслим ривоятига кўра, Абу Бакр ؓ Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига киришга рухсат сўрадилар ва рухсат бўлганидан кейин кирдилар. Кейин Умар ؓ рухсат сўрадилар ва рухсат бўлганидан кейин кирдилар. Расулуллоҳ ﷺ аёллари даврасида жим ўтирар эдилар. Шунда Умар: «Бир сўз айтиб, Расулуллоҳ ﷺни кулдираман», дедилар ва: «Эй Расулуллоҳ ﷺ, мендан бинти Хорижа (яъни, ўз хотинлари) нафақа сўраганини кўрсам, ўрнимдан туриб, бўйнига бир туширсам, дейман», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ кулиб юбордилар ва:

«هُنَّ حَوْلِي يَسْأَلْنِي التَّفَقُّةَ»

«Манавилар ҳам атрофимда нафақа сўраб ўтиришибди», дедилар. Бундан маълум бўладики, эрнинг аёл устидан раҳбарлиги

ишларга етакчилик қилиш бўлиб, бу раҳбарлик ҳукмронлик ва ҳокимлик эмас, балки дўстона раҳбарликдир. Шунинг учун аёл ҳам гап қайтариши ва баҳслашиши мумкин.

Ишрат (бирга яшаш)га оид муомала шундай бўлади. Аммо уй ишларини бажариш борасида эса аёл эрига хамир қориб, нон ва овқат пишириб, ҳовлини тозалаб ва саришта қилиб хизмат қилиши вожиб. Агар эр сув талаб қилса - унга сув бериши, овқат ейишни хоҳласа - таом ҳозирлаши ва уй ичида лозим бўладиган барча ишларда эрга хизмат кўрсатиши зарур. Шунингдек, уй ичида ҳаёт кечириш учун керакли бўлган барча ишларни етарли даражада муҳайё қилиши зарур. Эркак эса оила учун зарур бўлган сув келтириш каби ишларни қилиши, ахлат олиш, тирноқ олиш, зийнатланишига зарур бўладиган ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни уй ташқарисидан уйга олиб келиши зарур.

Хулоса шуки, уйнинг ичкарисида қилинадиган барча ишларни қилиш аёл зиммасига, ташқарида бўладиган амалларнинг барчаси, қандай амал бўлишидан қатъий назар, эр зиммасига юклатилган. Али ва Фотима (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ҳақида Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилинган ҳадисга қараганда:

«قَضَى عَلَيَّ ابْنَتِي فَاطِمَةَ بِخِدْمَةِ الْبَيْتِ، وَعَلَى عَلِيٍّ مَا كَانَ خَارِجًا عَنِ الْبَيْتِ مِنْ عَمَلٍ»

«Пайғамбар ﷺ қизлари Фотимага уй ичкарисисидаги ишларни бажаришни, Алига эса ташқарида бажариладиган ишларни бажаришини юклаганлар». Пайғамбар ﷺ уйларида хотинларига ҳам уй хизматларини буюрар эдилар ва: **«Эй Оиша, менга сув бер, эй Оиша, менга овқат бер, эй Оиша, пичоқни олиб кел, уни тошга ишқаб уткирла»**, дер эдилар. Ривоят қилинадики: **«Фотима онамиз оталари Расулуллоҳ ﷺ нинг ҳузурларига келиб, қўл тегирмонидан етган қавариқлардан шикоят қилдилар ва буни бажарадиган хизматчи сўрадилар»** (муттафақун алайҳ). Бу далиллар шуни кўрсатадики, уй ичида эрнинг хизматини ва оила хизматини қилиш - хотин бажариши керак бўлган вазифалар доирасига киради. Лекин буларни бажариш унинг куч-тоқати етадиган даражада бўлиши керак. Агар бу ишлар аёлга қийинчилик туғдирадиган даражада кўп бўлса, эр бу ишларни бажаришга хизматкор ёллаши зарур. Буни аёл ҳам талаб қилиши мумкин. Агар ишлар кўп бўлмаса ва аёлнинг кучи етадиган бўлса, эр хизматкор ёллашга мажбур эмас, балки бу ишларни аёл ўзи бажариши шарт. Чунки Расулуллоҳ ﷺ қизлари Фотимага уй ишларини бажаришни юклаганлар. Шундай қилиб, эрлар хотинларига яхши муомалада бўлишлари зарур ва хотинлар ҳам эрларига яхши хизмат қилиш билан муомала қилишлари

вожиб, токи уларнинг ўртасидаги оилавий ҳаёт Аллоҳнинг ушбу сўзи амалга ошадиган даражада осойишта ҳаёт бўлсин:

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً

وَرَحْمَةً﴾

„Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар хотиржам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир“. [30:21]

АЗЛ

Азл - жинсий алоқа вақтида, шаҳват суви ажралиши яқинлашганда, сувни ташқарига тўкиш учун эркак ўз олатини аёлнинг фаржидан чиқариб олишидир. Азл қилиш шариатда жоиздир. Демак, эр ўз аёли билан жинсий қўшилиб, шаҳват суви ажралиши вақтида уни ташқарига тўкиши мумкин. Бухорий Атодан, Ато Жобирдан ривоят қиладики: **«Расулуллоҳ ﷺ даврларида бизлар азл қилардик ва Қуръон нозил бўлиб турарди»**. Атодан Жобирнинг бундай дегани ривоят қилинади: **«Биз азл қилардик, ҳолбуки Қуръон нозил бўлиб турарди»** (муттафақун алайҳ). Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: **«Расулуллоҳ ﷺ даврларида азл қилардик, бунинг хабари Расулуллоҳ ﷺга етиб борди ва бизни азлдан қайтармадилар»**. Бу эса Расулуллоҳ ﷺ азлни тасдиқлаганлари бўлиб, унинг жоизлигини кўрсатади. Чунки азл ҳаром иш бўлганда эди, Расулуллоҳ ﷺ жим турмасдилар. Бундан ташқари, азлнинг бу ҳукми саҳоба томонидан Расулуллоҳ ﷺ замонларига уланган. Агар саҳоба бирор ҳукми Расулуллоҳ ﷺ замонларига уласа, у марфуъ ҳадис ҳукмида бўлади. Чунки саҳобаларнинг ҳукмлар ҳақида сўрашга тўлиқ асослари бўлгани туфайли, Расулуллоҳ ﷺ бундан хабардор бўлганлар ва уни тасдиқлаганлар. Азлнинг мумкинлиги ҳақида бир неча саҳиҳ ҳадислар келган. Имом Аҳмад, Муслим ва Абу Довуд Жобирдан ривоят қилганлар: Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Менинг хизмат қиладиган ва хурмоларимни парвариш қиладиган чўрим бор. Мен унинг олдига кириб тураман ва унинг ҳомиладор бўлиб қолишини истамайман», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ:

«اغزِلْ عَنْهَا إِنْ شِئْتَ فَإِنَّهُ سَيَأْتِيهَا مَا قَدَّرَ لَهَا»

«Истасанг азл қил, чунки унга тақдир қилинган нарсани тугаверади», дедилар. Имом Муслим Абу Саиддан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ ﷺ билан Бану Мусталақ газотига чиқдик ва араблардан асирлар олдик. Аёллар билан бирга бўлишни хоҳлаб қолдик. Бизларни бўйдоқлик қаттиқ қийнарди. Биз азл қилишни хоҳладик ва бу тўғрида Расулуллоҳ ﷺдан сўрадик. У зот айтдилар:

«مَا عَلَيْكُمْ أَنْ لَا تَفْعَلُوا فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ كَتَبَ مَا هُوَ خَالِقٌ إِلَيَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Бундай қилишингизда сизларга гуноҳ йўқ, чунки Аллоҳ Таоло қиёматгача яратадиган нарсаларининг ҳаммасини ёзиб қўйган». Абу Довуд Жобирдан ривоят қилади: Ансорийлардан бир киши Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига келиб: Менинг бир чўрим

бор. Мен унинг олдига кириб тураман ва ҳомиладор бўлиб қолишини истамайман», деди. Шунда Расулulloҳ ﷺ:

«اعْزَلْ عَنْهَا إِنْ شِئْتَ فَإِنَّهُ سَيَأْتِيهَا مَا قُدِّرَ لَهَا»

«Истасанг азл қил, чунки унга тақдир қилинган нарсани туғаверади», дедилар. Азл қилувчининг мақсади қандай бўлишидан қатъий назар, хоҳ фарзанд кўрмаслик, хоҳ озроқ фарзандли бўлиш ёки аёлнинг заифлиги туфайли ҳомиладорликдан қийналмаслиги ёки турмушда доимо навниҳол бўлиб юриши учун ёки бундан бошқа нима мақсад қилинишидан қатъий назар, эркак киши азл қилиши мумкин. Чунки бу тўғридаги далиллар мутлақ келган ва бирор ҳолат билан қайдлаб қўйилмаган. Ҳамда ҳеч қандай хослашсиз умумий келган. Демак, ҳукм умумийлик ва мутлақлигида қолаверади. «Азл қилиш - туғилмаган болани ўлдириш», дейилмайди, чунки бунга рад этувчи очиқ ҳадислар келган. Имом Абу Довуд Абу Саиддан ривоят қилади: Бир киши: «Эй Расулulloҳ, менинг бир чўрим бор, ундан азл қиламан, чунки унинг ҳомиладор бўлишини хоҳламайман. Мен ҳам эркаклар хоҳлайдиган нарсани хоҳлайман. Яҳудийлар эса: «Азл - болани тириклай кўмишнинг кичикроғи», дейишади», деди. Шунда Расулulloҳ ﷺ:

«كَذَبَتْ يَهُودُ لَوْ أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَخْلُقَهُ مَا اسْتَطَعَتْ أَنْ تَصْرِفَهُ»

«Яҳудийлар ёлгон айтибди, чунки агар Аллоҳ яратишни хоҳлаган бўлса, сен қайтара олмайсан», дедилар. Бола бўлмаслик мақсадида азл қилиш мумкинлиги ҳадисда келган. Имом Аҳмад ва Муслим Усома ибн Зайддан ривоят қиладилар:

«أَنَّ رَجُلًا جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ إِنِّي أَعْزَلُ عَنِ امْرَأَتِي. فَقَالَ لَهُ: لِمَ تَفْعَلُ ذَلِكَ؟

فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ: أَشْفِقُ عَلَى وَلَدِهَا، أَوْ عَلَى أَوْلَادِهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَوْ كَانَ

ضَارًّا ضَرَّ فَارِسَ وَالرُّومَ»

«Бир киши Расулulloҳ ﷺ ҳузурларига келиб: «Мен хотинимдан азл қиламан», деди. Расулulloҳ ﷺ: «Нима учун бундай қиласан?», дедилар. У: **«Туғиладиган боласига ёки олдинги болаларига раҳмим келади»**, деди. Расулulloҳ ﷺ: **«Агар бу нарса зарарли бўлганда, форслар ва румларга зарар қилган бўларди»**, дедилар». Бу жойда Расулulloҳ ﷺ: **«Нима учун бундай қиласан?»** дедилар ва «Бундай қилма», демадилар. Бу ҳадисдан шу нарса маълум бўладики, Расулulloҳ ﷺ азлга рухсат берганлар ҳамда болаларнинг кўп туғилиши зарарли

эмаслиги ҳақида хабар берадилар. Имом Муслим Усома ибн Зайддан ривоят қилган ҳадис ҳам бунга далил бўлади: «Бир киши Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларига келиб деди: «Мен болага раҳмим келиб, хотинимдан азл қиламан». Расулуллоҳ ﷺ унга:

«إِنْ كَانَ كَذَلِكَ فَلَا، مَا ضَرَّ ذَلِكَ فَارِسَ وَلَا الرُّومَ»

«Агар мақсадинг шу бўлса, бундай қилма, чунки у иш (яъни, кўп туғиш) форс ва румликларга зарар қилмаган», дедилар. Имом Муслим Абдурраҳмон ибн Бишр орқали Абу Саиддан ривоят қилган ҳадисда: «Эмаётган болага ҳомила зарар қилишидан қўрқиб», деган сўзлар келган. Расулуллоҳ ﷺ эмаётган болага зарар қилмаслиги учун ҳомиланинг олдини олиш мақсадидаги азлни тасдиқлаган эканлар, демак бола кўпайтирмаслик ёки умуман фарзанд кўрмаслик ёки ундан бошқа бирор мақсад билан азл қилишни ҳам тасдиқлаган бўладилар. Чунки Аллоҳ Таоло фарзанд туғилишини хоҳлаган бўлса, азл қилиш ёки қилмасликдан қатъий назар, бола туғилади, бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Ибн Ҳиббон Анас ﷺдан ривоят қилади: «Бир киши Расулуллоҳ ﷺдан азл қилиш ҳақида сўради. У киши:

«لَوْ أَنَّ الْمَاءَ الَّذِي يَكُونُ مِنْهُ الْوَلَدُ أَهْرَقْتُهُ عَلَى صَخْرَةٍ لَأَخْرَجَ اللَّهُ مِنْهَا وَلَدًا»

«Агар фарзанд туғилиши тақдир қилинган сувни бир тош устига тўккан бўлсанг ҳам, Аллоҳ ундан фарзанд чиқариши муқаррар», дедилар». Наслни камайтириш Расулуллоҳ ﷺ кўп фарзандли бўлишга ундаган қуйидаги:

«تَنَاقَحُوا تَنَاسَلُوا تَكْتَرُوا»

«Никоҳланинглр, насл қолдиринглр, кўпайинглр», ҳадисига зид келади, деб айтилмайди. Бундай демаслик керак. Чунки азлга рухсат бериш насли кўпайтиришга қилинган тарғибга зид эмас. Булар бошқа-бошқа ҳукмлар бўлиб, бири - насл кўпайтиришга тарғиб, иккинчиси - азлнинг мубоҳлигидир. Энди имом Аҳмад Жузома бинт Ваҳб ал-Асадийдан ривоят қилган ҳадисга келсак, «Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида бир неча кишилар турган вақтида бордим. У киши дердилар:

«لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَنْهَى عَنِ الْغَيْلَةِ فَفَطَرْتُ فِي الرُّومِ وَفَارِسَ فَإِذَا هُمْ يُغِيلُونَ أَوْلَادَهُمْ فَلَا يَضُرُّ أَوْلَادَهُمْ شَيْئًا، ثُمَّ سَأَلُوهُ عَنِ الْعَزْلِ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: ذَلِكَ الْوَأْدُ الْخَفِيُّ وَهِيَ: ﴿وَإِذَا الْمَوْءِدَةُ سُئِلَتْ﴾»

«Мен сут устига фарзандли бўлишдан қайтаришни қасд

қилдим. Форс ва румликларга қарадим ва уларнинг сут устига фарзандли бўлаётганларини ва бунинг уларнинг фарзандларига зарари йўқлигини кўрдим». Кейин у кишидан азл ҳақида сўрадилар. **Пайгамбар ﷺ дедилар: «У - болаларни тириклай кўмишнинг махфийсидир» ва: «Тириклай кўмилган қизлар сўралган вақтида», [81:8] оятини ўқидилар».** Бу ҳадис азлнинг жоизлиги ҳақидаги қатор саҳиҳ ҳадисларга зид келади. Агар бир ҳадиснинг маъноси жуда кўп йўллар билан ривоят қилинган бошқа ҳадисларга зид келса, кўп йўллар билан ривоят қилинган ҳадислар олинади. Шунга кўра, мазкур ҳадис ўзидан олдин келтирилган кучли ва кўп йўллар билан ривоят қилинган ҳадисларнинг маъносига зид бўлгани учун рад этилади.

Бу ҳадис билан азлнинг мумкинлигини кўрсатувчи бошқа ҳадислар ўртасини солиштириш орқали бу ҳадис азлнинг макруҳлигига йўйилади, деб айтилмайди. Агар бу ҳадисда келган маънони Пайгамбар ﷺ рад қилмаганларида, шундай бўлиши мумкин эди. Имом Аҳмад ва Абу Довуд Абу Саиддан ривоят қилган ушбу: «...Яҳудийлар эса: «Азл - болани тириклай кўмишнинг кичикроғи», дейишади», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: **«Яҳудийлар ёлгон айтибди»**, дедилар», деган ҳадис билан Жузоманинг: **«У - болаларни тириклай кўмишнинг махфийсидир» ва: «Тириклай кўмилган қизлар сўралган вақтида», [81:8] оятини ўқидилар»**, деган ҳадисини бирлаштириш мумкин эмас. Ё улардан бири мансух (бекор қилинган) бўлиши керак. Ёки улардан бири иккинчисидан кучлироқ бўлиб, заифроғи рад этилиши лозим. Юқорида келтирилган икки ҳадиснинг тарихи номаълум бўлгани ва Абу Саиднинг ҳадиси бошқа бир неча ҳадислар билан қувватлангани ва турли йўллар билан келгани ҳамда Жузоманинг ҳадиси ёлғиз ҳолатда келгани ва бирор нарса билан қувватланмагани сабабли, кейинги ҳадис рад этилади ва ундан кучлироғи олинади. Шунга кўра, азл қилиш мутлақ жоиз бўлиб, у макруҳ эмас ва далиллар умумий келгани учун, азл қилувчининг бундан кўзлаётган мақсаднинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Киши азл қилишда аёлнинг рухсатига муҳтож эмас, чунки бу хотинга эмас, эрга боғлиқ. Қўшилиш аёлнинг ҳаққи, сув ҳам унинг ҳаққи бўлиб қолди, демак сувни аёлнинг фаржидан ташқарига тўкиш ҳам унинг изни билан бўлиши шарт, дейилмайди. Чунки бу шаръий иллат эмас, балки ақлий иллат бўлиб, унинг қиймати йўқ. Бундан ташқари, бу гап аёлнинг ҳаққи «сув тушиши» эмас, жимоъ (қўшилиш) экани билан ҳам бекор бўлади. Бунга далил жинсий заиф киши аёлига яқинлик қилса-ю сув тўкмаса, бундай ҳолатда ҳам шу қўшилиш билан аёлнинг ҳаққи адо бўлди деб ҳисобланади ва шунга кўра аёлга у

кишини жинсий заиф деган айб билан никоҳини бузиш ҳуқуқи берилмайди. Аммо Ибн Можа Умар ибн Хаттобдан ривоят қилган:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ يُعْزَلَ عَنِ الْحُرَّةِ إِلَّا بِإِذْنِهَا»

«Расулуллоҳ ﷺ ҳур аёлдан унинг рухсатисиз азл қилишдан қайтардилар», ҳадисига келсак, бу ҳадис заифдир. Унинг иснодида Ибн Лаҳиъа бўлиб, у ҳақда турли гап-сўз бор. Шу сабабли азлнинг жоизлиги ҳақидаги ҳадислар мутлақлигича қолади.

Азл тўғрисидаги бу ҳукм ҳомиланинг олдини олиш учун дори истеъмол қилиш, презерватив ёки спиралдан фойдаланишга ҳам тўғри келади, чунки уларнинг ҳаммаси бир туркумга киради. Азлнинг жоизлиги ҳақидаги ҳукм уларга ҳам тамомила мос тушади ва унинг масалаларига киради, Зеро, ҳукм азл бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, эркак кишининг ҳомиланинг олдини олиш учун қиладиган ишининг жоизлигидир. Эркакка мумкин бўлган иш аёлга ҳам мумкин, чунки ҳукм - қайси восита билан бўлмасин, ҳомиланинг олдини олишнинг жоизлигидир.

Ҳомилани ман қилишнинг жоизлиги ҳомилани вақтинчалик тўхтатишга хосдир. Лекин доимий равишда ҳомиланинг олдини олиш ва туғмасликни вужудга келтириш эса ҳаромдир. Ҳомиланинг бутунлай олдини оладиган ва наслни қирқадиган дориларни истеъмол қилиш ва жарроҳлик ишларини қилдириш ҳаром ва бундай ишларни бажариш асло жоиз эмас, чунки бу бичиш (ахталаш)нинг бир тури бўлиб, унинг доирасига киради ва унинг ҳукмини олади. Чунки бу нарсалар ҳам худди ахталаш каби наслни бутунлай қирқади. Ахта қилишдан қайтарган ҳадислар очиқ келган. Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилинадики:

«رَدَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَلَى عُثْمَانَ بْنِ مَطْعُونِ التَّبْتَلِ، وَلَوْ أَذِنَ لَهُ لِأَخْتَصِينَا»

«Расулуллоҳ ﷺ Усмон ибн Мазъунни тарки дунё қилишдан қайтардилар». Саъд: «Агар унга рухсат берганларида, биз ўзимизни бичтирар эдик», деди» (муттафақун алайҳ). Усмон ибн Мазъун Пайғамбар ﷺ ҳузурларига келди ва: «Эй Расулуллоҳ, бўйдоқликка бардош бериш мен учун қийин бўляпти, менга бичтиришга рухсат беринг», деди. У киши эса:

«لَا، وَلَكِنْ عَلَيْكَ بِالصَّيَامِ»

«Йуқ, лекин сен рўза тут», дедилар. Бошқа лафзда эса: «Эй Расулуллоҳ, сиз менга бичтиришга рухсат берасизми?», деганда, Расулуллоҳ ﷺ:

«إِنَّ اللَّهَ أَبَدَلَنَا بِالرَّهْبَانِيَةِ الْحَنِيفِيَّةِ السَّمْحَةِ»

«Аллоҳ бизга роҳиблик (тарки дунёчилик) ўрнига ҳанифийликни, яъни ҳаққа мойил кенг йўлни берди», дедилар». Анас رضي الله عنه дедилар: Пайғамбар صلى الله عليه وسلم оила қуришга буюриб, тарки дунёчиликдан қаттиқ қайтариб шундай дердилар:

«تَرَوُجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ الْأُمَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Меҳрли, серпушт аёлларга уйланинглр. Чунки мен қиёмат куни умматлар ичида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман». (Аҳмад ривояти).

Шунингдек, наслини бутунлай қирқиб қўйиш Шорё насл қолдириш ва фарзандлар кўришни оила қуришнинг асоси қилганлигига зид келади. Шунинг учун Аллоҳ Таоло одамларга миннат қилиб айтади:

﴿وَجَعَلْ لَكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَيْنَ وَحَفْدَةً﴾

„(Аллоҳ Таоло) жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди“.

[16:72]

Дарҳақиқат, Шорё кўп бола кўришни мандуб қилган, унга қизиқтирган ва кўп болали кишини мақтаган. Анас رضي الله عنه Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан ривоят қилади:

«تَرَوُجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ الْأَنْبِيَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Меҳрли, серпушт аёлларга уйланинглр. Чунки мен қиёмат куни пайғамбарлар ҳузурда сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман». (Аҳмад ривояти). Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنهдан ривоят қилинади, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

«انْكِحُوا أُمَّهَاتِ الْأَوْلَادِ فَإِنِّي أَبَاهِي بِكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Серфарзанд оналарга уйланинглр, чунки мен сизлар билан қиёмат куни фахрланаман». (Аҳмад ривояти). Маъқал ибн Ясрдан ривоят қилинади:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: إِنِّي أَصَبْتُ امْرَأَةً ذَاتَ حَسَبٍ وَجَمَالٍ وَإِنَّهَا لَا تَلِدُ أَفَأَتَرَوُجُهَا؟ قَالَ: لَا، ثُمَّ أَتَاهُ الثَّانِيَةَ فَنَهَا، ثُمَّ أَتَاهُ الثَّلَاثَةَ فَقَالَ: تَرَوُجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ»

«Бир киши Пайғамбар صلى الله عليه وسلم ҳузурларига келиб деди: «Мен насабли, чиройли, лекин тугмайдиган аёлни топдим. Унга уйланаверайми?». Пайғамбар صلى الله عليه وسلم: «Йўқ», дедилар. У одам иккинчи марта келиб сўраганида ҳам Пайғамбар صلى الله عليه وسلم уни қайтардилар. Учинчи марта келганида: «Меҳрли, серпушт

аёлга уйланинглар. Мен сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман», дедилар». (Абу Довуд ривояти).

Ҳомилани азл қилиш ёки бошқа воситалар билан вақтинчалик тўхтатиб туришнинг жоизлиги ҳомилани туширишнинг жоизлигини билдирмайди. Қайси йўл билан бўлмасин, дори ичиш, оғир ҳаракатлар қилиш, тиббий йўллар билан хоҳ она, хоҳ ота ва ёки табиб томонидан қилинишидан қатъий назар, ҳомилани тушириш - агар унга жон кирган бўлса, ҳаромдир. Чунки у бегуноҳ одамни ўлдириш ҳисобланади. У хун (дия) тўланиши талаб қилинадиган жиноят бўлиб, миқдори бир қул ёки чўрини озод қилиш бўлади ва қиймати комил инсон хунининг ўндан бирига баробар келади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ﴾

„Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан“. [6:151]

Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилишади:

﴿قَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي جَنِينِ امْرَأَةٍ مِنْ بَنِي لِحْيَانَ سَقَطَ مَيْتًا بَعْرَةَ عَبْدٍ أَوْ أَمَةٍ﴾

«Расулulloҳ ﷺ Бану Лиҳён қабиласидан бўлган бир аёлнинг туширилган ҳомиласи хусусида бир қул ёки чўри озод қилишга ҳукм қилдилар». Хун тўлаш вожиб бўладиган ҳомилада одам жисми аъзоларининг баъзиси, яъни бармоқ, қўл, оёқ, бош, кўз ёки тирноқ каби аъзолардан бири пайдо бўлиб қолгани кўриниши шарт.

Аммо ҳомилага жон киришидан аввал туширишга келсак, агар тушириш ҳомила пайдо бўлганидан қирқ кун ўтгандан кейин содир қилинса ва ҳомила шаклланаётган пайтда бўлса, бу ҳолда ҳам ҳомилани тушириш ҳаром бўлади. Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади, у киши мен Расулulloҳ ﷺдан шундай деганларини эшитганман дейди:

﴿إِذَا مَرَّ بِالنُّطْفَةِ ثِنْتَانٍ وَأَرَبْعُونَ لَيْلَةً بَعَثَ اللَّهُ إِلَيْهَا مَلَكًا فَصَوَّرَهَا وَخَلَقَ سَمْعَهَا وَبَصَرَهَا وَجَلَدَهَا وَلَحَمَهَا وَعِظَامَهَا ثُمَّ قَالَ: يَا رَبِّ أَذْكَرٌ أَمْ أُنْثَى فَيَقْضَى...﴾

«Агар нутфанинг (она қорнига тушганига) қирқ икки кеча ўтса Аллоҳ унга бир фаришта юборади, шунда у фаришта унинг суратини чизади, қулоғи, кўзи, териси, гўшти ва суякларини яратади, сўнг дейди: «Эй Парвардигор, эркакми ёки аёлми?» Кейин (Аллоҳ хоҳлагандай) ҳукм қилади...» (бошқа бир ривоятда қирқ кеча дейилган). Жон кирганидан кейин ҳомилани тушириш ҳаромдир, бу ҳолда қул ёки чўри озод қилиш

каби хун тўлаш вожибдир. Бунинг сабаби шуки, агар ҳомилага жон кирса ва унинг аъзолари шакллана бошласа, у тўлақонли инсон бўлишни бошлаган тирик ҳомила эканлиги аниқ бўлади. Шу сабабли унга тажовуз қилиш ҳам бегуноҳ инсон ҳаётига тажовуз қилиш каби бўлади ва Аллоҳ ҳаром қилган «болани тириклай кўмиш» ҳисобланади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا الْمَوْءُودَةُ سُئِلَتْ بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ﴾

„Тириклай кўмилган (ҳар бир) қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида“. [81:8-9]

Шунинг учун ота, она ёки табибга ҳомиланинг пайдо бўлганидан қирқ кун ўтганидан кейин уни тушириш ҳаром бўлади ва бу ишни қилган киши жиноят ва гуноҳ ишни қилган бўлади. Бухорий ва Муслим ҳадисларида келганидек, бир қул ёки чўрини озод қилиб хун тўлаши вожиб бўлади.

Хоҳ шаклланишнинг аввалги даврида, хоҳ жон киргандан кейин, ҳомилани туширишга рухсат этилмайди. Лекин, истисно тариқасида, ҳомиланинг она қорнида қолиши она ва ҳомиланинг ўлимига олиб келиши ҳақида адолатли табиблар қарор қилишса, у ҳолда онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳомилани туширишга рухсат этилади.

ТАЛОҚ

Аллоҳ никоҳни қонунлаштиргани (шаръий ҳукм қилгани) каби талоқни ҳам қонунлаштирди. Унинг шаръий ҳукмлигига Қуръон, Суннат ва саҳобалар ижмоъси асос бўлади. Қуръонда Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ فَإِمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَانٍ﴾

„Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)“.

[2:229]

﴿يَتَأْتِيَ النَّبِيَّ إِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَطَلَّقُوهُنَّ لِعَدَّتِهِنَّ وَأَحْصُوا الْعِدَّةَ﴾

„Эй пайгамбар, қачон сизлар (яъни мўминлар) аёлларингизни талоқ қилсангизлар, уларнинг иддаларида (яъни поклик пайтларида) талоқ қилинганлар“.

[65:1]

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ طَلَّقَ حَفْصَةَ ثُمَّ رَاجَعَهَا»

«Пайгамбар ﷺ Ҳафсани талоқ қилдилар ва қайта никоҳларига олдилар». (Ҳоким ва Ибн Ҳиббон ривояти). Яна Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: «Менинг яхши кўрган бир хотиним бор эди ва отам уни ёмон кўрарди. Отам менга уни талоқ қилишимни буюрди ва мен кўнмадим. Кейин буни отам Расулulloҳ ﷺга айтди ва у зот менга:

«يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، طَلَّقِ امْرَأَتَكَ»

«Эй Абдуллоҳ ибн Умар, хотинингни талоқ қил», дедилар». (Термизий ва Ҳоким ривояти). Саҳобалар ҳам талоқнинг шариат томонидан белгиланганига ижмоъ қилганлар.

Талоқ - никоҳ алоқасини узиш ва никоҳ битимини бекор қилиш демакдир. Талоқнинг жоизлигига ҳеч қандай шаръий иллат йўқ, чунки бу тўғрида келган далилларнинг ҳеч бири - на Қуръон далиллари ва на суннат далиллари - бирор иллатни ўз ичига олган эмас. Унинг ҳалоллиги бирор сабабга кўра эмас, балки шариат ҳалол қилгани учундир. Шаръий талоқ қилиш уч марта талоқ қилиш бўлиб, булар кетма-кет бўлади. Агар бир марта талоқ қилса, бир талоқ тушади ва эр хотинини идда муддати ўтмай туриб, янгидан никоҳ ўқитмасдан, қайтиб олиши мумкин. Агар иккинчи бор талоқ қилса, икки талоқ тушади ва идда муддати ўтмай туриб, янгидан никоҳ ўқитмасдан, қайтиб никоҳига олиши мумкин. Агар бу икки ҳолатда идда муддати ўтиб кетса, талоқ ражъий (қайтиш мумкин бўлган) талоқдан кичик боин (ажратувчи) талоққа айланади ва энди

эр янги никоҳ ўқитмай ва маҳр бермай туриб хотинини қайта никоҳига ололмайди. Агар учинчи бор талоқ қилса, катта боин талоқ тушади ва энди эр ўз хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлмайди. Фақатгина бошқа эрга тегиб, у билан қўшилиб, сўнг бу эр уни талоқ қилса ва идда муддати тугаса, уни қайта никоҳига олиши мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ فَإِمْسَاكٌ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌ بِإِحْسَانٍ وَلَا تَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا مِمَّا ءَاتَيْتُمُوهُنَّ شَيْئًا إِلَّا أَنْ تَخَافَا أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا افْتَدَتْ بِهِ ؕ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٢٩﴾ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدِ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ ۚ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا إِنْ ظَنَّا أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ ۗ وَتِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ﴾

„Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажраишиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингиздан (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Аллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан қўрқсангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажраши учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни, хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир. Бу Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир. Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди. Сўнг агар (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг, яъни қайта турмуш қуришларининг гуноҳи йўқдир. Булар Аллоҳнинг чегараларидир, буларни биладиган қавм учун баён қилади“. [2:229-230] Зеро, Аллоҳ Таоло мусулмонларга қандай талоқ қилишни оятда ўргатди:

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ﴾

„Талоқ икки мартадир“.

[2:229]

ва кейин уларга хотинларини чиройли муомала ва ҳақларини адо этиш билан ушлаб қолиш ва ёки яхшилик билан ажрашиш ихтиёрини берди. Кейин деди:

﴿ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ ۗ ﴾

„Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунча аввалги эрига ҳалол бўлмайди“.

[2:230]

яъни, ўтган икки талоқдан кейин учинчи бор талоқ қилса, бошқага турмушга чиқмагунча қайтиб олиш ҳалол бўлмаслигини уқтирди. Кейин деди:

﴿ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا ۗ ﴾

„Сўнг агар (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг, яъни қайта турмуш қуришларининг гуноҳи йўқдир“.

[2:230]

яъни, кейинги эр уни талоқ қилса, олдингиси янги никоҳ ва янги маҳр билан қайтиб никоҳига олиши мумкин. «Агар талоқ қилса», феълининг фоили (бажарувчиси) ўзига энг яқин турган калимага, яъни иккинчи эрга қайтади ва «эр ва аёл қайтишлари», феълининг фоили аввалги эрга қайтади. Яъни, аввалги эр ва хотин агар хоҳлашса, қайта турмуш қуришларига монелик қилувчи ҳеч нарса йўқ. Бунга кўра, эр хотинини уч марта талоқ қилиши мумкин. Булардан иккитасида у хотинини қайта никоҳига олиши мумкин. Учинчисидан кейин эса токи бошқа эрга тегмагунча қайта никоҳига олиши мумкин эмас.

Талоқ эрнинг қўлида бўлади, хотиннинг қўлида бўлмайди. Талоқ нега эрнинг қўлига берилганига келсак, Аллоҳ Таоло шундай ҳукм қилган ва шариатда бунга иллат келмагани учун иллатланмайди. Никоҳ ва талоқнинг воқелигини чуқур текшириш шуни кўрсатадики, турмуш қуриш янги жуфтлик ҳаётининг бошланиши бўлгани сабабли эр ва хотин ўзи хоҳлаган жуфтини танлашда ихтиёрлидирлар ва улардан ҳар бири хоҳлаган киши билан турмуш қуришни танлаши ёки рад этиши мумкин. Лекин амалда турмуш қурилгач ва оила етакчилиги ва аёлга раҳбарлик қилиш эр зиммасига тушгач, талоқ қилиш ҳуқуқи эрга берилиши лозимдир, чунки у оила бошлиғи ва тарбиячисидир. Оиланинг муаммолари ва масъулияти бутунлай унга юклангач, оила аҳдномасини бекор қилиш ҳуқуқи ҳам унга берилиши зарур. Чунки ҳуқуқ ҳам масъулият миқдорича бўлади. Эр-хотин ўртасини ажратиш ҳуқуқи ҳам раҳбар бўлганига берилди. Бироқ, бу шаръий ҳукми иллатлаш эмас, балки мавжуд воқени сифатлашдир, чунки шаръий ҳукмнинг иллоти

фақатгина шаръий далилда келган шаръий иллат бўлиши лозим.

Бундан ташқари, талоқнинг эр қўлида эканлиги ва талоқ қилиш унинг ҳаққи эканлигининг маъноси - аёл ўзини талоқ қилиши ва эри билан орани очиқ қилиши жоиз бўлмайди, дегани эмас. Балки бу ҳуқуқ аслида ва бирор ҳолатга қайдланмай, мутлақ эрнинг қўлида ва эр ҳеч бир сабабсиз ҳам хотинини талоқ қилиши мумкин. Лекин аёл ҳам шариат кўрсатган муайян ҳолатларда ўзини талоқ қилиши ва эри билан ўзи орасидаги никоҳ битимини бекор қилиши мумкин. Шариат аёлга қуйида келтирилган ҳолатларда никоҳ битимини бекор қилиш ҳуқуқини беради:

1. Агар эр талоқ қилиш ишини аёлга топширган бўлса. Бу имкониятга кўра у ўзини талоқ қилиши мумкин. У айтади: «Мен ўзимни эрим фалончидан талоқ қилдим». Ёки «Сендан ўзимни талоқ қилдим», деб эрига айтиши мумкин. Лекин эрига «Сени талоқ қилдим» ёки «Сен талоқсан», дейиши жоиз эмас. Чунки талоқ хотин томонидан содир бўлган бўлса ҳам, эрнинг устига эмас, хотиннинг устига тушади. Расулуллоҳ ﷺ аёлларига ихтиёр берганлари ва саҳобалар ҳам шунга ижмо қилганларига кўра, эр талоқ ишини хотин қўлига топшириши мумкин.

2. Агар аёл эрида жинсий заифлик ва бичмалик каби жинсий алоқага монелик қилувчи иллат борлигини билса ва ўзи жинсий алоқага монелик қилувчи иллатлардан соғ-саломат бўлса. Бунга ўхшаш ҳолатларда у никоҳини бекор қилишни эридан талаб қилиши мумкин. Агар ҳоким бу айбнинг борлигини аниқласа, бир йил муддат қўяди. Бу муддат ичида эр хотинига қўшила олмаса, аёлнинг талаби қондирилади ва никоҳ бекор бўлади. Ривоят қилинадики: «Ибн Мунзир бичилган бўла туриб бир аёлга уйланди. Умар ﷺ унга: «Аёлингга буни айтдингми?», дедилар. «Йўқ», деди ибн Мунзир. Шунда Умар ﷺ: «Унга айт ва ихтиёр бер», дедилар». Ривоят қилинишича, Умар жинсий заиф кишига бир йил муҳлат берганлар. Агар хотин эрининг олати кесиб ташланган ёки фалаж бўлганини билса, билган пайтдан бошлаб ихтиёри ўзида бўлади. Бу аёлга муддат қўйилмайди, чунки бундай ҳолатда жинсий алоқага умид йўқ ва уни кутишнинг ҳам маъноси йўқ.

3. Агар эр билан аёл қўшилишдан аввал ёки кейин эр билан бирга соғлом яшаш мумкин бўлмайдиган бирор хавfli касаллик, масалан, қичима, мохов, таносил, сил каби касалликлар эрида борлиги ёки юққанлиги маълум бўлса, хотин қозига мурожаат қилиб, эри билан ўртасини ажратишни талаб қилиши мумкин. Агар мазкур касалликнинг борлиги аниқланса ва ундан маълум муддат ичида даволанишнинг иложи йўқлиги билинса, аёлнинг талаби қондирилади. Унинг ихтиёри доимий бўлиб, маълум вақтга

чекланган эмас. Бунинг далили – зарар қондаси ва имом Молик «Муватто»да ривоят қилиб, унга Саид ибн Мусайябдан ушбу сўзлар етганлигини айтади: **«Қайси бир киши бир аёлга уйланса ва унда жиннилик ёки бирор зарарли касаллик бўлса, бу аёлга ихтиёр берилади: агар хоҳласа бирга яшайди, хоҳласа ажрашади».**

4. Агар никоҳдан кейин эр жинни бўлиб қолса, аёл қозига мурожаат қилиб, эридан ажралишни талаб қилиши мумкин. Қози ажралишни бир йил муддатга кечиктиради. Агар бу муддат ичида эр жинниликдан тузалмаса ва хотин ажралиш фикридан қайтмаса, қози ажралишга ҳукм қилади. Бунга ҳам аввалги бандда келган нарсалар далил бўлади.

5. Агар эр узоқ ёки яқин сафарга чиқиб дом-дараксиз кетса ва унинг ҳақида ҳеч қандай хабар бўлмаса ҳамда аёлнинг нафақа олиши имкони бўлмай қолса, у ҳолда - эрни қидириш ва топишга бор имкониятларни сарф қилганидан кейин, аёл ажралишни талаб қилиши мумкин. Бунинг далили Пайғамбар ﷺнинг:

«أَطْعِمْنِي وَإِلَّا فَارِقْنِي»

«Мени едириб-ичир. Агар едириб-ичирмасанг, қўйиб юбор», деб аёлнинг ўз эрига айтиши мумкинлиги ҳақидаги ҳадислари далил бўлади. Ажралишга едириб-ичирмаслик иллат бўляпти.

6. Агар бадавлат бўла туриб, хотинини боқшдан бош тортса ва аёл тирикчилиги учун зарур бўлган нафақани эрининг бойлигидан ҳеч ололмаса, у ҳолда аёл талоқни талаб қилиши мумкин. Қози бирор муҳлат қўймай, шу заҳотиёқ никоҳни бекор қилиши лозим. Чунки Расулulloҳ ﷺ:

«أَمْرَاتُكَ مِمَّنْ تَعُولُ تَقُولُ أَطْعِمْنِي وَإِلَّا فَارِقْنِي»

«Хотининг сен боқадиган оиланг аъзоларидандир. У: «Мени едириб-ичир. Агар едириб-ичирмасанг, қўйиб юбор», деб айтиши мумкин», дедилар. Умар رضي الله عنه хотинлари олдига умуман келмай қўйган кишиларга: «Ё нафақа беринглар ёки талоқ қилинглар», деб хат ёзганлар. Саҳобалар буни билишган ва инкор қилишмаган. Демак, бу уларнинг ижмоъси бўлган.

7. Агар эр билан хотин ўртасида низо ва келишмовчилик чиқиб қолса, хотин ажралишни талаб қилиши мумкин. Қози эрнинг қариндошларидан битта ҳакам, хотиннинг қариндошларидан битта ҳакам тайинлаши лозим. Оилавий мажлис уларнинг ҳар бирининг шикоятини тинглайди ва ислоҳ қилишга уриниб кўради. Агар ислоҳ қилишнинг иложи бўлмаса, шу мажлиснинг ўзи уларни ўзи лозим кўргани бўйича ажратиб юбораверади. Аллоҳ Таоло дейди:

﴿ وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِصْلَاحًا يُوَفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا ﴾

„Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томонидан бир ҳакам чақирингиз. Агар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур“. [4:35]

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг аввалгисида шариат аёлга ўзини талоқ қилиш ҳуқуқини берди ва кейингиларида талоқни талаб қилиш ҳуқуқини берди. Бу ҳолатларнинг воқелиги шуни кўрсатадики, Шорей оилавий ҳаётда аёл эрнинг соҳибаси деб ва уйда содир бўлган ҳар қандай нохушликнинг зарари эрга теккани каби аёлга ҳам тегади деб қараган. Демак, оила бошига тушган бахтсизликдан қутулиш учун аёл томонидан никоҳни бекор қилиш ҳуқуқини кафолатлаш зарур. Шунинг учун Шорей оилавий хотиржамлик йўқолган вақтда эр билан бирга қолишга аёлни мажбур қилмади ва яшаш имконияти йўқлиги ёки оилавий хотиржамлик йўқлиги аниқ бўлган ҳолатларда унга никоҳни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини берди.

Бундан маълум бўладики, Аллоҳ Таоло талоқ қилиш ҳуқуқини эркакка берди. Чунки у хотини тепасида раҳбар ва оиланинг масъулдир. Аёлга эса ўз турмушида бахтсиз бўлмаслиги, хотиржамлик ва осойишталик ўрни бўлган оила бахтсизлик ва изтироб ўрни бўлиб қолмаслиги учун никоҳни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини берди.

Талоқни қонунийлаштиришдаги иллатга келсак, илгари айтиб ўтганимиздек, шаръий нусуслар талоқни иллатламаган ва унинг илллати йўқ. Лекин талоқни қонунлаштиришнинг воқелигини ва уйланишга нисбатан уни қонунлаштириш кайфиятини ва бундан келиб чиқадиган ишларни баён қилиб ўтиш мумкин. Никоҳнинг воқелиги шуни кўрсатадики, никоҳ оилани ташкил этиш ва унда осойишталикни таъминлаш учун вужудга келган. Зеро, агар оила осойишталигига таҳдид соладиган бирор иш содир бўлса ва вазият бирга яшаш мумкин бўлмайдиган даражага етиб борса, у ҳолда эр-хотин ўрталарини ажратиш учун ишлатадиган воситага эга бўлишлари зарур. Улардан бири ёки ҳар иккови бундай ҳолатда яшашга мажбур қилиниши жоиз эмас. Аллоҳ Таоло талоқни қонунлаштириб деди:

﴿ الطَّلُقُ مَرَّتَانِ ط فَمَا سَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ بِإِحْسَنِ ﴾

„Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)“. [2:229]

Токи оиладаги бахтсизлик доимий бўлмасин ва одамлар ўртасидаги оилавий осойишталик бардавом бўлсин. Агар эр-хотиннинг табиатлари бир-бирларига мос келмагани ёки уларнинг ҳаётини бузиб юборадиган ҳодиса бўлгани сабабли оилада бу осойишталик йўқ бўлса, у ҳолда уларга бу оилавий осойишталикни бошқа бир шахс билан барпо қилишлари учун имконият берилиши мумкин. Бироқ, Ислом ёмон кўриш ва ёқтирмасликни талоқ учун сабаб қилмади, балки эр-хотинни яхшилик билан бирга яшашга буюрди ва ёмон кўрса ҳам, шояд бунда яхшилик бўлса деб, бирга сабр билан яшашга қизиқтирди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۚ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُنَّ شَيْئًا ۖ وَجَعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا﴾

„Улар билан тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб кўйган бўлиши мумкин“. [4:19]

Эркакларга аёлларни қайсарликларидан қайтариш воситаларини қўллашга буюрди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ ۖ فَعِظُوهُنَّ ۖ وَاهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَأَضْرِبُوهُنَّ ۗ﴾

„Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни, насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилинглар (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни, шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар“. [4:34]

Шу тариқа эр-хотин ўртасида рўй берадиган муаммоларни улар билан талоқ ўртасини тўсадиган тарзда ҳал этиш учун мулойим бўлган ва мулойим бўлмаган воситаларнинг барчасини ишлатишга буюрди. Агар яхши муомала қилиш фойда бермаса ва қаттиқроқ воситалар ҳам наф келтирмаса, иш кучайиб ёмон кўриш, ёқтирмаслик ва қайсарликдан низо ва жанжал даражасига етса ҳам, Ислом иккинчи қадам қилиб талоқни белгиламади. Балки улар ўртасида танглик кучли бўлишига қарамай, эр-хотин ўртасини ислоҳ қилиш ва келиштириш учун ҳар икки томон қариндошларидан ҳакам тайинлашни буюрди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ وَحَكَمَا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا
إِصْلَاحًا يُوَفِّقِ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَبِيرًا﴾

„Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томонидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор бўлган зотдир“. [4:35]

Агар бу икки вакил ҳам уларнинг ўртасини ислоҳ қилиб, келиштиришга қодир бўлмаса, бу ҳаракатлардан кейин уларнинг ўртасини келиштиришнинг иложи қолмайди. Чунки улардаги ички туйғулар ўрталарини ажратишдан бошқа нарсани қабул қилмайди. Энди талоқдан бошқа чора қолмади. Шоядки улар оилавий тинчликни топсалар ва талоқ билан бундай муаммолар барҳам топса. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ يَتَفَرَّقَا يُغْنِ اللَّهُ كُلاًّ مِّنْ سَعَتِهِ ۗ وَكَانَ اللَّهُ وَاسِعًا حَكِيمًا﴾

„Бордию эр-хотин ажралиб кетсалар, Аллоҳ иккаласини ҳам Ўзининг кенг карами билан беҳожат қилиб қўйгай (яъни ҳар иккисига ҳам аввалги турмушидан яхшироқ эр ёки хотин насиб этиши мумкин). Аллоҳ фазлу карами кенг ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир“. [4:130]

Лекин бу талоқ ҳам эр-хотин ўртасида имконият қолдирди ва уларнинг ўртасини тамоман ажратмади. Балки биринчи ва иккинчи талоқдан сўнг уларга қайта никоҳланиш ҳуқуқини берди. Чунки биринчи ва иккинчи талоқ баъзан эр-хотин қалбида биринчи талоқдан кейин иккинчи бор ва иккинчи талоқдан кейин учинчи бор оилавий ҳаётни қайта бошлашга рағбатни уйғотади. Мана шундан шариат талоқни уч марта деб белгилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الطَّلُقُ مَرَّتَانٍ ۖ فَأِمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ بِإِحْسَانٍ﴾

„Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажратиш (лозим)“. [2:229]

Токи эр-хотин ўз қалбларига қулоқ солиш ва қалбларида жойлашган Аллоҳдан қўрқишга қайтишлари натижасида оилавий ҳаётни қайтадан бошлаб, илгари топмаган роҳат ва хотиржамликни ва оилавий осойишталикни топишга интилсалар, ажаб эмас. Шунинг учун Ислом эрга биринчи ва иккинчи талоқдан сўнг яна хотинини никоҳига олишга рухсат берган. Шунингдек, Ислом эр-хотинга ўз қалбларига қулоқ солишлари, ажралиш ҳақида қайта ўйлаб кўришлари ва унга илгари бўлганидан кўра жиддийроқ равишда

қарашлари учун имкон берадиган воситани берди. Зеро, талоқдан кейинги иdda муддатини уч ҳайз муддати билан белгилади. Бу уч ойга яқин вақт бўлади. Ёки ҳомилали бўлса, иdda муддатини бола туғилгунча қилиб белгилади. Бу муддат ичида хотинига уйдан жой бериш ва боқиш масъулиятини эрга юклади ва иdda сақлаётган хотинини бу муддат тугагунча уйдан чиқариб юборишдан қайтарди. Бу эса ўзаро қалбларни яқинлаштириш ва дилларни поклаш учун ва икки томон бир-бирларига қайтишлари учун йўлни кенгайтириш ва қайта бирга яшашлари учун шароит яратиш эди. Бу жиҳатдан Ислom Қуръонда тавсиялар беради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا طَلَّقْتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ ۖ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَحوهُنَّ ۖ بِمَعْرُوفٍ ۚ وَلَا مَمْسُوكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا ۚ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ ۚ﴾

„Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг иdda муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан қузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса, ўзига зулм қилибди“. [2:231] Агар бу муомалалар фойда бермаса ёки биринчи ва иккинчи талоқдан кейин таъсир этса-ю, кейин барибир учинчиси содир бўлса, у ҳолда энди ишнинг томири чуқурроқ, чигаллиги кўпроқ ва низо қаттиқроқ бўлган бўлади. Оилани сақлаб қолиш у ёқда турсин, никоҳни қайтаришга мурожаат қилишнинг ҳам асло фойдаси йўқ. Бошқа турмуш қурмай туриб бу турмушнинг ўзида самарасиз тажрибани яна қайта ўтказишдан кўра уларнинг ўртасини ажратиш ва бошқа турмуш қуришдан ўзга чора йўқ. Шунинг учун учинчи талоқни кескин ҳал қилувчи чора қилиб белгилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ ۗ﴾

„Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунча аввалги эрига ҳалол бўлмайди“. [2:230] Учинчи талоқдан кейин хотини бошқа эрга тегиб, улар қўшилмасдан ва эр-хотинликни тўла ҳис этиш учун «**унинг мазасини бу ва бунинг мазасини у тотиб кўрмагунча**» аввалги эр хотинини никоҳига олиши мумкин эмас. Хотин агар иккинчи турмушни ҳам тажрибадан ўтказиб, унда ҳам роҳат ва хотиржамликни топмаса, сўнг иккинчи эридан ажраса, ана шу пайтда хотин ўзининг аввалги эри билан бирга яшашга қайтиши мумкин. Чунки у иккинчи эр билан ҳам эр-хотинлик ҳаётида яшаб, иккинчи марта тажрибадан ўтказди ва уларнинг ўртасини солиштириб кўрди. Энди агар қайта

яшашни ихтиёр қилса, билиб-кўриб туриб ихтиёр қилган бўлади. Шунинг учун Шореъ хотинга бошқа эрга тегиб, у билан яшаб ажралганидан сўнг аввалги уч марта талоқ қилган эрига қайтишини ҳалол қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ فَإِنْ طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُ مِنْ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنْكِحَ زَوْجًا غَيْرَهُ ۗ ﴾

„Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан турмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди“. [2:230]

ва кейин шу оятнинг ўзиди:

﴿ فَإِنْ طَلَّقَهَا ﴾

„Агар уни талоқ қилса“. [2:230]

яъни иккинчи эр уни талоқ қилса:

﴿ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا ﴾

„Иккаласига гуноҳ йўқдир“. [2:230]

яъни иккинчи эрдан талоқ қилинган хотин ва аввалги эр:

﴿ أَنْ يَتَرَاجَعَا ﴾

„(У хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг“. [2:230]

яъни улардан ҳар бири ўз жуфтига никоҳ орқали қайтишида гуноҳ йўқ.

Талоқнинг қонунлаштирилиши кайфияти йўл кўрсатган ишлар шулардир. Бу билан талоқни қонунлаштиришдаги ва қонунлаштириш тарихатидаги ва талоқ қилишнинг кайфиятидаги ҳамда ижтимоий ҳаётга осойишта турмушни кафолатлаш учун диққат билан қарашдаги етук ҳикматлар ойдинлашади. Агар ушбу осойишталик йўқолса ва уни қайтаришдан умид қолмаса, у ҳолда бу жуфтни ажратиб юбориш зарур. Шунинг учун Аллоҳ Таоло талоқни қонунлаштирди. Биз унинг жиҳатларини баён қилдик.

НАСАБ

Илоҳий ҳикмат аёлнинг ҳомиладор бўлиш ва бола туғиш ўрни бўлишини тақозо этган. Шу туфайли аёл фақат бир эркак билан турмуш қуриши керак. Унинг биттадан ортиқ эркак билан турмуш қуриши тақиқланган. Ҳар бир шахс ўз насл-насабини билиш имкониятига эга бўлиши учун аёлнинг бир неча эркак билан турмуш қуриши ҳаром қилинган. Шариат насл-насабни мустаҳкамлашга катта эътибор бериб, унинг ҳукмини тўлиқ баён қилиб берган.

Ҳомиладор бўлишнинг энг оз муддати олти ой, одатдагиси муддати тўққиз ой. Эр ўз хотини билан турмуш қурган пайтдан олти ой ва ундан кўпроқ вақт ўтиб аёли туғса, бола унинг боласи бўлади. Бу хусусда Пайғамбар ﷺ:

«الْوَلَدُ لِلْفِرَاشِ»

«**Бола тўшак эгасиники**», деганлар (муттафақун алайҳ). Хулоса шуки, аёл ўз эрига хотин бўлиб турган даврда ва никоҳларига олти ойдан кўпроқ вақт ўтиб туғса, бу бола шу эрнинг фарзанди бўлади.

Бироқ, хотини олти ой ёки ундан кўпроқ вақт ўтиб бола туғса ва бу бола эридан бўлмаганлиги аниқланса, топилиши зарур бўлган бир қанча шартлар билан эри бу болани рад қилиши мумкин. Агар мазкур шартлар топилмаса, унинг рад қилишининг қиймати бўлмайди. Хоҳлайдими ёки бош тортадими, бола барибир уники бўлиб қолаверади. Бу шартлар қуйидагилар:

Биринчиси: Чақалоқ тирик туғилган бўлиши керак. Зеро, ўлик туғилган чақалоқнинг насаби рад этилмайди. Чунки шаръий ҳукм ўлик туғилган болани инкор қилишга жорий қилинмайди.

Иккинчиси: Ота очиқдан-очиқ ёки бирор ишора билан бу бола - унинг фарзанди эканлигига иқрор бўлмаган бўлиши керак. Агар очиқдан-очиқ ёки бирор ишора билан бу бола унинг фарзанди эканлигига иқрор бўлган бўлса, бундан кейин боланинг насабини инкор қилиши мумкин эмас;

Учинчиси: Болани инкор қилиш муайян вақт ва муайян ҳолатларда бўлиши керак, яъни туғилиш вақти, туғиш учун керакли нарсаларни сотиб олиш вақти, эр уйда бўлмаган пайтда хотини туққанлигидан хабар топган вақти. Бу айтиб ўтилган вақтлар ёки ҳолатлардан бошқа пайтда боланинг насабини инкор этиши эътиборга олинмайди. Шунга кўра хотини бола туғиб, эри уни инкор қилишга имкони бўла туриб инкор этмаса, бола унинг насабидан ҳисобланади ва бундан кейин болани тан олмасликка отанинг ҳаққи бўлмайди. Боланинг туғилганини билган ва уни

тан олмаслик имконига эга бўлган ҳолатда отага ихтиёр берилади. Бола туғилганини билиб, уни инкор қилишга имкони бўла туриб инкор қилмаса, бола унинг насабидан бўлди деб ҳисобланади. Чунки Расулуллоҳ ﷺ:

«الْوَلَدُ لِلْفِرَاشِ»

«Бола тўшак эгасиники», деганлар. Агар ота боланинг туғилганини билмагани ҳақида даъво қилса ва у беҳабар қолиш эҳтимоли бўлган жойда, масалан бошқа маҳалла ёки бошқа шаҳарда бўлгани учун уни тасдиқлаш мумкин бўлса, у гапини қасам ичиб тасдиқлайди. Чунки асл-асос билмасликдир. Энди агар унинг гапини тасдиқлаш мумкин бўлмаса, масалан эр хотини билан бир ҳовлида бўлган бўлса, унинг даъвоси қабул қилинмайди. Чунки бундай ҳолатда билмай қолиши мумкин эмас. Агар эр: «Бола туғилганини билгандим, бироқ уни инкор қилишга ҳақли эканимни билмаган эдим», деса ёки «Буни ҳам билардим, лекин дарҳол инкор қилишим кераклигини билмаган эканман», деса ва у омма халқ каби буни билмайдиганлар жумласидан бўлса, унинг бу даъвоси қабул қилинади. Чунки бу ҳукми омма халқ билмайди ва бу борада Исломни яқинда қабул қилган кишига ўхшайди. Шунингдек у каби кишилар билмайдиган ҳар қандай ҳукми билмаслиги узр деб қабул қилинади. Агар билмай қолиши мумкин бўлмаган иш бўлса, унинг билмаслиги узр деб қабул қилинмайди.

Тўртинчиси: Болани инкор этиш ортидан лаънатлашиш ёки лаънатлашиш орқали болани инкор этиши керак. Тўлиқ равишда лаънатлашиш билан болани инкор этсагина, бола унинг насабидан деб ҳисобланмайди.

Мана шу тўрт шарт топилса, бола отанинг насабидан бўлмаган деб ҳисоб қилиниб, онасига нисбат берилади. Ибн Умар ривоятига кўра:

«أَنَّ رَجُلًا لَاعَنَ امْرَأَتَهُ فِي زَمَنِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَأَتَتْهُ مِنْ وَلَدِهَا فَفَرَّقَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَيْنَهُمَا، وَالْحَقَّ الْوَلَدُ بِالْمَرْأَةِ»

«Расулуллоҳ ﷺ замонларида бир киши хотини билан лаънатлашишди ва боласини инкор қилди. Расулуллоҳ ﷺ эр-хотинни ажратиб юбориб, болани онасига нисбат бердилар». (Бухорий ривояти). Агар болани инкор қилиш шартлари топилмаса, бола инкор этилмайди ва эрнинг наслдан деб ҳисобланади. Бу бола фарзандликнинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Юқорида туғилган бола эрдан бўлгани ҳақида ихтилоф

туғилгандаги ҳолат ҳақида гапирилди. Энди хотин бола туққанлиги ҳақида эр-хотин ўртасида жанжал бўлиб қолса, яъни хотин эр-хотинлик асносида эридан бола туққанлигини даъво қилса, эри эса хотини бола туққанлигини инкор этса, хотин ўз даъвосини бир муслима аёлнинг гувоҳлиги билан исботлайди. Бундай ҳолатда бир аёлнинг гувоҳлиги кифоя қилади. Чунки насл-насаб тўшакнинг мавжудлиги билан қарор топади. Гувоҳлик шартлари топилган бир аёлнинг гувоҳлик бериши билан боланинг туғилганлиги исботланиши мумкин.

ЛАЪНАТЛАШИШ

Лаънатлашиш - лаънат сўзидан олинган. Зеро, эр-хотиннинг ҳар бири ўзининг бешинчи гувоҳлигида агар ёлгончи бўлса, ўзига лаънат бўлишини айтади. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги ояти бунга асосдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ وَالَّذِينَ يَرْمُونَ أَزْوَاجَهُمْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُمْ شُهَدَاءُ إِلَّا أَنْفُسُهُمْ فَشَهَدُوا بِحُدُوبِ مَا رَزَقَهُمُ اللَّهُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِمْ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١﴾ وَلَا يَتَذَكَّرُ عَلَيْهِمْ إِلَّا الْأَخْسِرُونَ ﴿٢﴾ ﴾

„Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолида ўз хотинларини (бузуқ деб) бадном қиладиган кимсалар - уларнинг ҳар бири ўзини, шакшубҳасиз, ростўйлардан, деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши (вожибдир). (У эрнинг) бешинчи (гувоҳлиги эса) агар ёлгончилардан бўлса, устига Аллоҳнинг лаънати (тушишини сўрамоқлигидир). У (аёлдан) азоб-жазони: У (яъни эри), шакшубҳасиз, ёлгончилардан, деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши даф қилур. У (аёлнинг) бешинчи (гувоҳлиги эса) агар эри ростўйлардан бўлса, ўзининг устига Аллоҳнинг газаби (тушишини сўрамоқлигидир)“. [24:6-9]

Ибн Аббос رضي الله عنهдан Абу Довуд ривоят қилади: «Аллоҳ тавбаларини қабул қилган уч саҳобанинг бири бўлган Ҳилол ибн Умайя кечқурун экинзордан қайтганда хотини ҳузурда бир эркак борлигини сизди. Улар қилаётган ишни ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитди. Тонг отгунга қадар уни (эркакни) қўзгатмади. Сўнг Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг ҳузурларига бориб деди: «Эй Расулуллоҳ, оиламга келиб, унинг ҳузурда бир эркакни топдим. ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитдим». Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم у келтирган хабарни ёқтирмадилар. У (Ҳилол) қийин аҳволга тушиб қолди. Шунда ушбу оят нозил бўлди: «*Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолида ўз хотинларини (бузуқ деб) бадном қиладиган кимсалар...*». [24:6] Ваҳий тугагач, Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم дедилар:

﴿ أَبَشِرْ يَا هَلَالٌ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكَ فَرْجًا وَمَخْرَجًا. قَالَ هَلَالٌ: قَدْ كُنْتُ أَرْجُو ذَلِكَ مِنْ رَبِّي تَبَارَكَ وَتَعَالَى. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَرْسَلُوا إِلَيْهَا. فَأَرْسَلُوا إِلَيْهَا. فَتَلَاهَا عَلَيْهَا

رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَذَكَرَهُمَا وَأَخْبَرَهُمَا أَنَّ عَذَابَ الْآخِرَةِ أَشَدُّ مِنْ عَذَابِ الدُّنْيَا. فَقَالَ هَلَالٌ وَاللَّهِ لَقَدْ صَدَقْتُ عَلَيْهَا. فَقَالَتْ كَذَبَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَاعْنُوا بَيْنَهُمَا»

«Эй Ҳилол, хурсанд бўл! Аллоҳ сенга шодлик ва енгиллик берди». Ҳилол деди: «Раббим Таборака ва Таолодан ҳақиқатда шуни умид қилгандим». Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Уни (Ҳилолнинг хотинини) олдимга юборинглар». Уни олиб келдилар. Расулulloҳ ﷺ унга оятларни тиловат қилдилар. Уларни огоҳлантирдилар ва охираат азоби дунё азобидан оғирроқ эканлигини эслатдилар. Ҳилол деди: «Худо ҳаққи, мен рост гапирдим» Хотини деди: «Ёлгон гапирди». Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Уларни бир-бирларига лаънат айттиринглар». Ҳилолга «Гувоҳлик бер», дейилди. У ўзининг ростгўйлардан эканлиги ҳақида Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик берди. Бешинчисига келганда Ҳилолга айтилди: «Эй Ҳилол, Аллоҳдан қўрқ. Дунё азоби охираат азобидан енгилдир. Бу иш сенга азобни вожиб қилиб қўяди». У деди: «Аллоҳ бу иш туфайли дарралатмагани каби бу иш учун мени азобламайди ҳам». Сўнг бешинчи гувоҳлигида, агар ёлгончилардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг лаънати бўлишини айтиб, гувоҳлик берди. Кейин унинг хотинига «Гувоҳлик бер», дейилди. У эрини ёлгончилардан деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик берди. Бешинчисига эса унга айтилди: «Аллоҳдан қўрқ. Дунё азоби охираат азобидан енгилдир. Бу иш сенга азобни вожиб қилиб қўяди». У бирпас жим қолди. Сўнг: «Худо ҳаққи қавмимни шарманда қилмайман», деб бешинчи гувоҳлигида агар эри ростгўйлардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг ғазаби бўлишини айтиб гувоҳлик берди. Шундан кейин Расулulloҳ ﷺ уларни бир-бирдан ажратдилар ва эр бу хотинга уй ва озиқ-овқат бермайди, деб ҳукм чиқардилар».

Агар киши ўз хотинини «Зино қилдинг» деб ёки «Эй зинокор» ёки «Зино қилаётганингни кўрдим», деб бадном этиб, бу даъвосига далил-ҳужжат келтира олмаган ҳолатда ўзига лаънат айтмаса, унга ҳад лозим бўлади. Агар у ўзига лаънат айтса, бироқ хотини айтмаса, хотинига ҳад қўлланилади. Чунки Аллоҳ Таоло айтганки:

﴿وَيَذَرُوهَا عَنْهَا الْعَذَابَ أَنْ تَشْهَدَ أَرْبَعَ شَهَدَاتٍ﴾

„У (аёлдан) азоб-жазони... тўрт марта гувоҳлик бериши даф қилур“.

[24:8]

Бу хотиндан даф қилинадиган азоб турмуш қурган зинокорнинг ҳаддидир. Чунки Ҳилол ибн Умайя хотинини бадном қилиб, Пайгамбар ﷺ ҳузурларига келиб хабар берганда, хотини олиб

келинади. Улар бир-бирларига лаънат айтишади. Бу зино исбот қилинадиган хос ҳолатлардан биридир. Бу шундай бир ҳолатки, эр хотинини зинокор деб бадном қилади. Эр лаънат айтса, бироқ хотини лаънат айтмаса, даъво исботланади. Агар хотин ҳам лаънат айтса, даъво исботланмайди. Лаънат айтишдан хотин бош тортса, зино қилганлиги исботланади ва эри ўзига лаънат айтганлиги туфайли бу хотинга ҳад қўллаш вожиб бўлади.

Агар иккови ҳам лаънат айтсалар ва ҳоким уларни ажратиб юборса, энди улар ҳеч қачон бирга бўла олмайдилар. Бу аёл мазкур эркакка абадий ҳаром бўлади. Чунки Пайғамбар ﷺ лаънат айтганларнинг икковини ажратиб юборганлар. Молик Нофиъдан, Нофиъ Ибн Умардан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا لَاعَنَّ امْرَأَتَهُ فِي زَمَنِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَانْتَفَى مِنْ وَكْدِهَا فَفَرَّقَ الرَّسُولُ بَيْنَهُمَا فَأَلْحَقَ الْوَكْدَ بِالْمَرْأَةِ»

«Расулуллоҳ ﷺ замонларида бир киши хотини билан лаънатлашишди ва боласини инкор қилди. Расулуллоҳ ﷺ эр-хотинни ажратиб юбориб, болани онасига нисбат бердилар». Саҳл ибн Саъд ривоят қилади: **«Лаънат айтган эр-хотиннинг ажратиб юборилиши ва ҳеч қачон бирга бўлмасликлари суннатдир».** (Абу Довуд ривояти). Лаънат айтиш туфайли ажратилиш - никоҳнинг абадий ҳаром қилинишини тақозо этувчи айрилишдир. Эр ўзини ёлғончига чиқарса ҳам бу аёл энди унга ҳалол бўлмайди. Бироқ, эр ўз даъвосидан қайтиб, ўзини ёлғончи қилса, унга ҳад қўлланилади ва лаънат айтишдан олдин ўзини ёлғончи қиладими ёки кейинми, барибир, бола унинг насабидан деб ҳисоб қилинади.

Хотин лаънат айтишдан бош тортганда, хотинга ҳад қўллашни вожиб қиладиган ва ҳад қўлланишидан эрни асраб қолувчи лаънатлаш қуйидагича бўлади. Эр ҳокимнинг ҳузурида «Аллоҳ номи билан гувоҳлик бераманки, бу (хотин) зино қилди», деб хотинига ишора қилади. Агар хотини у ерда ҳозир бўлмаса, эри унинг исмини ва насабини айтиб тўрт марта гувоҳлик беради. Бешинчи марта гувоҳлик беришдан олдин тўхтатилиб, унга айтилади: «Аллоҳдан қўрққин. Бу иш азобни сенга вожиб қилиб қўяди. Дунё азоби охират азобидан енгилдир». У бешинчи марта ҳам гувоҳлик бермоқчи бўлса айтадики: «Агар хотинимни зино қилди деб бадном қилишимда ёлғончилардан бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин». Хотини: «У ёлғон гапиряпти деб Аллоҳ номи билан гувоҳлик бераман», деб тўрт марта гувоҳлик беради. Бешинчи марта гувоҳлик беришидан олдин тўхтатилиб,

эркак қандай қўрқитилган бўлса, у ҳам шундай қўрқитилади. Бешинчи марта ҳам гувоҳлик бермоқчи бўлса айтадики: «Мени зинокор деб бадном қилишида эрим ростгўйлардан бўлса, менга Аллоҳнинг ғазаби бўлсин». Агар ўрталарида бола бўлса, лаънатлашда бола зикр қилинади. Агар эри: «Аллоҳ номи билан гувоҳлик бераманки, у зино қилди ва бу бола менинг болам эмас», деса, хотини айтадики: «Аллоҳ номига гувоҳлик бераманки, у ёлгон гапирди ва бу бола унинг боласидир».

Лаънатлаш кайфияти ва унинг лафз жумлалари шундай бўлади. Шунга кўра хотини бола туққанда эри «бу бола мендан эмас» ёки «бу менинг болам эмас» деса, унга ҳад қўлланилмайди. Чунки бу бадном қилиш эмас. Агар эрдан сўралганда: «У (хотин) зино қилди ва бу болани зино туфайли туғди» деса, бу бадном қилиш бўлади ва лаънатлаш билан исбот қилинади. Агар эр: «Бу бола менга ўхшамаяпти, демоқчи эдим» деса ёки «Шубҳа билан босгандим. Бола - босганники» ёки шунга ўхшаш гап айтса, унга ҳад қўлланилмайди. Бола унинг насабидан деб ҳисобланади. Чунки у хотинини бадном этгани йўқ. Бундай ўринларда лаънатлаш бўлмайди. Чунки лаънат айтишнинг шарти - бадном қилишдир.

ОТАНИНГ ВАЛИЙЛИГИ

Ота оиланинг раҳбари, етакчиси, назоратчиси бўлганлиги учун оилага валий ҳам бўлиши зарур. Бинобарин фарзандларга у валийдир. У ўзининг мукаллаф бўлмаган катта-кичик ўғил-қизларига жон ва мол жиҳатидан валийдир. Гарчи кичик болалар она ёки унинг қариндошлари қарамоғида бўлсалар ҳам.

Шахс ё кичик ё катта ёшда бўлади. Катта ёшдаги шахс ё эс-ҳуши жойида бўлган оқил ёки эс-ҳуши жойида бўлмаган телба бўлади. Агар катта ёшдаги шахснинг ақл-ҳуши жойида бўлса, жон ва мол жиҳатидан бирор киши унга валий бўлмайди. У ўзининг ишларига ўзи валий бўлади. Лекин валийлик ҳуқуқи отасида сақланиб қолади. Агар шахс кичик ёшда бўлса ёки катта ёшда бўлса-ю, эс-ҳуши жойида бўлмаса, яъни телба ёки жинни бўлса, ўзини ўзи бошқаришдан ожиз бўлгани учун ўзига валийлик қила олмайди. Балки отаси унга валийлик қилади. Бу шахс кичик ёшда бўлар экан ёки ақли-ҳуши жойида бўлмас экан, мазкур валийлик давом этаверади. Агар кичик ёшдаги бола балоғатга етса ёки катта ёшдаги бола жиннилик ёки телбалиқдан тузалса, унга валийлик қилиш тугайди. У ўз ишига ўзи валий бўлиб қолади. Отанинг валийлик қилишга доимо ҳаққи бўлгани учун бундай фарзандларга ҳам ота валий бўлиб қолиши мандуб ва мустаҳабдир.

ЁШ БОЛАНИ КАФИЛЛИККА ОЛИШ

Ёш болани кафилликка олиш фарздор. Чунки у ўз ҳолига ташлаб қўйилса ҳалок бўлади. Бу иш Аллоҳ вожиб қилган «жонни сақлаб қолиш» жумласига киради. Шунга кўра, болани ҳалок бўлишдан сақлаб қолиш ва уни ҳалок этувчи ҳолатлардан асраб қолиш зарур. Болани кафилликка олиш фарз бўлиши билан бирга бунга боланинг қариндошлик ҳуқуқи ҳам қўшилган. Зеро, бола шунга ҳақлидир. Бу ишга вожиб қандай тааллуқли бўлса, ҳуқуқ ҳам шундай тааллуқлидир. Кафолат ҳар бир боланинг ва унга кафил бўлишларини Аллоҳ вожиб қилган ҳар бир шахснинг ҳаққидир. Кафолат бола қарамоғига тайин қилинган боқувчига фарздор. Аллоҳ кафилликни вожиб қилган шахснинг кафилликка киришишдаги ҳуқуқи - шу ишга яроқли шахсга хос бўлиб, барчага умумий эмас. Шунга кўра, болани зое қиладиган, уни муқаррар ҳалокатга йўлиқтирадиган шахсларнинг болага кафил бўлишга ҳаққи йўқ. Ёш бола ва телба шахслар ҳам болани боқишга қодир бўлмаганлари учун уларнинг ҳам кафил бўлишга ҳақлари йўқ. Чунки уларнинг ўзлари кафолатга муҳтож эканлар, қандай қилиб бошқага кафил бўла оладилар. Шунингдек, болани эътиборсиз ташлаб қўйиши ёки уни боқишга имкон бермайдиган ишлар билан машғул бўлишлари туфайли болани аниқ зое кетказадиган шахсларнинг ҳам, фосиқлик билан сифатланган ва болани бузуқ тарбия билан ўстириб қўядиган шахсларнинг ҳам кафил бўлишга ҳақлари йўқ. Зеро, тарбиянинг бузилиши ҳам ҳалокат ҳисобланади. Кофирнинг ҳам кафил бўлишга ҳаққи йўқ, фақат онанинг ёш болани боқиши бундан мустасно.

Болага кафил бўлиш ҳолатида қаралади. Агар бола нарсаларни ажрата оладиган, онанинг муомаласини отанинг муомаласидан ажрата оладиган бўлса ҳамда эмзик ёшидан катта бўлса, бундай ҳолатда болага ихтиёр берилади. Ота-онадан қай бирини танласа, ўшанга берилади. Аҳмад ва Абу Довуд Абдулҳамид ибн Жаъфардан, у отасидан, отаси бобоси - Рофиъ ибн Синондан ривоят қиладик:

«أَنَّهُ أَسْلَمَ وَأَبَتْ أَمْرَاتُهُ أَنْ تُسَلِّمَ فَأَتَتْ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَتْ: ابْنَتِي وَهِيَ فَطِيمٌ أَوْ شِبْهَةٌ. وَقَالَ رَافِعُ ابْنَتِي. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: اقْعُدِي نَاحِيَةَ. وَقَالَ لَهَا: اقْعُدِي نَاحِيَةَ. وَقَالَ: ادْعُوَاهَا. فَمَالَتْ الصَّبِيَّةَ إِلَى أُمِّهَا. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: اللَّهُمَّ اهْدِهَا. فَمَالَتْ إِلَى أَبِيهَا فَأَخَذَهَا»

«Рофиъ Исломни қабул қилганда, аёли Исломга кирмади. Хотини Пайгамбар ﷺ ҳузурларига келиб: «Бу менинг қизим, у эндигина сутдан чиқди», деди. Рофиъ ҳам: «Бу менинг

қизим», деди. Пайгамбар ﷺ унга: «Сен бу томонга ўтир», хотинига эса: «Сен бу томонга ўтир», дедилар. Сўнг: «Уни чақиринглар», дедилар. Қизча онаси томон йўналди. Пайгамбар ﷺ «Парвардигоро, уни ҳидоятлагин», дедилар. Шунда қизча отаси томон йўналди. Шунда уни Рофиъ олди». Аҳмад ва Насойй ҳам шу ҳадисни турли сўзлар билан, лекин шу ривоятда келган маънода ривоят қилганлар.

Агар бола кичик ёшда бўлиб, нарсаларни ажрата олмайдиган, она муомаласи билан ота муомаласининг фарқига бормайдиган ва эмадиган ёшда ёки ундан ёшроқ ёхуд каттароқ, лекин шунга яқин бўлса, унга ихтиёр берилмайди. Балки юқорида ўтган ҳадиснинг мафҳумига кўра, онасига берилади. Чунки болани боқишга она ҳақлироқдир. Уни боқишдан онани ман қилиш хусусида нусус келмаган. Бу ўринда кафиллик валийлик бўлиб, мусулмон устидан кофир валий бўлмаслиги керак дейилмайди. Чунки воқелигига қаралса, кафиллик боқиш ва хизмат қилиш бўлиб, асло валийлик эмас. Демак, унга валийлик аҳқомлари қопланмайди.

Талоқ қилинганда болага ва майиб-мажруҳга она кафиллик қилишга ҳақлидир. Аҳмад ва Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қиладилар: «Бир аёл Расулуллоҳ ﷺга деди: «Эй Расулуллоҳ, бу менинг болам. Уни қорнимда сақлаганман, кўкрагимдан эмизганман, бағримда асраганман. Унинг отаси мени талоқ қўйиб, уни мендан тортиб олмоқчи». Расулуллоҳ ﷺ:

«أَنْتِ أَحَقُّ بِهِ مَا لَمْ تَنْكِحِي»

«Модомики турмушга чиқмас экансан, унга сен ҳақлироқсан», дедилар». Ибн Абу Шайба Умардан ривоят қилади: «Умар Умму Осимни талоқ қилиб, унинг олдига келди. Осим онасининг қарамоғида эди. Умар болани ундан олмоқчи бўлди. Улар ўзаро болани тортқилашди. Охири бола йиғлаб юборди. Сўнг иккови Абу Бакр Сиддиқ ҳузурига боришди. У: «Бола улғайиб, ўзи танлаб оладиган бўлгунча онасининг ювиб-тараши, бағри ва ҳиди унга сендан кўра яхшироқдир», деди». Агар она турмушга чиққан ёки майиб-мажруҳ бўлиб, боқувчилик шартлари топилмай, боқишга яроқли бўлмаса, у йўқдек ҳисобланади. Боқиш ҳуқуқи ундан кейинги шахсга ўтади. Агар ота-она боқишга яроқли бўлмасалар, боқиш улардан кейингиларга ўтади. Бу ҳолатда улар йўқдек ҳисобланадилар. Боқишга ҳаммадан кўра она ҳақлидир. Ундан сўнг онанинг онаси, сўнг унинг онаси ва ҳоказо. Чунки улар туққанлари аниқ бўлган аёллардир. Демак, улар она ўрнидадирлар. Сўнг ота, сўнгра унинг оналари. Сўнг бобо, сўнгра унинг оналари. Сўнг отанинг бобоси, сўнгра унинг оналари, гарчи меросхўр

бўлмасалар ҳам. Чунки улар қариндошлик туфайли боқишга яроқлилар жумласига кирадилар. Оталар ва оналар тугаса, боқишлик опа-сингилларга ўтади. Бир ота-онадан бўлган опа-сингил муқаддам қўйилади. Сўнг ота бир опа-сингил, сўнгра она бир опа-сингил туради. Боқувчилардан ҳисоблангани учун опа-сингил ака-укадан муқаддам қўйилади. Агар опа-сингил йўқ бўлса, бир ота-онадан бўлган ака-укаси лойиқроқдир. Сўнг ота бир бўлган ака-ука. Сўнг уларнинг ўғиллари. Онадан бўлган ака-ука эса боқишга ҳақли эмас. Агар мазкур шахслар йўқ бўлса, боқиш холаларга ўтади. Агар холалар йўқ бўлса, аммаларига ўтади. Сўнг бир ота-онадан бўлган амаки болани боқади. Сўнг ота бир амакиси. Она бир амакиси боқишга ҳақли эмас. Агар улар йўқ бўлсалар, бола онанинг холалари, сўнг отанинг холалари, сўнг отанинг аммалари қарамоғида бўлади. Онанинг аммалари болани ўз қарамоқларига олмайдилар. Чунки онанинг аммалари қариндошлик жиҳатидан онанинг отасига боғланадилар. Онанинг отаси болани боқишга ҳақли эмас.

Кафилликка олишга ҳақли бўлган шахслар йўқ бўлсалар ёки кафилликка олишга ярамасалар, болани боқиш бошқаларга ўтади. Агар боқишга ҳаққи бўлган шахс болани боқмаса, болани боқиш бошқа шахсга - агар унда болани боқиш аниқ амалга ошсагина - ўтади. Чунки болани боқиш боқувчининг ҳуқуқигина эмас, балки унинг вазифаси ҳамдир. Бу вазифани боқишга яроқли бошқа одам бажарсагина боқувчи боқишни тарк этиши мумкин бўлади. Шундагина боқишни тарк этган боқувчидан боқишлик юқоридаги тартибда ундан кейинги шахсга ўтади. Агар боқиш ҳаққини ўзидан соқит қилган шахс ўз ҳуқуқини қайтармоқчи бўлса ва боқишга қодир бўлса, ҳуқуқ тикланади ва бола унга қайтарилади. Шунга ўхшаб она турмуш қурса, боқиш ҳуқуқи ундан соқит бўлади. Сўнг талоқ қилиниб, болага кафиллик қилишга қайтса, ҳуқуқи тикланади. Шунингдек, боқишга ҳаққи бўлган қариндошлар бирор монелик туфайли болани боқмасалар, сўнгра моне йўқолса, болани боқишдаги ҳуқуқлари ҳам қайтади.

Агар бир жамоат болани боқишга қайсилари ҳақлироқ эканлигида келиша олмасалар, боқишга ҳақлироқ шахс устун қўйилади. Баро ибн Озидан ривоят қилинади: «Ҳамзанинг қизи хусусида Али, Жаъфар ва Зайд тортишиб қолишди. Али деди: «Унга мен ҳақлироқман. У амакимнинг қизи». Жаъфар деди: «У амакимнинг қизи, унинг холаси менинг жуфтим». Зайд деди: «У акамнинг фарзанди». Расулulloҳ ﷺ қизчани холасига деб ҳукм чиқариб:

«الْحَالَةُ بِمَنْزِلَةِ الْأُمِّ»

«**Хола она ўрнидадир**», дедилар». (Бухорий ривояти).

Юқорида ҳалокатдан сақланиб қолиш учун кафолатга олинишга муҳтож бўлган ёш болага тааллуқли масалалар кўриб чиқилди. Кафолатга олинишдан беҳожат бўлган бола беҳожатлиги туфайли уни кафолатга олиш иллоти йўқолади. Иллат йўқолгани туфайли ҳукм, яъни уни кафолатга олиш вожиблиги ва қариндошининг кафиллик ҳуқуқи ҳам йўқолади. Бундай ҳолатда қаралади. Кафолатга олишга ҳақли бўлган шахс (масалан, она) кофир бўлса, бола ундан олиниб, болага валийлик қилиш ҳуқуқига эга шахсга берилади. Чунки бунда боланинг воқелиги кафолатга олиш эмас, балки унга валийлик қилиш бўлиб қолди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

„**Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай**“.[4:141]

Бу оятга кўра, кофир валийлик қилиши мумкин эмас. Расулulloҳ ﷺнинг ҳадисларида ҳам бу таъкидланган:

«الإِسْلَامُ يُعْلَوُ وَلَا يُعْلَى عَلَيْهِ»

«**Ислом олий бўлади. Бирон нарса ундан олий бўлмайди**».

(Доруқутний келтирган). Бу ҳукм умумий бўлиб, уни хословчи бирор далил келмаган. Бола боқувдан беҳожат бўлгани учун боқишга доир хословчи ҳадис унга тўғри келмайди. Кафолатга олишга ва валийлик қилишга ҳақли шахслар (масалан, ота-она) мусулмон бўлсалар, ўғил ёки қизга ота-онасидан истаганини танлаш ихтиёри берилади. Қай бирларини танласа, танлаганига берилади. Бунга далил - Аҳмад, Ибн Можа ва Термизийлар Абу Ҳурайрадан ривоят қилишган ҳадисдир:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ خَيْرَ غُلَامًا بَيْنَ أَبِيهِ وَأُمِّهِ»

«**Расулulloҳ ﷺ болага ота-онасидан истаганини танлашига ихтиёр бердилар**». Абу Довуд ривоятига кўра:

«أَنَّ امْرَأَةً جَاءَتْ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ زَوْجِي يُرِيدُ أَنْ يَذْهَبَ بِابْنِي، وَقَدْ سَقَانِي مِنْ بَنِي أَبِي عِنَبَةَ، وَقَدْ نَفَعَنِي، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: اسْتَهْمَا عَلَيْهِ. فَقَالَ زَوْجُهَا مَنْ يُحَاقِنِي فِي وِلْدِي، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: هَذَا أَبُوكَ، وَهَذِهِ أُمُّكَ فَخُذْ بِيَدِ ابْنَيْهِمَا شِئْتَ. فَأَخَذَ بِيَدِ أُمِّهِ فَأَنْطَلَقَتْ بِهِ»

«**Бир аёл келиб деди: «Эй Расулulloҳ, эрим ўғлимни олиб кетмоқчи бўляпти. Ўғлим менга Абу Инабанинг қудугидан**

сув ташиб фойдаси тегаётган эди». Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Икковинг болага қуръа ташланглар». Хотиннинг эри деди: «Боламга мендан кўра ким ҳақлироқ?». Пайгамбар ﷺ дедилар: «Бу отанг, бу эса онанг. Улардан истаганини қўлидан ушла». Бола онасининг қўлидан тутди. Она боласи билан бирга кетди». Байҳақий Умарнинг болага ота-онасидан истаганини танлашга ихтиёр берганини ривоят қилган. Шунингдек Алининг етти ёки саккиз ёшдаги Аммора Жаромийга онаси ва амакисидан истаганини танлашга ихтиёр берганини ҳам ривоят қилган. Бу ҳадислар, агар ота-она ўз фарзандларини таллашиб қолсалар, болага ихтиёр бериш вожиблигига очиқ далолат қилади. Бола уларнинг қай бирини танласа, у билан бирга бўлади. Абу Довуднинг ривоятида келган «қуръа ташлаш» Насойининг ривоятида ҳам, бошқа ривоятларда ҳам келмаган. Шунинг учун бу ривоят бола ота-онадан бирини танламаган ҳолатга талқин қилинади. Танлаш муайян ёшга чеклаб қўйилмайди. Буни мутахассисларнинг хулосасига биноан ҳоким белгилайди. Агар мутахассислар «Бола кафолатга, яъни боқувга муҳтож эмас» десалар ва ҳоким бунга қаноат ҳосил қилса, болага ихтиёр беради. Акс ҳолда болани боқишга ҳақли бўлган шахс (она) ҳузурида қолдиради. Фарзандларнинг ҳолати турлича бўлишига қараб бу муносабат ҳам турлича бўлади. Бола гоҳо беш ёшидаёқ кафолатга олинишдан беҳожат бўлади. Бошқа бола гоҳо тўққиз ёшда ҳам кафолатга олинишдан беҳожат бўла олмайди. Шу туфайли боланинг кафолатга олинишга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги жиҳатидан унинг воқелигига эътибор берилади.

ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК

Қабила-уруғчиликка тарафкашлик қилиш (асабият) Ислом Уммати фарзандлари ўртасидаги робита бўлиб қолмаслиги ва мусулмонларнинг алоқаларига ҳукмрон бўлиб олмаслиги учун Аллоҳ Таоло жоҳилий тарафкашликдан (жоҳилий асабиятдан) қайтарган. Лекин қариндош-уруғлар билан боғланишга, уларга яхшилик қилишга буюрган. Ҳоким ва Ибн Ҳиббон Ториқ ал-Мухорибий орқали келтиришганки, Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«يَدُ الْمُعْطَى الْعُلْيَا، وَابْدَأُ بِمَنْ تَعُولُ، أُمَّكَ وَأَبَاكَ وَأُخْتِكَ وَأَخَاكَ، ثُمَّ أَدْنَاكَ أَدْنَاكَ»

«Инфоқ-эҳсон қилувчининг қўли олийдир. Инфоқ-эҳсонни қарамогингдаги кишилардан бошла: онангга, отангга, опангга, ака-укангга ва (булардан) кейинги яқинларингга, яқинларингга». Абу Бакр қизи Асмо ﷺ айтадики:

«أَتْتَنِي أُمِّي وَهِيَ مُشْرِكَةٌ فِي عَهْدِ فُرَيْشٍ وَمُدَّتْهُمْ إِذْ عَاهَدُوا النَّبِيَّ ﷺ مَعَ ابْنِهَا فَاسْتَفْتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ: إِنَّ أُمَّي قَدِمَتْ وَهِيَ رَاغِبَةٌ أَفَأَصِلُهَا. فَقَالَ: نَعَمْ صِلِي أُمَّكَ»

«Қурайш Пайгамбар ﷺ билан аҳд тузган даврда ҳузуримга онам келди. У мушрика эди. Пайгамбар ﷺ дан фатво сўраб: «Онам қизиқиб келибди, у билан алоқа қилайми?», дедим. Ул зот: «Яхши, онанг билан алоқа қил», дедилар» (муттафақун алайҳ).

Ислом қариндошларни икки қисмга бўлади. Биринчиси - агар шахс ўлса унга меросхўр бўлиши мумкин бўлган яқинлари. Иккинчиси - қариндошлари. Меросдан улушлари бор қариндошлар: соҳиби фарзлар (яъни, меросдан муайян улушга эга бўлган шахслар) ва асабалардир (асаба эракнинг ўғиллари ва ота томондан қариндошлари). Иккинчи қисмдаги қариндошларнинг меросда улушлари бўлмайди ва улар асаба ҳисобланмайдилар. Бундай қариндошлар ўн тоифадир: тоға, хола, онанинг отаси, қизнинг фарзанди, опа-сингилнинг боласи, ака-уканинг қизи, амакининг қизи, амма, она бир амаки (отанинг она бир ака-укаси), она бир ака-уканинг ўғли ва буларнинг ҳар бирининг давомчиси. Аллоҳ бу шахсларнинг бирортаси учун меросдан улуш ажратмаган. Лекин Аллоҳ барча қариндошлар билан алоқа қилишга ва уларга яхшилик қилишга буюрган. Жобир Пайгамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«إِذَا كَانَ أَحَدُكُمْ فَقِيرًا فَلْيَبْدَأْ بِنَفْسِهِ فَإِنْ كَانَ لَهُ فَضْلٌ فَعَلَى عِيَالِهِ فَإِنْ كَانَ لَهُ فَضْلٌ»

فَعَلَى قَرَابَتِهِ»

«Бирорталарингиз камбағал бўлсангиз, (садақани) ўзидан

бошласин. Агар ортиқчаси бўлса оиласига берсин. Яна ортиқчаси бўлса қариндошларига берсин». (Ибн Ҳиббон ва Ибн Ҳузайма келтирган). Абу Айюб Ансорий ривоятча, «Бир киши келиб сўради:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ. فَقَالَ الْقَوْمُ: مَا لَهُ، مَا لَهُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَرَبُّ مَا لَهُ. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: تَعْبُدُ اللَّهَ لَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِي الزَّكَاةَ وَتَصِلُ الرَّحِمَ»

«Эй Расулulloҳ, мени жаннатга олиб кирадиган амал ҳақида хабар беринг!». У ердаги одамлар: «Унга нима керак экан», дейишди. Пайгамбар ﷺ: «Унинг эҳтиёжи бор экан», дедилар, сўнгра айтдилар: «Аллоҳга ибодат қиласан, Унга бирон нарсани шерик қилмайсан. Намоз ўқийсан, закотни адо этасан, қариндош-уруғлар билан алоқа қиласан». (Бухорий ривояти). Бу ва бундан бошқа ҳадисларда зикр қилинган қариндошларга алоқа қилишдан мурад яқин қариндошларми ёки шахснинг барча қариндошларими - бу баён қилинмаган. Ҳадисларнинг зоҳиридан умумийлик кўриниб турибди. Демак, у барча қариндошларни - маҳрам ва номаҳрамларини ҳам, ҳақиқий (асаба) ва ҳақиқий бўлмаган қариндошларни ҳам ўз ичига олади. Чунки уларнинг ҳаммасига қариндошлар деган сўз тўғри келади. Қариндошлар билан алоқа қилишга оид бир қанча ҳадислар бор. Расулulloҳ ﷺ деганлар:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعُ رَحِمٍ»

«Қариндош-уруғлари билан узилиб кетган одам жаннатга кирмайди». (Муслим келтирган). Анас ибн Молик Расулulloҳ ﷺдан ривоят қиладики:

«مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُسَاطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ وَيُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ»

«Кимки ризқи улуг ва умри узун бўлишини хоҳласа, қариндош-уруғлари билан алоқа қилсин» (муттафақун алайҳ). Абу Ҳурайранинг ривоятига кўра, Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْخَلْقَ حَتَّى إِذَا فَرَّغَ مِنْ خَلْقِهِ قَالَتِ الرَّحِمُ هَذَا مَقَامُ الْعَائِدِ بِكَ مِنْ الْقَطِيعَةِ قَالَ نَعَمْ أَمَا تَرْضَيْنَ أَنْ أَصِلَ مِنْ وَصَلِكَ وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكَ قَالَتْ بَلَى يَا رَبُّ»

قَالَ فَهُوَ لَكَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَأَقْرَأُوا إِنِ شِئْتُمْ ﴿فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ﴾»

«Аллоҳ бутун махлуқотни яратишдан фориг бўлгач, раҳм (бачадон) айтди: «Қариндошлик алоқаларининг узилишидан асрапингни тилайдиганнинг жойи ҳали шу бўлдими?». Аллоҳ деди: «Сенга боғланганга боғлансам, узилгандан узилсам рози бўласанми?». Деди: «Ҳа розиман». Аллоҳ деди: «Бу (ваъдам) сенга!». Сўнг Расулуллоҳ ﷺ: «Истасангиз, бу оятни ўқинглар», дедилар: «*Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар*». [47:22]. (Муттафақун алайҳ, лафзи Бухорийники). Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«لَيْسَ الْوَأَصِلُ بِالْمُكَافِي، وَلَكِنَّ الْوَأَصِلُ الَّذِي إِذَا قَطَعَتْ رَحْمَهُ وَصَلَهَا»

«Қариндош-уруғчиликни боғловчи — қариндошлари алоқа қилса у ҳам алоқа қиладиган одам эмас, балки қариндошлари алоқани узса уни боғлайдиган одам». (Бухорий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган). Буларнинг барчаси қариндошлар билан алоқани мустаҳкам ушлаб туришга тарғибдир. Қариндош-уруғчилик Исломиё жамоат ўртасида боғланиш ва ўзаро муҳаббатга ва қариндошлар бир-бирлари билан боғланишига, ўрталарида ўзаро ҳамкорлик бўлишига доир Аллоҳ нечоғли қонунлар тузиб берганини кўрсатади. Шунингдек, эркак билан аёлнинг жамланиши ва бу жамланишдан пайдо бўладиган ва ундан келиб чиқадиган алоқаларни тартибга солишга шариат нечоғли эътибор берганини кўрсатади. Демак, жамияттаги ижтимоий жиҳат учун қонун қилиб белгилаган ҳукмлари билан Исломиё шариат инсон учун энг яхши ижтимоий низомдир.

